

**Лев Василевский**

**ГРИГОРИЙ  
ГРАНДЭ  
ЖАСОРАТИ**



**(Хотира-қисса)**

**Холбек Мухторов таржимаси**

**ЎЗБЕКИСТОН ЛІКСМ МАРҚАЗИИ ҚОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1976**

**Василевский Лев.**

Григорий Грандэ жасорати.  
(Хотира — қисса) X. Мухторов тарж.  
Т., «Ёш гвардия», 1976.  
216 б.

**Василевский Лев.** Испанская хроника Григория Грандэ.

P2

**ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНӢ**

Сиз сабиқ чекист Лев Василевскийнинг «Григорий Грандэ жасорати» деб номланганай хотира-қиссаси орқали таниқла со-вег разведкачиси Григорий Сироежкишининг мардоиавор ҳаёни билан танишасиз.

Қиссада асосан Григорийнинг чет эл разведкаси агентли-рига қарши олиб боргани кураши ва 1936—1939 йилларда ис-пан халқининг диктатор революцион урушда кўрсатган жасо-ратлари ҳакида, ғизийарли ҳикоя қилилади.

B  $\frac{70803-445}{356 \ (06)-76}$  77-78

© «ЁШ ГВАРДИЯ», 1976.

## КИРИШ СҮЗИ ҮРНИДА

Мен Съерра-де-Гваларрама тоғларида, «Улук хотин» деган ғалати номли чүққида түширилган суратни энг қимматбаҳо ёдгорлик сифатида сақлаб келмоқдаман. Бу бундан қирқ йил муқаддам Испанияда, испан халқининг 1936—1939 йиллардаги миллий революцион уруши даврида түширилган эди. Бу суратда тасвир этилган етти кишидан менга фақат учтасининг тақдир маълум. Уларнинг ҳам иккаласи аллақачонлардан берни тириклар орасида йўқ; Испанияда Григорий Грайдэ деб аташгани менинг унуттилмас дўстим Григорий Сироежкин ва 1952 йилда Мадриднинг Карабапчель қамоги қийлоқхонасида гаррота<sup>1</sup> билан бўғиб ўлдирилган отрядимиз комиссари испан Галарс Перес Перегрин ҳам орамизда йўқ. Гарчи ўйиндан чиққан бўлсан-да, ҳозирча фақат мен тирикман.

Испанияда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келгани минглаб кўнгилли-антифашистлар каби биз жанг қилгани республика армияси сафида тақдир мени Григорий Сироежкинга дуч қилди. У ерда унинг ҳаётининг охирги икки йили ўтганди. У ерда биз биргаликда испан халқи

---

<sup>1</sup> Гаррота — бўғиш йўли билан қатл қиласидиган қурол.

ўзининг бир миллион фарзандидан жудо бўлган урушнинг чўгдек йўлларини босиб ўтгандик.

Урушдаги киши ҳаёти хавф-хатар, таваккал ва шу каби нарсалар билан тўлиб-тошган бу икки йил хотиралар китоби учун истагандан ошиғича етиши мумкин эди.

Гарчи мен Григорий Сироежкини шахсан танимаган, у билан учрашиш хаёлимга ҳам келмаган бўлса-да, унинг Испаниядаги урушгача қилган пшлари ҳақида авваллари кўп мартараб эшигандим. Испанияда икки йил уруш даврида биргаликда кечирилган барча воқеалардан сўиг мен унинг, ҳатто разведкачи ҳаётида камдан-кам учрайдиган ўтмишини пазардан четда қолдиришим мумкинмиди?

Шунинг учун ҳам мен бу ерда Григорий Сироежкининг ҳали Испаниядаги урушгача бўлган қаҳрамонона ҳаётида юз берган баъзи бир ҳодисалар ҳақида ҳикоя қўймоқдаман. Чунки бу ҳодисалар — бир бутун нарсанинг бўлаклариdir.

Ўтмиш ўлмайди, у доимо бизда яшайди. Менинг онгимда Испания чуқур из қолдириди. У ҳақдаги хотиралар ҳеч қачон эсдан чиқмас, ҳатто халқимиз ҳаётида шунчалик улкан воқеа ҳисобланган Улуғ Ватан уруши ҳам 1936—1938 йилларда юз берган барча нарсаларга унущиши пардасини ёполмади. Вақт ўтиши билан хотиралар менинг ҳаёлимга янги куч билан сузиб чиқишади, оламдан кўз юмган дўстларим—сафдошларим сиймолари доимо мени чулғаб олади. Бу воқеаларни биргаликда бошдан кечирган кишилар, ўша давр ҳақида ёзиш истаги менга бу китобни ёзаётганимда улкан илҳом кашф этди.



## ҲАММА НАРСА АВИАЦИЯДАН БОШЛАНДИ

Менда ҳамма нарса авиациядан бошланди. «Комсомол, самолётга!» деган қанотли шиор 30-йилларда биз ёшларнинг кўпчилигимизни мафтун этган ва энг эзгу истакларимизни ифодалар эди. Ўша йиллари мен чегарада хизмат қўллардим. Авиацияга нисбатан уйғонгани қатъий интилиши мени ҳам бутунлай қамраб олганди: мен самолётлар ҳақида алаҳлардим, училлар эса ҳар кечга тушибмага кириб чиқарди. Афтидан, «қидирган киши то-пади» деган сўзлар кўп ҳолларда амалга ошига керак. Шароит ҳам менга қулай келди. Ўша пайтда «Динамо» спорт жамиятини мамлакатнинг йирік шаҳарларида дастлабки авиация мактабларини тузасетган эди. Ҳарбий учувчи бўлишга жиҳдий қарор қилиб мен ҳам ана шундай мактаблардан бирини тугатдим.

Мактаб бошлиғи ва мени учишга ўргатган инструктор, кекса рус учувчиси Иван Иванович Егоров эди. У хаёлпараст, ўз ишининг завқ-шавққа тўлган ташаббускори эди. Келиб чиқиши бурунги ҳарбий оиласдан бўлган Егоров чор армияси командирларининг биринчи кунларданоқ революцияга қатъий келиб қўшилганлар ҳамда гражданлар уруши йилларнда кўп фронтларда жаңг қи-

либ, уига сидкүйдиллик билап хизмат қылғаллар қаторида бўлди.

«У—2» ўқув самолётида қйлган биринчи учишимиз бир умр эсимда қолди. Биз 600 метрлик баландликка кўтарилиганимизда Егоров менга гаплашиб канали орқали: «Азизим, ручкани ушла ва самолётни тўппа-тўғридан ҳайдашга уриниб кўр. У билан севимли қиз каби одоб ва меҳрибонлик-ла «сиз» деб муомала қилгин!»— деди ва бу жумлани у, негадир, инглизча такрорлади.

Орадан қандайдир вақт ўтгач мен Москвага командирсвкага жўнатилдим. У ерда ҳарбий-ҳаво академиясининг оператив факультети ҳузуридаги бошлангич состав малака ошириш курсини тутатдим. Сўнгра, 1936 йилининг бешинча Шарқий чегара округидаги маҳсус авиация қисмининг командир-комиссари қилиб тайинландим. Шундай қилиб, мен кенг хитой вилоятининг Синьцзян чега-расига келиб қолдим.

Бизнинг унча катта бўлмаган авиаация шаҳарчамиз Олатовнинг Залий тизмалари этагидаги қадимий чегарада жойлашган эди. У тогнинг қорли чўққилари жануб қуёшининг пурлари остида деярли йил давомида ярқираб турарди. Шимолда улкан Балхаш кўлига қадар 100 километрларча масофада саҳро чўзилиб ётарди.

Биз доимо кучли шамол эсадиган Жунгар дарвозалари орқали шарққа тизмадек интилган баланд қорли тоглар, баҳайбат музликлар ва катта кўллар устида учардик. У ернинг ҳавоси энг майда гранит гарди билан тўлиб-тошган ва кимнингдир улкан қўли бу шафқатсан юрга худди юпқа, ялтироқ парда ёспиб қўйгандек туяларди. Жунгариянинг абадий шамоллари оша бу сўқмоқлардан кимлар юрмаган дейсиз! Мўгул истилочила-ри, венециялик довюрак Марко Поло, рус саёҳатчилари Пржевальский, Козлов... Босқинчиларнинг кўхна йўллари бу ердан ўтар ва ҳар бир тош қадимий афсоналарни сақлаётганга ўхшарди.

Авиацияяга хос бўлган саргузаштли ва хавф-хатарли ҳаёт қизиқарли ўтар эди.

Испанияда уруш бошланиши биланоқ енгиб бўлмас куч мени у ёққа тортди. Бу узоқ мамлакат ҳақидаги тушунча фақат ўқилган китоблар, жумладан, Сервантеснинг «Дон-Кихот» асаридан олинган таассуротлардан иборат эди. Шунинг учун ҳам у романтик донг билан қопланган эди. Лекин ҳақиқат устунлик қилди. Фашизмга қарши қурол билан курашиш истаги мени Испанияга жўнатиш ҳақидаги рапортимга тоқатсанзлик билан жавоб кутишга қистарди. Баҳтимга уччалик кўп кутмадим. Икка ҳафтадан сўнг Москвадан мени командировка қилиш ҳақида фармойиш келди.

Шундай қилиб, мен Испаниянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жанг қилаётган курашувчилар қаторига қўшилиш ниятида жўнаётган совет кўнгиллilarи сафидан жой олдим.

Испанияга жўнашдан олдин Москвада бўлган саноқли кунлар давомида кутубхоналарда ўқилган нарсалар ниҳоятда қизиқарли ва ўзинга жалб қилувчи тарихга эга бўлган бу мамлакатга менинг қизиқишим янада ошиди. Энди бўлса биз мана шу ерда фашизм билан юзма-юз учрашишимиз керак эди.

## ВАЛЕНСИЯДАГИ УЧРАШУВ

Биз Испанияга темир йўл билан гитлер германияси ва Франция орқали кетардик. Германиянинг ҳар хил тоифа ва муассасаларига оид нацист амалдорларининг диққатини айниқса менинг испан ижозат белгиси бўлғаи қизил паспортим, Жануб қуёши таъсирида анча қорайган башарам ва гражданлик кийинми кийиб юришга ўрганмаган кўринишм жалб қилди. Бироқ ўша лайтда навбатдаги жаҳон виставкаси ўтказиллаётган Францияда ва Парижда менга ва менинг ҳамроҳим—радистга ҳеч ким ётиборм ҳам бермади. Шунинг учун ҳам биз ўзимизни бу

шаҳарни доимо тўлдириб юрувчи сайёхлар каби эркин ҳис этдик.

Мана, ниҳоят охиригина француз станцияси — Сербер. Бу ерда Пиреней денгиздаги қояли бурун туфайли бўлинниб турди. Ундан кейин эса Испания. Унга борадиган йўл деярли станциядан бошланадиган қоронги туннель орқали ўтади. Мен озодагина вокзалнинг перронига чиқдим. Уртаер денгизи қирғогида жойлашган кичкинагина шаҳарчани уч томондан тоғлар қуршаб турарди. Вокзал ресторанининг очиқ ойналаридан иштаҳани келтирадиган ҳид келарди.

Сокин француз ери бегам осойишталик билан нафас олса-да, ундан кейинги қояли тоғлар ортида уруш авжига чиқсан.

Испанияга борадиган поездни яна бир неча киши кутарди. Биз каби бу одамлар ҳам фашизм билан жанг қилиш учун кетаётганлиги билиниб турарди. Ҳужжатларни текшираётган икки француз жандарми бизга совуқлик ва шубҳа билан қарапди. Ҳаёлимни чўзиқ ҳуштак овози бўлди. Секин ўтаётган паравознинг пишиллаши ва вагонларнинг тарақ-туруғи эшитилди. Кичик паровоз туннелдан анча эскирган вагонни тортиб чиқди ва платформа четига келиб тўхтади. Пассажирлар унчалик кўп эмасди. Поезд ортиқча ушланмасдан орқасига қайтди ва тезлика туннель қоронгилигига шўнғиб кетди. Бир неча дақиқалик зулматдан сўнг устимизда яна порлоқ қўёш кўринди. Ҳаво ҳужуми натижасида кучли жароҳатланган томи, ойнали станция биноси бўм-бўш эди. Бу ерда Серберрадагидек ёғли булка нонлар ҳиди таралмасди. Деворларда Испанияга поездлар лиқ тўлиб чет эл саёҳатчиларини олиб келган дамлардан қолган рангбаранг плакатлар осилиб турарди.

Вокзал тогнинг қояли ёнбағрида кесилган майдончада эди. Ундан балиқчилар қишлоқласига тош-тахталитик йўлакча орқали бориш мумкин. эди. Бизни Портбу станциясининг ифлос перронид фақат бир киши, стан-

ция навбатчиси кутиб олди. Биз ундан Барселонага поезд кечқуруп соат еттиларда кетишини билди олдик. Ҳозир эса соат эрталабки ўн, демак унгача ҳали анча вақт бор эди.

Менинг ёнимга камгап ҳамроҳлар келишди. Улар етти киши — иинглиз Даниэль (у кейин Брунете ёнидаги жаңгда ҳалок бўлди), икки латиш — Вилли ва Герт (улар II-интернационал бригадага тушишди, мен уларни охириги марта Гвадалахара ёнидаги жаңгда кўрган эдим) ҳамда тўрт болгардан иборат эди. Гарчи биз бир-биrimizini танимасак-да, ўртамизда дастлабки дўстлик туйгулари пайдо бўлганди. Биз ойна синиқларига тўла, сувоқ билан қопланган перрон орқали станциядан чиқиб, пастга томон йўл олдик. Деразалари эгилган панжара-лардан иборат бўлган оддий уйлар юз йиллар давомида тургандек, сийқаси чиққан тош-тахталар эса босқинч маврлар замонидан қолгандек туюларди.

Пастда эса тишлик қоялар билан ўралган кичкинагина қўлтиқча худди гардишли ойнадек ялтираб турарди. Фақат Жанубдан очиқ денгизга чиқадиган торгина жой кўринниб турарди. Қоядаги харсанг тошлардан кесилгап кемалар тўхтайдиган жойда балиқчилар қайиқлари тиқилиб туришарди. Кўча охирда, нишаб қирғоқ этагида кекса пиния<sup>1</sup> ўсаётган квадрат фонтанли кичкинагина майдонча бор эди. Япалоқ шохли пиния тагила эгри оёқли столлар қўйилганди. Гўёни танишга ўхшаган бу оддий теварак-атрофдан жозибали гўзаллик бўй уфуриб турарди.

Майхона хўжайнини, кекса испан бизни «Буэнос диас, сеньорес!»<sup>2</sup> деган хитоб билан қарши олди. Қора берет, кенг оқ кўйлак ва қора шарф билан ўралган балиқчилариниг брезент иштони унга жуда ярашганди.

<sup>1</sup> Пиния — итальян қарагайи.

<sup>2</sup> Буэнос диас, сеньорес! — Хуш келибсиз, сеньорлар! (испанча).

Олдимизга иккита стол суриб қўйишиди. У қўли билан столнинг тирналган тахталарини суртиб бизга вино, балик ва мевалардан таклиф қилди.

Бизлардан кимdir биринчи марта ўзининг камтаргина испан сўзлари бойлигидан фойдаланиб «муй бъен!»<sup>1</sup> деб жавоб берди.

Овқат кутиш арафасида биз индамай атрофга қарапдик. Биз деярли бир-биримизни тушуммас, ҳали биргаликда бошимиздан азоб ҳам, шодлик ҳам кечирмагандик. Ҳар ким ўз хаёли ва ҳаяжони билан банд эди. Бу ерда ҳар бир нарса бизга ғалати туюларди. Лекин айни бир пайтда бу нарсалар барчаси Испания халқининг баҳт-саодати учун жанг қилгани келганилигимиз, агар тўғри келса бу ерда ҳалок бўлишимиз мумкинлиги туфайли бизга яқин ва қадрдондек кўринарди.

Кўрфаз суви ҳаракатсиз турар, денгизнинг кучли ҳиди таралар, чинқироқ чайкалар учнб юришарди. Қояларнинг у ер-бу ерида пиниялар ўсар, уларнинг қора-кўк сояси булутсиз тунда аниқ кўриниб турарди. Бу нарсаларга қараш ва жимгина ўтириш кишига жуда ёқарди.

Майхона эшигининг қора қопқасидан хўжайин чиқди. У икки графин хира-қизил вино олиб келди ва қора сингара чеккан ҳолда менинг ёнимдаги ўриндиққа ўтирди. Тиззасига шапатилаб «интернационалист?» деб сўради. Мен бошимни иргадим. Испан дўстларча жилмайиб ва чўзиб «камарада!»<sup>2</sup>—деди. Орадан бир неча минут ўтгач, бир қиз ёғоч баркашда сабзавот ва қайнайётган зайдун ёғида вижиллаб турган қовурилган балиқ парчалари солинган това олиб келди. Ҳамма овқат ейишга киришиди ва устидан тишини қамаштирадиган нордон вино ичиб туришиди. Қуёш анча юқорига кўтарилганди. Соялар қоялар ортига ўтганлиги сабабли қўлтиқча жуда яхши кўриниб турарди. Овқат еб бўлгач, ҳамма роҳат қилиб чек-

<sup>1</sup> Муй бъен — жуда яхши (испанча).

<sup>2</sup> Камарада — ўртоқ (испанча).

ди. Майдонга бурчакдан икки киши чиқиб келди. Ярқираган сочлари орқага тараған нозиккина йигитшинг кўк-сида гитара осилганди. Унинг елкасидан баланд бўйли, юзи ҳаракатсиз кўр чол тутиб турарди.

— Буэнос диас, сеньеорес! — деди ёш йигитча. Чол эса акс садодек бу табрикни такрорлади. Гитарачи стулга ўтиргач, енгилгина ҳаракат билан торларни чертди. Гитара ичида сокин овозлар туғилди, созанда эса уни кафти билан босиб қўйди. Чол унинг орқасига ўтди. У билинар-билинмас ҳаракат билан гитарачи елкасига туртиб қўйғач, машвоқ ўз ҳунарини кўрсата бошлади. Ноznик, чаққон бармоқлар тезлик билан торларни чертар, атрофга эса оҳанг тараларди. Гитарачи кириш қисмини тугатаркан, торларни кафти билан босиб, охирги садоларни узиб қўйди ва шундан сўнг чол ўз ашуласини бошлади. Унинг овози босиқ, лекин ёқимли эди. Ашула куйи гамгин, сўзларини тушунмаганлигимиз учун у бизга фалати туюларди.

Атрофга қишлоқ аҳолиси тўпланди. Танафус пайтида улар нотаниш, оҳангдор «оле!» сўзини такрорлашарди. Бу эса ашулани тўлдирава уни маъқуллагандек туюларди. Чол ашуласини тугатгач, биз уларга вино келтирдик. Кўр киши секин ичиб яна гитарачига имо қилди. Энди у рақсга тушадиган ашулани ижро этарди. Гитара шўх жаранглар, созанда бармоқларининг учи билан деқага<sup>1</sup> чертиб қўяр ва бизга раққослар пошнасининг тақиллаган овози эшитиларди.

Уша кунни биз балиқчилар қишлоғининг кичиккина майдончасида анча ашулаларни тингладик. Кечга яқин станцияга секин кўтарилаётганимизда, энди бутун мамлакат бизга таниш ва яқиндек сезиларди.

Барселонага биз тунда, вақт хийла кеч бўлганда келиб тушдик. Катта шаҳар қоронғи қилиб қўйилганди.

<sup>1</sup> Дека — торли музика асбобларининг овозини кучайтирадиган қопқоги.

Чунки бу ерда уруш кетар ва яқиндагина ўчирилган ён-финларнинг куюк ҳиди келиб турарди. Шаҳарни Балеар оролларидан учиб келишаётган италия самолётлари бомбардимои қиларди.

Биз кунни Барселонада ўтказиб, кечаси яна йўлга тушдик. Бу сафар ажойиб йўлдан автомашинада кетардик. Олдинда Валенсия. Қадим ўтмишда соҳил бўйидаги бу йўл орқали хотлар, оғир Рим легионлари ўтишгани, маврлар тулпорлари чопишган. Мана Рим ҳукмроилиги — қандайдир император шарафига ўрнатилган зафар пештоқи изи, мана сув қувурунинг улкан устуни. Чапда — илиқ Үртаер денгизи, ўнгда поёни йўқ хушбўй апельсин боғлари, ундан кейин эса унчалик баланд бўлмаган тоглар тизмаси.

Валенсияга яқинлашгач биз шаҳар устида Италия бомбардимончи самолётларини кўрдик. Бўғиқ портлашлар, зенит қуролларининг узлуксиз отишмалари эшитиларди. Снарядларнинг сон-саноқсиз ёрилишлари натижасида осмонни оқ булатчалар қоплаганди. Қаерданadir жанубдан республика қирувчи самолётлари пайдо бўлиб, итальянларни ҳайдаб юборишли. Бизлар эса уларнинг учишига қараб, ўз йўлимизда давом этдик. Валенсия кўчаларида аҳоли анча кўпайган, чинқириб санитар автомашиналари ўтарди. Хиёбоннинг дабдабали, баланд пальмалари тагида фронт йўлида бомбардимон устидан чиқиб қолган катта юк автомашиналари ухлаётган филдик туришарди.

Шофёр мени совет ҳарбий маслаҳатчилари жойлашган «Мажестик» меҳмонхонасига олиб келиб қўйди.

Григорий Сироежкин билан ҳам мен шу ерда танишдим.

Унинг кўэқарашлари тўхтовсиз ўзгариб туриши мени дарҳол ўзига жалб қилди. Гоҳо шўх, гоҳо ўйчан, баъзида болаларникидек содда бўлган бу қарашлар мени қизиқишига мажбур этди. Қуюқ малла сочли, худди гранитдан кесилгандек мардонавор юзли, баланд бўйли ва

кенг елкали бу киши овозини шамоллатиб қўйғандек бирмунча босиқ оҳанга гапиради. У ўзини содда ва камтар тутар, ундаги қандайдир уятчаник, уни янада жозибали қиларди.

Сироежкин испан республика армиясининг 14- партизан корпусида катта маслаҳатчи, мени эса унинг қаромогига тушган эдим. Армиядаги тартиб-интизом кишига ҳарбий хизмат давомида сингиши туфайли мен Валенсиянинг «Мажестик» меҳмонхонасидағи ҳашаматли хонада янги бошлиғим билан гаплашгаида ўзимни апча ноқулай сезардим. Чунки бундан илгари худди шундай вазиятда бошлиқлар билан учрашиш тўғри келмаганди.

Менинг олдимда ўтирган киши кул ранг шим ва кўйлак кийгаи, ўзининг ҳарбийларга хос бўлмаган оддий кийиниши билан ажралиб турарди. Сироежкининг ташқи кўрпиниши эса унинг корпус маслаҳатчиси деган лавозимига ҳечам тўғри келмасди.

Испанлар уни Гриша Грандэ — Катта Гриша деб аташарди. Бу тахаллус унинг ватандош ўртоқлари орасида ҳам тарқалиб кетди.

Катта мансабга эга бўлган бу кишининг манманлик қилмаслиги, ташқи аломатларга мутлақо эътибор бермаслиги, ҳамма билан оддий гаплашиши ва бирор ҳаракати билан ўзларининг бурунги қирол армиясидаги генералларга ўхшамаслиги испанлар учун ақл бовар қилмайдиган нарса эди.

Сироежкин ўзининг ҳамишаги гражданча кийимида уйидан бир неча минуттагина чиққан одамга ўхшарди. Калта камзули ва катта калибрли тўппончасини қўл гранаталари ётадиган автомашинада қолдиради, уларнинг запалларини эса донмо портсигар ёки унча катта бўлмаган сафар қутисига солиб юрарди. «Валтер 7,6» номли бошқа бир тўппонча шимининг орқа чўнтагида турарди. Бу ўқ узадиган «ўйинчоқни» жангда жиддий қирол, деб ҳисобланishi амримаҳол эди, албатта!

Құрқас разведкачи Григорий Сироежкинни биринчى марта Испанияда учратгунга қадар мен унинг шавкатли ишлари ҳақида эшитишга мұяссар бўлгандим. Унинг номи атрофида афсоналар юради. Энди эса мен мутлақо «афсонавий» бўлмаган киши олдидা турардим.

Сироежкин мен білган гапни бошлашдан олдин худди мўлжалга олаётгандек икки марта қараб қўйди. Кейин чўнтағидан анча ишлатилган ёзув дафтарини чиқариб варақлади ва қарамасдан:

— Демак, сен авиация қисмига командирлик қилгансан, шундайми? Бироқ бу ерда сенга учиш тўғри келмайди. Ҳа, тўғри келмайди... — Жим тургач, яна дафтарини варақлаб давом этди: — Испанияга кўнгилли учувчиларни юборишиди ва ярим йил ўтгач алмаштиришиди. Албатта, омади келган ва бу ерда қолишини истамаганларни... Шундай... Уруш! Сен фақат учувчи, чегарачи эмас, балки оператив ходимсан. Бу ерда шундай кишилар ҳам жуда керак.

Мен жим туардим. Аммо Испанияда учиш, жанговар учувчилик тажрибасига эга бўлиш, ҳавода фашистлар билан куч синаб кўришни жуда хоҳлардим. Бу ҳақда Сироежкинга тўғридан-тўғри айта қолдим.

— Бу масала уйда ҳал қилинган ва унн бу ерда ҳеч ким қайтадан қараб чиқолмайди. Сен тажрибали кишисан, йигирма ўнда эмассан... Қалай, розимисан? — деди ва ўзининг саволига ўзи кулиб қўйди.

Менинг розилигим ҳақидаги масала, албатта, фақат ҳазил тариқасида бўлиши мумкин эди. Чунки фақат ҳавода жанг қилиш имкониятидан маҳрум бўлганлигим учун уйга қайтишим мумкин эмасди.

Сироежкин юзимдаги умидсизликни кўриб столдан пиво солинган кўзачани олди ва иккита стаканни тўлдирив:

— Пиводан ич, бугун кун жуда иссиқ бошланаяпти, — деди.

Кутилмаганда у менга болалардек күз қисиб қўйди.  
Менда эса бирдан азалдан танишлик ва дўстлик ҳисси  
пайдо бўлди.

— Разведкачи-қўпорувчи интернационал отрядга ко-  
мандирлик қилиш учун Мадридга боришни истайсан-  
ми? — деб тўсатдан сўради Сироежкин. — Испанлар бу  
отрядларни «герильерос», бизнингча партизанлар деб  
юритишади, — деди. Охиригача чекилмаган сигаретни  
ўчириб, қўшиб қўйди: — Улар у ёқда, — унинг қўл ҳа-  
ракати гап душманнинг орқа томони ҳақида бораётган-  
лигидан шубҳа қолдирмасди. Сингапурги, сўнгра нотўғ-  
ри битганлиги учун бўлса керак, унинг ўнг қўли охири-  
гача букилмас эди.

Сирасини айтганда, Мадрид ҳамма жиҳатдан кўп-  
чилик боришни орзу қилған жой эди. Чунки испан  
пойтахтининг қаҳрамонона мудофааси ҳақида бутун дунё  
галирарди.

— Бу энг хавфли жой,— давом эттириди у.— Кечаю  
кундуз бомбардимон қилишади, артиллериядан отишади.  
Мадридда ухлаш ҳам қийинроқ...

— Розиман, — дедим мен.

Григорий менга маъқул дегандек боқиб, япа пиводай  
қўйли ва худди эски ташишлардек:

— Авиация билан хайрлашиш қийин, лекин бизнинг  
ишимиз ҳам ёмон эмас. Шундайми? Гражданлар уруши  
даврида мен бир учувчини билардим. Жуда эпчил учувчи  
эди. Айтмоқчи, ўзиям чор армияси офицерларидан. Фами-  
лияси Иван Егоров, кичкинагина оққували, сариқ сочли  
киши...

Ё худо, у Иван Егоровни билар экан!

— Бу ахир менинг инструкторим, ўқитувчим. У менни  
учишга ўргатган,— дедим тезлик билан ва ҳаяжондан  
бўғилиб.

Сироежкин менга қизиқиш билан қараётгандек кў-  
ринди.

— Ана бўлмаса! Демак, сен Иваннинг шогирдисан. У

мақтаса арзийдиган одам, революциянинг биринчи кунлариданоқ биллар билан бўлди. 1920 йилда поляк фронтида, ўша даврдаги энг замонавий самолётларда учишган француз учувчилари билан курашган. Бизниклар қайта-қайта ямалтган «тобутларда» учишарди. Ана шу француз учувчиларидаи бирп уни бир марта уриб туширган. Егоров гарчи тишларининг ярмидаи ажралган ва башарасини дабдала қилиган бўлса-да, тирик қолди.

Бунақа гапларин Иван Ивановичнинг ўзидаи батафсил эшитган бўлсан ҳам Григорийнинг унинг ҳақидағи ҳар бир сўзига қулоқ солардим.

Ўша кунни биз бутуилай биргаликда ўтказдик. Тушки овқат пайтида Григорий Мадрид отрядининг аъзоларин ҳақида гапириб берди. Чунки у ular билан бир неча марта «у томонга» борган экан.

— Энди улар билан сен юрасан, — деди ва билинрабилинмас синовчан боқиш билан қараб қўйди. — У ерла сенинг ишончли ёрдамчнинг — ватандошинг Александр Рабцевич бўлади. Уни Испанияда «Виктор» деб юритишади. Кекса белорус партизани отрядда жангчилар билан бирга яшайди. Сенга эса барча совет маслаҳатчилари яшаётган «Гэйлорд» меҳмонхонасидаи жой беришади. У ерда ҳарбий алоқа йўли — телефон, радио бор. Мен сен билан доимо алоқада бўлишим мумкин. Албатта, зарурати келганда кечалари отрядда қолиб кетишнингга ҳам тўғри келади. Мадриддаги аҳволни биласанми, сенга қандай деб айтсан бўларкан? Унчалик ишончли ҳам эмас. Чунки, у ерда «Бешинчи колонна» жосуслари, анархистлар, троцкистлар ва шу каби ифлослар кўп.

## МАДРИД — ИСПАНИЯ ЮРАГИ

Мамлакатнинг бу географик марказига олиб борадиган етти йўлдан олтитаси шаҳар яқинида душман томонидан босиб олинган эди. Фақат Гвадалахара ва Сара-

гос орқали Францияга олиб борувчи француз шоссеси, аниқроғи унинг тўқсон километрча келадиган бир қисми республикачилар қўлида эди.

Ярим тунда «Дон Кихот» автори туғилган Алькала-де-Энарес шаҳарчаси орқали француз шоссесига чиқдик. Мадридгача йигирма беш километр қолганди. Текис йўл икстикка қараб кетарди. Грилаётгани снарядлар ёнишидан Мадрид билиниб турарди. Онда-сонда чироқлари ўчирилган машиналар учарарди. Биз шаҳарининг жимжит, қоп-қоронги кўчаларини орта қолдириб, унинг марказига олиб борадиган Алькала кўчасига ўтдик. Ретирио боғидан ўтганимиизда Григорий:

— Бу ерда зенит батареяси турибди, фашистлар ундан тез-тез ўт очиб турishади,— деди.

Худди унинг сўзиин тасдиқлаётгандек боғининг қайси бир ёнига бомба тушди. Бир минутдан сўнг биз Мустақиллик майдонидаги пештоқнинг ўнг томонидан айланниб ўтаётганимизда ундан чап томонда иккинчи снаряд портлади ва бир зум кичкинагина майдончани ёритиб юборди. Портлашниг гулдураган товуши бўм-бўш кўчалағда ўз акс-садосини қолдиради.

— Мадрид сени қутлаяпти, — деди кулиб Сироежкин менинг елкамга қоқиб, очиқ кўнгиллик билан, кейин шошмасдан: — Тезликда кўникиб кетасан, — деб қўшиб қўйди.

Ўрганиб кетишимга амин бўлсан-да, мени ҳамон бозватланиш ҳисси қўймас эди. Пештоқ кетида биз қирол Альфонс XI номидаги торгина қўчага бурилдик ва ҳарбий маслаҳатчилар учун ажратилган меҳмонхонага келдик. Та什қаридан у ҳеч ким яшамайдиган жойга ўхшаб кетарди. Унинг пардалар билан тўсилган ойналаридан ёруғлик кўринмасди. Унга кириш жойида, оғир мовутдан тикилган парда ортида ниқобланган зангори лампочка аранг ёртиб турган даҳлиз бор эди.

Ватандан йироқда юрган кишилар менга бирдан са-миумий кўришишлар ва ўз уй-ичлари ҳакидаги сон-саноқсиз саволлар билан ёпирилишиди.

Ушандаги биринчи оқшом ва тун бир умр хотирамда қолди. Кечки овқатдан сүңг столин шигиштириши, чироқни ўчириб, ойналарни очишиди. Мадрид қамал қилинган шаҳарга хос ҳаёт билан яшарди. Чунки фронт унинг гарбидаги, ўша даврда бутун оламга донғи кетган Карабанчель, Каса-де-Кампо ва университет шаҳарчаси каби жойларидан ўтарди. Вақт-вақти билан кварталларда снарядлар портлар, «Гэйлорд»дан бир километрча нарида, Мадрид фронтипинг қирол саройига яқин жойнда эса пулемёт отишмалари эшишлиб турарди.

Стол атрофида ўтирган ўртоқлар бу нарсаларга эътибор беришмай сұхбатни давом эттиришарди. Мен улардан Мадрид фронтидаги аҳволни сўрадим. Қўзголончилар Мадридга қарши ўзларининг «регулярес» ёки марокко корпуси деб аталувчи энг жанговар асосий қисмларини ташлашганди. Ундаги командирлик лавозимларини мустамлакачилик қўшинларида хизмат ўтаган испан-офицерлар эгаллашганди. Уларни «африканистлар» деб юритишарди ва улар испан армияси офицерларининг энг реакциони қисми ҳисобланарди. Ўша пайтда Мадрид ёнида «регулярес» корпусидан ташқари Франкониинг жаҳонининг кўп мамлакатларидан йигиб олган, қўпорувчи ва жиноятчиларидан иборат бўлган чет эл легиони туарди. Ўз юртида энг оғир жиноят қилиб, ҳақли жазодан қочгани ҳар бир қотил чет эл легионига қабул қилинади. У ўзини ҳар хил ном билан атаси мумкин эди. Чунки ундан бирон бир ҳужжат талаб қилинмасди. Беш йиллик муддатга хизмат қилиш ҳақидаги қоғозга имзо чекгач, у испан граждани ҳисобланар ва шундай қилиб ўзининг номаълум ўтмишини абадий, яшириб, яиги ном билан очиқ яшашга ўтарди. Испаниядаги Франко бошқарган чет эл легиони ёки терсио Мароккодаги қўзголонларни бостиришда қатнашган ва Бискайедаги испан шахтёлари ҳаракатларига қарши курашганди. Легионерлар ўзининг бераҳмлиги билан ажralиб турар, шима учун жанг қилястганиклари ва кимларининг маидаатини қўриқлаёт-

ғанликлари ҳақида ўйлаб ҳам ўтирасди. Легиондаги саккиз бандеранинг<sup>1</sup> номлари қўйидағида эди: «Хабали» (ёввойи тўнгиз), «Бургутлар», «Йўлбарслар», «Христос ва гуноҳсиз қиз», Гонсалво де Кордоба<sup>2</sup> хотирасига бағишилаб «Улуғ капитан», «Герцог Альба», «Валенсуэла» ва «Христофор Колумб».

Уларнинг шиори: «Легионер, курашга! Легионер, ўлимга! Яласин, ўлим!» каби сўзлардан иборат эди. Уруш уларнинг қўлинин ечиб қўйган, дунё уларга зеринкарли ва қашшоқ кўринарди.

Легионда қаттиқ шитизом ўринатилганиди. Алоҳида саралаб олинган испан офицерлари орасидаги оқсусякларга хос муносабат Испаниядаги бойлар ва камбагаллар ўртасида одат тусиға кирган муносабатга ўхшарди. Легион католик черковининг қаттиқ назорати остида турарди.

Чет эл легионидаги қотиллар бизга бу урушда тўқнашишга тўғри келган энг мудҳиш душманлардан эди. Мадридда ўтган ўша биринчи тунда легионерлар ва марокколиклар шаҳарга кириши мумкинлиги ҳақида ўйлардим. Ушанда ҳар эҳтимолга қарши тўппончани ёстиғим тагига қўйганлигим ва ечинимасдан ухлашга қарор қилинлигимини тап олиниш керак.

Григорий билан менга бўш хонани беринди. Мен ўзимининг яиги бошлигимга яширинича қараб қўярдим. У эснаб, шошилмасдан ечинар, киёнимларини эса тартиб билан тахларди. У менга ҳечам эътибор бермаётгандек туюларди. Ечиниб ётгач, девор томонга бурилиб кўрпани тортиди. Шундан сўнг ҳам ечинмай ўтиришини номаъқуллик ҳисоблаб мен ҳам ечиндим ва ётдим. Мадриднинг тунги овозларига қулоқ солиб анча пайтгacha ухлаёлмадим. Ўйғонаётгандан уйқу аралаш мен Григорийнинг ўғирлганини, бошини кўтариб менга қараганини кўрдим.

<sup>1</sup> Бандера — ҳарбий қисм (испанча).

<sup>2</sup> Гонсалво де Кордоба — испан лашкарбошиси.

У менга ўз чўчишларим уддасидан ўзим чиқиш имкониятини берди. Мен эса унинг бу хушмуомалалигини лозим даражада баҳоладим ва ундан сўнг ҳам унинг бу хусусиятига бир неча бор инондим.

...Эрталаб Гриша Грандэ мени шаҳар ёнидаги Лас-Вегасга эгалари ташлаб кетишган, кичкинагина боғларн ҳам бўлган иккита виллага<sup>1</sup> жойлашган отрядга олиб борди. Мен ундан отрядда қолишга рухсат сўрадим ва у ерда бир неча кун яшадим. Чунки одамлар билан танишиш керак эди. Ўша пайтда улар бир юз элликтacha эди. Жангчиларниг ярми — испанлар, асосан андалузалик ёлланиб ишловчилар эди. Улар ажойиб, жасур кишилар бўлса-да, бебошлик руҳи билан анчагина заҳарланишганди. Қолғаплар эса болгарлар, немислар, француэлар, инглизлар, американклар, канадаликлар ва уч латишдан яборат интернационалистлар эди. Улар ҳаммаси коммунист бўлиб, ўз ватанида махфий иш билан шуғуланишган, баъзилари эса узоқ вақт қамоқларда ўтиришганди. Улар андалузалик батраклар учун ҳарбий интизом намунаси ҳисобланниб, уларни қурол билан муомала қилишга ва ҳатто бошланғич хат-саводга ўргатишарди.

Сироежкин ўзи билан бирга ишлаган кишиларни ўзинга жалб қила билиш қобилиятига эга эди. Чет элликлар ва испанлар, жангчилар уни жуда севишарди. Гриша Грандэ улар учун намунали жангчи-коммунист, бенуқсон, адолатли киши эди. Улар айтганидек, «тўғрилик» намунаси эди.

Мени, айниқса, у билан унинг шофёри, фронтларда бирга юрадиган ёш испан Пако ўртасидаги муносабаг ҳайратда қолдирарди. Пако бошлиғи каби камгап одам эди. У фақатгина шофёр эмас, балки адъютант, жуда керакли ёрдамчи ҳам эди. Гарчи Григорий Испанияда бўлган даврида испан тилини ўрганишда унчалик ютуқка эриша олмаган ва доимо «пронто» яъни «тезроқ» сў-

<sup>1</sup> Вилла — шаҳар ташқарисидаги уй.

зини күп ишлатган бўлса-да, русча гапирмайдиган озғин, уятчан Пако уни жуда яхши тушунарди. Мен Сироежкин Пакога русчалаб қандайдир топшириқлар берганда у бошини қимирлатиб диққат билан тинглаганини ва сўнгра ҳар бир ишни ўз бошлиғи истаганидек бажарганини кузатиб ҳайратда қолардим. Григорий Сироежкиннинг ўз шофёри билан бўлгани муносабати Испанияда биринчи бор учрашишган чет элликларга ҳақиқий интернационал қардошлик намунаси эди.

## СЬЕРРА-ДЕ-ГВАДАРРАМА ТОҒЛАРИДА

Бир ҳафтача отрядда, Лас-Вегас атрофида яшадим, одамлар билан танишдим, душманнинг орқа томонига қилинган юришлар ҳақида ҳикоялар тингладим. Кечқурунлари биз боғда йиғилишардик. Мен уларга Совет Иттифоқи ҳақида гапириб берардим. Группа билан франкоочиларнинг ички томонига ўтиш учун дастлабки сафарга тайёрланардим. Бу ҳақда, мен ҳам отряддагилардек Виктор деб атай бошлаган Александр Рабцевич билан гаплашдим. Виктор анча бурун, 1920 йилги Совет-поляк уруши давридаёқ кекса яширии партизанлардан эди. У жуда яхши дазмол қилинган костюм, галстуклик очиқ ранг кўйлак кийиб юарарди. У менинг ҳаммавақт шундай кийиниб юриш қулайми, деган саволимга: бунга ўрганганман, махфий иш билан шуғулланган пайтимда ҳам доимо шунақа кийинганман, деб жавоб беранди.

Виктор франкоочиларнинг ички томонига қилинган юришлар ҳақида соддагина қилиб гапириб берар, хавфхатарларни бўрттирмас ва камайтмасди ҳам. Бу энди мен ўзим нимада қатнашишим ҳақида яққол тасаввур беरувчи батафсил, ишга оид гаплар эди.

Агар мен биринчи сафарга Григорий Сироежкин билан борганимда ўзимни жуда дадил сезган бўлардим. Лекин унда, айтидан, у раҳбарлик қиларди. Шунинг учун ҳам мен биринчи юришини бошидан охиригача мустақил бошқаришни муҳим деб ҳисоблар ва бу билан

унга, жаңғыларға ҳамма парсали үзим ташқил қилишга қодир эканлыгимин күрсатмоқчи әдим.

Ұша пайтда Испанияда, республикачилар томонидаги вазият күп жиҳатдан биңда 1918 йил бошларидан іуз берган вазиятни әслатарди. Доимий армия ташқил қилинарди. Тарқоқ отрядлар, колонналар үрнига бригадалар, дивизиялар түзилганды. Лекин уларнинг командирлари қўмондонликка бўйсунмас ва, аввалгидек, сиёсий йўлбошлилар измидан боришарди. Бу ҳол анархистларнинг таъсири ҳали ҳам аинча кучлилигидан далолат берарди. Тузилаётган доимий армияларнинг штаблари ўзининг состави жиҳатдан бўш ва ўз ҳуқуқидан тўла фойдалана олмас әдилар. Ана шуцдай вазиятда бизнинг Мадрид разведкачи-қўпорувчи отрядимиз Марказий ёки Мадрид фронтининг қўмондони генерал Миахега факат рәсмий равишда бўйсунарди. Генерал ҳам, унинг штаби ҳам биэнинг энгимамизга бирон-бир вазифа юкламасди. ва душман тўғрисида етказган маълумотларимиз билан қаноатланарди. Хуллас, бизга душман ичкарисига группалар юбориш вақтини ва жўналишини танлашда тўлиқ эркинлик берилганды.

Биринчи сафар йўналишини мен ўзим мустақил ҳал қилишим керак әди. Унга тайёрланишда мен «нариги томондаги» кишиларимиздан олинган охирги материалларни диққат билан ўрганиб чиқдим. Сьерра-де-Гвадарраманинг шимолий ён бағри этагида жойлашган унча катта бўлмаган Сеговия шаҳрида душманининг танк ва автомобилларини ремонт қилувчи устахоналари борлиги энг сўнгги маълумотлардан бирин әди. Уша устахоналарда отрядимиз жангчиси Хосе Гарсиянинг амакивачаси бўёқчилик қиласи ва бизга ёрдам беришга тайёр турарди. Сеговиядан унча узоқда бўлмаган ва тог ўрмонидан жойлашган Ла-Гранхада фронкочиларнинг катта ўқ-дори омбори бор әди. Бу иккала объект ўз-ўзидан қўпорувчилик қилишимизни сўраб турганлигига учун мен ўша йўналишини танладим.

Григорий планимни маъқуллаб, мени олддаги чизиқ-қача кузатиб қўяжаклиги ва ўша ерда қайтишимизни кутажаклигини айтди.

Кастиль месетаси<sup>1</sup> устида унча баланд бўлмаган сил-силадек қад кўтариб турган Съерра-де-Гвадаррама тоғ-ларида баланд қарағайлар ўсган торгина водийда, тизма этагига Раскафриа қишлоқчасининг уйлари ёпишиб ту-рарди. Менинг группам қишлоқ майхонасининг пирами-да шаклидаги тутун мўриси бўлган ўчоги атрофида жой-лашди. Ўзоқ тўрида ёғоч кўмир ёнар, кучсиз аланганинг гунафша ранг тиллари қора кўмирлар орасидан эрин-чоқлик билан чиқиб турарди. Кишилар ўчақнинг кенг тоші деворига ўтириб олишиб, оёқларини оловга узатишарди. Соялар ғира-шира ёритилган хонанинг деворларида се-кин қиммирларди.

Коффейник қайнагач, ҳаммамиз халталардан кружка-ларни олдик. Сўнгра анчагача нон ботириб кофе ичдиқ. Үруш ҳақида, ярадор ва ҳалок бўлган ўртоқларимиз ҳа-қида ҳамда ўз уйидан, юртидан йироқлашган кишиларни қизиқтира оладиган бошқа кўп нарсалар ҳақида аскар-часига суҳбатлашдик.

Бу сафарга ўзим танлаган 12 кишининг ярмини испан-лар ташкил қиласарди. Улар орасида, калта бўйлиги учун Чико номини олган валенсиялик пакана Карлос Пинта-до ҳам бор эди. У ўзи билан доим бирга-олиб юрадиган эски, бир оз қорайган гитарада ҳамма севадиган арагон хотасини<sup>2</sup> чала бошлади. Кекса йўл бошловчи испан Хо-акин бобо дўриллаган овози билан қўшиқ айта бошлади. Унинг ашуласида сўзлар кам бўлиб, кўпроқ «Биринч кун бу оламда. О-о, р-р. А-а, а-а. Э-э, э-э!» каби оҳанг-лар тақорланарди.

Ҳар сафар бу жумла янгича талаффуз қилинар ва учта чўзиқ овозининг оддий нақароти билан унинг таъсир-

<sup>1</sup> Месета — баландлик.

<sup>2</sup> Хота — испан ҳалқ қўшигининг бир турни.

чанлиги янада кучаярди. Чол түхтаган дамларда Карлос чалишни давом эттиар, торларни худди эринаётгандек чертиб, синиқ гитарадан жуда ёқимли күй чиқарар, гүё уни тугумма-тугун, түрдек түқирди. Бу қадимги ва оддий халқ құшиғи эди. Баъзида сокин күй синган ойнадан совуқ түннинг енгил нафаси билан бирга кираётган қарағайларнинг денгиз тўлқинига ўхаш шовқини, гоҳида ариқларнинг жилдираш садоларига құшилиб кетарди.

Бундан атиги бир неча ой бурун устидан учиб юрган ўз уйим, Қозогистоннинг чексиз чўллари, Олатовнинг қорли чўққиларидан қанчалик узоқларда эдим мен!

Григорий кўзини узмай кўмир чўғига тикиларди. Унинг қараши ўйчан, хаёлчан эди, у бу гал камзул ва свитерда эди.

«Биринчи кун бу оламда. О-о. Э-э!» Қимиrlаётган лаблари унинг бу жумлани ўзича, ашулачилардан сўнг такрораётганлигидан хабар берарди.

Карлос қиз ҳақида, севгига оид бошқа ашулани айта бoshлади:

Кармен, Кармела,  
Сен менинг кўрар кўзим,  
Юрагимсан сен менинг.

Чико билан ёнма-ён сариқ соchlari учун испанлар Рубио<sup>1</sup> деб ном берган хушбичим Ян ўтиради. У ҳам испан қўшиқларини тинглаётган ва ўз ҳаёти ҳақида ўйлаётган барчанинг эътиборини ўзига жалб қилган кўмир чўгларига жимгини қараб турарди. Яннинг шаффоф соchlari орқага ташлангац, кул рағн кўзлари ўйчан боқарди. Үндаги ҳамма нарса бинойидек: чармлик калта камзул кенг елкаларини маҳкам қисиб турар, аскар мовутидан тикилган қалин, кенг чолвор почалари, тишлик оғир тоғ бостинкаси қўижига тиқиб қўйилганди. Очик-ёруғ, чирой-

---

<sup>1</sup> Рубио — сариқ соч (испанча),

ли, жиддий юзи ўз ишининг ҳақлигига ишонган кишининг довюраклиги ва олижаноблигидан дарак берарди.

Хоакин «Биринчи кун бу оламда. О-о. А-а. Э-э!» деб куйлагач, Карло Чико яна гитарада қадимий күйнинг мураккаб қисмини ижро этди.

Бешийл бурун қашшоқлик Янина она-Ватани—Польшани ташлаб кетиш ва мингларча бошқа ишсиз поляклар билан Францияга боришга мажбур қилди. У ерда у Паде-Кале кўмур конида ишлади. Испанияда фашистлар исёни бошлангач, у шахтани ташлаб интернационал бригадалар сафига қўшилди.

Карлос ва Хоакин жим бўлишди. Ян худди уйқудан тургандек бўлди. У ўчоғдан чўғ олиб тамаки трубкасини тутатиб олди.

— Оле! — деб қичқирди Карлос чаққонлик билан гитарасини иргитиб. Ҳамма жилмайди ва индамай тамакисини чекаверди. Тамаки тутуни пешайвон узра оқим бўлиб кўтарилади.

Ян билан кичкина ва жасур Карлос Пинтадони мустаҳкам дўстлик боғлаб турарди. Уни интернационал жангчилар билан испан халқи орасидаги қардошлиқ рамзи деса бўларди. Карлос зайдун ранг хира юзида порлаган кўзлари билан ярим ёритилган ҳолда девор ёнида турар ва муҳаббат билан Янга боқарди.

Ла-Гранхадаги ўқ-дори омборини портлатиш учун ҳам улар иккаласи боришади.

Ўчоқдаги кўмирдан ҳид чиқар, синиқ ойнадан тунги совуқ киради.

Григорий жойидан туриб керишгач, елкаларини ростлади.

-- Дўстлар, келинглар, бир оз ухлайлик. Оёқларимиз керак бўлади ҳали, — деди.

Ян Григорийнинг сўзларини испанчага таржима қилгач, ҳар ким иложи борича жойлашди ва ҳамма бирданига жим бўлди. Бу тушган жимлик пайтида яна фақат тоғ анҳорининг овози аниқ эшитила бошлади. Менинг

үйкүм келмасди. Мен ҳали ўзимни, иложи бўлганда, ухлашга мажбур этишни ўргата олмагандим. Испанияда душман ортига қилинажак биринчи сафар арафасида ухлаш мумкин ҳам эмас эди-да! Соат стрелкалари саккизга яқинлашарди. Ўнда туриш керак эди. Бу жойни эгаллаб турган рота командири бизга халақит бермаслик учун чиқиб, тургунимизгача кофетайёрлаб қўйишини буюражагини айтди. Григорий мени ҳар хил гаплар билан безор қилмасди. Чунки, барча гап айтилган, план маъқулланган ва энди ҳаммасини яна бир марта ўйлаб кўришни ўзимга ҳавола қилганди. У жойидан туриб Пако ёнида, ўзининг «паккарди» да ухлашга кетди.

Соат ўнда биз майхонани тарк этдик ва шу ерлик рота аскарлари кузатувида тизма тоққа кўтарила бошладик. Биз нишабликтан чўққигача икки километрча масофани босишимиш керак эди. Тоғ шаронтида бу оз масофа эмас. Олдинда бир текис қадам ташлаб Ян кетарди. У халтачада портлатувчи модда ва гранаталар олиб борарди. Елкасидаги халтада бешотар милтиқ ётар, қайиш эса қисиаган лаблар ости—някдан ўтганди. Яч кетидан изма-из Карлос борарди. У энди индамасди. Ярим тунда тизма тоққа чиқиб олдик ва ротанинг олддаги постининг иссиқ блиндажида анча вақт дам олиб ўтирдик.

Биз Григорий билан қарағайлар остидаги ертўлада ўрнашиб, олдимиздаги жойни ўргана бошладик. Қарши мизда яна битта ўрмонлик дала турарди. У ёқдаги тизма тогларда эса душманнинг яширин постлари бўлиши мумкин эди.

Олисдаги баланд тизма тоглар ортида ой чиқарди. Ҳали у кўринмаса-да, тизма тогнинг ўрмон қоплаган қора чеккаси кўм-кўк осмон фопида яққот ғожралиб турарди.

Юлдузлар ой ёргугда бўзариб борарди. Осмоида пастдан ой ёритаётгани кичик булутлар сузарди. Атрофда ҳамма нарса тоғ ирмоқларининг бетиним овози билан қопланганди.

Қүйіла, тизма тог ён багрининг тескари томонида уз-  
луксиз қора деворға ўшаш мұдхиш, сирли ўрмон қо-  
райиб күринарди.

Вақтни бой бермасдан олға юриш керак әди. Қайтыш-  
даги сигналлар ҳақида келишиб олғач, мен ўз группа-  
ни пастига, қорайиб күринган ўрмонға томон бошладим.  
Олдинда бизнинг доимий йўл бошловчимиз мўйсафид  
Хоакин кетарди. У Эски Кастилияни ўзининг дағал  
дехқоний кафтидек биларди. Жаңгчи Хосе Гарсия олди-  
мизга ўтди ва биринчи бўлиб ўрмонға кириб кетди. Унинг  
вазифаси Сеговияга ўтиш, у ерда амакиваччаси билди  
учрашиш ва унга ичидаги термик ёндирувчи снаряд яши-  
рилган юмалоқ тунука қутини бернишдай иборат әди.  
Бундай қутиларда ишчилар олатда ўз попушталариши  
олиб юргацлиги учун ҳар хил гумонлар бўлмаслиги мум-  
кин әди. Хосенинг акаси кечқурун ишдан кета туриб, уни  
қолқоги пастига қаратилган ҳолатда бўёқлар сөлинган  
темир челякка солиб қўйниши керак. Орадан икки соат  
ўтгач, кислота таъсирида ичидаги тўсиги куйган снаряд  
алангалиши, юксак даражада натижасида челякни ёрнб  
юбориши ҳамда кучли ёнғин чиқишига сабаб бўлиши ке-  
рарк. Биз «ўйинчоқлар» деб атаган бу ёндирувчи ва порт-  
латувчи снарядни рус муҳожирларидан кимёгар Андрэ  
усталик билан ясадди. Унинг бу «ўйинчоқларини» биз  
ҳар доим сафарга чиққанды олардик ва чўнтак фонари,  
папирос қутиси, дала тўрвалари, ҳатто аккордион каби  
беззор нарсалар шаклида душманнинг орқа томонидаги  
энг яқин фронт йўлларига ташлардик.

Хосе ўз вазифасини кўнгилдагидек бажариб, кечқу-  
рун дастлабки пунктимизга, ротанинг олддаги постига  
қайтиб келди. Қоронги тушиши билан биз ҳам Сеговия  
атрофидаги йўллар ва кўприкларга мина қўйиб, у ерга  
етиб келдик. Фақат Ян ва Чико келишмаганди. Саҳар  
пайтида Ла-Гранха томонида бўлган кучди портлашлар-  
ни эшитдик. Бу улар ўз вазифасини муввафқиятли ба-  
жарганидан хабар берарди. Бироқ бизни ҳозиргача улар-

нинг қайтмаганлиги ташвишга соларди. Уларни олддаги пестда кутиш ўринсиз эди. Бундан ташқари, блиндажда ҳамма учун жой бўлмаганлиги сабабли мен Раскафриага тушиш ва у ерда кутиш кераклиги ҳақида буйруқ бердим. Қишилар чарчашган ва дам олиши зарур эди.

Қош қорайгунча мен тизма тоғда Ян ва Чикони кутдим ва улар келавермагач, Раскафриага кетдим. Уларни нима тутиб қолиши мумкин. Буни биз кейинроқ билдик.

\* \* \*

Воқеа бундай бўлган экан. Группа ўрмон ичига кириб олгач, Ян ва Чико биз билан хайрлашди ва Ла-Гран-ха томон йўл олишди. Олдинда хавф-хатар, эҳтимол, душманлар билан тенгсиз олишувлар бўлиши мумкин эди. Душман қўлида бўлган ерларда юрганда Ян ҳар сағар тўқнашишни кутарди. У ўлимга ҳам тайёр эди ва жасорат кўрсатишни истарди. Ҳаёти ҳар куни хавф остида бўлган киши бу ҳақда ўйламаслиги мумкин эмасди. Гарчи у бир неча бор жасорат кўрсатган бўлса-да, бундан кейин бўладиганини энг муҳим деб ҳисобларди.

Карлос ҳали ўспирин, деярли бола эди. Уруш бошлангунча у қандай тўғри келса, шундай яшаб келаверган. Муваффақиятсизликлар, ғам-ғусса унинг ёш қалбидан чуқур из қолдирмасдан ўтаверарди. У эртадан кечгача ёнилғи билан таъминлайдиган станцияда елиб-югурар, Испанияни босиб кетган чет эл сайёҳларининг сирти ялтираган машиналари ойналарини артар, уларга бензин ва сув қуярди. Арзимаган чойчақа унинг маоши ҳисобланарди. Байрам кунлари у черковга борар ва ҳамма қатори тиззалаб ўтирас, муқаддас Мариянинг ясанган дабдабали ҳайкалига бефарқ боқарди. Ҳалқ фронтининг ғалабасини Карлос тантанадек ҳис қилди. Уни воқеалар чулғади. Ёшлиқ қилиб, у ғалабанинг қисқа йўллари ҳақида орзу қиласарди. Лекин қўп ўтмай муваффақиятсизлик аламини тортди, душманларнинг совуқ-

қон раҳмисизлигини, минглаб ўлим, шаҳар ва қишилоқлар харобаларини кўрди. Бу ойлар давомида Карлос камолотга етди. Фақат қисқа дам олиш пайтларида, жанговар дўстлари орасида у шўх болага айланар, ўқтамлик билан ўйинга тушар, баланд товуш билан андалузча ашуулалар айтарди.

Улар тик қоялар орқали Мухер Муэрта тоғи этагида жойлашган торгина водийга тушишди. Тун осмонида тоғ чўққисининг улкани қораси кўришиб турарди. Қоялардан гоҳ баландга чиқиб, гоҳ пастига тушиб бирни катта, бирни кичик иккита ноаниқ соя келарди. Шундай қилиб, улар Ла-Гранха теварагидаги боғниш ярми харобага айланган деворига етиб келишди. Ян қарағайининг қалин тасаси кетида тўхтади.

— Қачон юрамиз? — деб шивирлади Карлос.

— У ёқ-бу ёққа қарайлик, кутайлик. Ҳали эрта.

Вақт тез ўтарди. Ян ёнида Карлос ўзини ҳар дамги-дек сезарди. Унинг кенг елкаларига ёпишиб дўстининг ҳароратини сезарди. Гарчи шамол бўлмаса-да, ўрмон қаерлардадир пайдо бўлган ҳар хил енгил овозлардан иборат махсус шовқин-сурон билан ғувилларди.

— Энди бўлди, — деди Ян ва девор тешигидан ўтиб кетди.

Ташландиқ боғ орқали қадимий уй олдидағи майдончага етиб боришли. У ерда кекса, қалин дараҳтлар тагида юқ ташийдиган машиналар узун қатор бўлиб туришарди. Улар олдида милтигини елкасига осиб олган ягона қоровул беғам юарди.

— Уни қўлга туширайлик, — деди Ян ва қоровул узоқдәги машиналар томон кетгач, иккаласи лип этиб ўқдорилар юкланган ёпиқ машинага ўтиб, унинг орқа гилдирак ўқига ўттиз минутдан сўнг портлайдиган минани боғлаб қўйишди.

Карлос мамнуниятлик билан ярим соатдан сўнг портлаш бу машиналарни қандай титиб юборишини тасаввур қилиб кўрди. Минани қўйишгач, улар яна бирмунча ма-

шиналар ёнида юришди, сүнг яширинишиди. Қоровул се-  
кин ҳуштак чалиб ва машиналар қашотларига қоқиб ор-  
қага қайтарди. У улар билан бараварлашганда Ян қатъ-  
ийлик билан қоровулни ушлаб олди ва уни оғзини юмиб,  
йиқитди. Милтиқ секингина машина қанотига тегди.

— Бақирма, — деб шивирлаб дүк урди Карлос в  
бүйин рўмолчасини аскар оғзига тиқиб, тасма билан би-  
лакларини боғлади.

— Қандай қилиб кетамиз? — сўради Карлос.

— Боғ орқасидан бир йўла ўрмонга кўтарилимиз...

Киминингдир сояси сассиз кўтарилиб, бошига оғир  
қўйдоқ зарбаси текканда Ян катта ёпиқ машинасинг  
кет томонида орқаси билан ўғрилиб турганди. Яннинг  
йирик гавдаси овозсиз ерга қулаб тушди. Бу нарсалар  
шу дараҷада тез содир бўлдик, ҳатто Карлос бирдан  
тушунолмади ҳам. Кимдир кузовдан сакраб унинг ёнига  
тушди. Карлос тўппончасини олиб, тираб отилган икки  
ўқ билан ўз душманларини ер тишлатди. Сўнгра у ерга  
энгашиб, Яннинг мажақланган бошини ушлаб кўрди.

— Ян, ми керидо<sup>1</sup>, Ян! — деди у ғамгин пицирлаб, дўс-  
тининг ўлганлигига ишонч ҳосил қилгач.

Карлоснинг отишлари теваракни тўс-тўполон қилиб  
юборди. Эшиклар тарақлади, чопиб келаётгани кишилар-  
нинг овози ва дупур-дупури эшитилди. Карлос миясида  
ҳамма нарса — кулфат, ночорлик, қаҳр-газаб аралаш-ку-  
ралаш бўлиб кетди. Нима қилиш керак? Уч олиш Яннинг  
танасини душманларга қолдириб кетиш керакми? Уши у  
олиб кестомайди, лекин шундоққина кетавермайди ҳам!  
Иккита гранатани ечиб олиб машиналар орасидан май-  
дончада югуришаётган одамларга қаратиб отди. У боғ-  
нинг чакалакзор томонига ташланиб, девордаги ёриқдан  
ўтди ва деярли эмаклаган ҳолда чайир буталар ўсан-  
тик қоя бўйлаб, тез кўтарила бошлиди. Унинг чаккала-  
ридан аччиқ кўз ёши оқарди. Шохчалар тимдалаган

<sup>1</sup> Ми керидо — азизим (испанча).

юзидаги огриқин ҳам сөзмай, у тобора юқорига ва узоққа кетарди. Уни тог водийларыда акс-садо берган жарангисиз, гумбурловчи портлаш тұхтатди. Яннинг охирги минаси ҳам портлади ва пастда, Ла-Гранхада ёнғин шуъласи күтарилиди. Ян ўз ўлимидан кейин ҳам душманларини яксон қиласы. Карлос Мухер Муэрта ён бағрида қоя остидаги бута панасида яшириниб, тошустыға чўзилди. Боши оғирлашган, чарчаш ипсиз боғлаб қўйганди. Кейинчалик эса у қоя остидаги бу соатларни эслолмади ҳатто. Ухлаганини ҳам, эсанкирагапини ҳам тушунолмасди. Кечга яқин судралиб булоққа борди ва узоқ вақт совуқ сув ичгандан сўнг тўғри тизма токқа қараб кетди. Униш ортида эса Раскафрия жойлашганди. Тунда у биз кутаётгани қовоқхонага етиб келди. Ўчақда ўшандагидай қўмир хира ёниб турарди. Ялқов, бінафша ранг алангалар ўчақ атрофида ўтирган кишиларнинг тебранаётган соясини деворда акслантиради. Карлос эшикни очиши билан ҳамма унга ўгирилиб қаради.

— Ян Рубио ҳалок бўлди... — деди у секин ва черковдагидек тиззаснига чўккалади.

Бу юриш мудавфақияти эвазига Ян ҳаёти қурбон бўлганди. Гарчи мен уни фақат бир исча кун давомида кўрган бўлсам-да, у одамини узоқ вақтгача унута олмадим. Ўруш менга бирданоқ ўзининг қонхўр юзини кўрсатди.

Карлос Чико меннинг шахсий қўриқим бўлиб қолди. У бўм-бўш иўлларда ва қоронги кўчаларда совет ва бошқа кўнгиллилар пайига тушиб юрган «бешинчи колоннага» қарашли франкочи қотиллар билан бўладиган олишувга тайёр ҳолда доимо мен билан бирга юарди.

1939 йилиниг февралида сотқин Касадо ва Михи республикачиларга қарши чиқиб, пойтахтни франкочилар қўлига топширган пайтда, Ла-Гранхага қилинган сафаримизга ҳали икки йил ҳам тўлмаганида, Чико лақабини олган жасур испан комсомоли Карлос Пинтадо Мадрид кўчаларила бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлди. Мен унинг оддий кўйлакда, жаиговар тасмаларини

күндаланг боғлаб, яланг бош тушган суратини ҳурмат билан сақлаб келмоқдаман.

Ундан сўнг ҳам кўп юришлар бўлди. Улар кетма-кет бўлиб туради. Унчалик катта бўлмаган, лекин аҳоли зич жойлашган Испанияда кундуз куни юриш хавфли бўлгани учун бир неча кунлик сафарга чиққан кезларимизда кундуз кунги дам олишларимизни тепаликлар ўраган яширин жойларда, тор пастқамликларда ёки гранит палахсалари ва буталар билан қоплангани нишабликларда ўтказардик! Бизнинг кузатувчиларимиз хавф эҳтимоли бўлгани баландликларда туришарди. Кунинг ёруғ пайтида биз бир-биримизга соатлаб ҳар ҳил воқеаларни айтиб берардик. Отряд жангчилари орасида чарчашни билмаган, ҳикоя тўқишига уста одамлар ҳам бор эди. Буталар соясидаги қуруқ ерда ётиб, оппоқ момиқ парчаларига ўхшаш булутлар сузаётган, бургутлар парвоз қилаётган осмонга боқардик. Ҳамма томонда чигирткалар чириллашарди. Қушлар буталарга уя қўйган, уларнинг нозик сайраши ҳар тарафдан эшитилиб турарди. Улар буталар устида шиддат билан учишар ва бизни кўриб қолиб бир дақиқа қанотларини қоқиб ҳайрон қолишар, сўнгра йироққа учишиб кўздан ғойиб бўлишарди. Атрофдаги манзара шундай оромбахш ҳолат бахш этганда, худди шу ерда шафқатсиз уруш бўлаётганилиги хаёлдан ҳам кўтарилиб кетарди.

## **БИЗ МАДРИД ФРОНТИДА КУРАШМОҚДАМИЗ**

Сироежкин орқа томонда кўп ушланиб ўтирмасди (гарчи ўша пайтда Испанияда орқа томон деган тушунча анча нисбатан бўлсада). Республика ҳукумати қўли остида Испаниянинг душман авиацияси ҳужумига жуда қулай бўлган кичик қисми қолганди. Шаҳарларда душманинг «бешинчи колонна» деб аталувчи маҳфий группалари ҳар бир қулай фурсатда қўпорувчилик ва зараркунданалик ишлари билан шуғулланарди.

Григорий отрядга келганида группа билан тез-тез

топшириқларни бажариш учун жүнарди. Бундан олдин у ўзи бориладиган жойни ўрганар, бир кузатиш пунктидан бошқасига ўтарди. Фронтнинг хавф-хатарсиз ўтадиган линиясини кам-күстсиз аниқлад, кечаси группа билан «у томонга» кетарди. Бу сафарларда биз нималарга дуч келмаганмиз, дейсиз!

Ёмғирли ноябрь кечаларининг бирінде біз Харама даресига қилинган сафардан қайтардик. Машинани матрос Игнасио бошқарар, унинг ёнінде эса менинг доңмий ҳамроҳим, интернационал бригададан бізге ўт-тап жасур болгар жангчisisи, автоматчи Таба ўтиради

Биз Гриша билан бўм-бўш йўлдан мотор овозини пасайтирадиган асбоби очиқ қолган ҳолда физиллаб кетаётган «испано-сюиза» деб аталувчи катта қулай ли музиннинг орқа ўриндиғида ўтирадик. Чинчонга кета-туриб Аранхуэсдан ўтдик.

Ёмғир кучаярди. Коронғи водийга тушгач, Игнасио йўлни чалкаштириб машинани чапга бурди ва фашистлар эгаллаган Сесинъига қаратиб ҳайдади. Баландликдан ош-гач, очиқ ясси тоққа чиқиб қолдик. Ҳамма томонда зими-стон қоронғилик. Мотор шовқини туфайли биз соқчилие учун юборилган мавр отлиқ аскарларининг ўқ узгацликла-рини эшитмадик. Фақат яқинимиздан учеб ўтаётган ўқ-ларнинг шувиллаши Игнасиони лимузинни тұхтатишига мажбур қылди. Елиб келаётган отлар дупури эшитилди.

Нима бўлаётганини англаёлмай турғанимда Гриша чўнтағига бир жуфт граната солиб, ўзининг катта ка-либрли тўппончасини олди ва машинадан сакраб тушиб, қоронғиликда кўринмай кетди.

— Машинани орқага бур! — деб қичқирди у менга.

Таба унинг кетидан юргуди. Мен эса йўлга чиқиб, Игнасиога тор йўлда баҳайбат машинани орқага буриш-га кўмаклашдим. Бу унча ҳам осон иш эмасди. Биз сал бўлмаса икки марта машинани бегона кишилар ёрдами-сиз чиқариш амримаҳол бўлган зовурга тушириб юбо-раёздик.

Яқин жойда Таба автоматининг шақир-шуқури, ундан сўнг эса икки марта Гриша улоқтирган гранаталарнинг ёрилиши эшитилди. Маврлар увиллаш ва тартибсиз отиш билан жавоб беришди. Ниҳоят Игнасио машинани буриб олишга муваффақ бўлди. Гриша ва Таба тумани губордан чиқиб, зинага сакрашди. Игнасио автомашинани энг баланд тезликда келган изимизга ҳайдади. Узоқ йўлда қизил чироқнинг шуъласи кўринарди. Тўхтеганимиздан сўнг бизни йўлнинг бу машъум айрилишини кўриқлаб турган қуролланган аскарлар ўраб олишди. Бу ерда фронтининг ялпи линияси йўқ эди. Соқчилар ёмғир ёғаётганилиги учун шундай бузук кечада йўлда тентираб юрадиган кимса бўлмаса керак деб, чайлада бекиниб ухлашини афзал кўришганди. Уларнинг ёнгинасидан машина гувиллаб ўтганда эса бу душман томонга қочиб ўтиш деб ўйлашди. Бундай ҳодисалар бўлиб турарди. Бироқ бу сафар кимдир франкочилар томонидан югуриб келарди. Капрал йўлни тўсишга буйруқ берди. Аскарлар Игнасионинг хатога йўл қўйганини тан оловчиғализ тушунтиришини ишонқирамай тинглашарди. Бироқ гапга Таба аралашиб, машинада икки рус ўртоқ — ҳарбий маслаҳатчилар ўтирганини қисқагина қилиб тушунтируди. Бу эса қоровулнинг шубҳаларини тарқатди. Капрал бизга оқ йўл тилаб, ёз йўлимизда давом этишига ижозат берди. Қоровул билан бўлган гапга аралашмоқчи бўлганимда Григорий мени тутиб: «Қўй, улар ўзлари келишишаверпин», — деди.

Ҳеч нарса Сироеккин тинчлигини буза олмайдиганга ўхшарди. Унинг барча муомала ва хатти-ҳаракатлари одатда хотиржамлик, баъзида суст ва эринчоқликдек туюларди. У ҳар хил вазиятда ҳам дарҳол йўл топиб, керакли қарорга келарди. Саводи ҳам ўзига яраша бўлса-да, (у пайтда бизлардан бирон киши ҳам ўзининг олимлиги билан мақтанолмасди) унинг гапириш усулида олимликдан нимадир бор эди: фикр юритишида эҳтиёт, хулоса қилишда шошилмаслик хусуси тлари бўлиб, ҳар

бир даъватини чуқур ўйлаб кўрар, ҳатто торғишувларида ҳам унда доимо ишончли асос ётарди.

1937 йилнинг июнида, 12-интернацонал бригада командири—венгер ёзувчиси Матэ Залки—генерал Лукачнинг Уэска ёнидаги фронтда ҳалок бўлганидан сўнг кўп ўтмай биз Григорий билан Гвадалахара фронтида тунда ўтиш учун группаларимиздан бирига жой танлардик. Биз Гаханехос қишлоқчасининг шарқроғида жойлашган икки водий орасидаги қирдан ўтувчи Француз шоссесига етиб боргунча бир кузатиш пунктидан бошқасига ўтардик.

Бу ниҳоятда очиқ жой бўлганилиги туфайли душман йироқдаги баландликдан шоссенинг олдинги қаторга туташган қисмини кўриб турарди. Игнасио машинани яrim хароба қилинган ўй ортида қолдириди. Биз эса кузатув пунктига пиёда кетдик. Бизнинг қайтаётганилигимизни кўриб, у машинани шоссега ҳайдаб чиқди ва бизни кутиб турди. Шу пайт 88 миллиметрлик немис замбарамидан отилган снаряд товуши, сўнгра яқинлашаётган снаряднинг шувиллаши ва ниҳоят ўйлдан сал нарида, тахминан йўл устаси уйининг бараварлшигида унинг портлаши эшитилди. Биз ўз жойимиздан қимирлашимиз биланоқ, душман батареяси тез-тез ўт оча бошлади. Снарядлар шоссенинг иккала томонида ҳам портларди. Менинг хәёлимда Матэ Залкининг яқинда ҳалок бўлиш вазияти аниқ гавдаланди. Мен Игнасиога «Пронто»<sup>1</sup>—деб қиққирдим. Бироқ, афтидан, бу одатда вазмин, тепса-тебранмас киши ҳам ҳаяжонланган бўлса керак, баъзида бундай вазиятда бўлгани каби, тасодифан моторни ўчириб қўйди.

Мен ёнимда ўтирган Григорийга қарадим. У шошилмасдан папирос чекарди. Кейин тирсагини кўксимғатираб, мени тўғри турдирмоқчи бўлди. Чунки учайётган снарядларнинг шувиллашини эшитиб мен беихтиёр эгилган эканмай.

<sup>1</sup> Пронто — тез, тезроқ (испанча).

Хайрият, Игнасио яна моторни юритди ва биз жойимиздан қимирладик. Бироқ бир неча ўн метр юришга ҳам улгурмасданоқ олдинда, түппа-түғри йўлда галдаги снаряд ёрилди. Вишиллаб снаряд парчалари учеб ўтди ва улардан бири, эҳтимол, энг кичкинаси машинамизнинг олддаги ойнасини синдириди. Тезликни ўчириб Игнасио ташқарига сакради ва зовурга ташланди. Унинг кетидан мен ҳам отилдим. Иккала вазмин одам, Григорий ва Таба эса ўз жойларида қолишлиди. Мен ҳар да-қиқада машинага снаряд тушишини кутар ва ўзимдаги туйғуни енголмасдим. Чунки Лукач ҳам шундай ҳалок бўйлган эди. Бизнинг машинани душман кузатувчиларидан йўл устаси уйи тўсисб турганлиги туфайли улар уни кўришмас ва у кетаётган бўйлса керак деб ўйлаб ўтни олдинга, ўйлга кўчиришганди.

Григорий имо билан мени машинага қайтишимни таклиф қиласарди. Мен унинг ёнидан жой олгач, Игнасио оғир «испано-сюзи» катта тезликда кетма-кет тушаётган бомбалар орасидан ҳайдаб кетди ва тезгина отишма зсанасидан олиб чиқди.

— Чек, бу одамии юпатади, — деди у ва бир оз жим тургач, жилмайиб: — гарчи туғилган эканмиз ўламиз ҳам, — деб қўшиб қўйди. Ҳар сафар Григорий билан ана шундай мушкул аҳволга тушиб қолганимизда мен унинг хулқи ҳақида ўйланардим. Бу нима эди ўзи? Сохта ботирликми ёки бари бир юз берадиган нарсанинг олдини олиб бўлмайди деб тақдирга тан беришми? Йўқ! Чунки бу унинг юксак матонатидан, чидамлилигидан, ҳаяжонларга берилиб кетмаслик қобилияти борлигидан, балки бизга ўзини тута билиш ҳақида сабоқ бериш хоҳиши борлигидан дарак берарди.

Мен урушда баъзилар ўлим ҳақида гапиришни ёқтирасалар, бошқалар аксинча, у ҳақда тез-тез гапиришишлари, лекин ҳар ким ўз ичиди бу бало ундан юз ўгиришини истаганини кузатганман. Бизнинг Мадриддаги отрядимизда кимёга қизиқкан новча дилкаш йигит,

канадалик студент Фрэнк бор эди. Сүхбатларимиздан бирида: «Үлим орқамиздан соядек эргашиб юради», — деган эди.

Унинг сўзларини Григорийга таржима қилишганда у Фрэнкка қараб ҳар доимгидак шошилмасдан:

— Йўқ! Унинг турқи бошқача. У доимо яшиндек тўсатдан ярқирайди, — деди.

Бу сўзлар менга ёд бўлиб қолди. Гвадалахара ёнидаги жангда, Паласио де Ибаррага қатъий ҳужум қиласётганимизда Фрэнкни итальян мергани отиб ташлади. Мен уни сафда югуриб алланималар деб қичқирганини, отилган боши билан оёғидан чалингандек бирдан қуллаганини кўрган эдим. Үлим яшиндек ярқиради ва испан шоири Рафаэль Альберти айтганидек, «Улуғ зулмат кўрфази унинг устига ўз сувларини тўшади.»

Үлим ҳар қадамда бизни кутар ва яқин орада ярқираб умрбод кўз юмдирадигандек туюларди. Григорий Сироежкин ҳар сафар вазмин ва доно ботирлик намунасини кўрсатарди.

Юқорида байён қилинган воқеадан сўнг юз берган яна бир нарса эсимда турибди. Григорийнинг тақлифига биноан Барселонага боргандим. Орқага бирга қайтардик. Биз Валенсия йўлида жойлашган Тортосо ортида рим ҳокимияти даврида қандайдир император шарафига қурилган қадимий зафар дарвозасига яқинлашиб келардик. Санта-Барбара яқинида бу дарвоза йўлнинг ўртасида турарди шекилли, шоссе уни икки томондан айланаб ўтганди.

Бизнинг олдимизда яна бир неча машина кетар, йўл тўғри бўлганлиги учун улар узоқ масофада ҳам кўриниб туришарди. Кутилмаганда шофёр Пинент «олдимизда самолёт!», деб қичқирди. Биз йўл устидан жуда паст учиб келаётган итальян учувчи қайигини<sup>1</sup> кўрдик.

Олдиндаги очиқ кабинада ўқчи аскар тик турарди.

---

<sup>1</sup> Учувчи қайиқ — танаси қайиқ шаклидаги гидросамолёт.

У қүш пулемёт қүндоқларини пастига қаратган ҳолда шосседа жетаётган машиналарни ўқса тутарди. Улардан бири хандаққа келиб тиқилганды бошқалари тұхташды ва улардаги одамлар сакрашиб, ўзларини зовурларга, дарахтлар панасига ташлашди.

Мен Пинентга «тұхтат!» деб қичқирдим.

— Муй пронто аделант! (Тез олдинга ҳайда!), — деб шошмасдан буйруқ берди Гриша ва менга томон ўғирилиб одатдаги овози билан: — Шундай қылсақ, унга бизни мұлжалга олиш қийинроқ бўлади, — деди.

Пинент акселераторни босгач, машина юз километрдан ҳам ошиқ тезликда олға қараб югурди.

Шосседа ўқлар күтариётган чанг фонтанига сеҳрлаб қўйилгандек боқардим. Елкам ортида енгил тақиллаш овози эшитилгач, мен лимузинимизнинг чап юқори бурчагидаги қопқоги ва орқа девори қийифидан учиб ўтган ўқ қолдирган иккита тешикни кўрдим.

Гидросамолёт гувиллаб устимииздан ўтиб кетди. Орқа ойнадан унинг баландликка күтарилиб, денгиз томонга бурилганлиги кўриниб турарди.

Гриша халтасидан апельсин олаётib менга шундай деб тушунтириди:

— Бизга томон учганды бу қайиқнинг тезлиги икки юз километрдан ҳам ошмайди. Биз эса унга қарши соатига бир юз йигирма километр тезликда елмоқдамиз. Бу биз бир-биrimiz билан фақат уч юз километрдан ошиқ тезликда учрашишимиз мумкин демакдир. Шунинг учун ҳам бизга тегиш қийин. Агар тұхтаганимиизда, унга бизни нишонга олиш осонроқ бўларди. Бундан ташқари узоқ вақт отиш учун унинг ўқлар запаси ҳам унчалик катта эмас.

— Шунга қарамасдан, ўқ бошингни ёнгинасидан учиб ўтди, — дедим аччиғланаб.

— Бусиз бўлмайди, — деди Сироежкин ноаниқ тарзде ва ойнани тушириб апельсин пўчоғларини ташлади.

«Бу нима ўзи? — деб ўйлардим мен. — Қалбаки бо-

тирилкими ёки тақдирга күникишми?» Йўқ! Бу ниҳоятда ўргатилган ирода эди. Бу ҳар бир вазиятда ўзини тута билиш ва шошмасдан фикр юритиш, ҳеч нарсага қарамасдан, ўз бурчини бажариш эди.

Ботирлик нима ўзи? Ҳаётга писанд қилмай қарааш эмасми?! Йўқ! Ботирлик — маънавий гўзаллик кўринишларидан бири. У ҳақда афсоналар тўқийдилар, у узоқ вақт кишилар эсида қолади, уни ҳатто душманлар ҳам қадрлайди.

Кунлардан бирида бизда ботирлик ҳақида гап кетганди. Гўёки ҳар қандай вазиятда ҳам қўрқиши билмаган бир ўртоқ тўғрисида гаплашардик. Григорий ачагача жим тинглаб бизнинг суҳбатимизга аралашмади. Бироқ унинг юзида афсусланиш ва норозилик ифодаси сезилиб турарди. Ниҳоят, у шундай деди:

— Қўрқиши билмаган кишилар йўқ. Менимча, ҳамма гап шундаки, баъзи одамлар — ундайлар озмас — қўрқоқликни бурч ҳисси ниҳоятда ривожланганлигидан ёки бошқаларга уни кўрсатишни истамаганлигидан енга оладилар.

Биз ҳаммамиз у яна нима дейишини кутардик. Бир оз жим тургач, у шундай деб қўшиб қўйди:

— Баъзи хавфли ва қалтис вазиятда киши онгсиз развишда жасорат кўрсатади... — у нималарнидир ўйлаб жилмайди: — Мен ҳам бундай дамларни бир неча бор кечирганман. Кечалари бу ҳақда ўйлаганимда бу мен эмас гўёки бошقا бир кишилек туяларди.

Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтарди. Отрядимизда бир юз олтмишдан ортиқ жангчи бўлганлиги учун биз Марказий фронтнинг ҳар хил участкаларида душман ортига бирданига бир неча группа юбориш имкониятига эга эдик. Группа душман ортидаги кўприкларни, электр линияларни портлатар, йўлларга мина қўяр, асиirlарни қўлга туширас, исёнчилар босиб олган жойларда қолган ишончли кишилар билан алоқа ўрнатарди. Бу юришлар тўқнашувсиз ўтмаганлиги туфайли биз баъзида

кишиларимиздан жудо бўлардик. Чунки уруш урушлигини қиласади.

Биз сафарларда ўзинни кўрсатган ёшларни группа бошлиғи қилиб тайинлардик. Григорий Сироежкин ўз хотирасида барча фронтларда ҳаракат қилаётган отрядларнинг бутун составини ёд сақлаганилиги учун бўлса керак ҳар галда кимни группа командири қилиш лозимлигини адашмасдан айтиб берарди. Ана шундай ёш жангчилардан бири парижлик оқ муҳожири ўғли, Совет Иттифоқига боришини орзу қилиб юрган ўи тўққиз ёшли Лёня эди. Унда командирга хос барча хусусиятлар бор эди: бу вазмин, мулоҳазали, эҳтиёткор ва жасур йигит кишиларга раҳмдиллик билан муомала қиласади. У доимо ўзи билан бирга юрганиларга намуна кўрсатарди. Француз тилини мукаммал билишига қарамай, у тезлиқда испан тилини ҳам ўрганиб олди. Шу сабабли у бизга фронтдаги испан қўмандонлиги билан фронт линиясини группавий кесиб ўтиш масаласини келишиб олишда зарур алоқаларни ўринатиш учун керак киши эди. Бу ҳар доим ҳам осон бўлавермасди. Чунки баъзи командирлар ўз позицияси қаршисида турган душман жаҳлини чиқармасаликни устунроқ қўйишарди. Лёня бизнинг отряддимизга бирон нарса керак бўлганда қўшинларнига таъминот ишларини бошқарувчи муассасалар билан гаплашишда ҳам зарур эди. Чунки испан армияси доимо ҳамма нарсадан етишмовчилик сезиб туради.

Андалуз батраклари тоифасига онд ёш испан йигитлари — отрядда улардан йигирматача бор эди — ўзининг жанубга хос эҳтиросларини бошқаролмай арзимаган нарсаларга жанжаллашиб ва муштлашиб туришарди. Ҳеч ким уларни Лёнядек тинчлантира ва яратшиrolмасди. Уни севишар ва у билан топшириқни бажариш учун астойдил боришарди.

1937 йилнинг июлида Лёня олти кишидан иборат группа билан Аранхуэсдаги фронт линиясини кесиб ўтди. Улар Торихо остидаги Темир йўлга мина қўйишди, шосс-

сега ҳам бир неча мина кўмишиб, қишлоқлардан бирида ўз кишимси билан учрашишди ва баландликдаги чуқурлиқда кунни ўтказишиди. Иккинчи кун кечасида ўз линияларига қараб жўнашди. Ёз тунлари қисқа бўлганлигидан эрта тонгданоқ Тахони кесиб ўтиш учун йўл олишиди. Дарё ва зайдунзор устини хира туман қоплаганди. Олтиндек ярқираган осмонда, тоғ ортидан сўниқ кечки ой чиқиб турарди. Бу ниҳоятда тинч дам эди. Фақат қандайдир ботқоқ қуши баъзида хунук овоз чиқарар эди.

— Бунча чинқиради-я, — деди Лёня кетида келаётган Хоакинга бурилиб.

Худди шу пайтда группа душманнинг қирғоқдан ўтадётган назоратчиларига дуч келиб қолди: кутилмаган зарба икки жангчини қулатди. Лекин Лёня яраланган жангчиларни қирғоққа олиб боришга ва қамишзорда яшириб қўйилган солда ўз қирғоғига ўтказишга бўйруқ берди. Ўзига ёки ўзил пулемёти билан кекса зайдун дарахти этагида ётиб олди. Дарёни сузиб ўтган жангчилар унинг пулемётдан отганини эшишиб туришарди. Сўнгра ҳамма нарса жим бўлиб қолди. Қишилар ўз командирини кутишарди. Қуёш чиқар, туман кўтариларди. Кузатиш пунктидан душман чекинаётганлигини хабар қилишгач, шу жойни эгаллаб турган рота взводи бизнинг тўртта жангчимиз билан душман қирғоғига ўтди. Улар у ерда, зайдун дарахти олдида Лёняни топишиди. Узоқдан у бошини пулемётга қўйиб ухлаётганга ўхшарди. Аслида фақат ягона ўқ тўппа-тўғри унинг юрагига текканди.

Григорий олтита жангчи билан Лёнянинг жасади қўйилган тобутни кўтариб келарди. Улар кетидан Гарibalьди номидаги итальян батальони ротаси ва испан шаҳарчасининг кўпчилик аҳолиси келишарди. Жазира-ма пешинда биз Лёняни Чинчон мозорига кўмдик. Хайрлашув салютининг залпи янграб, тобут қопқоғида қуруқ ер гувалалари титради. Гўр қад кўтаргач, испан қизлари уни гуллар билан безатишиди. Григорий янги қабрга Лёнянинг қизил юлдузли яп-янги беретини қўйди.

## МАДРИДНИНГ КУНДУЗ ВА КЕЧАЛАРИ

Испанияда деярли уч йил авж олган уруш давомида Мадрид энг қайноқ жой ҳисобланарди. Пойтахт испан халқининг фашизмга қаршилик кўрсатиш тимсоли эди. 1936 йилнинг октябридан фронт унинг жанубий чекка-ларида, Куатро Қаминос, Қаробанчель, Қаса-де-Кампо қўарталларида, Университет шаҳарчасида қотиб қолганди. Мен тез-тез ажойиб испан шонри Рафаэль Альбертининг мислсиз Мадрид қаҳрамонномасини акс эттирган қатраларини эслаб тураман:

Испания қалби — Мадрид безовтадир бу замон,  
Курашлардан дарак бериб кўпирмоқда ўнда қон.

Мадрид! Сенинг тик қаддингин тенгсиз жанглар эгмасин,  
Оловлаш, ёв томирингни қирос босди демасин!

Франко ўзининг пойтахт деворлари остидаги маглубиятини сира унотолмасди. «Кондор» номидаги герман легионининг авиацияси ва хилма-хил калибрли элликта артиллерия батареяси ҳар куни шаҳарга чексиз снаряд ва бомбалар ёғдиради. Республикачиларнинг фронтдаги ҳар бир ташаббусига жавобан шаҳарга шафқатсиз ўт очиларди. Буни энг ёввойи, жоҳил ва мазмунсиз отишлар деса бўларди. Шундай кунларда снарядлар шаҳарнинг барча кўчаларида ёрилар ва биз Мадридда кўпдан бери яшаётганлигимиз туфайли уни бир соатдан сўнг руҳан сеза бошлардик. Чунки унча-мунчага эътибор бермайдиган кишилар асаби ҳам бунга чидаш беролмасди. Галдаги снаряд қаерга тушаркан деган хаёл бизга доимо тинчлик бермасди. Мадрид дарҳақиқат, қайноқ жой эди. Гриша Грандэ буни билар ва шунинг учун ҳам бошқа қисмларга нисбатан бизнинг Мадриддаги отрядимизга тез-тез келиб туарди.

1937 йилнинг декабрида республика қўшинлари Левантеда муваффақиятли ҳужум бошлаб Теруэль шаҳрини қўлга киритишиди. Франко одатдагидек Мадридга

тинимсиз бомба ташлаб ва отиб ундан ўчини оларди. Сироежкин шаҳарга шу кунларда келди.

У одати бўйича иккинчи сутка давом этаётган артиллерия ҳужуми энг авжига чиққан пайтда огоҳлантирилмасдан кириб келди.

«Гэйлард» атрофидаги ҳамма нарса тарақларди. Кўчалардан ярадорларни териб олаётган санитар автомашиналари чинқириб ўтарди. Ўн беш соатдан бери тўхтовсиз давом этаётган отишма Гриша келишигача бизнинг қаршилик кўрсатиш кучимизни анча сусайтирганди. Асабларимиз ҳаддан ташқари тортилган эди. Биз меҳмонхона тагидаги ертўлага тушмасдик. Чунки у авиация бомбаларидангина эмас, балки оғир артиллерия снарядларидан ҳам тўла сақлай олмасди. Биз учинчи қаватда жойлашган хоналаримизда турардик.

Ниҳоят эшикда Гриша кўринди. У дарҳол бизнинг руҳимизни тушунди ва шунинг учун иш ҳақида гапирмади.

— Келинглар, овқатланамиз. Хоҳлайсизларми? — деб таклиф қилди у, кетма-кет кирган Пако эшик олдида Валенсиядан олиб келинган озиқ-овқатлар солинган халтани қўйганди.

Ташқариди ҳамма нарса гумбурларди. Қоронғилик тушиши билан ёрилишлар уй тунукаси устидаги шуълагга ўхшарди.

— Кечак дипкуръерлар келишиди, — деди Гриша дера-за ортидаги гумбурлашларга эътибор бермай. — Мен сизларга уйдан хатлар, яхши консервалар, қоқланган колбасалар олиб келдим... Қани, нега бурунларингни кўтариб қолдиларинг?

— Конъяк ҳам олиб келдингми? — деб сўради уйига қайтишга тайёрланаётган ва шунинг учун ҳам навбатдаги отишмадан кучлироқ таъсирланаётган Панчо Боярский.

— Келтирдим. Марфиль ҳам бор, — деди Гриша ва столга тўрвасида бор нарсаларни чиқариб қўйди.

У кишилар руҳини кўтариш ва маъюс фикрлардан чалғитишни уддасидан чиқа оларди. Шунинг учун ҳам

биз бу вазмин кишига боқиб, унинг бўғиқроқ овозини тинглаб руҳий осойишталик сезардик.

Столга ўтиришдан олдин Григорий шундай деди:

— Киравериша Симонани учратдим. Уни ҳам таклиф қиласайлик? — ва бизнинг жавобимизни кутмасданоқ хонадан чиқиб кетди.

Бир неча минутдан сўнг у москвалик комсомол, 11-испан дивизиясининг ҳарбий маслаҳатчиси Энрика Листер таржимони Симона Гринченко билан бирга кириб келди. Жуда гўзал ва ўйноқи кўзли бу қизни «Гэйлардагиларнинг» ҳаммаси севишарди. Испанияда жанг қиласётган барча ватандош ўртоқларимиз каби у ҳам ондасонда дам олиш учун меҳмонхонага келиб турарди.

Худди шу 11-дивизия оғир жанглардан сўнг Теруэльни қўлга киригтанди. 1937 йилнинг декабрида Теруэль тоғларида Испанияга хос бўлмаган совуқлар бўлиб, даража минус йигирмагача тушиб кетганди. Дивизиянинг ёш жангчилари одатланмаган совуқликлан қатиқ азоб чекишар, улар орасида ўзини совуққа олдирганлар кўп эди. Ана шундай шароитда кишиларни ҳал қилувчи ҳужумга отлантириш осон эмасди. Шунинг учун ҳам Симона Гринченко қўлида тўппонча ва граната билан хийла совуққа қотган кишиларни олға бошлаб кетди. У биринчи бўлиб фашистларнинг Теруэльдаги масалани ҳал қилувчи позицияси Конкудга киришга муваффақ бўлди. Улуғ Ватан уруши даврида Симона Дмитрий Медведевнинг гитлерчилар ортидаги машҳур отряди сафида курашганди. Гулханда қиздирилган катта болта билан ўрмонда довюрак совет разведкачиси Николай Кузнецовнинг душман қароргоҳига ўтганда кийилиб юрадиган немис офицер мундирини дазмоллаган ҳам шу эди. Урушдан кейин ҳаётининг сўнгги йилларида Симона Куба оролида ишлаганди. У ерда у оғир касалланиб уйига қайтгандан сўнг кўп ўтмай вафот қилди. Уни Москвадаги Новодевичье мозорига дафн этишди. Унинг қабри устида оқ мармардан ясалган ҳайкал мағрур бош кўта-

риб турибди... Ҳар йили Май ойида дўстлари ва сафдошлари унинг қабрига боришади.

Мадриддаги ўша кечада Симона ҳазиллашар, киши ҳавасини келтирадиган даражада куларди. Биз ундан Конкудга қилинган ҳужум тафсилотини сўраганимизда, у қисқа қилиб:

— Жуда ҳам совуқ эди. Исиш учун эса фашистлар хандағигача икки юз метр чопиш керак эди. Шу туфайли қисқа масофаларга югуриш бўйича соврин олиб юрган жойим Москвани эслашга тўғри келди.

Симонани тинглаб, унинг латофатли шўх юзларига боқиб биз алламаҳалгача отишма тўхташини кутиб ўтиридик.

\* \* \*

\*

Мадридга, бизнинг олдимиизга келганида Гриша бизни қитиқлаб: «Ўтган вақт ичида қанча фалангачи офицерларни қўлга туширдиларинг?» — деб сўрарди. Чунки фронт қўмондонлиги муҳтож бўлган разведка материалларини фақат асирга тушган офицерлардан олиш мумкин эди. Бироқ ундей офицерни тутиб олиш унчалик осон иш эмасди. Одатда улар фронт яқинидаги йўллардан юрмасликка интилишар, кундузи эса қоровулсиз йўлга чиқишига журъат қилишолмасди.

1937 йил кузининг бошларида, Мадридга қиласидаган сафарларининг бирида Григорий бизнинг тоғдаги постларимиз кузатган қизгин ҳаракат бошлангэн Авила ва Вильякастин орасидаги йўлга чиқиши мақсадида отрядимиз группаси билан Авила шаҳри томон жўнашга қарор қилди. Бу энг хавфли (агар бизнинг йўлнимизда умуман бундан тинчроқ ва хавфсиз жой бўлган бўлса) йўналиш ҳисобланарди. Бироқ фақат шу ерда офицерлар тушган машинани қўлга киритиш эҳтимоли бор эди. Шунинг учун ҳам Сироежкин у ерни танлаганди.

У келишидан бир неча кун бурун биз учувчилардан

ишлан чиққан самолётлардан олинган ШКАС номли иккита тезотар авиация пулемёти олдик. Булардан бир неча юз метрлик масофада маълум бир нуқтани нишонга олиш иложи бўлмаса-да, яқин масофада душманни супурги каби супуриб ташлаш мумкин эди. Отряддагилар ҳаммаси фақат шу пулемётлар ҳақида гапиришарди. Гарчи сафаргача улардан фақат бир марта ўқ узган бўлсак-да ва у биз учун унчалик фойдали бўлмаса-да, њеч ким улардан воз кечишни истамасди. Мен ШКАСдан бирини Авилага қилинадиган сафаримизга олишга қарср қилдим.

Амалда синааб кўришни жуда ҳам истаганлиги учун бу пулемётлар ҳаммадан кўпроқ Чико-Карлос Пинтадони қизиқтирарди. Унинг интилишини кўрган Таба: «Агар улар сенга жуда ҳам ёққан бўлса ўзинг таший қол»,— деди. «Мен ундан отаманми?»— ҳовлиқиб сўради йигитча. «Албатта, агар тўғри келса»,— кулиб жавоб берди Таба.

Кечаси биз Экскориаладаги ўрмонлик тизма тоғдан ўтиб Авила ва Вильякастина ўртасидаги йўлга чиқдик. Айтмоқчи, Григорий ўзи ўйлаб топган «машинналарни тўхтатиш асбобини» шу ерда синааб кўроқчи бўлган экан. Ўзини қанақа эди дерсиз? У одатда тўсиш аэростатларини кўтарувчи пўлат симдан ва электр линияларини тортишда монтёрлар ишлатадиган иккита унчалик катта бўлмаган металл блокдан иборат эди. Ўша «асбоб» сими йўлнинг икки четида ўсувчи дарахтлар орасида тахминан етмиш сантиметр баландликда тараанг тортиб қўйиларди. Григорий кишиларни икки қисмга бўлиб уларни зовур ичида яширинишига буйруқ берди.

Бу ишларни охирига етазиши энди тамом бўлай деганда, Авила томондан мотоцикл тарақ-туруғи эши билди ва чирогининг сакраётган нурлари кўринди. Мотоцикличи катта тезликда келарди. У тўғри келиб симга урилди ва ўн метрча отилиб кетиб асфальтга қулаб тушди. Мотоцикличи ўлганди. У штабнинг алоқачи сержанти бўл-

ганилиги туфайли унинг халтасидан кейинроқ аниқланишича анчагина муҳим аҳамиятга эга бўлган буйруқлар ва ҳар хил штаб ҳужжатларини топдик.

Группа шоссени тезгина тозалаб яна зовурда бекиниб турди.

Чорак соат ўтмай узоқдан тағин Авила томондан чироқ ёргуғи кўринди. Бу сафар енгил машина келарди. У ҳам келиб симга қоқилди. Машина рулига урилиш натижасида кўкрак қафаси қаттиқ шикастланган шофёр ҳушини йўқотган, унинг ёнида ўтирган лейтенант эса боши билан олдиаги ойнани синдириб юборганилиги туфайли ўлиб ётарди. Соатига саксон километрча тезликда келаётган автомобиль кескин тўхташи натижасида бак ўз жойидан узилиб тушган ва машина капоти остидан аланга тиллари кўринарди. Григорий ҳаммага ўз жойида қолишини ишора қилиб автомобиль томон югуриб кетди. У орқадаги эшикни очгач, унинг кетида турган киши кабинадан қулаб тушди. Бу кучли мия чайқалиш натижасида ҳушини йўқотган майор эди. Унда бошқа оғир жароҳатланиш белгилари йўқ эди. Григорий унинг мундидири ёқасини счиб бир қултум сув ичиши учун сувдоши берди. Майор ингради. Йўлда уни ўзига келтириш учун вақтимиз бўлмаганилиги туфайли тўрт жангчи уни тоғ томон олиб кетди. Бу пайтда автомобиль ловиллаб ёнар ва ана-мана дегунича қишлоқдан ёнғинни кўриб қолишлари ҳамда ҳалокат юз берган жойга югуриб келишларини кутиш мумкин эди.

Биз шошилиб изимизга қайтардик. Орамизда ўзининг ШҚАС пулемёти билан Чико келар ва Табага бексерга фашистлар тушган машинани ёнғинга келишини кутмадик деб жаварарди. Бу вазиятни у минутига бир минг беш юзтадан ўқ отувчи пулемётдан душманни қириш учун энг қулай пайт деб ҳисобларди. Таба анчагача индамай тинглади ва унинг дод-войи жонига теггач:

— Хүп, яхши, лекин сен бир минг беш юэта патронни қаердан оласан? Дискангда қанча қолганини биласанми ўзи? Шунчак вайсаганинг ҳам етар, қадамингни тезлат, — деди.

Карлос оғир пулемётни у елкасидан бу елкасига алмаштириди ва хўрсиниб жим бўлди. Баландлик тобора тиккалашарди.

Тоғ тиэмасигача унча узоқ эмасди. Жадал юришдан бир соат сўнг группа тоғ ўрмонининг ичкарироғига кириб биринчи дам олишга тўхтади. Майор ҳам ўзига келди. Асирга тушганлигидан ранжиганлиги ва қўрқанлиги учун у ҳамма саволларга лаббай деб жавоб берарди.

Асирга бундай офицерлар, унинг устига штабчилар истаганда тушавермасди. Мадрид фронтининг қўймондонлиги ундан фоятда қимматбаҳо маълумотлар олди.

Мадридга қайтганимизда Григорий ўзининг «асбобини» ишлатиш ҳақида хаёл сурин уни йўлнинг текис жойларида эмас, балки машиналар секин юрадиган бурилишларда фойдаланиш мақсаддага мувофиқлигини айтди. Чунки у ҳолда асиirlар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин эди.

\* \* \*

Биз ўзига хос ютуқ ва мағлубиятларга эга бўлган шиддатли уруш шароитида яшаш натижасида бир-бiri-миз билан жанговар иш туфайли жуда қалин боғланган эдик. Муваффақиятсизликлар тобора кўпаяр, урушнинг республика учун машъум кетиши айниқса Мадридда сезиларди. «Гэйларднинг» иситимаган хоналарида ўтган 1937—1938 йиллар кузи ва қиши кечаларини ҳечам унтиб бўлмайди.

Биз ёш, хушчақчақ, соғлом эдигу лекин эрка эмасдик. Бизнинг планларимиз ҳам улкан эди. Ҳар хил кишилар билан муомала қилишда бой тажрибага эга бўлган юксак фояли коммунист Григорий Сироежкин бизларга нисбатан сабр-тоқатли, эътиборли ва ғамхўр эди. Унинг обрўйи шубҳасиз, айтган сўзи эса ҳал қилувчи эди.

Галдаги юришлар плани мұхокама қилинганды у хом-хәёлларни, қуруқ үйдирмаларни ёқтиirmасди. Хаёлий планлар билан қизиқкан ва уни тавсия қилған кишиларни Гришанинг совуқ, ўзига келтирүвчи, баъзида шафқатсиз, баъзида аччиқ мантиқи кутарди.

Биз билан айни бир пайтда ҳаракат қилған, лекин Григорий Сироежкининг қўл остига кирмовчи ўртоқлардан бири франкочилар ортига группа бошлаб борганды бу ҳақда Михаил Кольцов ва Илья Эренбург таништирган Хемингуэйга гапириб берган. Қейинроқ ўз хотираларида Илья Эренбург бу ватандош ўртоқ Хемингуэйнинг «Жом чалинган киши» романининг қаҳрамонларидан бири образини яратишда тимсол бўлганлиги ҳақида ёзганди.

Журналистлар билан бўладиган бундай гапларни Григорий фақатгина маъқуллаш эмас, балки бизнинг душман ортига қиладиган сафарларимиз ҳақида бирон нарса айтишни мутлақо тақиқларди. У бизнинг ишимиз ҳақида гапириш пайти кейинроқ келади, деб ҳисобларди.

— Менинг ўйлашимча, — дерди у, — ҳамма нарса ўз вақти келганда аниқланади. Ҳозир эса кўп нарса биз учун қоронғи ва нотўғри шаклда кўринмоқда. Яххиси, шошмаслик, воқеаларнинг кетишини кўриш ва мулоҳаза қилиш афзалроқ. Шундагина ҳамма нарса ўз ҳолига келади. Испан ишларида ҳам таҳлил қилиш, кўп нарсани ўрганиш ва тушуниш зарур. Чунки биз бу мамлакат тарихини яхши билмаймиз. Мураккаб сиёсий вазиятни таҳлил қилиш, барча тафсилотларни ўрганиш учун эса бизнинг вақтимиз ҳам, имкониятимиз ҳам йўқ. Григорий жим туриб гапни бошлашдан олдин кўзини қисиб менга қаради.

— Агар ёзиш керак бўлса,— яна гапира бошлади у,— кексайганда, ҳамма ишларни бажариб бўлгач ёзиш керак. Ҳозир эса биз ёшмиз, лозим кўрилган йўлнинг ярмини ўтадик, холос, десак ҳам бўлади. Кўп нарса ҳали олдимизда.

## **КУРАШДОШ ЎРТОҚЛАРИМIZ**

Бизнинг орамизда ўз ҳаётп ва иши ёшларнинг янги авлодларига намуна бўлиб хизмат қилиши лозим бўлган ўртоқлар ҳам бор эди. Ана шулардан бири Испаниядаги Виктор номини олган Александр Рабцевич ҳақида мен қисқача эслатиб ўтдим. Иккинчиси, бизнинг отрядга кейинроқ келган, Испанияда «Стрик» лақабини олган Кирилл Орловский эди. Орловский ҳам Рабцевич каби 1920 йилда оқ полякларнинг ички томонида партизанлик қилган, Улуғ Ватан уруши йилларида эса иккаласи ҳам Белоруссияда гитлерчиларнинг ички томонидаги йирик партизан группаларига командирлик қилишган эди. Улар ўзларининг мардонавор ишлари билан шон-шуҳратга ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Урушдан сўнг Александр Рабцевич 1956 йилгacha, яъни, то ўзининг ўлимига қадар чегарачи қўшинларда хизмат қилди. Кирилл Орловский эса харобалардан тикланиб намунали хўжаликка айланган «Тонг» номли машҳур белорус колхозига раҳбарлик қилди. У партия Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати эди.

Кирилл Орловский — «Стрик» Испанияда қисқа вақт ичида ботирлик ва жасурлик жиҳатдан ҳайратда қолдирадиган ишлар қилди. Ўзининг иккала ўртоғи, рус ва испан билан франкочилар ортида мисли кўрилмаган олти юз километрлик юриш қилиб деярли португал чегарасигача борди. Гвадиана дарёси қирғоғида жойлашган Мерида номли шаҳарчадан унча узоқ бўлмаган хавфли тоғ йўлидаги кескин бурилишда улар шу районда даҳшатли жазо операциялари ўтказаётган жандармлар тушган автобусни тўхтатишди ва яксон қилишди. Орловскийнинг кичкина группасини тутиш учун франк очилар тиши-тирногигача қуролланган бир неча отрядни ташлашли. Лекин муғамбири белорус партизани уларни издан

чалғитишига, таъқиб қылувчиларнинг чиқиш иложи бўлмаган ҳалқасидан чиқишга ва душман территориясида ўтган бир ойлик сафардан сўнг республикачилар томонига қайтишига муваффақ бўлди. Бу юриш ҳақида бутун бир китоб ёзиш мумкин. Бу у ўз ҳаёти давомида қилган кўпгина қаҳрамонона ишлардан бир шингил, холос. Кирил Прокофьевич Орловскийнинг ҳаёти ва кураш йўли ҳақидаги китоб ҳозирча ўз муаллифини кутмоқда.

Григорий Сироежкин ва Кирилл Орловский бир-бирини кўпдан бери билишар, улар граждан уруши давридан бери сафдош эдилар.

Испанлар «Николас» номини берган Николай Прокопюк ўз отряди билан Испаниянинг жанубида, Андалуз фронтида жанг қиласиди. Мадридга онда-сонда келиб турадиган бу хушчақчақ одам бизниг эъзозли меҳмонимиз эди. У ўз отрядининг ишлари ҳақида фақат кези келганда доимо қисқача ва аскарчасига лўнда қилиб гапириб берарди. Шу билан биргаликда унда жуда бсп маталлар ва ўткир латифалар ҳам доимо топилиб туради. У ғоятда ҳозиржавоб бўлиб бадиҷаларни тизиб ташлар ва ким билан гаплашишидан қатъни назар ўзининг кинояли одатни бузмасди.

Ҳозиргача у билан Москвада учрашиб, забардаст қўлни сиққанимда дилдан фахрланаман. Иккинчи ўртоғим Станислав Ваупшасов ҳақида ҳам шундай дейишшим мумкин. Испанияда уни «Альфред» дейишарди. У Николай Прокопюкка нисбатан тамоман бошқача одам эди. Бир оз қовоғи солиқ, ориқ бу киши гўёки нимжонга ўшарди. Ҳақиқатда эса у эмандек бақувват, чидамли ва ҳормас-толмас эди. Ўзининг партизанлик соҳасидаги катта тажрибасини у 1920 йилда, оқ поляклар ортида партизанлик қилган даврида йиққан эди. Бу камтарин ва ўзини тута биладиган, вазмин ва ботир, ҳаяжонлари ва ички кечинмаларини сездирмайдиган киши ўзига тобе одамларга намуна бўлиб хизмат қиласиди. 1938 йилда Ваупшасовга, Каталония исенчилар томонидан босиб

олинганлиги туфайли ташқи дунёдан бутунлай ажралиб қолган Марказ — Жануб зонасига боришини таклиф қилишди. Топшириқ шундан иборат эди: агар ўз ичига ўнлаб республика дивизияларини бирлаштирган Мадрид, Гвадалахара, Левантия, Эстремадура, Андалуз фронтларини олган, душман томонидан қуршов қилингандын Марказ — Жануб зонасигда тартиб ва қаршилик күрсатиш жанговар рухи сақланиб қоладиган бўлса, у ерда 14- партизан корпусида катта маслаҳатчи сифатида қолиши керак. Агар у ерда тубанлик, саросима ва соткинлик бошланадиган бўлса, кетиш йўлини топиш зарур.

Каталония мағлубиятга учрагандан сўнг ҳам Ваупшасов қуршалган зонада актив ҳаракат қилишни давом эттириди, ҳатто у ерда партизан командирлар мактабини ҳам тузди. Генераллар Миаха, Касадо, ўзбошимча Мера ва ўнг социалист Бестейро республика ҳукуматига қарши бош кўтариб бутун зонани Франкога топширгунча аҳвол бир неча ой ана шу тарзда давом этди. Ўнларча жангга тайёр турган дивизиялар, минглаб соф виждонли ватанпурварлар фашистларга хоинона топширилган ва отиб ташланганди.

Сотқинлар фашистларга лаганбардорлик қилиш мақсадида коммунистларни ва зонада қолган Совет кўнгиллиларини қонундан ташқари деб эълон қилдилар. Ваупшасов ва бошқа қолган Совет кўнгиллиларини энди очиқдан-очиқ қўчаларга чиқишиган «бешинчи колонна» агентлари қидиришарди. Усталик билан яшириниб ва ҳаракат қилиб Ваупшасов Ўрта ер денгизининг қирғозларигача етиб борди. У ерда у самолёт ва ишончли испан учувчисини топди ҳамда ўзининг бир неча ўртоқлари билан фашистлар тайёрлаб қўйган ҳалокатдан қутулиб, Шимолий Африкага, Француз Мароккасидаги Оран шаҳрига учиб борди ва у ёқдан ўз уйига етиб олди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Николай Прокопюк ва Станислав Ваупшасов гитлерчи қўшиналар томонидан вақтинча босиб олинган территорияда йирик партизан

қўшилмаларини бошқариб боришиди. Урушнинг иккинчи қисмида эса уларнинг қўшилмалари Польша ва Словакия териториясида жанг қилган эди. Улар иккаласи ҳам ҳақли равишда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузлари билан тақдирландилар. Испан халқининг миллий-революцион уруши йилларида тақдир мени ана шундай кишилар билан учраштирганидан мағуруланаман.

## УЗОҚ ЎТМИШГА ҚАЙТИШ

Совет давлатининг ашаддий душмани Борис Савинков номи билан боғлағган «Синдикат» иши адабиётдан маълум. Мен буни икки сабаб туфайли эслатмоқдаман. Биринчидан, Григорий бу ишда асосий роллардан бирини бажариш шарафига мусассар бўлган бўлса, иккинчидан, Мадрид интернационал разведкачи-қўпорувчи отрядида ўз ихтиёри билан Испанияда жанг қилиш учун келган рус оқ муҳожирларининг унчалик катта бўлмаган группаси составида Борис Савинковнинг ягона ўғли — Лев Савинков ҳам бор эди. Бироқ у ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз. «Синдикат» ишининг қисқача тафсилоти шундай. Уни иккита қисқа ҳужжат якунлайди. Биринчи ҳужжат газета хабари:

«Шу ўйл (1924) август ойининг 20- кунларида Совет Россияси территориясида ОГПУ ишчи-декон Россиясининг энг ашаддий ва актив душманларидан бири гражданин Савинков Борис Викторовични қўлга туширди. (Савинков В. И. Степанов номига ёзилган сохта паспорт билан тутилган)».

Иккинчи ҳужжат анча кейин эълон қилинганди.

«СССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми қароридан 5 сентябрь 1924 ўйл.

§ 17. ОГПУ ходимларидан бир группасини Қизил Байрасқ ордени билан мукофотлаш тўгрисида

(СССР МИК секретари томонидан киритилган).

Менжинский В. Р., Федоров А. П., Сироежкин Г. С., Демиденко Н. И., Пузицкий С. В., Артузов А. Х., Пиляр Р. А., Гендин С. Г., Крикман Я. П., Сосновский И. И. ўртоқларга ОГПУ юклаган топшириқларни мұваффақиятты якунлаши, матонатли хизмати, ишга чинакам содиқлук күрсатғанligини әльтиборга олиб, оғир ва мураккаб вазифаларни бажариши мұносабати билан СССР МИК қарор қиласы:

Менжинский В. Р., Федоров А. П., Сироежкин Г. С., Демиденко Н. И., Пузицкий С. В. ва Пиляр Р. А. ўртоқлар Қызил Байроқ ордени билан мұкофотлансия.

Артузов А. Х., Сосновский И. И., Гендин С. Г. ва Крикман Я. П. ўртоқларга күрсатған хизмати учун СССР ишчи-деңқон ҳуқуматининг ташаккури әйлон қилинсин.

СССР Президиумининг Раиси  
М. И. ҚАЛИНИН.  
Секретари А. ЕҢҰҚИДЗЕ»

В. Ардаматскийпинг «Қасос», Т. Гладков ва М. Смирновларнинг «Менжинский» каби китобларида ёритилғанлығы туфайли мен бу ишни батағсыл тақрорлаб ўтирумайман. Фақат Григорий Сироежкинга бевосита алоқаси бўлган асосий воқеаларни эслатиб ўтаман, холос.

Ўз ишида гоятда шуҳратпаст ва кучли киши бўлган Борис Савинков чор ҳуқумати даврида махфий иш олиб бориш, хилма-хил қаллоблик ва террорлик ҳаракатларини ташкил қилиш соҳасида катта тажрибага эга эди. Ў махфий иш олиб боришда муғамбир ва уста бўлиш билан бирга унинг кетидан қаёққа деса кетишига ва унинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёр турган сафдошларга эга эди. Ў англия, америка, француз, поляк разведкаси билан алоқа боғлаганди. Ўнга ишонишар ва пул беришарди.

Савинков чет элда туаркан, у ўзининг бизнинг давлатимиизга қарши қаратилган душманчилик фаолиятини ҳар қандай вазиятда ҳам тўхтатмаслигини Ф. Э. Дзержинский биларди. Демак, уни тутиб олиш ва бу билан фақат савинковчилар ташкилотига эмас, балки унга ишониб юрганларнинг ҳаммасига қақшатгич зарба бериш керак эди.

Савинков қанчалик уста бўлишига қарамай кенг тарқалган яширин контрреволюцион ташкилот тузса олмади. Дарвоқе, бунинг учун бизнинг мамлакатимиизда шарроит ҳам йўқ эди. Унинг яширин ташкилотлари қотиллик ва талончилик қилувчи босмачилар тўдасидан иборат эди. Шунга қарамасдан, Савинков кенг контрреволюцион ҳаракат ҳақида орзу қиласди.

ОГПУ қўйган мақсадни муваффақият билан амалга ошириш учун бу одамнинг асосий томони чексиз шуҳратпастликдан иборат бўлган характеристининг хусусиятларини ҳисобга олиш керак эди. Ниҳоят Дзержинский ва Менжинскийнинг раҳбарлигига «Синдикат» номини олган доно ва жуда нозик режа тузилганди. Мамлакатимиизда гўёки кўпгина обрўли ва таниқли кишилардан ташкил топган кенг тармоқли советларга қарши яширин ташкилот бор деган сохта тушунча ҳосил қилишга қарор қилишганди. Савинковни эса унинг шахсий раҳбарлигисиз бу яширин ташкилот иш олиб боролмаслигига инонтириш зарур эди.

ОГПУда ўзини қатор мураккаб ишларда, жумладан, «Трест» операциясида жуда яхши кўрсатган ақлли-заковатли кишилар озмунча эмасди. Бироқ, чет элга, Савинков ёнига фақат нодир шахсий хусусиятларга эга бўлган кишиларни юбориш кифоя қилмасди. Уларнинг органлардаги мавқе А. Артузов, В. Стирне, Р. Пиляр, С. Пузицкий каби кишилар ва бошқа раҳбар ходимларнинг мавқеига нисбатан камроқ сезиларли бўлиши керак эди. Дзержинский ва Менжинский икки киши — Андрей Павлович Федоров ҳамда Григорий Сергеевич Сироежкинни

танлашди. Шунинг учун ҳам улар ўз ўйинини бошлашди уларнинг мақсади яширин иш олиб бориша катта тажрибага эга бўлган Савинковдек кишини раҳбарликни у ўз қўлига олишни орзиқиб кутаётган йирик, советларга қарши ташкилот борлигига ишонтиришдан иборат эди. Андрей Федоров ва Григорий Сироежкин бу махфий ташкилот аъзолари сифатида чет элга ҳам бориб келишиди.

Бу серташвиш, жуда мураккаб ишга ҳафталаар, ойлар кетарди. Улар ўзларининг ҳар бир қадамини эҳтиётлик билан назорат қилишлари керак эди. Федоров ва Сироежкин яширин ҳолатга ўтишган десак тўғрироқ бўларди. «Синдикат» ишидан хабарсиз бўлган кишилар билан учрашиш ман қилинганилиги учун улар ОГПУ биносида кўринишмас, ўз уйларида яшашмас, бошқа фамилия ва исмли ҳужжатлар олишганди.

Ииллар ўтиши ва бу иш ҳақида ўтган замонда гапириш кези келганда Федоров ва Сироежкин ҳақидаги ҳискоялар афсонага айлана бошлади. Буни ушбу сатрлар муаллифи ҳам биларди. Тақдир тақозоси-ла Испанияда Григорий Сироежкин билан учрашганда мен бу иш ҳақида унинг асосий қатнашчилари оғзидан эшитишни истардим. Бироқ, ўзи ҳақида гапириш бу одамга одат бўлмаганлиги туфайли қандайдир қулай фурсат, вазият келишига сабр-тоқат билан ишондим ва кутдим. Ниҳоят шундай имконият ҳам бўлди.

Григорий менга ёзувчилар В. Ардаматский, Т. Гладков ва М. Смирновлар китобида ҳар хил ифодаланган бир ҳодисани гапириб берди. Ҳозир бу ривоятлардан қайси бири тўғрироқ эканлигини аниқлаш қийин, албатта. Бу ҳодисани мен бу ерда Григорийнинг ўз оғзидан қандай эшитган бўлсан шундайлигича баён қилмоқчи-ман. Шу нарсани айтиш керакки, буни орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтгандан сўнг Сироежкиннинг Хитойда бирга ишлашган сафдоши полковник Александр Тимошков ҳам тасдиқлади.

Бир куни кечқурун биз навбатдаги хавфли операциядан Мадридга қайтиб келдик. Бизнинг меҳмонхонамиз «Гейлордга» иссиқ сув берилган фавқулодда кунлардан бири эди. Чарчаш ва иссиқ вания туфайли ҳолдан кетганингиз учун анча барвақт ётиб олдик. Григорий ўзининг бақувват кўкрагини уқалаб ҳузур-ҳаловатдан томоғини қираради. У ярим ёпиқ қовоқлари орқали менга қараб тамаки чекди ва маза қилиб кўрпа тагига чўзилди.

— Гриша, сен Андрей Федоров билан биргаликда қандай қилиб Савинковни олиб келганлигинги айтиб бергинг, — дедим мен қўққисдан сўрашга журъат қилиб.

У менга ҳайрон ва норози бўлиб қарагандек туюлди.

— Нимани ҳам айтай... Шундай иш бўлганди. Бундай ишлар кўп бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади... Бу узоқ тарих. Яхшиси, ухлайлик! Хўпми? — деди у ва деворга томон ўғирилиб эндиғина тутатган сигаретини ташлади. Бироқ, бир миштдан сўнг тўсатдан менга томон бурилиб, тўшакка ўтириб олди.

Кўринишни хижолатли бўлганлиги учун бўлса керак, Григорий қулиб шундай деди:

— Ҳа, майли. Айтсан айтиб бера қолай, бўлмаса сендан қутулиб бўлмайди... Мен буни кўриб турибман. Лекин шуни очиқ-ойдин айтайки, ҳамма нарса ҳақида гапириш учун узоқ вақт керак. Бундан ташқари, ҳамма нарсани билмайман ҳам. Андрей менга ҳамма нарсани айтиб бергани ҳам йўқ, унинг бошлиқларга тайёрлаган докладларни кўрмаганман ҳам. Худо ҳақи, бу жуда узун тарих. Бошқа вақт айтиб берсам-чи?

Бироқ мен қатъни бўлишга қарор қилдим!

— Йўқ, Гриша, розилик берган экансан, энди айтиб бера қол!

— Ёпишқоқлигинги қара-я сени,— деб жилмайди у минғиллаб.

Ўз ҳикоясини у худди мен кўп нарсани билгандек кириш қисмисиз ва тушунтирасдан бошлади:

— Поляк чегарасидан мен «яшил» қиёфасида ўтдим. Уша пайтда Украина Белоруссияда босмачи қисмларини шундай деб аташарди. Поляк қоровулхонасига келиб эсерлар билан алоқа қилмоқчи эканлигимни айтдим. Разведка офицери менинг сўзимга бирдан ишона қолмади, албатта. Поляк разведкачилари аслида муғамбир ва тажрибали бўлишади. Мени Вильного жўнатишди ва меҳмонхонага жойлаштиришди. Мен поляклар менга ишонмаётганлигини, шунинг учун текшириб кўришаётганликларини сездим. Разведкачи офицерлар ҳар куни базм уюштиришарди. Улар мени маст ҳолда ўз сирини ошкор қилиб қўяди деб ўйлашарди. Кўринишидан гўёки мастга ўхшаб, «қизиллар» қандай қилиб менинг қулоқ оиласми бутунлай йўқ қилганлиги ҳақидаги даҳшатли тарихни сўзлаб бердим. Ишонасанми, йўқми ҳақиқий кўз ёши қилиб йигладим ҳам. — Шундай дейиш билан Гриша овозсиз кулиб қўйди. — Қандай қилиб кўз ёши келдийкин-а? Чунки мен ҳаётимда ҳеч йифламагандим! Офицерлар менга эсерлар билан алоқа ўрнатишга ёрдам беришни ваъда қилишди.

Алоқа ўрнатишни кутиб улар ҳисобига овқат еярдим, ичардим ва шаҳарни томоша қилардим. Бир куни шундай келаётсам қандайдир кимса менга қараб отилди. Бундай қарасам, 1918 йилда трибуналдаги хизматдошим поляк Стржелкевский экан. Аблаҳ, ўғри, пияниста ва душман томонга ўтган одам. 1922 йилдан бери у Польшада ўрнашиб олганди. У менинг ЧҚда ишлашимни биларди. Албатта, мен ҳам учрашганимизга «хурсанд» бўлдим. Ўтган кунларни эсладик. Мен унга Совет ҳукумати билан алоқани узганлигим, ҳафсалам пир бўлганлиги учун «яшиллар» томонига ўтиб кетишга аҳд қилганлигим ҳақида тезликда тўқилган уйдирмани айтиб бердим. Бироқ, у мени полицияга сотмайди деган хомхаёлга бормагандим.

Эртаси куни эрталаб мен меҳмонхона ресторанида ўтириб овқатланаётгандим. Қарасам, қандайдир кимса

эшикнинг хира ойнасидаги ёруғлик орқали мени кузатиб турибди. «Бу нима балоси тағин,— деб ўйладим.— Гап нимада эканлигини билиш керак». Ўрнимд<sup>и</sup>н туриб эшикка томон бордим, уни очиб айғоқчининг кўкрагидан тутдим: «Нега сен менинг кетимдан жосуслик қиласан?» Унинг титраганини кўрсанг эди! «Мен жосус эмасман, шу ердаги сартарошман,— дейди у.— Ҳозиргина иккита миршабни сочини олдим ва уларнинг чекист большевикни қамамоқчи эканлиги ҳақида гаплашишганини эшигдим. Шунинг учун мен у чекистга қарамоқчи эдим!»

Нима қилиш керак? Мен ресторандан кўчага чиқдим ва шу заҳотиёқ полиция мени қамоққа олди. Миршабхонага олиб келишди. Кўрсам, стол атрофида менинг «хизматдошим» ўтирибди. Унинг олдидан ўта туриб: «Қалай, хурсандмисан?»— деб сўрадим. «Ҳа, хурсандман»,— деди у.

Мен миршабларга жавоб беришдан бош тортдим ва менга таниш разведка офицерини чақиришини талаб қилдим. У келгач мен, «хизматдошим» пияниста, банги, мен билан шахсий адоватларини ҳисоб-китоб қилмоқчи, деб айтдим. Айни нуқтани кўзлаган эканман. Чунки бу кимса ўзини ёмон томондан кўрсатишга улгурган экан. Шунинг учун менга ишониша қолишди. Яна меҳмонхонага олиб келишди. Бироқ кузатишни тўхтатишмади. Жосулслар ҳар қадамда менинг кетимдан соядек эргашиб юришарди. Шу сабабли мен офицер билан қаттиқ жанжаллашиб: «Агар ишонмасангиз турмага тиқинг. Мен бундай шаронтда ишлашни истамайман!»— дедим. Қараки, бу унга таъсир қилди!

Гриша бирдам жим қолиб чекди ва соатига қараб, тамомила бошқача оҳангда деди:

— Ҳавф-хатар кунма-кун ошаётганлигини сезардим. Ҳамма нарсадан воз кечиб орқага қарамай қочгим келарди... — Сироежкин бир нарсани эслаётгандек бир оз жим турди. — Бир неча кундан сўнг мени Варшавага юборишди. У ерда мен Савинковнинг ишончли кишила-

ри билан учрашдим ва уларга «ташкилотдан» «маълумот» етказдим. Улар мени сўрашар, текширишарди. Унинг одамларининг муғамбирилигини кўрсанг эди! Қанчалик эҳтиёткор бўлишса-да, уларга ниммадир ёқди ва улар менга ишонишли. Мендан Совет Иттифоқига уларнинг эмиссарини ўтказишни сўрашди. Мен уларга ўтказишмумкин деб жавоб бердим. Мен ҳақ гапни айтат-ётганимга ишониш учун менга одамингизни қўшинг, у мен билан бориб мени текшириб кўрсин, дедим. Поляк разведкаси мен билан келишиб олишни истарди. Хўп деб улар билан ҳам гаплашдим, «қимматли маълумот» бериб бўлгач, эмиссар билан бирга кетдим. Москвада унга «ташкилотни» кўрсатишли. У унинг мажлисларида қатнашиб ҳар хил баҳслар ва фикрларни тинглади. Ҳамма нарса қўнгилдагидек бўлди. Бақувваг ташкилот борлигига ишонган «эмиссар» Варвашага қайтди... Бундан сўнг Савинков иккиланиб ўтирмади ва Москвага ўзи боришига қарор қилди.

15-чегарачи отряд участкасида унга чегарадан ўтиш имкониятини яратиб беришли. Андрей Федорович ҳам у билан бирга ўтди. Борис Викторович ўзи билан бирга энг яқин сафдоши Деренталь ва унинг хотинини (ўзининг ўйнаши) ҳам дадил бошлади. Уни Минскка ташкилотнинг «махфий» уйига олиб келишли. Улар нонушта қилишишиб, ичишиб туришганда эшик очилиб қизил жангчилар ҳамда ОГПУ коллегиясининг Белоруссия бўйича муҳтор вакили ўртоқ Пиляр югуриб киришли.

«Сиз, Савинков Борис Викторович, Совет Социалистик Республикалари номидан қамоққа олиндингиз!»

Мен ҳар эҳтимолга қарши унинг стули кетида турардим. Агар у қаршилик кўрсатишни истаса, мен унинг қўлларидан ушлаб олардим... У нимжон эркак эди. Аввало, у қамоққа ишонмай бу ҳаммаси жасоратни синааб кўриш мақсадида уюстирилган бўлса керак, деб ўйлади.. Бироқ уни Минск вокзалига олиб келишгач, ишониб: «ГПУ қўлини сезаяпман, қойил ГПУ!» — деди у.

Гриша жилмайиб:

— Мана шу холос... Лекин бу ишни мен айтиб берган-дек шунчалик содда ва осон деб ўйламагин. Бундай ишлар осонликча бўлавермайди. Кўп меҳнатимиз ва асабимиз сингган! Қанчалик вақт кетганлигини айтсанг-чи! Ҳамма иш чиппакка чиқадиганга ўхшаган пайтлар ҳам бўлган. Шундай хавотирларни текшириб кўриш учун мен Польшага боргандим. Қетардим-у, лекин қайтиш-қайтмаслигимни билмасдим. Буни мени юборгандар ҳам билмасди...

Узоқ сукунатдан сўнг Григорий давом этди:

— Агар бизнинг хавфсирашларимиз тасдиқланса ва Савинков ҳамма нарса қасддан уюштирилганлигига ишонса, улар ўзинг тушунганингдек, мендан тортиниб ўтиришмасди. Стржелковский билан бўлган учрашув кўнгилсиз ва кутилмаган ҳодиса эди, албатта. Бироқ менинг бахтимга вазият ҳам топшириқни барбод қилмайдиган йўсинда бўлди.

Григорий бир оз жим туриб яна битта сигаретни олди ва чекиш фикридан қайтиб, уни ёқмасдан қайтариб жойига қўйгач, давом этди:

— Ўша пайтда, иш ниҳоясига етгунча аҳволимиз танроқ бўлганди... Бироқ ҳамма нарса ҳақида гапириб ҳам бўлармиди? Бундай ишларни батафсил гапириш ҳам, тасвирлаш ҳам мумкин эмас. Бу ерда шунчалик нозик нарсалар борки, оҳанг ҳам, қарашиб ҳам, вазият ҳам, айниқса, ҳис-ҳаяжон, фаҳм-фаросат ва яна қандайдир нарсалар роль ўйнайди... Бунинг барча тафсилотларини тушунириб беришпинг асло иложи йўқ. Кераги ҳам йўқ, шекилли?

— Унчалик тажрибага эга бўлмаган бизлар нима қилишимиз керак? Ким бизларни ўргатиши керак? — дедид мен.

— Биз бу ерда биргамиз... Ўрган... Мен ҳам бу ерда билмаган нарсаларимни ўрганаюпман... — Бир оз ўйланиб қолиб, сўнг бирдан эслагандак Григорий шошилинч ра-

вишда шундай қўшимча қилди: — Бу ишда асосий ролни мен эмас, балки Андрей Федоров бажарган. Парижга ҳам у борган ва Савинков олдида ўзини шундай қилиб кўрсатишни улдалай олганки, у қари, муғамбир ва жуда эҳтиёткор шахс унга ишона қолди. — Гриша кулиб бошини иргади ва бармоғини кўтариб, жуда ишонтиарли даражада: — Бунинг учун катта қобилият талаб этиларди. Андрей ҳақиқий артист эди. Ўз ролини яхши ўйнарди. Мен бўлсан, унга фақат ёрдам берардим... Сенга яна нима дейин? Қел, яхшиси ухлай қолайлик! — деб тўсатдан сўзини тутгатди ва деворга ўгирилиб устига кўрпани тортди.

Ҳа, бу сафар Григорий сергап эди. Одатда ундан бирон-бир иш тўғрисида гапириб беришни сўрашганда, у: «Билмайман... Сиз нималарнидир чалкаштираяпсиз, у мен эмасдим», — деб жавоб берарди ёки «унутганман» деб осонликча қутулиб қўя қоларди. У буни ўзининг беъсита, такрорлаб бўлмайдиган услубида шу даражада ишончли қилиб айтардики, сўраган киши ишонмаса-да, индамай қолар, лекин қаттиқ туриб олишга интилмасди. Унинг машқини олган иродасига мен доимо ҳавас қилардим.

\* \* \*

Григорий Сироежкин ҳаётидан яна бир саҳифа хотирамда. Буни мен усиз билиб олдим.

Инглиз разведкасининг доимий ходими, хавфли ва ашаддий душман қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларнинг жиддий ва саботли ташкилотчиси Сидней Рейли бир неча бор бизнинг мамлакатимизга яширин тарзда келган ва ўзининг ярамас ишларини бажарип омон-эсон қутулиб кетганди.

Ниҳоят, унинг ҳам навбати келди. У ҳам Савинковдек ОГПУ томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган афсонага учиб, 1927 йилда махфий равишда яна Совет Иттилоғига қараб жўнади.

СССР — Финляндия чегарасидаги дарёдан уни миллиати фин бўлган, бу ишда гўёки фин ҳамда инглиз разведкасига хизмат қиласётган совет чегарачисининг мурракаб ролини ижро этган чегара соқчиси ўртоқ Петров — Тайво Вяхя ўз елкасида олиб ўтади. Гайво Вяхя чегарадаги темир йўл станцияларини айланиб ўтиш мақсадида Рейлини узоқ вақт ўрмонлар ичida олиб юрди. Шу йўсинда у уни Ленинград яқинидаги Парголоно станциясигача олиб бориб, поезд вагонида у ерда уларни кутиб турган икки чекист қўлига топширди. Ана шу чекистлардан бири, инглиз жосусини Ленинградга олиб борган киши Григорий Сироежкин эди.

Кунлардан бирида мен Григорийдан Рейли билан бўлган учрашуви ҳақида сўрадим. Ўшанда унинг юзида нафратланиш пайдо бўлди ва у одам сифатида бир тийинга ҳам арзимайдиган кимса эканлигини жирканиб гапирди. У бу «машҳур» инглиз разведкачиси ўтакетган даражада қўрқоқ зот эканлигини, чекистлар қўлигатушгач, Рейли дарҳол ўз хўжайниларини сотиб — ОГПУга ўз хизматини тавсия қилиб инглиз разведкасининг бизнинг мамлакатимизга қарши олиб бораётган фаолияти тўғрисида нимани билса ўшани айтганини гапириб берганди.

Ф. Э. Дзержинский революциянинг дастлабки йиларида, ВЧК га раҳбарлик қиласётган пайтда: «Мен курашнинг энг қизғин жойида турибман. Бу дам олиш имконига эга бўлмаган аскар ҳаёти. Чунки биз ўз ишимизни қутқаришимиз лозим. Ўзинг ва яқинларинг ҳақида ўйлашга вақт мутлақо йўқ. Бу иш ва кураш ниҳоятда азоб-үқубатли...»— деб ёзган эди.

«Синдикат» операцияси ва Григорий Сироежкиннинг ундаги иштироки ҳақида ўйлаганимда доимо шу сўзлар эсимга тушади.

Федоров ва Сироежкин ўз ҳаётларини гаровга қўйган қаҳрамонона иш натижаси қисқагина ҳужжатда — СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг 1924 йил 29 август-

да чиқарған ҳукмнда ифодаланған. Ҳукмда шундай дей-илган:

«Савинков гувохлик бериш пайтида ва охирги сүзи-ди ўзининг Совет ҳокимиятига қарши қаратилған сиё-сий фаолияти хато ва янглишишдан иборатлғини тан олди. Совет ҳокимиятига қарши қаратилған фаолиятидан мутлақо воз кечиб, чет эл интервентларининг фаолия-тини фош қилди ва уни Совет ҳокимиятига қарши ку-рашга мажбур қилған барча моддалар бўйича Октябрь революцияси бутунлай ҳақ эканлигини тан олди».

Савинков ўзининг суддаги сўнгги сўзини Совет ҳоки-миятини сўзсиз тан олганлиги ва унга итоат қиласажак-лиги билан тамомлади. Унинг жиноятлари оғир эди. Шунга қарамасдан, Совет ҳокимияти бу одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин, деб топди.

Лекин чексиз ва идора қилиб бўлмайдиган интилиш-ларга эга бўлган бу одам ўз ҳаётини кунларнинг бири-да унга яаш учун ажратилған олтинчى қаватдаги хона ойнасидан ташлаб ўлдириш билан тамомлади. Унинг ўртоғи Деренталь ҳозир ҳам тирик ва мамлакатимиз-нинг жанубий шаҳарларининг бирида яшамоқда.

## «БЕШИНЧИ КАЛОННА» БИЛАН УЧРДШУВ

Испанияда менинг ҳаммадан кўпроқ учувчиларга интилганлигим ва тез-тез аэродромларда бўлиб турган-лигимни тушунтириб ўтирумаса ҳам бўлади. Кўп ўтмай, у ерга деярли мен билан тенгдош бўлган ўртогим Евге-ний Саввич Птухин ҳам келди. У авиация бўйича катта маслаҳатчи ҳисобланса-да, Совет кўнгилли учувчилар қисмларига раҳбарлик қиласарди. Чунки республикачилар авиацияси учувчилар составининг 90 фоизини совет кўн-гилларидан ташкил қиласарди.

Евгений Птухин жанговар учишларда тез-тез қатна-шиб турар ва унинг ҳисобида бирмунча ҳаво жанглари бор эди. Авиацияга бўлган муҳаббат бизни бир-бири-

миз билдиң яқнилаштырганлиги туфайли биз дүст бўлиб олдик.

Григорий Сироежкин Мадридга келган кезларида Евгений Птухин билан учрашарди. Бир печа бор учаламиз биргаликда вақт ўтказганимиз. Ўзининг ёшлигини гражданлар урушининг жанговар йилларида бошлаган бу иккι довюрак инсон бир-бiri билан иноқлашиши. Биргаликда хотирласа арзийдиган нарсалар бўлганлиги учун улар бир-бирига томон шитилишарди.

Бахти дамларимизда биз учаламиз «Гэйларддаги» қоронги хонациинг очиқ ойналари олдидা вақт аллама-ҳал бўлгунича ўтириб, Мадриднинг туғи садоларини тинглар ва дилкашлик қиласардик. Биз учун фожиали ту-гашига сал қолган бир оқшом ҳақида гапириб беришдан олдин мен қўмонидон дўстимга ҳақиқий баҳо беришни истайман.

Евгений Птухин сўёсиз, машҳур авиация командири ва бўлажак урушда жанговар авиациянинг ролини ижодий равишда тушунган кишилардан бири эди.

Академик кафедраларда ишлаб чиқилган эски тактика ҳаётда ўзиши ҳар доим ҳам оқладай олмасди. Авиацияни ишлатишни янги жанговар йўлларини топиш зарур эди. Бироқ, авиация техникасининг тез тараққиети кетидан улгуролмаган уставларнинг муҳрланган сўзла-ри кўпчилик командирларнинг ижодий фикрлашишига халақит берарди. Уруш шароитида, Ватандан йироқда жанговар тажрибалар ўтказиш учун жиддий ботирлик, ўзинга ишонч ва маълум даражада таваккал қилиб кўриш зарур бўларди. Птухин апа шундай таваккалга шайланган ягона кишилардан бири эди. У муваффақият-сизлик унга нисбатан кўнгилсиз воқеалар хавфини тутдириши мумкинлиги ҳақида ўйлапиб ҳам ўтирасди.

Евгений Птухиннинг қобилияти Испанияда қанчалик номоён бўлганлиги, унинг учувчиларга ўз кучига ишо-нишлари зарурлигини ўқтира олганлиги ҳақида кўп нар-саларни айтиб бериш мумкин. Қобилиятли ёш учувчи

Николай Остряков билан бўлған сұхбатларда у уни герман линкори «Дойчландга» қарши мардонавор ҳужумга отланишга ва унда ютиб чиқишига руҳий жиҳатдан тайёрлаган эди. Птухин Александр Гусевнинг қирувчи самолётлар эскадрилиясини исёңчилар корабллари устидаи ғалаба билан якунланган мислсиз ва мардонавор ҳужумини ҳам маъқуллаган эди. Душманнинг Гарапинильясдаги маҳфий аэродромига ҳужум қилиш плани улар томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилганди.

Кунларнинг бирита кечки овқатдан сўнг қоронғи хонанинг очиқ ойнаси олдида Птухин билан биргаликда ўтирганимизда Сироежкин келди. У бўш шиша ва ҳали йиғиширилмаган тарелкаларга қараб:

— Бирон-бир кафега ёки майхонага борайлик. Фақат у узоқроқда, бомбалар тушмайдиган жойда бўлсин, — деб таклиф қилди.

Биз Мадриднинг фронт линиясидан энг йироқ ҳисобланган шарқий қисмидаги Пласса де Тороснинг баҳайбат, қоронғи биноси қаршисидаги Тореадорлар кӯчасида ҳали ишлаб турган бир кафе олдила тўхтаб шофферга жавоб бердик.

Паст шипли залда столчалар атрофида ўтирган кишиларни аранг ёритаётган бир неча кўк чироқ хира ёниб турарди. Фақат улкан қалпоқ остига ўрнатилган ягона оқ чироқ бармен турадиган жойда оз ерга, лекин ёрқин нур сочиб турарди. Тамаки тутуни шипда паға булутдек сузиб, қоронғиликни янада қуюқлаштиради. Ширақайф эркак ва хотинларнинг бўғиқ овозлари умумий ғовур-гувурга қўшилиб тамаки, вино ва арzon атир-упалар ҳиди анқиган зални тўлдиради.

Биз жой олиб бир шиша ажойиб оқ каталон виноси — марфил келтиришни буюрдик. Григорий тезликда атрофга назар ташлади. Бизнинг яқинимизда касса ёнида хотин киши, кейин билишимизча, майхона хўжайини ўтиради. Унинг ёши сўзсиз қирқлардан ҳам ошганди.

Сочлари силлиқ таралған, ва йирик тароқ қадалған ел-касига эса калта камзул ташлаб олғанды. Құлларидә узуклар ялтирар, құлниң ҳар сафар кассага узатғанида билагузуклары жарапнгларди. Унинг юзида шундай нарса бор әдіккі, диққат-эътиборимизни ўзига тортарди. Тұғрироги, биз унинг қарашларини сезіб турадик.

Биз майхонага келувчиларнинг диққатини жалб қилишни истамасдик. Чунки, Мадридда қулай фурсат келганды әртүрлімаган күчада елкага пичоқ уриш ёки чет әллік күнгілли бүйшига қаратиб ўқ узишга тайёр турған Франко «бешинчи колония» сининг күпгина махфий агентлари яширишиб юради.

Биз жимгина виши ичиб ўтирар ва атрофимизга қараб құярдик. Иккі йигит гитараға жүр бўлиб унчалик одобга тұғри келмайдын ашуаларни айтишарди. Яқындағы стол атрофида ўтиришган, бўйинларига қоракқизил рангли рўмолчалар ўрашған анархистлар маъқуллаб, «ола!» дега қичқиришарди. Күчада кириш ёнида тормозларини гичирлатиб комендант қоровули машинаси тұхтади. Майхонага қуролланған кишилар киришди. Уларнинг құлудагы электр фонуслар нури залга урилиб мовий гира-ширада жим ўтирган кишиларнинг юзини ёритти.

— Диққат! Ҳеч ким жойыдан қимирламасин. Ҳужжатлар кўрсатилсиз! — деди қатъий овоз. Әртүрлігән жойга тезликда қўлида катта калибрли тўппонча ушлаган офицер, қоровуллар бошлиғи келди. Ү яқында ўтирган кишиларга боқді. Евгенийга томон жуда яқын келиб:

— Ҳужжатларни кўрсатинг! — деди.

Птухин индамай ўзининг штаб говоҳномасини узатди.

— Менинг генералим! Афв этишингизни сўрайман! — деб кучли хитоб қўлди офицер ва эҳтиром билан ҳужжатларни қайтариб берәётіб: — Бу кишилар сизнинг ўртоқларингизми? — деди бизни кўрсатиб ва жавобини ғам кутмай, тұсатдан: — Сизлар билан рус учувчиларининг соглиғи учун ичишга ижозат этнинг! — деди.

Офицер ўзининг «стайерини» камарига тиқиб бармендан имо билан бокал беришин талаб қылди. Биз у билан тұқишиштиргач, атрофимизда йигилгап одамлар ўзларининг стаканлари билан ёнимизга келишди.

— Машинани чақир,— деб тұнғиллади Григорий.

Лекин майхонадаги телефон аллақақочонлар олиб құйылған эди.

— Үндай бұлса пиёда кетамиз, бүлмаса ҳамма билан ичишга тұғри келади,— деди Евгений ва чиқиш томонга қарабай йўналди.

Биз қоронги кең күчага чиққақ, бурчаккача бориб Алькала күчасига бурилдик.

«Гэйлардгача» узоқ, ўп даҳача юриш керак эди. Бизнинг кетимизда — бўм-бўш күчанинг қарама-қарши томонида шошилиниң қадамлар эшитилди. Қоронгида кишилар кўринмасди.

— Арриба, Эспанья!<sup>1</sup>— деб кимдир күчанинг нариги томонида қичқириб фашистча шиор ташлади. Унинг кетидан ўқ овозлари қарсиллади. Ўқлар бизнинг ёнимиздаги уй деворига тегарди. Синган ойна жаранглади. Евгений тўппончасини олиб йўлка четидаги дараҳт орқасига ўтди ва бир неча бор ўқ узди. Григорий партизанчасига фашистларга қаратат граната иргитди ва русчалаб сўкиниб қўйди. Портлаш натижасида юзага келган гумбурлаш садоси тор кўчаларда акс этди. Еруғлик таъқибидан қочиб кетаётган иккى киши кўринди.

— Кимлигимизни яшириб қоломладик-да,— деди Сироежкин тўппончасини гилофига соларкан.— Энди нима қиламиз?

Григорий кўчанинг нариги томонига, гранатаси портлаган жойни кўриш учун ўтди. Биз томонга қайтиб келгач, тұнғиллаб:

— Осонгина қутулдик! — дели ва Евгений Птухинга

---

<sup>1</sup> Арриба, Эспанья! — Испания, кўксингни кўтар! (испанча.)

мурожаат қилиб: — Бекорга ўқ уздинг, ўз жойинги билдириб қўйдинг, холос, — деб қўшиб қўйди.

Франконинг Мадридда яширинган «бешинчи колонна» агентлари қулай пайти келганда пўписали хатлар ёзишар, пана жойлардан совет қўнгиллиларига қаратада ўқ узишарди.

Зарур бўлган эҳтиёткорлик чораларини кўриб бўлгач, қоровул келишини кутиб биз ўз жойимизда тўхтаб турдик. Чунки бирон жойда фашистларнинг иккинчи группаси ҳам яшириниб турган бўлиши мумкин эди. Орадан кўп ўтмай катта тезликада келаётган автомобиль овози эштилди. Мен тош йўлга чиқиб чўнтак фонусчам билан сигнал бердим. «Испано-сюиз» деб аталувчи катта очиқ машина тормозини гижирлатиб тўхтагач, ундаи тўртта қуролланган киши чиқиб келди. Ҳамма нарса бахайр тамомланганлиги ва орамизда ҳеч ким ярадор бўлмаганлигини билди улар бизга ўз машинасига ўтиришни таклиф қилинди. Бир неча минутдан сўнг биз «Гэйлардга» етиб келдик.

Эрта наҳорда бизни СИМ<sup>1</sup> офицери уйғотди. У бизга инсбатан бўлган тунги ҳужум ҳақида батафсил гапириб беришни илтимос қилди ва бу воқеа майхонадан Тореадорлар кўчасига кетишдаги йўлда бўлганлигини билди СИМ қўидан бери бу даргоҳга келувчиларни кузатётганилиги, бу даргоҳ ҳўжайинининг эри исёнчилар томонига қочиб кетганлигини айтди.

— Ана холос, — деди Григорий ўйланиб, СИМ офицери олдимиздан кетгач. — Назаримда, майхонадаги у хотин биэзга фалангачиларни тўғрилаб қўйган бўлса керак.

Қамал қилинган шаҳарда ҳанузгача кун кечириб келаётган Мадрид майхоналарида бирига бориш биз учун ана шундай тугади. Бундай жойларда Хемингуэй ҳам

<sup>1</sup> СИМ — испан республика армиясининг ҳарбий контразведкаси.

тез-тез бўлиб турар ва уларни ўзининг Мадридга ба-  
фишланган ҳикояларида тасвирлаган.

Кези келганда, Хемингуэй ҳақида ҳам бирон нарса  
дейиш керак. Бу америкалик истеъоддли ёзувчининг ис-  
ми ва асарлари бизнинг мамлакатимизда катта шуҳрат  
ва ҳурматга сазовар бўлган. Испан халқининг 1936—  
1939 йиллардаги миллий революцион уруши йилларида  
Хемингуэй Испанияга бир неча марта келган, ҳатто рес-  
публикачиларга моддий ёрдам ҳам кўрсатганди.

Мен уни Испанияда тез-тез кўриб турадим. Бирок,  
бизнинг учрашувларимиз тасодифий ва дақиқалик бў-  
ларди, холос. Бундан ўттиз беш йил муқаддам Хемингуэйни  
кейинчалик катта шуҳрат қозонгаи ҳаммани  
қойил қиласан кўпгина асарлари, жумладан, унииг маш-  
ҳур «Жом чалинган киши» номли романи ҳали ёзилма-  
ган эди. У пайтда унииг номи ҳозиргилик жарангламас  
ҳам эди. Испаниядаги совет кўнгиллилари, биз ёшлар-  
нинг кўпчилигимиз учун у чет эл журналистларидан би-  
ри эди, холос. Капиталистик матбуот вакиллари орасида  
чет эл разведкасининг журналист ниқоби остида юрган  
агентлари кўп бўлганлиги учун биз улар билан узоқ  
сухбатлашишдан чўчирдик. Хемингуэйга нисбатан ҳам  
шундай муносабатда бўлардик.

## **МЕҲМОНХОНАДАГИ СУҲБАТ**

Мен япа Григорий Грандэнинг ўтмиши, унииг 1927  
йилдаги фаолиятини тикламоқдаман. Унинг шахсий де-  
лосидаги ўша пайтга тааллуқли ёзувлар фикр юритиш  
учун бой озуқа бўла олади.

«Партия раҳбарларига қарши террорчилик ҳаракат-  
лари уюштирган офицерлар Аксютис ва Шиловларнинг  
террорчи ва фитначи ташкилотларини тугатиш бўйича  
тергов ишлари олиб борди. Герман разведкаси томонидан  
тузилган фашистлар террорчи фитначи ташкилотни  
йўқ қилди.., Файратли ходим Ленинграддаги террор-

чилик ташкилоттар ва группаларни тугатиш соҳасида мураккаб ишларни бажарган. Қизил Байроқ ордени, олтин соат ва иккита маузер билан мукофотланган. Алоҳида хизматлари ва жанговар қаҳрамонлиги учун муддатидан олдин давлат ҳавфсизлиги майори унвони берилган». Ўша пайтда у юксак унвон бўлиб кейинчалик генерал-майор унвонига тенглаштирилган. Бу лўнда сатрлар Григорий Сироежкиннинг Ленинградда Испанияга кетгунча олиб борган қаҳрамонона ишидан яққол дарак беради.

Бу ҳужжат баъзи бир тушунтиришларга муҳтоҷ. «Террорчи ташкилотларни тугатиш» деган ибора айтилганда, РОВС бўйича бўлган жуда йирик иш назарда тутилади.

Чет элда кун кўраётган оқ муҳожирлар ташкилоти — Россия умумҳарбий иттифоқи (РОВС) 1924 йилда Совет Иттифоқи территориясида бир неча махфий группалар ташкил қилилганди. Улар, айниқса, Москва ва Ленинградда актив ҳаракат қиласарди.

РОВСни тугатиш иши «Трест» операцияси деган ном олган. Буни китобхон Л. Никулиннинг «Жонсиз титроқ» телефильми ва романидан яхши билади.

Григорий Сироежкин у ҳақда қисқача эслашдан ташқари бошқа гапирмаганинги учун биз унинг баъзи саҳифаларини тиклаб ўтирумаймиз. Бироқ, куиларнинг бирида меҳмонхонада бу иш ҳақида беихтиёёр гапириб қўйгани хотирамда яхши сақланганлиги учун ўша нарса ҳақда сўзлаб бермоқчиман.

1937 йили Мадрид сотқинлар билан тўлиб-тошанди. У ерда Франко яширин ташкилотларидан ташқари капиталистик разведканинг сон-саноқсиз агентлари ишлашарди. Фронт шаҳарининг ўзидан ва унинг атрофларидан ўтарди.

— Бу ҳол Юденич армияси шаҳарга ташланганда яширин контреволюция гарданимизда ўтирганидаги Ленинградни эслатади, — деди Сироежкин.

Мадридда душман шпионларига қарши Мадрид фронтининг СИМи (испан армиясининг ҳарбий контрапразведкаси) кураш олиб борарди. Бу органнинг аппара-ти унчалик катта тажрибага эга эмас, очигини айтганда, ҳамма вақт ҳам ишончли эмасди. 1937 йилнинг ёзида Мадрид фронти СИМининг бошлиги қилиб 69- испан дивизиясига қўмондошлиқ қилиб келган Густав Дуран тай-инланганди. Бу ўттизлардан ошмаган йигит Испанияда таниқли бастакор ҳамда революцион кураш романтикаси ва баланд руҳи билан тўлиб-тошган инсон эди. Гарчи унинг сиёсий қарашлари чуқур ва аниқ бўлмаса-да, у, шубҳасиз, антифашист эди. Коммунистларда фашизмга қарши ишончли, фидокор курашчиларни кўрганилиги сабабли у уларга нисбатан дўстона муносабатда бўлар, бизларга, республика армияси сафида жанг қилиш учун келган совет кўнгиллиларига ҳам хайриҳоҳлик кўрсатар, тўғри тушунча билан қаарди. Лекин Дуран революцион уруш таъсирида қобилиятли ҳарбий қўмондёнларга ай-ланган кишилар сафига кирмасди. СИМ бошлиги деган вазифа Дурандан ҳарбий билим ва тажриба бўлмаса-да, ўша пайтдаги мураккаб вазиятда катта уддабурон-лик талаб қиласарди. Асосий қийинчилик шунда эдики, ўша пайтда ўнг социалист Индалесио Прието раҳбарлик қилган республика ҳукумати, ҳаммадан кўпроқ ғарб буржуа демократияси уни Испанияда Совет ҳокимияти ўрнатиш нияти бор деб гумон қилишидан чўчириди. Шу туфайли ташқи шпионаж ва ички контреволюцияга қарши кураш Ғарбга эҳтиёткорлик билан қаралган, қатъ-иятсизлик кўрсатилган ҳамда шафқатсиз уруш шароитлари талаб қиласан кескин чоралар қўлланмаган ҳолда олиб бориларди. Бироқ, Густав Дуран бошқаларга нисбатан қатъий чоралар кўриш тарафдори эл 1. Миннг аҳволи унчалик осон эмасди. У бир томондан контреволюционерлар ва жосуслар билан ҳақиқий курашинни истаган бўлса, иккинчи томондан, унга Мадрид фронти-

нинг қўмандони, ўзининг бевосита бошлиғи, кескин чораларга қарши бўлган генерал Міаха тўснўлик қиласди.

Дуран Григорий Сироежжин билан қандай вазиятда танишганини ҳозир эслолмайман. Лекин шу нарса шубҳасизки, Гриша биринчи марта учрашгандаёқ унда катта таассурот қолдирган ва унинг фикри Дуран учун мўътабар бўлган.

Бир куни тун ярмида у бизнинг меҳмонхонага келиб, одамлари Мадриддаги франкочилар разведкаси жосусининг турар жойини аниқлаганини айтиб берди. Франкочин жосус чет эл элчихоналаридан бирининг биносига ўрнашиб олганлиги ва у ўз иши учун бу уйнинг дипломатик даҳлсизлигидан кенг фойдаланаётганлигини билиш биз учун кутилмаган нарса эмасди. Чунки Мадриддаги дипломатик миссияларнинг уйларида кўпгина контреволюционерлар яшириниб юрганлиги аввалдан маълум эди. Бироқ, ҳукумат уларнинг дипломатик даҳлсизлигини бузишни қаттиқ тақиқлаб кўйганлиги учун СИМ ҳам, республика полицияси ҳам бу уйлардан бирон кишини қамоққа олишга журъат қиломасдилар.

— Нима чора кўрайлик? Қандай қилиб? — деб таоммоди Дуран ўзининг разведка ҳақидаги ҳикоясини.

Григорий ҳамишадагидек жавоб беришга шошилмади. У эшигтан нарсаси ҳақида ўйлаб маъноли боқиш билан менга, шошилмаслик зарурлигини англатди.

— Айтинг-чи, бу мамлакат элчиси Мадридда ўзининг уйидами? — деб сўради у Дурандан.

— У Мадриддан аллақачонлар кетган. Республика ҳукумати ҳузуридаги бошқа барча элчилар каби у ҳам ҳозир бизнинг ҳукуматимиз жойлашиб олган Барселонага кетди. Бинода эса мол-мулкни қўриқлаш учун бир неча хизматкор қолган...

— Ундаи бўлса, менимча, сизнинг мушкулларингиз осонлашади. Тўғри, агар сиз элчихона уйнга кириб, у ерда жосусни тополмассангиз дипломатик жанжал бўли-

ши турган гап... Фақат генерал Миаха әмас, балки бош министр Нидальеско Прието ҳам таъзирингизни беради.

— Үнда нима қилиш керак?

— Аввало жосус ҳақиқатдан уйда эканлигини синчик-лаб текшириш, тұлық ишонч ҳосил қилиш ва фақат шундагина ҳаракат қилиш зарур. Сиз шундай шароит яратишингиз лозимки, худди кишиларингиз әлжэхона уйига тасодиғап киргандек бўлсин. Қасддан әмас, балки тасодиғап, тушунасизми? Сизга япа қандай тушунтирусам бўлади?..

— Мен тушундим, тушундим, — деб жавоб беришга шошилди Дуран.

— Мен ўйлаб кўришга вақт бўлмаган вазиятни кўзда тутмоқдаман... — давом этди Григорий. — Мадридга ўхшаб қамал қилинган шаҳарда бундай вазият ҳар пайтда юз бериши мумкин. Лекин, такрорлаб айтаманки, сиз у ерда жосусни топишингизга тўлиқ ишонч ҳосил қилишингиз зарур.

Дуран Сироежкинга бир оз қизиқиш билан қараб пешанасини артди. Унинг юзи гоҳида жилмаяр, гоҳида эса жиддийлашарди. Охири севиниб:

— Вазиятни яратамиз, албатта, яратамиз. Мен сизни тушундим, амиго!<sup>1</sup>

— Жуда яхши. Агар сиз бу тадбирни моҳирлик билап ва муваффақият билан амалга оширсангиз, исипан ҳукумати әмас, элчининг кечирим сўрашига тўғри келади. Бу эса ўзининг уйларини республика душманлагрига бераётган бошқа кишилар учун яхши сабоқ бўлади.

Бу суҳбатни тинглаб, мен Григорий Сироежкинда дипломатик қобилият борлигига ишондим.

Орадан бир неча кун ўтгач, биз Дуран, гарчи олди-қечди филимдаги саҳнага ўхшаган бўлса-да, ўзи ўйлаган пайрангни муваффақият билап амалга оширганлигини эшитдик. Ўша куни элчихона жойлашган кўчадан кўмиш

<sup>1</sup> Амиго — дўстим (испанча).

маросими ўтарди. Мадридниң ҳимоя қылаётған батальондардан бирининг командирини дағы этмоқда әдилар. Тобут кетидан орасыда йигирмадан ортиқ СИМ ходимлари ҳам бўлган аскарлар ротаси ва ҳалойиқ қатор тизилишиб кетарди. Улар элчиҳона уйи билан баробарлашганда томиниг қаеридандир ўқ овози эшитилди, ўқ одамлар устидан учиди ўтиб, қарама-қарши левордаги уй ойналарини синдирилди. Ҳарбий оркестрининг овози туфайли ўқ қайси уйниг томидан отишга лигини аниқ билини мумкин бўлмаган бўлса-да, СИМ ходимлари элчиҳона томидан отишганига амии әдилар. Улар уйга ёнирилиб киришиб тиштүв ўтказишди ва жосусини радиостанцияси ҳамда унинг республикага қарши душманлик фаолиятини инкор қилиб бўлмайдиган ҳужжат билан тутиб олишди.

Дуран ҳукуматга бўлиб ўтган воқеа ҳақида батағсил ҳисобот жўнатди. Ҳукуматнинг бу мамлакат элчи-сига порозилик билдиришдан бошқа чораси қолмаганди. Элчи эса содир бўлган воқеа учун кечирим сўрашга мажбур бўлди.

## АНАРХИСТЛАРНИНГ ФРОНТ ОЧИШИ

1937 йилнинг июлида республика армияси Мадридниң шимоли-ғарбида йирик ҳужум операцияси ўтказилиш чоралариши кўрди. Тарихга Брунете остоналаридаги жаңглар номи билан кирган узоқ ва талафотли уруш бошланди. Даастлабки кунларда бизнинг Франко қўшинларини пойтахтдан улоқтириб ташлашга мўлжалланган ҳужумимиз мудавфақиятли ривожланиб борди. Бироқ душман қаршилиги кунма-кун тобора кучайиб бориши натижасида республика қўшинларининг ҳужуми тўхтади. Уша пайтда Григорий ва мен генерал Вальтернинг Брунетедаги қўмондошлиқ пунктига етиб бордик. Вальтер фамилияси билан Испанияда Брунете остонасидаги жангда 35-аралаш дивизияга қўмондошлиқ қилган

кекса поляк коммунисти Қароль Сверчевский курашади.

Силлиқ гранит харсанг тошлардан, күйган ўтлардан ва бухұрзорнинг қуруқ буталаридан чидаб бўлмайдиган ҳарорат тараларди. Ана шундай ҳарорат худди тунука том каби қизиган булутли оқ-зангори осмондан ҳам келиб турарди. Жазирама иссиқ, ҳаво қимирламас, чангтўзон тўдаси ҳавода осилиб турар ва секин ўрнашиб, кишиларнинг терлаган баданини яхлит кир пўстлоғи қисларди.

Марокашлик мерғанлар узган ўқлар тошларга тегиб қарсллар ва сачраб ҳар томонга учарди. Исёнчилар артиллерияси тез-тез қишлоқни ўққа тутарди. Немис «юнкерслари» ва итальян «фиатлари» бомба ёғдирриб испан жазирамасининг ҳароратини янада оширади.

Генерал Вальтер бир неча кун бурун бўлган қаттиқ жаңгдан сўнг, биз ишғол қилган қишлоқнинг жанубий теварагида шошилинч равишда қазилган хандақда турарди. У белигача яланғоч бўлғанлиги учун уни бу тош зөвурда у билан бирга тиқилишиб турган бошқа ярим яланғоч, кир босган аскар ва офицерлардан генераллик фуражкаси фарқларди. Генералнинг чуқур ажинилар босган юпқа лаблари устида бурии сал осилиб турар, гўштдор ияги ва ўткир кул ранг кўзли юзида доимо қоши учиб туради. Ифлос рўмольча билан сочи олинган бошини артиб у менга қаради ва поляк, испан тилларининг дудмал аралаш-қуралашчасига фашистларни яна бир марта сўкиб шундай деди:

— Ҳозир сен Мера<sup>1</sup> олдига боришинг зарур. Улардан фронт штабининг ҳужум ҳақидаги буйругини бажарилишига эришиш зарур. Уларни ўз жойидан қимирлатиш

---

<sup>1</sup> Сиприано Мера — Иберия анархистлар Федерацияси (ФАИ) доҳиларидан бири; дивизияга, кейинчалик корпусга қўмон-дошлиқ қилган.

учун ҳеч нарсадан қайтма! Фақат дипломат бўлгин. Улар томонда тутилиб ҳам қолма...

Шу бугун кечаси группа билан душман томонга ўтиб олиш, унинг орқа томонида бўлиш, қандай резерв кучлар яқинлашаётганлигини аниқлаш жуда зарур... Агар бирор офицер тутиб келинса жуда ҳам яхши бўларди.

Ростини айтганда, биз шунинг учун ҳам фронтга келганимиз. Григорий, бу муҳим топширикни бажаришда кичкинагина группамиз тунлаб фронт линиясидан ўтиладиган йўналишни белгилаш учун дурбиндан атрофга қаради.

Вальтернинг илтимосини тинглаб бўлгач, мен савол ишораси билан Григорийга қарадим. У менга розилигини билдириш маъносида бошини қўмирлатиб:

— Сен у баттолнинг олдига боргин. Мен уни биламан. Эҳтиёт бўлгин. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин. Мен ҳар эҳтимолга қарши Мадриддан сенинг отрядингни чақираман. Бизнинг кишиларимиз бу ерда керак бўлади. Агар сен тутилиб қолмасанг, кечасиёқ у томонга бориб көлишга улгурамиз. Мени воқеалардан хабардор қилиб тур. Хўп, бор бўлмаса! — дея елкамга қоқиб қўйди.

Зовурдан юз метрлар нарида душманга ярим ўгирилганча бизнинг ғилдираги синган танкимиз туради. Унинг тагида иккита танкчиларимиз ётишар ва шатакка олувчиларни кутишарди. Атрофда снарядлар ёрилар, уларнинг парчалари танк зирҳига тегиб жарангларди. Ўқчи аскар танк башнясида қолиб снарядларни зое кетказмаслик учун тўпдан отарди. Танкнинг душман батареяси билан бўлган бу тенгсиз кураши ҳамманинг эътиборини жалб қилганди.

Генерал нимадир айтиш учун мени томонга яна бурилганда танкка снаряд келиб тегди. Башня люкидан сарик-башафша ранг аланга кўтарилди.

— Яна билта,— деди ғижиниб Сверчевский ва менга қараб жаҳл билан: — Яна пимани кутаяпсан?! — деб бақириб берди.

Мен кийим ва қуролларимни құчоқлаб хандақдан сақраб чиқдім ва яқындағы ҳовлиниң пастқам девори бүйлаб әмаклаб кетдім. Менинг кетімдән изма-из доңмий йўлдошим, барча каби қорайиб ва кир босиб кетган, яланғоч баданга ўралған одатдаги кийимида разведкачи Таба ўрмалаб келарди. Брунетениң чиқындилар түкилған күчаларида шиддатлы ўт очишлар остидан йиғишириб олиш иложи бўлмаган мурдалар иссиқ қуёш таъсирида бузилганлигидаи кўнгилни айнитадиган сассиқ ҳид апқирди. Харобалар ичіда эгри-буғри юриб, яқинимизда бўлаётган ҳар бир портлаш пайтида иссиқ ерга ташланиб биэ қишлоқнинг шимолий чеккасига яқинлашиб келдик ва орқа томонга олиб борадиган йўлга чиқиб, зовур бўйлаб пастликка томон әмаклаб кетдик. У ерда қалин буталар ва паст бўйли дараҳтлар орасида дивизиянинг энг яқин қисмлари яшириниб турарди.

Менинг шофёрим матрос Пинент бизнинг «шевроле» машинамизни қийинчилик билан тошлардан иборат адашадиган айланма жойдан ҳайдаб келгунича кичкинагина булоқдан қийналиб бўлса-да, сув ичиб олдик. Таба ўзи-даги кирларни сал-пал ювмоқчи бўлгандан гангиб қолган аскарлар уни сўкиб ва ҳуштак чалишиб ҳайдаб юборишли. У эпчиллик билан гавдалар тўласига урилиб, тирсак, оёқларини ишга солиб, нима бўлса ҳам булоққа ўтмоқчи бўлгандан кучли тепки еб юмалаб кетди.

— Ҳа, майли ичаверишсин, — деди у изза бўлиб.

Бошқа пайт мен ажойиб йигит Табаниң павбатдаги бу саргузашти устидаи чин юракдан маза қилиб кулган бўлардим. Лекин ҳозир пайти эмасди. Бизнинг Брунетедаги аҳволимиз соат сайни оғирлашар, республикачилар катта умид боғлаган ва муваффақиттли бўшланган ҳужумнинг охри хавф остида қолганди.

Ниҳоят Пинент машинаны чиқариб олиб биз томонга келди. «Шевроле»да бошларни боғланган икки ярадор ўтирарди.

— Камарада хафс<sup>1</sup>, бу йигитларни Тореладонесдаги ҳарбий касалхонагача олиб борсам майлими? — деб сүрады Пинент мендан.

Ярадор испанлар матрослар ва Пинентнинг қуролдош биродарлари эди.

— Албатта, — дедим мен. — Фақат тезроқ ҳайда, шошилишимиз керак...

Қуриб қолган ирмоқ йўналши бўйлаб пастликдан чиққач, биз йўлга чиқиб олиш учун қулай фурсатни пойлаб буталар олдида тўхтадик. Чунки йўл душмандар томонидан тинимиз равишда ўққа тутилар ва уларга аниқ кўришиб турарди. Гоҳо у ер, гоҳо бу ердаги портлашлар тошлоқ тупроқни тўзгитарди. Портоқ қуёш ёритган йўл бўймабўйш эди.

— Ҳайда, — дедим мени Пинентга кутиш фойдасизлигига ишонгач.

Биз катта тезликда асфальт йўлга чиқиб, шимолга қараб елдик. Биз пайдо бўлишимиз биланоқ отиш сезилларни даражада кучайди. Портлашлар яқинда бўлганда Пинент машинани кескин буран, бу эса бизни у ёқдан-бу ёққа урилишимизга сабаб бўларди.

Ярадор матрослардан бирни бошин билан машина бортига урилганда додлаб юборди. Унинг боғлангани бинтидан қон оқиб чиқа бошлади. Иккичиси тиришиб менинг оғим олдида ётарди. Иккаласи ҳам қийналар, оғриқ уларниң қоронғилашган қора кўзларида акс этарди. Бир неча минутлик ақлга сиғмайдиган пойгадан сўнг биз отиш доирасидан қутулиб чиқдик.

Биз фронт ортидаги йўллардан эллик километрча юриб, анархистлар дивизияси жойлашган участкада яна фронтга борнишимиз керак эди.

Биз эгри-буғри йўлдан елардик. Энди қаршимиздан қурол-яроғ ва одамлар ташиб юқ машиналари келмоқда

---

<sup>1</sup> Камарада хафе — ўртоқ бошлиқ (испанча).

эди. Абжир испан шофёрлари ўзлариппинг жанубий ми-жозига эрк береб юборншанди.

Тез юришишимизга қарамай шабада сезилмасди. Қуруқ иссиқ ҳаво терини қуритар ва иссиқ оқим бўлиб бурунга ҳам томоққа ўтарди. Ярим соатлик пойгадан сўнг биз югуриб Тореладонесга кирдик ва ярадорларни касалхонага топшириб қишлоқ марказидаги катта тўрт бурчак ҳовузга етиб келдик. Унда аскарлар чўмилишар ва шу ерда ғўлалар устида кир ювишаётган хотинлар билан гаплашишарди.

Пинент машинани бензинга тўлатиб келгунча биз чала-чулпа юваниб олдик.

— Бир минут,— деди Таба ва устига бурнус ёпиб, уйлар орасида гойиб бўлди. Пинент етиб келганда қўлларида икки шиша арпабодиён арогини кўтариб яна Таба пайдо бўлди. Матрос мамнуният билан кўзларини шишага сузди ва ҳали лентасида унинг корабли «Хайме I» номини билиб олса бўладиган ёғ доғлари босган фуражкасини пешанасига қаттиқроқ бостириб қўйди.

Биз йўлимизда давом этдик. Фронт линиясидан узоқлашган сари жанг гумбур-гумбури пасаяр, Колъменарде-ла Въехада эса унинг бўғиқ овози эшитиларди. Биз шу ерда жапуби-шарққа қараб бурилдик, ўн беш километрча юргач, йўлни тўсисб олган ғовга дуч келдик. Йўл ўртасида осилиб турган «Альто» деган лўнда ёзув тўхташ кераклигини билдиради. Бироқ атрофда ҳеч ким кўринмасди.

— Мана уларнинг подшолиги бошланди,— деди жаҳл билан Пинент ва сигнал тугмасини босди. Биз иссиқдан ва тоқатсизликдан зориқиб кетсак-да, бу тўсиқ олдига ҳеч ким яқинлашмасди.

— Нимани кутамиз! Мен ғовни олиб ташлайман ва яна йўлимизда давом этамиз,— деб таклиф қилди Таба.

— Омбрे!<sup>1</sup> Ақлинингни емадингми? — деб хитоб қилди

---

<sup>1</sup> Омбрे — йигит (испанча).

Пинент. — Сен ҳали уларни билмайсан: бирдаа елкангдан ўқ еб ўтирма.

Хайрият, навбатдаги чўзиқ сигналга қайси бир томондан жавоб овози эшитилди ва буталар устида аскар пилоткалик бош кўринди.

— Эсперо покито!<sup>1</sup> — дея қичқириб аскар биз томонга кела бошлади. Афтидан, у буталар соясида ётган бўлса керак. Йўлга чиқиб у милтиқни қўлига олди. Бўйнидаги қора-қизил рўмолчаси унинг анархистлардан эканлигини билдиради.

— Кимсизлар ва қаерга кетаяпсизлар?

— Дивизия қўмондони Мера ёнига кетаяпмиз. Биз Брунетеданмиз,— деб жавоб берди Таба.

— Ўхў! Брунетедан! Бойнос диас, сеньорес!<sup>2</sup> — деди ҳөвлиқиб аскар ва тўсиқни очди: — Марҳамат, ўтинглар. Оқ йўл!

— Бу анархист сен айтгандек даҳшатли эмас, — дедим мен Пинентга.

— Карамба!<sup>3</sup> — деб жавоб берди у жаҳл билан.

Чорак соатдан сўнг биз 14- анархистлар дивизиясининг баланд девор билан ўралган, унчалик катта бўлмаган мевазор боғли хўжаликда жойлашган штабига етиб келдик. Боғ дарвозалари йўлга қараган бўлиб, ундан уйгача кенг асфальт йўл тушган эди. Киприш жоғида бўйнига қора-қизил рўмол ўраган, катта калибрли тўпионачалар, белларида хапжар ва қўл гранаталар билан қуролланган аскарлар қоровуллик қилишарди.

— Альто! — деб буйруқ берди улардан бири.

Мен уларга Брунетедан дивизия командири Мера олдига бораётганилигимизни такрорладим. Брунетени эслатиш бу ерда ҳам иш берди. Сурбетларча муносабат ҳайрён қоладиган эҳтиромгага айланди.

---

<sup>1</sup> Э сперо покито — бир оз кутинг (испанча).

<sup>2</sup> Бойнос диас — хайрли күп (испанча).

<sup>3</sup> Карамба — жин урсий (испанча).

— Марҳамат, ўтииглар, — дейишди улар бир овоздаи ва олдимиздаги дарвозалар очилди.

Үйга кириш жойда ҳам түппончалар билан қуролланган аскарлар туришарди. Фуражкаснни олифталарапча қийшайтириб олган лейтенант формасидаги болага ўхшаган ёш йигит оёғини олға чўзиб кумуш занжирили ҳуштакни ўйнаб бир оз индамай бизга қаради. Бироқ қаердан келганилгимизни билгач, у ҳурмат билан кутишимизни сўради ва эшиклар ортида гойиб бўлди.

Кириш жойда турган бир печа аскар ўзаро фикр алмашиб қизиқиш билан бизни кузатарди. Бизнинг юлқи-ланган ва ифлос кийимимиз биз яқиндагина урушдаи чиққанимиздан ва довруги кенг тарқалган Брунетедан келганилгимиздан яққол ганириб турарди.

— Қалай, Брунетеда? Маврлар ва легионерлар боплаб курашишяптиларми? — деб сўрашди улар Табага мурожаат қилишиб.

Аввало Таба уларнинг саволига жавоб бера бошлади. Бироқ, унинг кўзларида ҳам айёрлик учқунлари порла-гач, ўз навбатида у ҳам уларга савол бера бошлади:

— Сизларда қалай? Негадир сизларнинг ерларинингизда осойишталик хукм сурмоқда?

Анархистлар бир-бирига қаравшагач, улардан бироқ қисқа танаффусдан сўнг: — Биласизми, амиго, улар ўзларини бу ерда осойишга тутишяпти, — деди.

Бундай жавоб франкочилар анархистлардан қўрқиншиди деган маънони англатиши керак эди, шекилли. Таба ошкора истеҳзо билан: — Улар сизлардан қўрқиншиди, — деди.

— Кларо<sup>1</sup>, — деб гуур борадан тасдиқлади кенг елкали йигит кафтида қўл гранатасини беписанд отиб ўйнаб. Таба ачинарли бадбашара билан хавфли суҳбатни давом эттиради:

— Улар биздан қўрқишмайди. Улар бизлар билан

---

<sup>1</sup> Кларо — тушунарли (испанча).

жанг қилишацияпти. Биз уларни оз бўлса-да, савалаб турибмиз!

Унчалик яширинмаган кинояни англаб қолишлари мумкинлигидан хавфсираб мен Табани билиннинг туртдим. Шу пайтда баҳтимизга уй эшигидан лейтенант, унинг кетидан капитан формасидаги баланд бўйли киши чиқди. Капитан Табанинг ғалати қад-қоматига қараб менга мурожаат этди ва унинг кетидан боришим кераклигини таклиф қилди.

— Шу ерда бўлинглар, — дедим мен ўз қуролдошларимга ва капитан кетидан кетдим.

Бу дивизия кишилари билан бўлган биринчи учрашувлардан олинган бир лаҳзалик таассуротлар — уларнинг ясама шилқимлиги, пардоз бериши, сохта жанговарлиги, анархистлар ҳақида эшлигани ва билган нарсаларимни тўлдиргандек эди. «Бу штабда мени нима кутиши мумкни?» деб ўйладим мен уй эшигидан кира туриб.

Даҳлиз орқали ўтаётиб деворларда бой испан уйлагига хос ўрта аср рицарлик яроғ-аслаҳаларини кўздан кесириб, биз оч ранг кемабон қарагай ёғочидан ишланган кенг ошхонага кирдик. Бу хонанинг одатдан ташқари ёритилиши кўзни оларди. Стол ўртасида унча катта бўлмаган электр чироқлари ёниб турган биллур шилдироқли улкан қандил осилиб тургиди. Деворлардан бирини рицарларнинг турнирдаги жангини ифодаловчи витраж эгаллаган, бошқа деворларда эса кетма-кет қимматбаҳо рамкада дидсиз суратлар ва қадимий қурол-яроғ осиб қўйилганди.

Капитан мени стол тўрида ўтирган одам ёнига бошлаб келди.

— Командантс Мера! — деди у қаттиқ.

Испан ҳарбий адаб қоидаларига кўра мен ўзимни дивизия қўмондонига таништиридим. Мера столдан туриб индамай менга қўлини чўзди ва стол атрофида ўтирган кишиларни кўрсатиб чийилдоқ овоз билди:

— Менинг штаб офицерларим, — деди.

Ярим бурилиб мен уларга ҳарбийчасига салом бердим.

Мера баланд бўйли, бир оз букчайган, кенг елкали, баджаҳл, тўнг юзли одам эди. Унинг туташ қошлари ичкарисида жойлашган қўзлар дағал боқиб турарди.

— Аввало овқатланайлик, сўнгра ишлар ҳақида гаплашамиз, — деди у ва ўз креслосига ўрнашиб олгач, қўшиб қўйди: — Урушда тўқ бўлиш керак. Кўпроқ егин...

У жилмайиб ўзи қодир бўлган даражада мулоҳимлик ва ҳазил қилишга уришиб кўрди.

Столда қимматбаҳо чинни идишлар ярақларди. Бироқ, овқат оддий ва мўл — катта товоқда қовурилган қўй гўшти парчаси турарди; қайсиdir қўргон ертўласидан анархистлар талон-тарож қилган қадимий винопиниг чанг босган шишалари; сабзавот, пишлоқ, испан оқ нонлари уюми... Бундай овқатларни кўришданоқ иштаҳам очилиб кетди. Чунки жанг бўлган кунларда биз наридан-бери овқатланиб юргандик. Шунга қарамасдан, мен Меранинг таклифидан сўнг дарҳол столга ўтириш истагини енгдим. Брунете ёнида муваффақиятсизликка учраш муқаррарлиги кўнгилга келганидан, у ерда қурбон бўлаётган кишиларга дил оғриганилигидан ва ниҳоят очлик, жанг қилаётган қисмларга кўмаклашаётган анархистларга нисбатан ғазабим ошганлигидан қичқиргим келарди. Бироқ, мен ўзимни жилмайишга мажбур қилдим. Генерал Вальтернинг дипломат бўлиш кераклиги ҳақидаги насиҳатини эслаб мен қўлимдан келганича юзимда илтифотли жилмайиш акс эттиришга уриниб:

— Миннатдорчилик билдираман. Балким сиз, аввало, менга генерал Вальтер юклаган топшириқни эшитишни истарсиз? — дедим.

Мера ҳайратда эканлигини яшира олмай менга савол назари билан қаради.

— Ярим соат ҳеч нарсани ўзгартиrolмайди! Сен қандай қарайсан? — деб тўнғиллади у сочиқни ёзиб ёқасига тиқаркан.

Генерал топшириғини бажариш унчалик енгил әмас-лигини сезиб Гриша Сироежкин мен билан бирга борма-ғанлигига афсусландым.

Ночор ақволда қолғанлигимдан мен ҳамма нарасага борншга: илтимос қилишга, ялниишга, ұатто таққирла-нишга, агар керак бўлса дўқ қилишга қарор қилдим. Чунки Брунете учун бўлган шафқатсиз жанг воқеалари — қизиган тошлардаги қонлар, ярадорларнинг жазирама иссиқ остида кўрган азоб-уқубатлари ва юзлаб испан, интернационалист жангчиларнинг ҳалокати кўз олдимга келди. Бу ерда эса тўқ анархистлар... Уларнинг столига граната ташланса эди!..

— Ўртоқ Мера, мен, аввало генерал топшириғини бажармоқчиман, шунинг учун мени ҳозир тинглашингизни истайман, — дедим мен энди жилмаймай.

— У ерда сизларда яна нима балолар бўлаяпти ўзи? — деди Мера тиши орасидан нафрат билан тўнғиллаб.

— Айтишга ижозат берасизми? — деб сўрадим мен ва худди унга йўл бўшатаётгандек эшик томонга қараб юрдим.

Мера ўрнидан туриб, ғазабини яширмасдан сочиқни юлқиб олди ва столга ташлади. Лекин тагиғ бирданига ўз фикридан қайтиб яна креслога ўтириди ва тажанг юзини менга қаратиб:

— Шу ерда гапир. Менинг ўз кишиларимдан яшира-диган сирларим йўқ, — деди.

Стол атрофида ўтирган барча киши бу сўзларни тў-лиқ маъқуллаш билан кутиб олди. Улардан ёшроқлари мени тинглашга тайёрланишиб, сипо қиёфалари билан уларнинг фикри ҳам анча-мунча роль ўйнашини билди-риш ниятида атайлаб бепарво кўринишда бўлишди. Бу кишиларнинг хулқ-авторида, уларнинг қилиқларида ҳам-ма соҳада эски қирол армиясининг писмиқ, қўл етмайди-ган, деярли бутунлай исёнчи генераллар томонига ўтиб кетган оқ суяқ офицерлар тоифасига тақлид қилиш ис-таги борлиги билиниб турарди. Улар ҳаммасининг соч-

лари ялтирагунга қадар бўялганди. Юпқа, қирилган мўйлов ва чакка соч-соқоллар уларнинг юзига ғуурорли, олифта кўриниш бахш этар, олтин безаклар, тақинчоқларга ўчлиги эса улар ҳақиқатда ким бўлганлигидан яққол далолат берниб турарди.

Уларнинг ҳар бирини келиб чиқиши шубҳали бўлган ўтжалар — узуклар, билагузуклар безаб турарди. Улар ҳаммаси яқиндагина Мадрид, Барселона, Валенсия ва бошқа катта шаҳарлардаги тубанлик уялари билан боғлиқ эканлигига иккиланиб ўтирмаса ҳам бўларди. Бу кишилар революцияга қабиҳлар макони зулматидан келишган, апархизм уларнинг жиноятли ўтмишини яшириб турарди. Бу ерда бирон-бир гоявийлик ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Улар ўзларида яшаётган қора кучлардан бошқа бирон нарсага ишонишмасди. Бу тўлқинли революцион воқеаларнинг эртами-кеч улоқтириб ташланиши лозим бўлган ифлос қуйқаси эди.

— Биз сени эшитамиз, — деди Мера каттакон сигарани чека тўриб.

— Қаттиқ жангдан сўнг биз Брунетени қўлга киритдик, — дедим мен ҳаяжонимни босиб.

— Бу ҳақла эшитганмиз, — деди у қистириб.

— Биз кўп нарсани қўлдан бой бермоқдамиз...

— Душман ёрдамчи кучларини ташламоқда ва анамана легаида бизга қарши ҳужумга ўтмоқчи...

— Буни сиз аниқ биласизми?

— Аниқ биламан. Шунинг учун ҳам сизнинг ёрдамингиз керак. — Мадрид фронти қўймондонининг ҳужум қилиш ҳақидаги буйрганин олишига қарамасдан Мера ҳатто уни бажариш ҳақида ўйламаётганлигига, бизга эса уни жангга киришга кўндириш тўгри келаётганлигига яна бир марта ажабланиб ўзимни тўхтатдим.

— Шундай қилиб... — ноаниқ тўнғиллади Мера менинг сўзларимга жавобан. — Ҳм! Демак биз ютуқни қўллаб-қўлтиқлашимиз керак, шундайми?

— Сизнинг дивизиянгиз жанг қилишга қобил, у яхши қуролланган, — деб давом эттиридим мен 14-дивизия яқиндагина Совет Иттифоқидан келтирилган қурол-яроғни олганлигига ишора қилиб.

— Янги қурол олдингиз дейсанми? Уни фақат биз олганимиз йўқ... Бунинг устига биринчи навбатда эмас. Куролсиз жанг қилмайдилар. Мен тўғри гапирайманми? — деди Мера стол атрофида ўтирганларниң маъкулловчи имолари остида.

Мен қандай қилиб гапни керакли томонга буришни, бу маккордан ўзимга керакли нарсага эришиши билтасдим. Бундай ҳолатда Сироежкин нима қилиши, анархистлар билан қандай гаплашиши мумкинлигини кўз олдимга келтиришга уриниб кўрдим. Афтидан, у овқатланиш ҳақидаги таклифни қабул қилас, хотиржамлик билан столга ўтириб, ўзининг жозибали гапириш хусусияти, соддадиллиги ва ҳар бир кишида ўз сўзларига ҳурмат ва ишонч ҳосил қилувчи қиёфаси билан бу анархистлар бошлиғидан керакли нарсани олишга эришарди.

Афсуски, ёнимда Сироежкин йўқ эди.

— Генерал Вальтерга қандай хабар берайлик? — деб сўрадим мен бўғиқ овоз билан.

— Бу сиз ўйлагандек унчалик осон эмас, — деб минифлади Мера.

— Сизга қарши ҳаммаси бўлиб иккита марокашликлар тўдаси ва битта чет эл легиони турибди...

— Ким билади? Эҳтимол, кўпроқдир, — деди Мера бепарволик билан.

— Ундей ҳолда асиrlарни қўлга тушириш учун зудлик билан разведка ташкил қилиш зарур, — дедим мен давом этдириб.

— Асиrl тушган маврлар унчалик сергаг эмаслар...

— Сизда асиrl тушган маврлар ҳам бўлдими?

Бу саволга мен жавоб олмадим. Борган сари мени алам ўттарди. Ҳаяжон, чарчашиб ва очликдач бўлса ке-рак, аста-секин бошим айлапаётганигипи сездим. Бу

нарсалар менга бу қалтис одам билан хотиржам гаплашишга тұсқынлик қиласы. Бир неча дақыла үтгач:

— Фронт құмандонлигининг буйруғига асосан сизнинг дивизияңыз ұжумни бундан уч күн илгари бошлаши керак эди, — дедім мен ўринсиз гапириб.

— Бу маълумотни сен қаердан олдинг?

— Генерал Миахиннинг буйруғидан хабардорман.

— Сен кимсан ўзи, бу ерга келиб биз буйруқни қандай бажараётганимизиң текширасан! — деб даҳшат ила ўкирди Мера. — Сен бізга буйруқ бергаппап келдингми? Адашибсан. Биз әркін анархистлармиз ва ҳеч кимнинг бізга буйруқ беришига ижозат этмаймиз!

Нима қилиш керак эди? Мен ночор ақвонда қолғандым.

Тұсатдан у столдан турди. Уннинг кетидан менга жақал билан қарашиб бошқалар ҳам туришди. Эшикка томон бир неча қадам ташлаб Мера шунчалик кескін бурилдікі, уннинг кетидан кетаётган одам унга тұқнашишига сал қолди. Менга қаҳр билан қараб у бүғиқ овозда шундай деді:

— Жанговар дивизия, жанговар руҳ дейсан-а! Валдираяпсан! Фақат вайсаяпсан! Сизларда анархистлар фронтда ғалаба қилишгани йўқ дейишишини мен билгіман. Бироқ сен бизларсиз Испанияда революция ғалаба қилиши мумкин эмаслигини биласанми?

Уни ғазаб бўғарди. Кўтарилган масала анархистлар учун энг қалтис нарса эди.

— Ғалабалар бўлади! Бўлади ғалабалар! Сиз ҳали бунга амин бўласиз! — деб бақирди у. — Биз ҳукумат сафида қатнашмасак-да, доимий армия тузишга розилик бердик. Гарчи менинг анархистик қараашларимга зид бўлса-да, мен ҳам доимий армия тарафдориман... Мен, мен Дуруттиининг энг яқин дўсти эдим!<sup>1</sup> — яна бақирди у бўғилиб.

---

<sup>1</sup> Бу энавентура Дурутти — Иберия анархистлар федерацияси ўйлбошчиларидан бири бўлиб, коммунистларга ён босган ва анархистлар томонидан ўлдирилган.

— Мен буни биламан. Биз Дуруттини ҳурмат қиласыз,— деб гап қотдим мен уни тинчтиш учун.

— Білласанми? Балони ҳам билмайсан! — деди у яна тутақиб.— Биз орамиздаги сиёсий қарама-қаршиликларимизга қарамасдан коммунистлар, социалистлар ва бошқа партиялар билан биргаликда Франкога қарши курашмоқдамыз. Биз ҳамма нарса ҳақида кейин, ғалабадаң сүнг ғаплашамыз!..

Бу анча дангал ва күп маңноли мазмунда айтилған гап эди. Анархистлар ана шу күп маңноли «кейин» учун, қулай фурсат келганды исөнчилар устидан ғалаба қилингач, мамлакатда ҳокимиятни құлға киритиш учун ўз қысмлари ва олинган қоролни асрашарди.

Мера аранг нафас олиб, менга ғазаб билан қарашда давом этарди. Бундан фойдаланиб мен унинг эътиборини нима мақсадда келганилгимга тортишга уриниб күрдим.

— Хавф бутун Мадрид фронтига таҳлика солмоқда, — деб бошладым мен. — Бу — сизнинг дивизиянгиз учун ҳам хавф бор демекдир. Шунинг учун тезликда ҳаракат қилиш керак. Акс ҳолда кеч бўлади. Тушунсангиз-чи, ахир, ўртоқ Мера! — дедим мен сал бўлмаса ялинаёзиб.

Билмадим, менинг сўзларим унга таъсир қилдими ёки у тинчланиб жавоб бериш зарурлигини тушундими, хуллас, мендан ўғирилиб у атрофга: — Бугун мен бирон нарса деёлмайман. Ҳозир олддаги қаторга бораман... Мен қайтгунча сен бизда қолишинг мумкин, — деди.

— Мен сизни кузатишим мумкин эмасми?

— Йўқ!.. Менинг машинамда жой йўқ.

— Мен ўз машинамда сизнинг кетингиздан боришим мумкин.

— Жуда соз, машинанг билан шу ерда қолавер! Тамом, бор гапни айтдим! — Айни пайтда у менга нафрат билан қараб тезда чиқиб кетди. Унинг кетидан менга жаҳл қилишиб ва совиб қолган қўй гўштига афсус билан қарашиб бошқалар ҳам чиқиб кетишиди. Орқага қайрилиб қарасам, мендан бир неча метр нарида мени кутиб

олган капитан турарди. У совуққина жилмайиб столни күрсатді ва тантанавор оқангда.

— Сеньор майор, біз сиз билан овқатланараңмыз балки? Бу, менимча, ҳеч нарсаны ўзgartира олмайди,— деди.

Мен индамай стол атрофидан жой олиб тезгина овқатланғач, боғда машина билан қолған кишиларимни күрмөкчі эканлигимни айтдым.

— Улар овқатланиб бўлишган. Аллақачон уларнинг ғамини еганман.

— Қаттакон раҳмат сизга! — дедим мен самимий. Оз бўлса-да, менинг қийналган ўртоқларим ҳақида ғамхўрлик қилгани учун бу анархистга кўп нарсани кечиришга тайёр эдим.

Биз боққа чиқдик. Бу ҳаракатсиз дивизия оғишмай амал қилиб келаётган тушлик овқатдан кейинги сиеста<sup>1</sup> пайти экан. Ҳамма жойда дараҳтлар остида аскарлар ухлашарди. Мен хат ёзиб Таба ва Пинентга уни тезликдаг Гриша Грандэга етказишини ва иложи борича тезроқ орқага қайтиб келишларини топширдим. Машинам жўнаб кетгач, капитан мендан, тактика бўйича бўладиган машғулотларни кузатишни истамайсизми, деб сўради.

— Машғулотлар қайси тема бўйича? — сўрадим мен.

— Махно тактикаси ҳақида.

— Қайси бир Махно? — дедим мен бирданига гап нимада эканлигини фаҳмлай олмай.

— Бу сиэларнинг таникли анархистларингиз-ку. Унинг ўз армияси бўлган. Бир пайтлар у Қизил Армия билан ҳамкорликда рус генералларнiga қарши жанг қилганди.

— Қейин-чи? — деб мен унга савол бердим.

— Қейинми?

— Сиз бир пайтлар у Қизил Армия билан биргаликда жанг қилган эди, дедингиз. Шунинг учун мен ундан қейин

---

<sup>1</sup> Сиеста — Испанияда тушлик овқатдан кейинни дам олиш.

ят-ни, у иттифоқ бузилгаңдан сүйг пима бўлгаңди, деб сў-  
раялман.

— Кейин... кейин Махно ўзи мустақил жанг қилганди...

— Кимга қарши?

Капитан уялиб қолди. Афтидан, бу гапни бошлага-  
нинг афсусланарди. Бир оз кутиб мен Махно тактикаси-  
ни ҳозирги урушда қўллаб бўлмайди, дедим.

— Йўқ, нега энди, — деди капитан унчалик ишонқи-  
рамай.

Бу гапга мен чек қўйиш мақсадида Махно ҳеч қачон  
революционер бўлмаганигина у фақат қирғин қилувчи-  
лар ва қотиллар тўдабошиси сифатида маълум эканли-  
гини очиқдан-очиқ айтдим.

— Сиз коммунистлар анархист партияниг ҳамма  
йўлбошчилари ҳақида гапирган нарсаларни тақоролаяп-  
сиз, — деб жавоб берди менинг сұхбатдошим асабийлаш-  
ганлигини яшірмасдан.

Мен кечирим сўраб чарчаганлигимни ва бу фойдасиз  
тортишувлардан кўра дивизия қўмондони келгунича дам  
олмоқчи эканлигимни айтдим.

Капитан мени вилланинг иккинчи қаватидаги унча  
катта бўлмаган хонага кузатиб қўйиб тезда кетди. Мен  
диванга чўзилмоқчи бўлганимда кимдир эшикини тақиул-  
латди ва сўнгра ошхонада бир лаҳза кўзим тушган ки-  
ши кириб келди.

— Амиго-о-о-о, ке тал?<sup>1</sup> — деди у чўзиб ва хиринглаб  
кулиб. — Лйт-чи, сизлар Брунетеда қалай жанг қиласяп-  
спизлар?

Келган кишин тақлиғини ҳам кутмасданоқ стол атро-  
фидан жой олди. Мени саволомуз қарашими сезгач, у  
Бакунини номидаги батальон командири, Горки эканли-  
гини танитди. «Горки», шубҳасиз, негадир анархистлар  
ўзларининг сиёсли тарафдорлари қаторига қўшиб олган

---

<sup>1</sup> Ке тал? — ишлар қалай? (испанча).

Максим Горький шарафига қўйилган тахаллус эли. Бу уйда ҳеч нарсага ажабланмаслик кераклигини билиб мен Горкига Брунеге операциясининг кетиши ҳақида гапира бошладим. Бироқ кўп ўтмай у мени унчалик қизиқмай тинглаётганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Унинг пала-партиш шунчаки саволларидан уни ҳаммадан кўпроқ нима қизиқтираётганлигини, агар Брунегенинг жануброғида силжиш имкони бўлмаса бизга резерв келиш-келмаслигини ва қўмондонликнинг келажак планлари қандайлигини билмоқчи эканлиги маълум бўлди. Албатта, бу саволларга мен аниқ жавоб бермаганим.

Менинг ҳамсуҳбатим ўттиздан салгина ошганди. Унинг кўзлари ўйнаб турган қорачадан келган юзида ясама хушфеъллик ва соддалик изи, аслида хос бўлмаган камтарин бўлиб кўриниш одати унга сингиб кетганлиги сезилиб турарди. Айтмоқчи, ушинг юзи кишида унчалик таассурот қолдирмасди ҳам. Лекин унинг учлари яссиланган узун бармоқли ҳаракатчан қўллари эътиборни тортарди. Улар тинмай ҳаракат қиласар, столда сирғанар ва унда ётган нарсаларни пайпаслаб турарди. У буни жуда тез ва чаққон қиласарди. «Афтидан, бундай бармоқлар фирромчи ўйинчиларда — бёлгили карталарни пайпаслаб билиш учун бўлса керак», — деб ўйладим мен.

— Бойнъ амиго! Грасиас!<sup>1</sup> Адиос<sup>2</sup>, — деди у тўсатдан сўзининг ярмида суҳбатимизни узиб ва шу заҳотиёқ йўқолди. Мен бу визитнинг боиси ҳақида ўйлаб ҳеч бир хуносага келолмагач, дурбинни олиб вилланинг ясси томига чиқдим. Жанубда, душман томонга қиялаб тушган жойда кичиккина ярим хароба қишлоқча кўришиб турарди. У ердан анархистлар дивизиясини іг ўнг чекка линияси ўтарди. Ундан сўнг, Брунетегача бўлган бир неча километрлик масофада кета-кетгунча душман то-

<sup>1</sup> Грасиас — раҳмат (испанча).

<sup>2</sup> Адиос — кўришгунча хайр (испанча).

монда ҳам, бизда ҳам фақат онда-сонда постлар тиэмаси чүэилиб турган, ўтиш қийин бўлган тошлоқ жой ёйилиб ётарди.

Пастда яқинлашиб келаётган машиналарнинг овози эшитилди. Мен том панжарасидан Мера ўтирган катта лимузинни кўрдим. Унинг кетидаги иккинчи машинада Горки ўтиради. Иккала машина ҳам шоссега чиқиб олдинги позиция томонга қараб жўнади. Лекин бир километрча юриб тўхтади. Бирон гап айтиш учун бўлса керак, Горки Мера машинасига чиқди. Чунки беш минутлардан сўнг у ўз машинасига қайтиб, олдинга қараб кетди. Меранинг ушинг кетидан кетмай шимолга, ичкари томонга қараб жўналгани эса... мени ҳайратга солди.

Мен хонага қайтиб, ечинмасдан диванга ётдим ва сўнгги кунлардаги чарчаш туфайли уйқуга кетдим. Қечгача, Таба жазаваси тутиб тортқиламагунча ухладим.

— Анархистлар қочишмоқда!

— Нега қочишади? — деб сўрадим мен уйқу аралаш тушунмай уни.

— Улар, афтидан, фронт очишиб ичкарига қочишмоқда. Сен тургин-да, ўзниг қарагин!

Қўлимда Таба менга Гриншадан олиб келган пакетни ушлаб биринчи қаватга тушдим.

— Комдив қаерда? — деб сўрадим мен югуриб юрган офицерларнинг биридан.

— У аллақачон кетган...

Кеч тез кирав, ғира-ширада кишилар уйда елиб югуришиб мол-мулкини олиб чиқишар, машиналарга юклашарди. Улар бирин-кетин ўйлга отланишиб катта тезликда шимолга, ичкарига елишарди. Мен ҳалиги таниш капитанни топиб, нима учун бунақа бўляпги, деб сўрадим.

— Марокашликлар фронтни ёриб ўтишди... бисни қуршашмоқда... биз чекинаяпмиз... кеч бўлмасдан ўзларинингни қутқаринглар,— деди у чопишда давом этаркан.

Мен ваҳима билан марокашликлар тўдаси анархистлар очган раҳнага ташланишларини, Вальтер дивизияси

ва барча Брунет группаси қүшинлари орқа томонига ўтиб уни қуршашлари ҳамда қирғин бошланышини кўз олдимга келтирдим. Бу муқаррар вазият ҳақида ўйлаш даҳшатли эди.

Хаёлимга келган фикрлардан сесканиб мен уй даҳлизида турарканман, кўзим шаҳар телефонига тушмагунича атрофга аланглаб қарадим. Трубкани кўтаришим биланоқ телефончи қизнинг овозини эшилдим. Менга отрядимиз навбатчиси жавоб берди. У бутун отряд Виктор билан бирга «оғир қурол-ярогни» олиб, бундан иккни соатча бурун Гриша Грандэ буйругига асосан фронтга кетганилигини айтди. «Демак ҳамма нарса ўз жойида бўлади,— деб ўйладим мен енгил тортиб.— Григорий керакли чораларни кўради».

Герильерос номли Мадрид отрядида «оғир қурол-яроғ»— учта кичик «Фиат» бронсавтомобили ва икки шулемётлик итальян танкеткаси бор эди. Бу аслаҳани отряд 1937 йил мартаиде Гвадалахара ёнинда итальян экспедиция корпуси тор-мор қилингандага қўлга киритганди. «Отрядимизнинг бир юз олтмишта жангчиси ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчини оқлайди»,— деб ўйладим мен.

Анархистларга бўлган ишончсизлик сингиб кетганлиги менга уларнинг марокашликлар ҳужуми ҳақидаги ривоятини сўзсиз қабул қилишга тўсқинлик қилганлиги учун бу маълумотларни ўзим текшириб кўришга қарор қилдим.

Биз дивизия штабидан тўрт километр нарида жойлашган қишлоқчага қараб жўнадик. Унинг жанубдаги чеккасидан 14- дивизия батальонларидан бирининг олдинги линияси ўтарди. Йўлимизда аскарлар ва офицерлар тушган автомашиналар ҳамда пиёда аскарлар группалари дуч келарди. Улар ҳаммаси ичкарига қараб қочишар ва бизнинг саволларимиэга «Морос! Морос!»<sup>1</sup> деган битта сўз билан жавоб беришарди.

---

<sup>1</sup> Морос — марокашликлар (испанча).

Бироқ ҳеч нарса марокашлуклар ҳужумидан дарак бермасди. Фронт томондан отишма ҳам, снарядлар ёрилиши ҳам эшитилмасди. Қишлоқдан иккى километрча наридаги йўллар чорраҳасига келганимизда қочқинларнинг охирги группалари бизни орқада қолдирганди. Бу чорраҳага шарқ томондан биз билан бир вақтда анархистларнинг қора-қизил байроқчали енгил машинаси келиб тўхтади. Ўндан капитан чиқди.

— Тўхтанглар! — деб бақирди у бизга. — Нега чекинаяпмиз?

— Буни сиздан сўрамоқчи эдик,—деб жавоб бердим мен. — Сиз чекишиш ҳақида буйруқ олдингизми?

— Биз унақа буйруқ олганимиз йўқ,—деди капитан ва қўли билан биз кетаётгани қишлоқни кўрсатиб,— бироқ, бизга қўшини батальондан телефон қилишиб марокашлуклар ҳужумга ўтишганини ва бизни айланиб ўтаётганинг айтишиди. Лекин менинг батальоним участкасида ҳамма нарса тинч, ўзининг актив ҳаракати ҳақида душман бирон белги кўрсатганий йўқ... Бу ерда ҳам жанг овози эшитилмайди, лекин ҳамма қочаяпти. Нима воқеа юз берди ўзи?—сўради капитан ҳайратланиб.

— Бу «бешинчн колонна» фитнаси,—дедим мен унга ишонч билан.— Жойингизга қайтиб ўзингизниг аввалги позицияларингизни эгалланг. Бу ерга эса пулемётлари билан битта взвод юборинг. Чунки сизнинг қўшинларингиз фронтни ташлаб кетишиди. Уларнинг қочишидан фойдаланган марокашлуклар чиндан ҳам ҳужумга ўтиши ажабмас,— деб жавоб бердим мен унга.

— Улар ҳозирча ҳужумга ўтишмаяпти-ку...

— Улар ҳали нима бўлаётганинг англаганий йўқ, англаганда эса кеч бўлади,— дедим мен қатъий.

Менинг қатъий гапим капитанда катта таассурот қолдирган бўлса керак, у ҳатто менинг кимлигимни ҳам сўрамай, қисқача:

— Эшитаман! — деб жавоб берди ва аскар шофёрига орқага қайтишини буюрди.

Анархистларнинг навбатдаги сотқинлиги! Улар энг хавфли жойда — Мадрид ва Брунете орасида фронт очишмоқчи! Мен чекинаётган группаларни қувиб етишга ва уларни ўз позицияларига қайтаришга уриниб кўришга қарор қилдим. Йўлнинг яқинидаги Мера дивизиясининг биринчи аскари билан учрашган айрилиш жойига етиб келганимизда у ерда отрядим кишилари тушган бир неча юк машинаси турарди. Улар олдида чекинаётган анархистлар тўдалашиб туришарди.

Отряд комиссари Галарса Перес Перегрин аскарларга нималарнидир айтётганди. Пинент чўзиқ сигнал бериб тезликни пасайтирди ва ўзимизниклар деб ўйлашиб бизни ўтказиб юборган тўдага қаратиб ҳайдади. Перегрин сакраб машинамизнинг зинапоячасига чиқди.

— Гриша Грандэ броневиклар ва танкеткалар билан орқада қолди, унинг олдига борайлик,— деди у менга.

Мен Гришага анархистлар дивизиясида бўлган давримиизда юз берган барча воқеаларни сўзлаб бердим. У тинглаб шундай деди:

— Биз ҳали уларни ташлаб кетган позицияларига қайтаришга уриниб кўрамиз. Ҳозирча эса бу батальон ташлаб чиқсан қишлоқца кириш иложини топ. Чунки фашистлар қандай чора кўраётганлигини билиш жуда зарур. Броневиклардан бирини олгин.

Уч кишилик броневик экипажидан ташқари биз ўз машинамизга яна икки жангчи, қўл пулемёти олдик ва имкони бўлган тезликда бўм-бўш йўлдан орқага қайтдик.

Қишлоқца бир километрча қолганда дараҳтлар олдида тўхтадик. Броневик ва машинани у ерда қолдириб, сигналлар ҳақида келишиб олгач, пиёда секин ихотага қараб жўнадик.

Анархистлар қочгунга қадар эгаллаб турган позициялар олдида, икки катта йўлнинг кенг ажралиш ерида деярли Мадрид ёғинасида бўш жой ётарди. Тепалар ва гранит харсанг тошлар оралиғидан ташландиқ ёлғиз оёқ йўллар ўтарди. Ярим хароба қишлоқнинг пастқам

дарахтларп үшін күрүк, барғыз бутазорп үшін ғамғин ман-  
зарага бирон-бір чиropy өткізу мүмкін.

\* \* \*

Бу ерда, Мадриддан Португалия чегарасынан олиб болу  
ручи йўлда фронтни исёңчилар томонидан бўлган маро-  
кашликлар эгаллаб туришарди. Уларнинг тўдаларида  
француз ва испан Марокашининг бир-бирига яқин риф  
ва кабила қабилаларига онд кишилар бор эди. Тўда-  
ларда бир неча африка урушларп үшін қўзголоопларида  
қатнашган кекса аскарлар билан бир қаторда қўлига  
фақат биринчи марта қурол ушлаган ўйигина йигитлар  
ҳам бор эди. Марокашликлар уришқоқ қабилалардаи  
териб олинган колониал аскарларнинг кўпчилиги қатори  
ўзларининг доҳийлари томонидан алданган ва мутаассиб  
кайфиятда әдилар. Улар ҳали кимниг манфаати ва  
кимга қарши жанг қилишаётганлиги ҳақида ўйлаб кў-  
ришмаганди. Франконинг кўр-кўронада қуроли сифатида  
уларниг кўпдан бери таҳқирлаб келаётган ватанига ҳам  
озодлик бериши мумкин бўлган Испан республикасынага  
қарши курашишарди. Уларни Атласнинг тоғли қишлоқ-  
ларидан қадимий испан пресидиосларига<sup>1</sup> ҳайдашиб, Тетуан  
ва Сеута аэродромларида Гитлер юборган уч мото-  
роли «юнкерсларга» юқлашар ва бир соат ичидан Испаниянинг  
жанубига етказишарди. Улар тушига ҳам  
кирмаган ҳаво саёҳатидан сўнг тезликда ўзларига ке-  
лишар ва ерга қадам қўйиб яна худди ўзларининг  
ватанинадагидек хурмоларни, Африкадагидек жазирама  
қўёшни, жиркантиурсада, лекин беражмлиги билан ҳайик-  
тирувчи ўта мағрур испан офицерларини кўришарди.

Чет эл легионидаги ёлланма аскарлар каби марокаш-  
ликлар ҳам бирдан жангга ташланган ҳалқ милицияси-  
нинг ёмон қуролланган ва бутунлай ўргатилмаган отряд-  
ларининг қаршилигини осонгина енгиг тезликда Мадрид-

---

<sup>1</sup> Пресидиос — қалъа (испанча).

гача етиб боришиганди. Бироқ бу ерда, Карабанчель ва Каса-дель-Кампопинг атрофидаги тор кварталларда уларни испанлар билан бирга сирли «русос» ва интер-бригадалар жангчилари ўтиришган танклар кутиб олишди. Тоғли африкалик ўқчи аскарларни улоқтириб ташлашди ва сўнг деярли икки ярим йилча ўтириб қолишган хандақларига қувиб киргизиши. 1936 йилнинг кузида Мадридни олиш учун қилинган ҳаракат африкалик «регулярестарга» қирқ минг киши ҳалок ва ярадор бўлишига олиб келди.

Марокашликлар бу кечаси ҳам ҳар сафаргидек нағоз ўқишиб, кечаси худди бўрининг улушига ўхшаган мунгли, чўзиқ ашуалаларини тартибсиз равишда айта бошладилар. Қоронғи тушиши биланоқ уларнинг жанговар дозорлари зовурлардан чиқиб секин илиқ тошларга ётиши. Хира соялар қуюқлашгач, борлиқни жануб тунининг кўз кўрмайдиган зулмати қамраб олди

Ҳали ҳам қуруқ гўнг ҳиди келиб турган, ярми қулаб тушган омборда, кичкина алантга атрофида риф қабиласидан бўлган тўртта марокашлик ўтиради. Бир оз аччиқроқ тутуннинг ингичка оқими шипга кўтарилиб, у ерда кул ранг булатуга айланиб ёйилиб кетарди.

Қирилмаган чакка соchlари оқарган бошига пастаккина тўқ-қизил феска кийиб олган кекса риф — кабо<sup>1</sup> кўзинни юмиб ўтирап ва ғамгин қўшиқ оҳангига жўр бўлиб тебранарди. Бу қари, синаалган жангчи эди. Бундан ўн икки йил муқаддам у Абдулкарим отряди сафида французларга ва энди улар учун ўлимга бораётган испан генералларига қарши курашганди.

Унинг қаршисида Ҳофид исмли қора танли ўспирин ўтиради. Унинг митти кўзли, кенг бурунли юзи бир нуқтага жалб қилинган ва тунд эди.

Омборга хабарчи келиб лейтенант кабони чақираётганини айтганда улар кечки овқатга ҳозирлик кўри-

<sup>1</sup> Кабо — капрал, кичик командир (испанча).

шаётган эдилар. Еши улуғроқ риф тезгина ўрнизаа туриб хабарчи кетидан кетди. У кўп ўтмай қайтиб Ҳофидга разведкага бориш учун тайёр бўлишни буюрдик. Одати бўйича Ҳофид<sup>1</sup> камаридағи ўқдон, пичноқни ушлаб кўргач, ўқни милтиқ стволига жойлаб, затворни эҳтиёт қиласиган ҳолатга келтириб қўйди. У тозаламоқчи бўлиб товуқни олди-да, озгина иккиланишдан сўнг уни камрига осиб олди.

Улар хандақнинг брустверидан ошиб ўтишиб, эмаклаб кетишли. Кекса риф қўли билан сўқмоқни пайпаслаб кўрарди. Вақт-вақти билан тўхташар ва ерга ётиб олиб қулоқ тутишарди.

Анархистлар эгаллаган қишлоқ четидаги кулбадан юз метрча нарида Ҳофид овоз чиқармай нишаб чуқурликка сирғаниб тушди. Унинг тагида аллақандай соя кўзга ташлангач буталар шитирлади. У деярли беихтиёр равишда қоронгиликка ўқ узди ва тезликда пичноқни курашга ҳозирлади. Лекин уни ўзи қўрқитиб юборган дайди итнинг вангиллаши хотиржам қилди. Отилган ўқ душманни безовта қимлади. Бу кечадан бери анархистлар позициясида тўсатдан қичқириқлар, отишлар эшигиниб кейин ҳамма нарса тинчигани каби ғалати ва тушуниб бўлмайдиган ҳолат эди. Тушаётган қоронгилик уерда нима бўлаётганини кўриш имконини бермади.

Кабо ҳар томонга тарқалишга ишора қилди. Ҳофид девор тешигидан ўтиб, хароба ичига кириб кетди. Ҳамма нарса душман қандайдир тушуниб бўлмайдиган сабаб билан ўз позицияларини қолдириб кетганлигидан дарак берарди. Марокашликлар узоқ вақт кулбаларда тимискиланиб юриб, ҳамма жойда ташлаб кетилган буюм ва қуролларга дуч келишди.

Бунга қадар кўп ўтмай биз ҳам шимол томондан қишлоққа етиб келгандик. Ой чиқиши билан уйлар ва

<sup>1</sup> Ҳофид ўзиининг асирга тушгунча кечган мунгли ўтмишини бизга кейинроқ, бизнинг отрядимиз сафила франкочиларга қарши кураш истагини билдишганида сўзлаб берди.

даражатларнинг қора сояси чўзила бошлади. Таба шов-қин-суронсиз четдаги ойналари синган уйга кирди ва ундан ҳеч нарса тополмагач, сояларда яшириниб кўчадан жанубдаги чеккага қараб кетди. Унинг зийрак кўзлари бир неча метр олдинда бир кимсаннинг уйлардан бирига ўтиб кетган ноаниқ шарпасини сезиб қолди Таба қулоқ солиб кимнингдир яширин қадами шитирлаганини пайқади. Қадам ора-орада тиниб яқинлашарди. Таба уйга кириб синган дераза деворига ёпишиб турди. Кимдир ҳовлининг ташқи томонидан писиб келарди. У кулбанинг иккинчи деразаси олдида ерга ётди. Таба қараб, деярли олдида, ёнгинасида ниманидир кузатиб ётган кишини кўрди. У оғзида катта пичноқ тишлаб туарди.

Вайронанинг қаериладир ўқ овози эшитилди. Мароқашлик сесканиб, ўрнидан тура бошлади. Лекин Таба унинг елкасига мушукдек сапчиди. У ўз душманиннинг бошини ерга эгиб айни бир вақтда унинг ўнг қўлини орқасига қайирди. Бу эски ва синовдан ўтган усул эди. Таба тиззасига мароқашлик камарига боғлаб олган товуқ тўғри келди. Таба овоз чиқармай кулиб асирининг қулогига эшгашди ва арабчалаб унга: «Ҳим ёт! Товуқхона!» — деди.

Африкалик ерга қаттиқ босилган ва қуролсизлантирилганди. У ўзининг елкасида миниб ўтирган душманини кўролмас ва пичноқ зарбасини кутарди. Бундай вазиятда у ҳам худди шундай қилиши мумкин бўлгани учун бошқача натижани кутмасди. У охирги соатим келди деб ҳисоблади ва шошиб оллога дуо қила бошлади. Бироқ Таба уни гумдон қилиш ҳақида ўйлагани ҳам йўқ эди. У Ҳофиднинг оғзидан пичноқни олиб асирининг қўлини ингичка камар билан маҳкам боғлади.

Таргигботчилик хусусияти Табанинг қонида бор эди. Унда асирга нисбатан бўлган душманликдан асар ҳам қслмаганди. Шунинг учун ҳам унинг қулогига мулойимлик билан шивирлади:

— Титрама. Мен сенга тегмайман. Айт-чи, нега сен бу жанжалга аралашдииг? Кимни ҳимоя қылғани келдинг? Сен бу нарсаларни яхши күрар экансан ўз тоғиңгда эчки боқиб, товуқ урчытеб юраверишинг керак эди. Бу уруш энди сен учун тугади. Қалтирамай тур. Қасам ичаманки, мен сенга тегмайман.

Вайроналар ичида яна, бу сафар жуда яқинда ўқ овози қарсиллади ва разведкачиларниг таниш овози әшитилди. Қекса риф — кабо қүшни ҳовли деворидан ошиб энг яқиндаги дараҳтлар томон югурди. Унинг кетидан ўн метрларча масофада боши устида Испанияга келганидан бери ҳеч тарк қылмаган лассосини<sup>1</sup> ўйнатиб бизнинг мексикалик жаңгчимиз Диего чопиб борарди. У бир дақиқа тұхтаб, усталик билан тебраниб-тебраниб қочоққа етган катта сиртмоқпен отди. Диего сиртмоқнинг ўнг құлида қолған бир учини тортгач, у қочоқ құлини танасига маҳкам үраб олди. Диего күз илғамайдыган ҳәракат билан асирии ўзига қаратиб тортди, уни лассо билан чаңдид үзини ерга қаратди.

— Ойе<sup>2</sup>, Диего, мен ҳам бирини тутдим,— деб қич-қирди Таба.

— Бу ёққа олиб кел уни,— дея кулиб жавоб берди мексикалик.

Бир неча минутдан сүнг яна икки жаңгчимиз етиб келишиди. Фақат бир киши — андалузиялық Гарсия етишмасди. Таба ўзининг асирини дараҳт тагига кекса риф билан бирга ўтқазиб қўйиб, қандай қилиб унинг кетидан тушганлиги ва тутиб олганлигини айтиб берди. Шу пайтда девордан Гарсия ошиб ўтди. Унинг юзи қон эди. Марокашликларни кўриб у уларга пичноқ билан ташланди. Лекин Таба унинг құлини ушлаб қолди.

— Нега сен уларни ўлдирмоқчисан? Улар асирику ахир, шуниси ҳам етади уларга,— деди у.

---

<sup>1</sup> Лассо — арқоп (испанча).

<sup>2</sup> Ойе — «хей»га ўхшаш хитоб (испанча).

— Уларнинг ҳаммасини ўлдириш керак. Улар бизга шафқат қилишгани йўқ! Агар уларнинг қўлнига тушсанг ичак-чавоғингни чиқаради,— деб ғинфиллади андалузиялик, жароҳатланган оғзидан қон тупуриб.

— Нима бўлди ўзи, бунча қизишасан? — деб сўради Диего. — Сени оғзингни улар ёришдими?

— Ҳа, шулар. Мана буниси,— деди Гарсия кекса рифни кўрсатиб, — қаердандир ўзининг лаънати пичогини иргитди...

— Ҳа, майли, етар,— деди Диего бир қўли билан си гарет ўраб.

— Маврларнинг ҳаммасини қириш керак! — деб тинчиласди Гарсия.

— Майли, амиго, тинчлан. Биз улардан эмасмиз. Биз революция аскарларимиз. Сен буни қачон тушунасан, алир? — деди Таба мулоийимлик билан. У андалузиялика яқинлашиб бир парча бинт билан секин унинг оғзидаги қонни арта бошлади. У тинчланган сари давом этарди: — Улар авом одамлар. Ҳамма нарсани тушунтирасак, улар биз томонда бўлишади. Тишингга боллаб туширибди у.

— Яхшиям мен карабинни тутиб қолиб томоғимни тиғдан сақлаб қолдим. Пичноқ қайрилиб дастаси билан тўртта олдинги тишимни учирив юборди! — Гарсия кафтини ёзиб ўзининг қоқилган тишларини кўрсатди.

— Майли, ташла уларни. Биласанми, сенга менинг ҳавасим келади ҳатто...

Ҳамма савол назари билан Табага қаради.

— Ийитлар, худо ҳаққи, ҳавас қиласман. Энди бу узоқ вақт Мадрид госпиталига, тиш дўхтири—мўъжазгина француз аёлга қатнайди, —ва Гарсияга мурожаат қилиб давом этди: — Сен унинг олдида креслода чалқайиб ўтириб оласан, у эса ўзининг бармоқчалари билан сенинг пачоқланган жағингни титкилайди. Бу ҳар куни такрорланади. Кейин у сенга чиройли чинни, йўқ, пўлат тишлар қўяди... Бу жажжи француз қизидан қандай антиқа бўйлар таралишини билганингда эди!

— Сен буни қаердан биласан? — тинчланиб сүради Гарсия. Унинг мажақланган юзида кўпроқ афтни буриштиришга ўхшаш илжайиш пайдо бўлди.

— Биласизми, амигос, у менга жуда ёқади. Шунинг учун ҳам мен тишимни боғлаб унинг олдига боргандим.

— Хўп, у сени даволадими? — деб сўради Карлос.

— У тезда билиб қолиб мени ҳайдаб юборди.

Ҳамма гуриллаб кулди. Таба эса хижолат тортмай давом эттирди:

— Бироқ, мен уни беш минут жуда яқиндан кўришга эришдим... Унинг қўнғир соchlари юзимга теккан эди. Эҳ, йигитлар, қачон уруш тугаб биз ўз севгилиларимиз ёнига қайтамиз?

Ҳеч ким бошқа кулмади. Бу пайтда ҳар ким кимнингдир ёқимли кўзлари, меҳрибон қўллари, йироқ юридағи яқинлари ҳақида эсларди.

Кекса риф ой нури туфайли кул ранг тус олган ерга тикилиб жим ўтиарди. Ой анча юқорига кўтариленган ва соялар кичиклашганди. Ёш асир, бу унчалик баланд бўлмаган марокаш бурнуси<sup>1</sup> даги маймоқнинг уни ўлдириш эмас, ҳатто бошқага, ана у юзи мажақланган ориқ, баджаҳл йигитга ҳам ўлдиришга йўл қўймаганлигига ҳечам тушунолмасди.

Мен жангчиларга, тарқаб, душманга анархистлар позициясида ҳеч нарса ўзгармаганлигини намойиш қилиш мақсадида пулемётлардан бир печа бор отиш ҳақида буйруқ бердим. Биз бир неча уйларда ёқсан оловлардан чиққан тутун оқими ой нурида аниқ кўриниб, секин булатсиз осмонга чўзила бошлади.

Биз душманни кузатиш мақсадида қишлоқда уч жангчини қолдириб асирларни ўз машинамизга ўтказдик ва орқамизга қарағ жўнадик.

Йўлнинг бизни отрядимиз турган айрилиш жойида энди уч юзча анархистлар йигилган ва улар ёнига қочоқ

---

<sup>1</sup> Бурнус — жуслик қалин матодан тикилган плаш (тарж).

ларнинг кичик группалари ҳамон келишарди. Биз улар олдига келиб ва асиirlаримизни кўрсатиб, марқашликлар ҳужум қилиш ҳақида ўйлашгани ҳам йўқ, биз тутиб олган мана бу иккаласи разведкачилар, холос, дедим. Машинамиз атрофини ўраб олган тўда бизнинг сўзларимизга ҳечам эътибор бермай жимгина марокашликларга боқишарди. Четда, бир неча метр нарида Гриша ва комиссар Перегрин, улардан йигирма метрча масофада бизнинг бошқа одамларимиз кичик броневик ҳамда танкеткалари билан туришарди.

Перегрин биз томонга қараб йўлланди ва машинамиз зинасига чиқиб, анархистларга мурожаат қилди:

— Ўртоқлар, — деб бошлади у, — сиз ўз позицияларингизни ташлаганлигингизни ҳали душман пайқагани йўқ. Шунинг учун тез орқага қайтиш ва жангга тайёр туриш керак.

Бироқ оломон ичига бекиниб олган ғаламислар ўзларининг қора ишларини қилишарди. Улар Перегрин овози эшиитилмайдиган даражада бақириб ҳаммасини орқага ўтказиб юборишни қаттиқ талаб қила бошладилар. Бу галабни бошқалар ҳам қўллаб-қувватлаб, оломон дэхшат билан ҳайқирди, лекин бизларни қўйвориб ўзимизникларга қўшилиш имконини берди.

Мен Григорийга қишлоқда кўрганларимни гапириб бериб фурсатни қўлдан бой бермай у ерга ҳеч бўлмаганда битта взвод юборишни таклиф қилдим. Чунки уларни кўндиришга уриниб кўриш керак эди.

— Бу, бари бир фойдасиз. Улар қайтишмайди, — деди Григорий ишонч билан.

— Нима қиласмиш бўлмаса?

— Фронтда қисм ўз позициясини хоинларча ташланганда нима қилиш керак бўлса шуни қиласмиш. Яхшилика, исташмаса, куч билан мажбур қиласмиш! — деди Сироежкин қатъий.

Унинг ёнида турган Перегрин анархистлар билан яна бир марта гаплашиб кўришга уриниб кўрмоқчи эканли-

гига ишора қилди. Гарчи күренишдан у муваффакиятга ишонмаса-да, Григорий маъқуллагандек бошини силкиб қўйди.

Перегрин отрядга Мадрид партия комитети томонидан юборилганди. Бу мадрид ишчисини биз ҳаммамиз тезда севиб қолдик. У ўттизлардан сал ошган, ўрта бўйли бақувват, ёқимли думалоқ юзли, уятчан киши эди. У катта жасорат, матонатли ирода ва ботирлик соҳиби эди. Уни энг мураккаб вазиятда ҳам шахсий намуна кўрсата оладиган туғма комиссар деса бўларди. Испан революцияси мағлубиятга учрагандан сўнг у Совет Иттифоқига келди. Улуғ Ватан уруши даврида партизан отрядлариниздан бирида гитлерчилар ортида курашди. Урушдан сўнг эса Испанияга яширип партия ишига қайтиб, у ерда фашистлар зиндонида ҳалок бўлди.

Шундай қилиб, Перегрин анархистларнинг тўполон қилаётган тўдасига қараб жўнади. Аввало унинг секин овози эшигилди. Бироқ кўп ўтмай оломон тобора қаттиқроқ шовқин сола бошлади. У шошмасдан оломон ва бизнинг кишиларимиз орасидаги йигирма метрча масофа ни босиб ўтди. Григорийга яқинлашгач, қўлинин силтаб ҳамма ҳаракат бекорга кетганлигини тушунтирди. Энди анархистлар томонда қаттиқ, пўписали қичқириқлар эшигилар, уларнинг милтиқлари ва тўппончалари бизга қаратилганди.

Бундай вазиятда бизнинг аҳволимиз ниҳоятда мураккаб эди. Ҳал қилювчи ҳаракатларга журъят қилиш унчалик осон эмасди. Қон тўқилиши муқаррар эди... Бироқ бизнинг олдимизда ҳарбий бурчга хилоф иш қилганилар туришарди! Агар биз ҳам Франконинг босқинчилар ва исёнчилар томонида жанг қилишаётган чет эл легионидаги ёки рус оқ гвардиячилари отрядидаги каллакесарлар каби ёлланган бўлганимизда бошқалар қандай ҳаракат қилаётгани билан ишимиз бўлмасди. Биз республикачилар илтимосига биноан келгандик ва ўзимизни Испан республика армиясининг бир қисми деб ҳи-

соблардик! Тақдир тақозоси билан бизнинг кўпчилиги испанлардан иборат бўлган кичкинагина отрядимиз хоинона алданган ва фронтдан қочаётган кишиларнинг йўлидан чиқиб қолди. Анархистлар сиёсий финалари туфайли содир бўлган қочоқлик охири фожиали бўлиши мумкин эди. Биз нима қилишимиз керак, ахир? Сироежкин бир қарорга келди. Шўниси қизиқки, у ўз қарорини эудлик билан амалга ошириди. Анархистлар сон жиҳатидан анча кўп ва бизда броневиклар, танкеткалар бўлишига қарамай, бизга ташланишга очиқ гайёргарлик кўришарди. Бундан ташқари, франкочилар ҳар бир дақиқада танклар ва авиация ишлатиб анархистлар қочиши натижасида юзага келган бўшлиққа йўналиши мумкин эди. Бу районда ҳеч қанақа резерв қисмлар йўқ бўлиб бори ҳам жангга солинганди. Мен Григорийга савол назари билан қарадим. У тўппончасининг ўқлар солинадиган қисқа қутичасини узунига, йигирма беш ўқлигига алмаштириб, иккита лимонка деб аталувчи гранатага портлатгич моддаси солинган қалпоқча қўйди ва отряд жангчиларини анархистлар тўдасидан четлаб ўтиши ҳақида охирги фармонини берди.

Бизнинг ҳаракатларимизни кўришган анархистлар биринчи бўлиб ўт очишиди. Бир лаҳзада ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Отрядимизнинг 150 жангчиси қуролланган оломоннинг тартибсиз, қаттиқ ҳужумини ўзига қабул қилди. Отишлар, гранаталар портлаши, бақириш ва дод-войлар эшитилди. Асфальтдан қон оқа бошлади. Қўлида граната ва тўппонча ушлаб Григорий ўзининг баҳодирона қомати билан оломон устида кўтарилиб турагди.

Олишув қисқа бўлди. Броневик ва танкеткалар бизга устунлик қилиш имконини берди.

Испанияда бўлган урушда — Гвадалахара, Теруэл ва Эбродаги жангларда менинг ҳар хил вазиятларни кўришига дуч келдим. Бироқ бу қисқа олишув энг таассуротлиси бўлди.

Анархистлар таслим бўлишди. Уларнинг бошлиқлари ва фитиачилар қочиб қолиши. Бизнинг кишиларимиз анархистлар дивизиясининг аскарларини қатор қилиб тузиб тезликда улар ташлаб келган позицияларга жўнатишмоқчи бўлишди. Айни пайтда отряд жангчилари ҳалок бўлган кишиларимизни дағн қилиб, ярадорларни Мадрид госпиталига жўнатишига тайёрлашарди.

Гриша йўлларда ва сўқмоқларда броневиклар, танкеткалардан иборат тўсиқлар қолдириб, қолганларга Тореладонес томонга суримишга, агар анархистлар яна қочишини ўйлайдиган бўлишса, у ерда керакли кўрсатмаларни кутиш ҳақида буйруқ берди. Тореладонесга кетишида биз бир неча машиналарни учратдик. Мера ўз штаби билан фронтга қайтарди. Нима бўлганини: уни тутиб олишганини ёки у йўлда бўлаётган вөдеани қаердандир билдирамай кузатиб турганини, балки ФАИ<sup>1</sup> бошлиқларидан кўрсатма олганлигини билолмадим. Лекин у дивизияга қайtdи ва қўмондонликни ўз қўлига олди. Шунга қарамай, унинг дивизияси ҳужумни бошламади. Бошқа пайтда бунаقا комдивни шубҳасиз алмаштирган ва судга берган бўлишарди. Уша пайтда республика териториясида ҳукм сурган мураккаб ва чигал муҳитда анархистлар ҳамон маълум бир кучни акс эттиришарди. Ишчи ва деҳқонларнинг бир қисми улар таъсирида қолган, уларнинг бошлиқлари қўли остида эса бир неча қуролланган дивизия бор эди.

\* \* \*

Анархистлар яна қандайдир бирон фитна уюштиришидан хавфсираб, биз кун бўйи ўша районда бўлдик. Кечаси Мадридга кетишида уйларга тиқилиб турган машиналар қатори ва кўчаларида ёлғиз қоровуллар сангиб юрган уйқудаги Тореладонес шаҳридан ўтиб кетдик

---

<sup>1</sup> ФАИ — Иберия анархистлари федерацияси.

Чеккада, ягона зайдунзорда ўзининг ўйноқи алангаси билан кекса зайдун дарахтларининг хунук таналарни, олов атрофида ўтирган кишиларни ва нарироқда турган машинани ёритиб гулхан ёнарди. Қозонларда гуруч ва кофе қайнарди. Таба оёғини қисиб асирлар орасида ўтиради. Ҳамма чекар ва марокашлик Ҳофиддинг ўзи ҳақидағи ҳикоясини тинглашарди.

— Улар билан бирга кофе ичайлик,—деди Гриша ва гулханга яқинлашиб ўтиреди. Бир кружкадан ичиб, ўзимиз билан Табани ҳам олиб йўлимизда давом этдик. Йўлда у ўзига хос қизиқчилик билан Ҳофиддан эшитганларини айтиб берди.

Биз тобора пастга тушиб, Мадридга кетишда давом этардик. Пойтахтнинг шимолий чеккасига ёндош Баррио де Тетуаннинг ярми вайрон қилинган кўчалари кўзга чалинди. Бу ерда ҳар қадамда бомба тушиш натижасида ҳароба бўлган уйларнинг куйган ускуналарига дуч келардик. Ҳўмрайган Мадрид ҳам бошланди. Бўм-бўш кўчалардан ўтаётуб биз гоҳо қуюқ сояга шўнғир, гоҳо қуёш ёритиб турган участкаларга дуч келардик. Уйларнинг кирадиган жойидан тахир асейта<sup>1</sup>нинг ўрнашиб қолган ҳиди келиб турарди. Бу ҳид ҳатто одамлар уйларини ташлаб кетишганда ҳам қолганди.

Яна бир неча минутдан сўнг — «Гэйлорд» меҳмонхонасида бўламиз.

Үйга кираверишда билган дастлабки нарсамиз шу бўлдики, бизни Испанияда Григорович деб номланган бош ҳарбий маслаҳатчи, 2- ранг армия қўмондони Г. М. Штерн дарҳол кўрмоқчи экан. Бизни тинглаб бўлгач, Григорий Михайлович ФАИ раҳбарлари гўёки бизнинг отрядимиз анархистлар 14- дивизиясининг батальонларидан бирига сабабсиз ҳужум қилганлиги учун «қатъий норозилик» билдиришганлигини хабар қилди. Бу ишнинг ҳақиқий сабабларини ҳали ҳеч ким тушуниб

---

<sup>1</sup> Асейта — зайдун ёғи. (испанча).

улгурмаган бир ғайтда анархистлар ана шундай йўл билан ўз кишиларининг фронтдан разилона қочишларини бекитмоқчи эканлар. Улар қаттиқ жазолаш учун «айбдорларни» беришни талаб қилишар, агар талабимиз қондирилмаса ўзимиз ҳал қиласиз, деган очиқдан-очиқ пўпнисадан ҳам қайтишмасди.

— Менинг ўйлашимча, — деди Штерн, — агар сиз ик-калангиз маълум бир вақтгача Мадриддан ёки, яхшироғи, Испаниядан кетсангиз мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирча эса марказий фронт штаби бу ишни ўрганиб кўради ва анархистларнинг айбини тўлиқ исботгайди. Ўзларингнинг ҳаётларингни сақлаб қолиш учун кетишлигинг керак.

Анархистлар сафида жиноятчилар, талончилар, босқинчилар, касби қотилликдан иборат бўлган қимсалар кўп эди. Уларнинг тўдалари очиқликка чиққач, қўлига қурол олиш учун революциядан фойдаланиб анархистлар партиясига қўшиларди. Улар бир неча бор коммунист-командирларга, республика армиясининг энг кўзга кўринган қўмондонларига суиқасд қилишганди.

Испанияда 1936—1939 йилларда юз берган воқеалар тарихи анархистлар томонидан уюштирилган жуда кўп сотқинлик мисолларига гувоҳлик беради. Биз Брунете ёнидан Мадридга қайтиб келган кечаси, 1936 йилнинг октяброда анархистларнинг Буэнавентура Дурутти бошлиқ уч минг кишилик колоннаси «Мадридни қутқариш учун» Каталониядан қандай қилиб келганини эсладик.

У Мадрид кўчаларидан оркестр овози остида бақириб ва тарақ-туруқ қилиб ўтганди. Анархистлар гўёки франкочиларни енгиб ва қочишига мажбур қилиб Мадридни қутқаришгандек дабдаба билан юришарди. Улар пойтахтни мудофаа қилишда энг жавобгарлик участкага қўйишларини талаб қилишди. Яхшиямки, қўмондонлик ундай қилмади. Уч кундан сўнг анархистлар колоннаси марқашликлар сиқиги остида фронтдан шармандаларча қочишди, уларни тўхтатмоқчи бўлган Дурутти эса

улар томонидан ўлдирилди. Дурутти коммунистлар билан бирлик тарафдори, виждонли, лекин адашган революционер эди. Испан революциясининг ўзига хос хусусиятларига кўра кўп кишиларнинг революцион йўли анархизм орқали ўтгани каби у ҳам коммунистлар сафига келиб қўшилиши мумкин эди.

Сотқинлик фақат бугина эмасди. Икки ой бурун, 1937 йилнинг майида ПОУМ<sup>1</sup>нинг 29-дивизиясидан 1500 та анархист, 1000 та троцкист фронтдан чиқиб Барселонага келишган ва республика ҳукумати ҳамда коммунистларга қарши қуролли қўзғолон кўтаришганди. Икки кечакундуз шаҳарда фитначилар ва ҳукумат қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бўлганди. Ана шу қисқа муддат ичидаги шаҳар кўчаларида 950 киши ўлдирилган ва 2600 киши ярадор қилинганди.

Анархистлар 14-дивизиясининг Брунете ёнида фронтдан қочиши анархистларнинг яна битта йирик хоинлиги эди.

Хулласи қалом бизга Испаниядан кетиш ҳақидаги буйруқни бажаришдан бошқа нарса қолмаганди.

Биз эрта тонгда «супер — драгон» номли икки моторли кичкина инглиз самолётида Алькала де Энарес аэродромидан ҳавога кўтарилилди. Думалоқ юзли ажойиб учувчи Веревко эпчиллик билан учиб самолёти қирғоқ бўйига олиб чиқди ва Валенсияни ортда қолдириб, шиммол томон ҳайдади.

Икки соатдан сўнг биз учувчиларимизнинг Барселона ёнидаги каталония базаси Сабадель аэродромига келиб қўндинк ва у ердан автомобилда француз чегарасига қараб йўл олдик.

Биз аввал таниш бўлган чегара туннелидан кейинги, Сербер деб аталувчи биринчи француз станциясида Парижга борадиган кечки поездни кутардик. Қуёшли кун ҳам, тинч француз шаҳарчасининг гўзаллиги ҳам бизни

---

<sup>1</sup> ПОУМ — троцкийчиларнинг каталония ташкилоти.

бузук кайфиятимизни ёзолмасди. Биз, балким Парижда бизни Москвага қайтиш ҳақидағи бүйрүқ кутаётган бўлса керак деб ўйлардик. Марказда анархистларнинг 14-дивизияси билан бўлган ҳодисага қандай қарашаркин? Испаниядаги вазият мураккаб ва ноаниқ бўлиб ётарди.

Ана шундай хаёллар билан эртаси куни эрталаб биз Парижга келдик. Совет элчихонасидан унча узоқ бўлмаган кичкина «Монталюмбер» меҳмонхонаси бизни камтарона вазиятда кутиб олди. Биз бирданига элчихонага жўнадик. Ҳозирча у ерда ҳеч қанақа кўрсатма бўлмаган экан. Шунга қарамай биз барибири безовтала нардик. Эртага нима бўларкин?

\* \* \*

Францияда, Париждаги ҳаёт Испанияда, айниқса, қамал қилинган Мадриддаги оғир вазиятнинг тамомила тескариси эди. Бизга ҳамма француزلар хушчақчақ ва хотиржамдек туюларди. Озиқ-овқатлар мўл-кўллиги, магазин витриналари хилма-хил моллар билан тўлиб-тошганлиги ўзининг осойишталиги ва порлоқ келажагига ишонган бу мамлакат бойлигидан дарак берарди. Бироқ, бу юзаки таассурот эди. Франциянинг илгор кишилари, аввало коммунистлар Испанияда фашизм ғалабаси Франция учун катта хавф туғдиришини қатъий огоҳлантирган эдилар. Социалист Леон Блюм ҳукумати буни тушунишни истамасди. У Испанияга Совет Иттифоқидан келаётган қурол-ярогни ўтказмас ва бу билан Франко ҳамда герман-итальян босқинчиларнинг ғалабасига ҳисса қўшарди. Орадан атиги уч йил ўтгач, 1940 йилнинг июнида Франция Гитлер Германиясидан енгилган, Париж босиб олинганди. Бироқ 1937 йилнинг августида, биз Григорий билан шу шовқин-суронли шаҳарда бўлганимизда, бундай бўлишини камдан-кам киши тахмин қилганди.

Франциянинг фаровонлиги, тўқлиги ва беғамлиги ўшанда бизда руҳни туширадиган таассурот қолдирди.

Биз, шиддатли жанг ўти билан қопланған, оч, азоб че-  
каётган, қон тұқаётган Испания бундан унча узоқда  
эмаслиги түйгесидан қутуломасдик.

Биз деярлы ҳамма кунларимизни меҳмонхонада тү-  
шакда ётиб ўтказардик ва қийналиб яна Испанияга қай-  
тиш-қайтмаслигимиз ёки уйга жұнашга буйруқ бериш-  
бермасликларини олдиндан пайқашга интилардик. Биз  
ұар куни әрталаб ичимиздан зил кетиб яңгыларларни би-  
лиш учун әлчиненага жүнардик. Лекин бирон-бир хабар  
йўқ әди. Кунлар кетидан кунлар шупдай ўта бошлади.  
Бизларни унтиб қўйишмадимикин, деган ҳаёлга ҳам  
борардик.

Ниҳоят Парижга келганимизнинг еттинчи кунида  
әлчиненада бизга Испанияга қайтишимиз мумкинлигини  
айтиши. Бир лаҳзада ғамгин кайфиятдан асар ҳам қол-  
мади. Биз энг яқиндаги транспорт бюросига қараб югур-  
дик ва Серберга кетадиган кечки поездга билет сотиб  
олдик. Сўнгра озиқ-овқат магазинида Мадридда ҳечам  
топилмайдиган нарсалар — консерва, қоқ колбаса, қанд  
ва конфетлардан анчагина ҳарид қилдик. Чунки совфа-  
салом билан қайтиш керак әди.

Поезд Ке д'Орсэ вокзалидан кеч соат 11 да жўнади.  
Биз дарҳол вокзалга келдик ва олдиндан юкларимизни  
купега жойлаб ухлашга ётдик. Ярим тунда уйғониб  
Гриша ухламаётганлигини ва чекаётганлигини кўрдим.  
Менинг ҳам уйқум келмасди Чунки Испанияга қайтиш  
бизни ҳаяжонлантирап. биз тоқатсизлик билан чегарани  
кутардик. Мана кўзни қамаштирадиган қуёш нурларига  
чўмган Сербер. Туннелдан кейин, дастлабки Испан ша-  
ҳарчаси Портбу. У ерда, перронда бизни ўзининг «пак-  
карди» билан Пако кутарди. Биз яна Испания йўллари-  
да ела бошладик.

Яна бир кундан сўнг мен Мадридда, отряд жангчи-  
лари орасида бўлдим ва уларнинг биз йўқ пайтда со-  
дир бўлган воқсалар ҳақидаги ҳикояларини тингла-  
дим.

Шундай бўлдики, Испанияда Григорий Сироежкин Борис Савинковнинг ўғли Лев Савинков билан учрашиб қолди. Борис Савинков билан кураш ёш Григорийнинг ҳаётида энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлган эди.

Урта бўйли, пухта бичим, қад-қоматли, келишган юзига мазмундор, лекин бир оз фамгин кўзлар ярашиб тушган, мўйлови испанча услубда юпқа чиллингтан Лев Савинков ишда мардлик ва ақл-идрок кўрсатарди. Григорий ёрдами билан у офицерлик лавозимини эгаллаган ва ўз қадрини билган ҳолда испан республика армияси капитани формасини кийиб юрарди.

Баъзида биз учаламиз овқатдан сўнг ўтириб қолардик. Мен бу икки кишини нима боғлаб туришини била-диган ягона шахс эдим.

Кунлардан бирида ёш Савинков хаёлчан тарзда шундай деди:

— Менинг отам ҳақида ҳар хил нарса дейишади. Ваҳоланки у қўрқоқлардан эмасди.

— Ҳа, дарҳақиқат ботир эди, — деди Григорий ўзича нималар ҳақидадир хаёл суреб. Эҳтимол, ўша олис ва оғир 20-йиллар тўғрисидадир. Афтидан, Сироежкиннинг кўзларида нимадир ялт этган бўлса керак, чунки Лев сўраб қолди:

— Тасодифан, сизга у билан учрашиш тўғри келмаганми?

— Йўқ, тўғри келмаган, — деб жавоб берди Сироежкин. — Бироқ у ҳақда кўп эшитганман, — у гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди: — Энди бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ!.. Утган гапни қўзғашининг нима кераги бор? Биз — Испаниядамиз ва нега бу ерда эканлигимизни тушунамиз... Энг асосий нарса шу.

Бундан оғирроқ ғайри-табиий нарсани ўйлаб ҳам топиб бўлмасди: ўғил Испанияда ўз отаси бутун умрни бахш этган курашга қарши жанг қиласарди. Негаки Борис Савинков оқ муҳожир ёзувчи М. А. Арцибашевга

ёзғап хатларидан бирида шундай деганиди: «Билмадим сизга қандай, лекин менга фашизм психологик ҳамда ғоявий жиҳатдан яқин...»

Бу ҳақда ўғли билган-бilmaganligi гумон эди.

1937 йилда Лев Савинков, чамаси, йигирмадан ошган эди. Бу қобилиятли ёш йигит мустақил ўқиш натижасында кўп нарсага эришган, билимдон ва анчагина етук эди. Бундан ташқари ўзининг ёшлигига қарамасдан, ибратли ҳаёт тажрибасига ҳам эга эди.

Ўн тўртинчи — партизан корпусининг отрядларида бундай кишилар кўп тилларни билганликлари учун ҳам қадрланарди: Лев Савинков фақатгина француз тили эмас, балки инглиз, немис, поляк ва испан тилларини ҳам бемалол биларди.

Герильерос отрядининг франкочилар ортидаги ҳаракатлари, бу билан боғлиқ бўлган хавф-хатар, ҳис-туйфуларнинг кескинлиги, афтидан, Лев характеридаги наслий хислатларга мос келарди, шекилли.

У тезгина командирлик маҳоратини эгаллади, партизан тактикасини ўзлаштирди, қўпорувчилик ишини яхши ўрганди ва уни доимо аниқлик, пухталик билан топшириқларни бажаришда қўлларди. Айни бир маҳалда у бир оз писмиқ, унчалик дилкаш эмас, ўзини қандайдир алоҳида тутиб, отряддаги ўртоқлари билан ҳам яқин бўлолмаганди.

Биз тез-тез кўришиб турсак-да,— у ўзини боадаб тутар, дўстлик ёки алоҳида яқинликка интилмасди—у билан «сиз» лашиб гаплашардик.

Кунлардан бирида Лев отаси ҳақида гап очди. У биздан Борис Савинков ёзган «Бўлмаган воқеа», «Рангпар от», «Қора от» китобларини ўқиган-ўқимаганлигимизни сўради. У отаси ўз-ўзини ўлдирганидан афсусланиб, отам «озод қуш» бўлган, у бекиниб яшай олмасди, дерди. Шунинг учун гўёки уни ўша пайтда қўйиб юбориш керак эмиш.

Григорийнинг юзи бирданига жиддийлашди: у душ-

манларига нисбатан муросасиз бўлар, контрреволюция, оқ гвардиячиликнинг ҳақиқий баҳосини билар ва уни улар билан бирон-бир нарса яраштира олмасди. Чунки у савинковчи маҳфий контрреволюционерларнинг ваҳшийлигини, улар билан бўлган олишувларда қурбон бўлган дўстларини унутиши мумкинмиди?!

Бироқ Сироежкин Испанияда интербригадалар ва 14-партизан корпуси отрядларида республика томонида курашастган оқ муҳожирларга нисбатан бегараз муносабатда бўларди. Фақат бегараз, холос.

У бу кишилар Испан республикаси учун курашиб ўзларининг ёки оталарининг гуноҳларини ювиш ва бу билан ватанга қайтиш ҳуқуқига эга бўлишмоқчи эканликларини тушунарди. Сироежкин улардан жасорат кўрсатганларни қадрларди. У уларни баҳолар, офицерлик унвонлари тақдим қилишга тавсия қиласар, группа командирлари қилиб тайинларди. Лекин у бу нарсаларни улар ташаббус бундан чиқаётганилигини англаб қолмаслиги учун сездирмай қиласарди.

Францияда муҳожирлар доирасида Лев Савинковни талантли шоир ва қобилиятли прозаик деб ҳисоблашарди. У русчада шеърлар, французчада проза ёзарди.

Кунларнинг бирида биз Сьерра-де-Гвадаррама тофларидаги лашкаргоҳда баланд қарағайлар остида ўтирадик. Лева ўзининг шеърларини ўқий бошлади. Улар мардлик ва романтика руҳи билан сугорилганди.

— Яхши шеърлар,— дедим мен самимий.

Ёш Савинков ўрнидан туриб, бир неча қадам ташлади, сўнгра яна ўтириб тиззасини қўллари билан қучди.

— Мен сизларга ўзимнинг ҳаётимдан баъзи бир нарсаларни... гапириб бераман,— деб бошлади у.— 1933 йилда мен бензин ташийдиган юк машинасида шофёрлик жойини олишга эришдим. Кечако кундуз ёнилғи билан таъминлайдиган станцияларга бензин таширдим. Биз ҳар биримиз қатъий жадвалга амал қиласардик. Бензинни ўз вақтида етказа олмасак жарима солишар, меъ-

ёрдан ошиқроқ иш қилсак, озгина мукофот беришарди. Ортиқча франк олиш учун биз ҳолдан тойгунча телбаптардек ишлардик.

Ким ўз вақтіда тұхтай олмаса, рулда уйқуга кетса қаршидаги машина билан тұқнашишга дуч келар ёки пастға қулаб тушиш ва цистерна билан биргаликда ёниб кетиш хавфи туғиларди. Күнлар кетидан күнларни қувладиган, даҳшатли, мадорни құритадиган ҳаёт...

— Бизнинг ёнимиздан Мовий қирғоқта ўтиб кетаётган ажойиб автомобилларнинг пассажирлари, афтидан, бизнинг азоб-үқубатларымиз ҳақыда гумон ҳам құлмаган бўлсалар керак,— деб давом эттириди у.— Кўзларим юмила бошлаб, кучли ухлаш истагига қарши курашиш қийинлашгандা, цистерна соатига 80 километр тезликда елишига қарамасдан, мен машинани четта чиқарниб тұхтатардим ва шу заҳотиёқ ҳеч бўлмаганда ярим соатча мизғиб яна равshan кўриш қобилиятига эга бўлиш учун унинг остига ташланардим.

Бу аҳвол кунма-кун ва ойма-ой давом этарди. Мотор ғувиллашини мен ҳатто уйга келиб тұшакда ухлаётганимда ҳам эшишиб туардим. Бу ғувиллаш худди менинг миямга ўрнашиб қолгандек туюларди... Ўша йиллари Францияда ишсизлар кўп эди. Айниқса муҳожирлар ва чет элликлар орасида. Лекин бу мاشаққағли ишни ортиқча бажара олмасдим. Мен янги иш топдим. Колонияларда йирик корхона ва плантациялари бўлган бой французнинг шоффери бўлиб олдим. Энди мен ранги ярақлаган снгил машина рулинин бوشқарадим. Менинг иш куним кеч, хўжайин уйқудан турғандан сўнг бошланарди. Мен уни подъездларда соатлаб кутганим учун ўқишига ва ҳатто ёзишга имконим бўларди. Кечқурунлари мен хўжайинни клубга ёки яна қайси бир жойларга олиб борарадим ва яна алламаҳалгача кутардим.

Меҳнат фаолиятимнинг биринчи ойида менга биронта ҳам танбеҳ беришмади-ю, лекин бурунги шофферга нисбатан кам ҳақ тўлашди. Иззат-нафсимга тегишлиари-

га қарамай уй хизматчиларига маош берувчи бошқарувчы билан тортишиб ўтирадим. Мен пайтни пойлаб хўжайнин мулойим кайфиятда бўлгандек туйилганда ундан ишимдан розимисиз деб сўрадим. «Мутлақо. Сиз машинани ҳатто олдинги шоффердан ҳам яхши бошқарасиз», — деди у менга. «Афв этинг, месье<sup>1</sup>, нега у ҳолда менга оз ҳақ тўлашди?» — «Шунинг учунки сиз унга қараганда ҳеч бўлмаганда 25 ёш кичиксиз. Қатта маош сизни фақат бузиши мумкин... Агар мабодо ойлик сизга маъқул тушмаётган бўлса, истаган кунингиз ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин!..»

Мен ундан кетиб анчагача ишсиз юрдим.

Лев Савинков жимиди. Бу жимиш нимадан дарак беришини фақат ҳис этиш мумкин эди.

...Испанияда уруш тугашидан бир неча ой бурун, 1938 йилнинг кузида биз унга Францияга қайтишда ёрдам бердик. Бу ишда ҳам бош ролни Григорий Сироежкин ўйнади. Лекин Лев бундан бехабар ва билишининг кераги йўқ эди. Олдимизда яна бир учрашув туарди.

Испаниядан уйга қайтаётганимизда, Парижда бўлган охириги кунларимизнинг бирида, 1939 йилнинг марта тида мен Вандам майдонини ўраб турган қадимий бинолар пештоқлари остидан келардим. Олисдан, дабдабали «Риц» меҳмонхонасидан унча узоқ бўлмаган жойда газета дўкончасини кўриб қолдим ва унинг олдига келиб пештахта устига ёйиб қўйилган журнallарни қарай бошладим. Улардан бир нечтасини олиб, мен сотувчига қарамасдан пул узатдим. У қайтимини бераётганда мен нигоҳимни кўтардим. Олдимда мен билан бундан бир неча ой бурун Испанияда ажрашган Лев Савинков туарди. Испан республика армияси 14-партизан корпусининг жасур жангчиси эндиликда ўз ионини топиб ейиш учун кўчада газета сотарди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Испанияда интернацио-

---

<sup>1</sup> Месье — жаноб (французча).

нал бригадалардан бирида жанг қылган, сүнгра Францияда «рус ватанпарварлари иттифоқи» деб аталувчи қаршилик күрсатиш жанговар ташкилотини бошқарган бурунги муҳожир Григорий Шибанов менга йўллаган хатларининг бирида Лев Савинков унинг отрядида бўлганилигин ёзганди. 1944 йилнинг августидәти машхур Париж қўзғолони пайтида Лев Парижнинг Гренель кўчасида жойлашган Совет элчихонаси биноси устига қинзил байроқ қадаган группа сафида бўлган. Демак, у Испанияда бошланган йўлдан кетишини давом эттиради.

## «КОНДОР» ЛЕГИОНИ БИЛАН ЯНГИ ЙИЛ УЧРАШУВИ

Григорийнинг галдаги пайдо бўлиши 1937 йилнинг декабрида Мадридда юз берди. Левантеда, Теруэль ёнида, шиддатли жанглар кетарди.

Ҳар доимгидек, Сироежкин кетидан унинг камгап шоффёри Пако келарди. У озиқ-овқатлар солинган халтани эшик олдидаги стулга қўйиб, Гриша билан худди пантомимадагидек<sup>1</sup> фикр алмашди. Биз халтадан француз консервалари, виноси ва қотирилган нонларни олдик.

— Тушлик овқатларингизга яна артиллерия хачири гўштини беришса керак? — деб сўради Гриша кипоя билан.

Бу ҳақиқатдан унча узоқ эмасди. Чунки Мадрид оч қолганди. «Гэйлорд» ошхонасига тез-тез тўп тортишга ярамай қолган хачирларнинг нимталанган гўшти келтирилиб туради. Бу ҳайвонларнинг гўштидан тайёрланган бифштекс эски этикнинг таг чармига ўхшарди. Аммо биз уларни тотли деб ҳисоблардик. Баъзида қишлоқларда қўй топиш имкони бўларди. Ундай пайтларда биз ҳақиқий базм уюштирадик.

Овқатдан сўнг Гриша харита келтиришни сўради ва

<sup>1</sup> Пантомима — имо-ишора билан томоша кўрсатиш.

уни столга ёзиб қўйиб Мадрид шарқидаги територияни ўргана бошлади.

— Бриуэгигача бўлган масофа қанча келади? — деб сўради у.

— Тахминан 90 километр...

У соатига қаради.

— Кетдик. Сенинг машинангни оламиз.

— Неча киши керак?

— Иккита автоматчи — Таба ва Чикони. Уч кунлик озиқ-овқат...

Ярим соатдан сўнг биз йўлга чиқиб Лас-Вегас ёнида-ги отряд жойлашган ерга кириб ўтдик, менинг иккала доимий ҳамроҳимни олиб Гвадалахарага кетадиган йўлдан ела бошладик.

Алькала-де-Энаресдан ўтгач, шофёrim матрос Пинент глушительни очганда кучли лимузин худди самолётдек чинқирди. Италиян корпусининг мартдаги мағлубиятидан сўнг тинчиб қолган фронтга олиб борадиган йўл бўум-бўш ётарди. Биз деярли тезликни камайтирмасдан аҳоли яшайдиган пункtlар ёнида кетиб бораидик. Гвадалахарадан ўтгач, Торихо орқасида ўнгга бурилдик. Кундузи соат тўртларда Бриуэгига етиб келдик ва унинг ярим доира бўлиб пастга, воҳа тагигача кетадиган асосий кўчасидан секин кета бошладик. Шаҳарча ундан италиянлар суриб чиқарилаётганда роса вайронага айлашган экан. Лекин аҳолининг бир қисми ўзининг жонажон ерига қайтган, фронтнинг олддаги постларидан фақат бир неча километр масофада ажralиб турган бу шаҳарда ҳаёт нафаси сезилиб турарди.

Гвадалахара фронтida анархиистларнинг икки дивизияси — ФАИ раҳбарларидан бири, бизга таниш Мера қўмондошлиқ қилаётган 14- (Брунета ёнидаги сотқинларча қочишдан сўнг бу срга, фронтнинг тинч участкасига ташланганди) ва Морена деган кимса қўмондошлиқ қилаётган 33- дивизияси турарди. Маълумки, биз яна Мера билан учрашишни истамасдик. Иккала дивизия ҳам бу-

сиз фронт участкасининг ҳар хил қанотларида турғанилиги учун биз ўнг қанотга, Морено дивизиясиға томон жүнадик.

Анархистларга ишониш учун бизда ҳеч қандай асос йўқ эди.

Биз айниқса анахиячи қисмларнинг командирлари ФАИдан фронтларда жангларга қўшилмаслик, ўз қисмларининг кишилари ва қуорол-яроғларини сақлаш ҳақида кўрсатма олгаиликларини билгач, эҳтиёт бўла бошладик. ФАИ арбобларининг планларига кўра Франко исенчилари енгилгач ва бу курашда коммунистлар ҳолсизлангач, анархистлар қисмлари мамлакатда ҳокимиятни қўлга олиш, ўз тартибларини ўрнатиш учун ҳужумга ташланишлари керак эди.

Шунга ҳам қарамай, Григорий 33-дивизия штабига босриш тўғрисида буйруқ берди. Бу сафар у нимани ўйладийкин?

Мен Григорийга Морено ҳақида билганларимни айтиб бердим. У кишида ярим зиёли одам таассуротини қолдиради. Урушгача унинг ким бўлганлигини аниқлаш қийин эса-да, ҳарбий бўлмаганлиги аниқ эди. У ўз ҳаёти ҳақида гапирмасликни афзал кўради. Менга таниш командирлар ҳам унинг ўтмиши ҳақида маълум бир нарсани айтиб бериша олмадилар. Дивизияга командирлик қилган бир йил ичида, у ҳар ҳолда «ҳарбий руҳга» эга бўлганди. Ўзига тобе кишиларни қўлда тутар, гарчи анархистлар орасида ҳатто нисбатан ҳарбий тартиб ўрнатиш ҳам оғир иш бўлса-да, унинг бўлинмаларида интизомсизлик сезилмасди. Афтидан Морено иродали, етарли даражада моҳир ва муғамбир одам бўлган бўлса керак. Ташқи кўринишдан у хафақон кишига ўхшарди.

Биринчи марта унинг олдига дивизияси жойлашган участкадан группа ўтиш имкони бор-йўқлигини аниқлагани борганимда менда унинг рози бўлнишига ишонч бўлмаганди. Ўз чегарасидан рус кўнгиллилари коман-

дирлик қилаётган разведкачи-кўпоровчи отряд кишиларини ўтказиб юбориш баъзи командирларнинг фикрига қараганда оқибати хавфли иш бўлиб душман томонидан жавоб чоралари кўришга сабаб бўлиши мумкин эди. Буни эса улар хоҳлашмасди. Морено рейдимизга қаршилик кўрсатмай, бизни ўзи батальонлардан бирининг участкасигача кузатиб қўйди ва бу билан қўл остидаги бошқа кишиларнинг ҳар хил савол-жавобларидан қутқарди. Бу сафар у бизни вазминлик ва табассум билан кутиб олди.

Гвадалахара фронтиниг 33-дивизия эгаллаган ўнг қаноти Янги Кастилияни Арагондан ажратиб турган Альбаррасин деган кенг бўшлиққа бориб тақаларди. Дарё ва ўрмонлари бўлмаган бу тоғлик бўм-бўш ер Пиреней ярим оролининг марказида турарди. У шимоли-тарбдан жануби-шарққа қараб тахминан 150 километрча чўзилган. Кенглиги эса 60 километрча келадиган бўшлиқни эгаллаганди. Унинг кетида душманнинг Теруэль фронти ички томони чўзилиб ётарди. Якка-дукка қишлоқларда, Альбаррасин гарбий чегараси бўйлаб республикачиларнинг кичик қоровулгоҳлари, шарқ томонда эса душманнинг худди шундай қоровулгоҳлари туради.

Григорий Мадрид отряди группасини душман қўшинларининг Теруэль фронти ичкарисидаги ҳаракатини кузатиш, тунги йўлларда офицерлар тушган бирон автомашинани қўлга туширишга ҳаракат қилиб кўриш, агар имкони бўлса бизнинг қисмларимизга қарши актив курашаётган «Кондор» деб аталувчи герман легиони дала аэродромларидан бирида қўпорувчилик қилиш учун шу ерга ташлашга қарор қилди.

Анархистларга ишонмаганлиги учун Григорий бу оғир операциянинг мақсадини Моренодан яширишни истар, шунинг учун ҳам 12 кишидан иборат группани Бри-үэгусиз Мадридан тўғри Альбаррасин чегарасидаги ўзи мўлжаллаган пунктга етказишга қарор қилди.

Хозирча эса биз Морено меҳмона эдик. Биринчи оқшомда шаҳарга жўнадик. Қош қорая бошлаганди. Қорёгарди. Биз кўча бўйлаб тушиб мудҳиш ва баҳайбат қадимий соборга<sup>1</sup> етиб келдик. Ибодатхона эшиклари очиқ бўлиб, ичкари кирилган сари майин қоронгилик қуюқлашар, органнинг босиқ овози келиб турарди. Биз эшикдан бир неча қадам нарида тўхтадик. Полнинг сийқаси чиқиб кетган тош тахталари остида буюк испан шоири Сервантес қабри турарди. Чанг ва могоғ ҳиди анқирди. Ибодатхона деворларидан совуқ шамол эсарди. Устимизда, баландликда черков шамининг қулоқ қоронгиликни ҳайдай олмаган кучсиз шуъласи аранг милтиллаб кўринарди. Кўзга кўринимас органчи суст, тантанавор хорални<sup>2</sup> ижро этар ва унинг овозлари худди сузаётгандек черковнинг қоп-қора бўшлигини гўё кўзга чалинадиган даражада тўлдириб турарди. Танаффусларда қадимий, хириллаган орган найларига ҳаво юбораётган худди устахонадагидек каттакон босқоннинг оғир хўрсиниши эшитиларди. Гриша бошини шамининг милтиллаб турган шуъласи томон кўтариб жим музика тингларди.

Сўнгра биз қоронги тушиб қолган кўчалардан штабга бордик. У ерда Морено бизни кечки овқат билан кутарди.

— Унинг Сервантес қабри устида куй чалиши яхши... — деб қўйди Григорий биз штабга яқинлашаётганимизда.

Орадан икки кун ўтди.

28 декабрь кечаси отрядга юборилган шофёр Пинент, группа Гриша мўлжаллаган жойда тўплангани ҳақида хабар олиб келди. Биз Морено билан хайрлашдик. Валенсияга кетаяпмиз деб Саседонга жўнадик. Саседонда Алькосерга бурилиб, у ердан эса шимолга томон юриб ватср тоғ йўлидан оғир йўл босиб ўтиб кечқурунга яқин

<sup>1</sup> Собор — бош черков.

<sup>2</sup> Хорал — диний ашула.

охирги пункт — йўл, тўғрироги сўқмоқ тугаёндиган Заорехас қишлоғига етиб олдик. Ундан сўнг унчалик баланд бўлмаган бир-бирига минганиш кетган яланғоч Альбаррасин тоғлари бошланарди.

Бизнинг кўпчилиги жанубликлардан иборат бўлган жангчиларимиз 20 градуслик қаттиқ қиш ва совуққа одатланишмаган эди. Лекин интернационалист жангчилар учун ҳам унчалик осон эмасди. Отрядимида, бутун испан армиясида бўлгани каби керакли қишки кийим йўқ эди. Буни ҳаммасини Григорий кўриб турарди. Группа сафарга жўнайдиган кечаси у жангчиларга шундай деди:

— Бу чўлда совуққа қотмаслик учун 60 километрлик масофани, яхшиси, тўхтамасдан босиб ўтиш керак. Бузнинг учун яхшилаб овқатланиш лозим. Россияда граждандар уруши даврида биз шундай қиласарик, бизда қиш қаттиқроқ бўлиб совуқ 40 даражагача етарди.

Деҳқон уйидаги катта ўчоқда биз вертелда<sup>1</sup> семиз қўй гўштини пишириб ярмини едик. Қолганини эса группа ўзи билан бирга олиб кетди. Сироежкин буйруғига биноан ҳамма юзига қалин қилиб қўй ёғи суртди, сувдонларга конъяқ қўйиб олди. Хайриятки, Испанияда озиқовқат камчилигига қарамай ҳар хил винолар истаганча топиларди.

Кучли овқат, конъяқ кишиларни иситди ва ҳормастолмас Таба бошлаб бораётган группа дадил йўлга чиқди.

Чиқаверишдаги тўсиқдан кейин муздек шамол келиб урилди, ел бўрони гувиллади ва олдинда эрта тонг гираширасида на тог, на осмон кўриимас — ҳамма нарса бир бутун оқиш ниқобга қўшилиб кетганди. Тезликда 12 кишилик группа қорли биёбонга сингиб кўздан фойиб бўлди.

Григорий, бизнинг иккала шофферимиз, Чико лақабли

---

<sup>1</sup> Вертел — сих.

автоматчи Карлос Пинтадо ва мен аҳолиси ташлаб кетган қишлоқда деярли ёввойиллашган бир неча қоровул аскарларининг баҳтига Заорехасда қолдик.

Икки кун ва икки тун биз группанинг қайтишини кутдик. Вақт секин ўтарди. Тош кулбанинг хира ойначасидан Альбаррасиннинг қор босган чексиз тепаликлари кўриниб туар ва уларнинг мунгли қояларининг ҳеч бир жойида киши назарини тўхтатиб бўлмасди.

Биз эман тарашаси ёнаётган каттакон деҳқон ўчоги атрофида чўқкалаб, роҳатбахш хаёлларга чўмардик. Йироқдаги Ватан ҳақида гапиришда тушунтириб бўлмайдиган гўзаллик бўларди. Бундай дамларда Чико ҳар дамгидек гитара чаларди.

Григорийдан унинг «шимол қиссаси» ҳақида қачон эшитғанлигимни энди ҳеч эслай олмайман. Лекин у ерда, Испанияда ўтган ҳаётимиизда содир бўлган барча воқеаларни хотирамда титкилаб у бу қизиқарли тарихни, афтидан, ўшанда нимаси биландир бизнинг шимолни эслатадиган қор босган Испан қишлоғида ҳикоя қилиб берган бўлса керак, деб ўйлайман.

Албатта, унинг ҳикояси тўлиқ эмасди. Ундан ташқари 30 йилдан сўнг менинг хотирамда ҳамма нарса қолмаган ҳам эди. Лекин 1966 йили «Комсомольская правда» газетасида Сироежкин ҳақида очерким босилгач, унинг Якутияга қилган икки йиллик экспедициясининг қатпашчиси редакцияга хат ёзди. У киши — Борис Александрович Леванов эди. Бундан салгина бурун ушбу китобни тугатаётганимда ва унинг қисқача икки боби «Молодой коммунист» журналида босилиб чиққанида урушдан кейинги йилларда Якутияда ишлаган иккита чекистдан ҳам хат олдим. Любомир Жжених ва Виктор Фролов — ёш авлод вакиллари. Улар Григорий Сироежкин сафдоши бўлишмаган, лекин унинг ишлари ҳақида Якутияда кўпдан бери яшовчи кишилар ҳикояларидан, архивларда сақланиб қолган учалик бой бўлмаган материаллардан билишаркан.

Бу уч киши Григорий Сироежкиннинг Якутияда Совет ҳокимиятини ўрнатишдаги иштироки ҳақидаги тарихнинг унутилган саҳифаларини тўлароқ тиклаш имконини яратишиди.

Лекин барibir унинг «шимол қиссасини» кўп томонлари номаъумлигича қолди ва архив ҳужжатларида ўз аксини топмади.

## «ШИМОЛ ҚИССАСИ»

Григорий Сироежкин тақдирида ҳар хил нарсалар — бандитлар билан аёвсиз олишувлар, душман манзилида мураккаб вазиятлар, яқин дўстларни йўқотиш каби ҳоллар содир бўлган. У шу нарсаларда — ҳаёт тақозоси билан текширувчи-географ, иқтисодчи ва ҳатто қутбчи бўлишдан ташқари ҳамма нарсага тайёр эди. Якут экспедициясида унга бу соҳалар барчасини ўзлаштиришга тўғри келди. Бу икки йиллик давр Сироежкиннинг мураккаб ва кўп қиррали биографиясида алоҳида аҳамиятга эга.

1918-24 йилларда Якутия шимолида мамлакатнинг марказий районларида юз бераетган воқеаларидан ажралиб турадиган алоҳида муҳит сурарди.

У ердаги вазият Джек Лондон ўзининг Америка ҳақидаги ҳикояларида ифода этган шароитларни эслатарди. Мальумки, у ҳикояларнинг қаҳрамонлари ёхуд бурч ҳақида юксак тушунчага эга бўлган виждонли ва кучли, ёхуд табиатнинг даҳшатли кучларига қарши курашувчи, лекин танҳоликда ўз ҳаётини хавф-хатарга қўюзчи ўтакетган қаллоб кишилар бўлган. Уларни бойлик ҳирси бошқарар, ўз ҳаётини гаровга қўйишига сабаб бўлган олтин жалб қиласарди. «Тез учар омадни тутиш», бойиш, сўнгра муз дўзахидан фаровон, юмшоқ об-ҳаволи жанубий ўлкаларга қайтиш ва у с尔да дуркузликда, фарогатда осойишта ҳаёт кечириш — улар орзусининг намуналари эди.

Ха, шимолий Якутияning аччиқ ва шафқатсиз табиати Аляскани эслатарди. Бироқ ҳақиқий одамлар бошқача әдилар.

Совет кишилари бу ерга улкан жисмоний ва руҳий кескинликни енгіб юксак революцион гоялар билан ҳаётини ўлим хавфи остида қолдиришарди. Үлардан ҳеч қайсиси сөйкелари остида ётган олтын ҳақида ўйлашмаган. Үлар революция яратған кишиларнинг алоҳида, янги тури әди.

Григорий Сироежкинни у ерга ўчирилған ёнғиннинг буруғсияттан күмирига ўхшаб ҳозиргача ҳукм суралған контреволюцион құзғолончилик ва босқынчиликка қарши курашиб учун юборишиганды. Сироежкиндан олдин келиб бу районларда ҳаракат қылған кишилар күп ҳолларда чекистлик ишининг нозик томонларини билмаганлығидан ошкора иш тутишганды. Лекин очиқчасынға ҳарбий ҳаракат қилиш методи бу шароитта унчалик түғри келмасди.

Якут Совет Автоном республикасининг тоғлар, зимиңстон тайга ва ботқоқлик тундра билан қопланған бепең, ҳали кам ўрганилған, бориш машаққат бўлған территориясида янги тартиб ўрнатиш катта қийинчиликлар, маҳаллий контреволюцион унсурларнинг қаттиқ қаршилигини енгиз билан боғланғанди. Уша пайтда Якутияда авжига чиқаётган кескин синфий курашни Улуғ Октябрь революциясининг давоми деса бўларди. Унда кўпгина қизиқарли, ибратли қиссаларга етадиган қаҳрамонона саҳифалар революцион шавқ-завқ ва романтика бор әди.

Уша пайтдаги вазият маҳаллий контреволюционерларга қўйл келарди. Саноат Якутияда жуда суст ривожланған, ҳамма маҳсулот ва озиқ-овқат четдан олиб келинарди. Пролетариат — кам соили әди. Шунга қарамасдан, у Қизил Армия отрядлари ва марказдан келган чекистлар билан биргаликда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашарди. Якутияда зиёлилар кам

эди. Бўлгани ҳам савдогарлар, дин пешволари ва қулоқлар, тойонлардан<sup>1</sup> келиб чиққанди.

Бу кишилар маҳаллий аҳолига, айниқса олисдаги районларга, Алдан ирмоқларидағи транспорт магистралларига сезиларли таъсир кўрсатиб турарди. У ерларда катта буғу подалари, йилқи уйирлари бўлган Аян ва Охотска етказилиб, Нелькан ва Оймакон орқали Якутск ва Индигиркага юборилувчи юкларни ташиш билан шугулланувчи анчагина бойлар ўрнашиб олишганди. Совет ҳокимиятини ҳимоя қилувчиларга бундай шароитда, Якутияning бепоён ерларида у жойда ўрнашиб олган оқ гвардиячилар ва қуролланган бандитларга қарши курашиб қийин эди.

Бу жойларда катта ёки кичик отрядлар маҳаллий аҳоли қўмагисиз у ердан-бу ерга қўмирлай олмас, юриш маршрутларини ҳам сир тута олмасди.

Аҳоли савдогарлар, қулоқлар ва тойонларнинг қарз сиртмоғида турарди. Соғдил, гўл кўчманчи тунгуслар бу қарзлар ҳақида тушунчага ҳам эга бўлмаган бурунги савдогарлар болаларига боболарининг қарзидан қутулиш учун мўйна олиб келишарди. Айни бир маҳалда тунгуслар ҳамма вақт узоқларда кўчиб юрганлиги туфайли қарзларини ўз вақтида узмаганликлари учун кечирим ҳам сўрашарди. Қулоқ ва савдогарларга нисбатан бўлган бу психологик қарамлик туфайли Совет ҳокимиятига ҳамдамлик кўрсатувчи камбагаллар ҳам кўп ҳолларда уни ҳимоя қилиш имконидан маҳрум эдилар.

Бундан фойдаланган оқ гвардиячи босмачилар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда қўзғолон кўтаришарди. Янгин, Юсуф Қамбаров, Филиппов, Борисов каби савдогарлар ва бошқалар ҳатто ўзларининг қуролланган отрядларига ҳам эга эдилар. Миллионер савдогар Кушнарев, Никифоров ва бошқалар контреволюцион ҳаракатни қўллаб-қувватлашар ва унга ёрдам кўрсатишарди.

---

<sup>1</sup> Тойон — қабила доҳийлари.

1923 йилда уюшган босмачилар аесан тугатилган, лекин баъзи бир офицерлар қочиб тайгада, Якутияning тобора шимолий кенгликларида, Индигирка ва Колима дарёларининг ирмоқларида яширинишга муваффақ бўлдилар. Ҳар баҳорда лойгарчилик бошланиб, дарёлар тўлиб-тошганда улар аҳолининг бир қисмини қўзғолон кўтаришига эришардилар. Гарчи улар бутун Якутияда Совет ҳокимиятини қулатиш ва Иркутскни босиб олишга уриниш масалар-да, ҳукумат вакилларини ўлдириш, талончилик ва зўравонлик билан шуғулланишарди.

Қишириб дарёлар музлаши ва чана йўли очилиши билан ҳукумат бандитлар группаларини тугатиш учун қизил армиячи отрядларни юборарди. Қизил армиячи жангчилар бефойда қувлашдан сўнг Якутскка қайтишаётганда, бандитлар уларга пистирмалардан ҳужум қилишарди.

\* \* \*

1928 йилнинг 29 февралида Шимолий оператив группага бошчилик қилаётган Григорий Сироежкин Верхоянскда пайдо бўлди. Унинг қарамогидаги кишилар сонсаноқли эди. У диққат билан ўлка тарихини, гражданлар урушининг Сибирь саҳифаларини ўрганаради.

...Колчак тор-мор бўлганидан сўнг кўп ўтмай 5- Қизил Армия Узоқ Шарқ ўлкасидан адмирал армиясининг қолдиқларини енгиб ҳайдаганида якут миллатчилари Япониядан нажот кутишарди. Улар у ерга моҳир дипломат деб овозаси кетган поп Сивцевни — япон императоридан гарчи унинг территориясига кирмаса-да, Охот денизининг барча қирғоқларини инъом қилиб, Якутия устидан протекторат<sup>1</sup> ўрнатишни сўраб келишга юборишиди. Охотскда Совет ҳокимияти ўрнатилганилиги сабабли

<sup>1</sup> Протекторат — империалистик давлатларнинг бошқа заифроқ мамлакатларга зўрма-эўраки қабул қилдирган қарамликнинг бир шакли.

дипломатик вакилни махфий равишда юбориш керак эди. Поп Сивцев пакана одам бўлганлиги учун уни кўмир қолига солишиб Охотскда турган япон пароходига юклашди. Лекин партизанлар билан бўлган муваффақиятсиз курашдан тўйган Япон ҳарбий доиралари Сивцев келганига қадар ўз қўшинларини Сибирдан олиб чиқиб кетишганди.

Поп Сивцевнинг сафари натижасиз тугади. Ўша пайтла Хабаровскда ўзининг бир группа содиқ офицерлари билан ўзини халқ тарафдори деб кўрсатган, гёёки Колчакнинг деҳқонларга шисбатан ўтказган жоҳил сиёсатидан норози бўлган колчакчи генерал Пепеляев турарди. Эсер Куликовский бошчилигидаги Якут исёнчилари ҳарбий раҳбар сифатида Пепеляевни таклиф қилишга қарор қилишиди.

Улар уни бутун Якутияни қўзғолон қоплаган ва у Совет ҳокимиятини тамомила улоқтириб ташлаш учун фақат ўз қўлига ҳаракатга раҳбарлик қилишни ола оладиган тажрибали офицерларни кутаяпти деб ишонтиришарди. Ана шудай қилиб, Пепеляев билан биргаликда Янигин, Коробейников, Артемьев, Галибиров ва шу кабиларнинг бандит тўдалари ҳаракат қилаётган Алданнинг ўнг ирмоқларида, Охотск қирғоқларида қўшин тушириш плани ишлаб чиқилганди. Уларнинг мақсади — оқим бўйлаб тушиб Якутскни, сўнгра Ленадан кўтарилиб эсерлар исён тайёрлаётган Иркутскни босиб олишдан иборат эди.

Пепеляев бу таклифга ёпишиб олди. Владивосток ва Харбинда Сибирда тор-мор қилинган оқ бандитлар ҳамда ҳар хил қалангги-қасангги вакилларининг Владивостокда кенгашини уюштирган Дидерикс армиясидаги қўпорувчилардан бир гуруҳи тўплланган эди. Бу йиғинда Россияда монархияни тиклашга қарор қилинганди.

Пепеляевчилар қирғоқка тушиб Якутияга юришни бошлидилар. Пепеляевчилар ва улар қолдиқлари билан курашиш фожиали лавҳалар билан тўлиб-тошган. Пе-

пеляевга қарши қизил командир Строда бошчилигидаги қизил армиячилар отряди ташланганди. У босмачиларнинг асосий уяси Нильканга қараб жўнади. Лекин Строда душман ҳақида аниқ маълумот ололмагани учун оқ бандитларнинг Пепеляев ўзи, генераллар Вишневский, Ракитин ва бошқалар бошчилик қилган қўшинлари Строда отрядини ўраб олишида ва бир неча ҳафта қамал қилиб туришди. Қамал қилинганлар ва ҳужум қилувчилар орасидаги масофа 30 метргача етди. Строда отряди кўп талафот кўрар, лекин овқатсиз, сувсиз, дори-дармон ва алоқа воситаларисиз, ўтинсиз, нонсиз ва транспортсиз қолишига қарамай таслим бўлмасди. Қозонларда эритилган қон аралаш қор сувини ичишар, ўлган отлар гўштини ейншар, ўз жангчилари ва пепеляевчиларнинг музлаган мурдаларидан эса баррикадалар қуришарди. Строда отрядининг кўп қисми ҳалок бўлган, командирнинг ўзи яратанган эди. Аҳвол умид узса бўладигандек кўринарди. Пепеляевчиларнинг таслим бўлишни талаб қилган қайта-қайта таклифларига отряд гармошка жўрлигига «Интернационал» ашуласини айтиш билан жавоб берар, Ленин портрети бўлган Қизил байроқни осарди. Тирик қолган жангчилар агар душман бостириб кирса, ўзларини улар билан биргаликда портлатиб юборишга қарор қилишди. Шу мақсадда улар мудофаа қилинаётган охирги ёғоч уйнинг ертўласида бўлган патрон, граната, миллиқ, дори запасини тўплашди. Отряд жангчилари мадал келгунча ана шундай жанг қилишди... Бу ўша йиллари Якутияning шимолида бўлиб ўтган курашнинг кўп лавҳаларидан бири, холос.

Григорий унгача бўлган ҳамма нарсани синчиллаб ўрганиб, бандитлар билан қуролли тўқнашув эҳтимолини инкор қилмади. Лекин шароитни бандитлар бошлиqlари маҳаллий аҳолини ҳокимииятга қарши кўтармайдиган даражада ўзгартиришни муҳим деб ҳисобларди. Босмачилар суюнган тоғини қулатиш, асрлар давомида сингиб кетган бойларга қарам бўлиш деган тушунчани пар-

чалаб ташлаш зарур эди. Шундагина күчманчи овчилар ва қашшоқ деҳқонлар бутунлай Совет ҳокимияти томонига ўтишарди.

«Шуниси ғалатики,— деб ҳазиллашганди кейинроқ Григорий,— ўшанда менга чекистликдан кўра кўпроқ иқтисодчи, тарихчи, агитатор бўлиш тўғри келганди...»

\* \* \*

Тунлар узайган пайт эди... Тоза, ҳали из тушмаган қор онлан қопланган ер юлдузлар шуъласи ва шимол ёйдусини акс эттиради. Тайга сокинлик оғушида, фақат онда-сонда дараҳтлар танаси совуқдан тирсилларди.

Шимол буғулари Алдан ирмоқларидан бири—тубигача музлаган олтин дарёнинг қор босган ўзанидан 15 га яқин кўп юқ ортилган чаналарни судраб боради.

Оқ калта пўстини тагидан ит терисидан тикилган оёқ кийимига қора чарм шими тиқилгани кўриниб турган дароз, бақувват киши олдиндаги чаналарнинг суюнчиғидан ушлаб югуради. Қундуз телпакнинг узун қулоқлари бўйнида боғлаб қўйилганди. Қўлларida деярли тирсаккача етадиган, буғу терисидан қилинган катта оғизли қўлқоп. Тез-тез ва чуқур нафас олиш натижасида ҳосил бўлган қирор игналик тўрдек телпак чеккаларида, қошларда ва чилпинган мўйловларда ўтириб қоларди. Уч чизиқли кавалерчи карабин кўксида кўндаланг осилиб турарди. Унда яна ёнбошдан камар билан тортилган ёғоч дастали тўппонча ва филофли дала дурбини бор эди. Чекистлар отрядининг командири Григорий Сироежкин шундай кўринарди.

Чаналар қатори узун занжирдек чўзилганди. Сироежкиннинг қаттиқ совуқдан ўзларини эҳтиёт қилган ўртоқлари чанада ўтиришар, кўпинча улар билан ёнма-ён югуришарди. Улар ўттиз киши эди. Секин, бир хил йўргалётган буғулардан чиқсан буғ улар устида қотиб қолган булатдек чўзиларди. Тоғ ён бағриларидан асрий тайгағамга чўккандек эди. У ҳар жой-ҳар жойда ўтиб бўлмай-

диган дарахтлар билан қорайиб кўринарди. Яқинда ёқ-қан қор туфайли текис кўринаётган нишабликлар узра тўрт оёқлилар, ҳамда икки оёқли жон-жонворлар очган якка-дукка сўқмоқлар билиниб турарди. Бу ерда турфа фаройиботларни кузатиш мумкин эди.

Григорий шундай сўқмоқлар кўринганда ҳар сафэр Нелькан ортидаги мазгилдан олинган йўл кўрсатувчи тунгусга синов кўзи билан қаарарди. Лекин унинг юзи пайқаб бўлмайдиган даражада, кузлари эса худди яшириб қўйилгандек доимо қисиқ эди. Кўзи атрофида юпқа ажинлари бўлган бу юзда бирон нарсанни сезиши амри-маҳал эди. Йўл кўрсатувчининг буғу чакмон ичидағи нимжон гавдаси билиниб турарди. Сироежкинга қараганда у деярли икки марта паст эди. Бироқ у кўнинкан қадами билан тез юрар ва чарчоини сездирмасди. Узининг тўғри трубкасини тўлдириш учун онда-сонда чанага ўтиради; хайриятки, энди унинг халтачаси бу забардаст рус бошлиқ тухфа қилган ҳидли тамаки билан тўлдирилганди.

Бошловчи тунгус тамакисини тутатар ва ҳормасдан чана ёнида югуради. Григорий ўзининг шимол сафарини икки асосий вазифага — вазиятни ўзгартиришнинг энг амалий ва тўғри йўлларини топиш учун уни шахсан ўрганиш ва иккинчидан, чет эл разведкасининг фаолиятига чек қўйишга бўйсундирди.

Григорий Сироежкин ўзининг кам сонли ёмон қуролланган отряди билан қанчалик кескин ҳаракат қилганини энди фақат архивларда сақланиб қолган узуқ-юлуқ хабарлар орқали хulosा қилиш мумкин. У ёзишни ёқтирас, унинг иқрорига кўра қофоз ишларини олиб бориш учун оғир экспедиция муҳити ҳам имкон бермасди. 10 марта 3 апрелгача бўлган давр ичida у ўз отряди билан Мом, Абий, Аллаих, Қазачье ва Среднаколимскда бўлди. Оқ бандитлар билан жанг қилишга ҳам тўғри келди. У 20 марта Абийдан Верхоянскка қўлга тушган олтида оқ-гвардиячи соқчи билан жўнатилганлиги ҳақида хабар берди.

Сироежкининг актив ҳаракатлари оқ гвардиячилар бешлиқларини ҳүшёр бўлишга мажбур қилди ва улар унгача бошқа чекист отрядлари билан қандай ҳисобкитоб қилишган бўлса у билан ҳам шундай қилишга қарор қилишди. Унинг кичкина отряди кетидан тинмай кузатиши. Шунчалар кузатиб юрилган отряд йўл кўрсатувчиси сотқин бўлиб чиқди. У отрядни тайга дарёсининг пистирма ташкил қилинган шохобчасига олиб бориб қўйди. Чекистларнинг фавқулодда жасорати ва ўзини тута билини оқ гвардиячилар бошлиқлари планини барбод қилди. Григорий ҳужумни қайтариб таъқиб қиласлаётгандардан қутулиб олди ва тайга чакалакзорларига кириб кетди. У отряди билан тайгадан қандай қилиб чиққанлиги номаълум, лекин ўз дўстларини қутқариб қолганилиги аниқ. Апрель ойида эса, бу гал анча хавфли душман — америка шпиони Шмидт изидан тушиб яна Алланхов районида бўлди.

Гражданлар уруши шуни кўрсатдики, кенг омма орасида таянчи бўлмаган ички контреволюция ўзининг биринчи қадамини ташлашиданоқ чет эл империалистларининг қўлида қурол бўлиб қолди. Якутиядаги оқлар ҳаракати ҳам бу ҳақиқатдан мустасно бўлолмади. АҚШ ва Япония разведкаси бой Сибирь, жумладан, Якутияни босиб отиш ниятида бир-бири билан мусобақалашарди.

Чор ва Колчак армиясининг бурунги офицери Шмидт номли кимса америка разведкасининг Якутиядаги раҳбари ва ташкилотчиси бўлиб қолди. Касби ҳарбий, мижози муттаҳамлик бўлган Шмидт америка разведкасининг Якутиядаги резидентуроси раҳбари лавозими талабларига ҳар томонлама жавоб берарди. 1922—1924 йиллардаёқ Ўзоқ Шарқда америкаликлар топшириклиарини бажаринш пайтида у ўзини қобилиятли шпион сифатида кўрсатганди. Ўша йиллари у наркотиклар билан чайқовчилик қилиб Якутияни кезиб юрганида, Қизил Армия отрядининг сони, уларнинг жойлашиши ҳақида маълумотлар тўплаган ва савдогарлар, қулоқлар,

тойонлар орасыдан агентлар қидирғанды. Күп районларни айланиш борасида у маҳаллий шароитларни яхши ўрганды ва чет элга қочишга улгуролмаган кишилар орасида керакли алоқаларни ўрнатди.

Белгиланган планга кўра Шмидт Якутиянинг шимолида контреволюцион исён кўтариши, у ерда мустаҳкамланиб олгач, америкаликлар ёрдами билан Якутиянинг ичкарисига кириб боришни янада давом эттиришни ўюштириши керак эди.

1926 йилнинг январида Шмидт америка ҳарбий пароходида Маньчжуриядан Японияга ташланганди. У ерда у беш ой давомида америкалик инструкторлар раҳбарлиги остида махсус тайёргарликни ўтади. Сўнгра уни Совет граждани номига ёзилган қалбаки ҳужжатлар билан таъминлашди. Бу Шмидтга чет элларга катнайдиган «Қизил Якут» номли Совет пароходига матрос бўлиб кириш ва Охотскка келиш имконини берди.

Шмидтнинг ундан кейинги йўли америка разведкаси қуролли қўзғолон маркази тузишини мўлжаллаган Абий ва Аллаиховский районларига тушиши керак эди. Бу районларни танлаш бежиз эмасди. Чунки аҳолининг ниҳоятда сиёсий қолоқлиги у ер учун характерли хусусият бўлиб, оқартув ишлари эндиғина бошланган, Совет ҳокимиятининг таъсири жуда суст сезиларди. Бунинг устига Якутия марказидан узоқда жойлашган ва у билан алоқаси бўш эди. Америка разведкасининг мўлжалига кўра бу вазият Шмидтга у ерда сиёсий бандитчилик ўюштиришни енгиллаштириши керак эди. Бу ўлка аҳолисининг саводсизлиги ва бўлаётгани воқеаларнинг негизини ёмон тушуниши уларни Совет ҳокимиятига қарши курашга жалб қилишини осонлаштирди. Ҳарбий нуқтаи назардан американклар бу районларда йўллар ва алоқа қилиш воситалари мутлақо йўқлигини ҳам эътиборга олишганди. Чунки бу ҳол қўзғолонлар ўчогини йўқотиш учун у ерга марказдан қуролланган катта отряд юбориш имко-

нини бермасди. Уни яна бир катта аҳамияти шундан иборат эдиккى, Аллаиховский райони Шимолий муз океанига чиқиш имконига эга эди. Бу эса қўэзғолончиларга ёз пайтида дентиз орқали Америка ва Япониядан ёрдам кўрсатиш имконини берарди.

1926 йилнинг охирида Шмидт Русское Устье қишлоғида пайдо бўлди. Аллаихуга кетишда у бандитлар тўдаларининг Якутия шимолида, Абийда яшириниб юрган баъзи бир аввалги бошлиқлари билан алоқа ўрнатиб биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида келишиб отди. Аллаиховский районида Шмидт гайрат билан Совет ҳокимиятидан норози бўлган ҳар хил қора элементлар орасидан ўзининг тарафдорларини қилира бошлади.

Аллаш ва сотиб олиш, ваъдалар бериш ва қўрқитиш йўли билан у ўз ҳисобига кўра бўлажак «исёнчи армия» негизини ташкил қилиши керак бўлган биринчи отрядни тузди. У уоштирган бандитлар тўдалари бошлиқлари ning кенгашида ҳужум қилиш йилнинг (1928) апрелига мўлжалланганди.

Фитна тайёрлашни Шмидт махфий равишда амалга ошириди.

У эҳтиёткорлик билан иш тутиб ғайри-расмий маккорлик усулларидан фойдаланди. Ироқ районлар маҳаллий аҳолисининг ёрдами билан Америка разведкасининг бу агенти жиноий фаолиятини очиб ташлашга эришган давлат хавфсизлиги органлари унга ўз ўйларини охиригача амалга оширишга йўл қўймади. 1928 йилнинг марта Шмидт бошлиқ тўда Григорий Сироежкин раҳбарлик қилган Давлат хавфсизлиги комитетининг Шимолий оператив группаси томонидан қамоққа олинди. Чет эл разведкалари ва уларнинг бизнинг мамлакатимиздаги агентларининг яна бир ҳаракати ана шундай шармандаларча тугади. Афсуски, бу муҳим ва ниҳоятда қизиқарли иш ҳақида архивларда жуда оз ҳужжат сақланниб қолган. Шу туфайли биз Григорий Сироежкининг шимол экспедицияси пайтида Америка ва Япон раз-

ведкаси агентлари фитналарига қарши курашда қандай иш тутганлиги түғрисида тұлық тасаввур қилиш имконині берадиган күп тафсилотларни билмаймиз.

Бізгача етиб келтән ғоятта қисқа маълумотлар Шмидт ўзининг эңг яқын сафдошлари билан кимсасиз Аллаиховский районидә қамалғанлигидан дарап берарди. Сироежкин уни Нижнеколимскка олиб боради. Тайгадаги тунашлардан бирида Шмидт қоровулға ҳужум қилиб қоғғаи. Лекин уни қувиб етишганды қаттық қаршилик күрсатған ва отишшув пайтида ўлдирилған.

Шмидт тарихи чекистларнинг чет эл разведкасининг Сибирдаги ҳийла-найрангларига қарши қаратылған узоқ вч оғир курашидан бир лавҳа, холос. Якутияда Совет ҳокимияттің қулатиши учун Япон разведкаси Америка разведкасидан кам уринмаган. Григорий Сироежкин буни яхши билар ва шининг учун Америка агентларининг фитналарини бартараф қылғандан сүнг Япон разведкачилари изига тушған.

Япон разведкаси Америка разведкасига нисбатан бошқача усуллар ишлатарди. У ўзининг маҳаллій контреволюционерлардан бўлган агентларига унчалик ишонмас ва уларга Япониядан эмас, балки шу жойда, Якутияниң ўзинда раҳбарлик қилишини афзал кўрарди. Аниш шу мақсадда Совет Узоқ Шарқига, жумладан, Якутияга асосий япон разведкачилари юборилиб туриларди.

Давлат хавфсизлиги органларига маълумки, бундан бир неча йил муқаддам Пепеляевнинг сүнгги фитнаси даврида, униш тұдаси билан биргаликда Охётск дengiz қирғоғига иккى Япон разведкаси офицерлари ҳам тушишганди. Бу кишиларни аниқлаш мушкул нарса эди. Юз тузылиши жиҳатдан якутлар, тунгуслар ва Якутияда яшовчи бошқа қабилалар кишиларига яқын бўлган япон разведкачилари маҳаллий аҳолига қўшилиб кетарди.

Иккى япон оғециери узоқ вақт Якутияниң шимолий районларida иш олиб боришли. Шмидтдан анча сүнг улардан бири гетидан тушғап чекистлар таъқибиңга бар-

дош беролмай Японияга қочиб кетган. Иккинчиси ҳар хил усулда ўз қиёфасини яшириб кўп вақт Узоқ Шарқнинг турли районларида пайдо бўлиб юрган бўлса-да, охири давлат хавфсизлиги органлари томонидан фош қилинган ва қамоққа олинган.

\* \* \*

Якутияда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун фақатгина чет эл агентлари ва контрреволюцион гуруҳларнинг улар билан боғланган бошлиқларини заарарсизлантириш кифоя қилмасди. Маҳаллий ходимларга кўп йиллар давомида юзага келган қийинчиликларни енгишга ёрдам бериш муҳим эди. Буни тушунган Григорий Сироежкин вазиятни диққат билан ўрганаради.

Ўриатилган тартибга кўра, Григорий ҳар сафар олиниадиган маълумотларни ишонч қозонган кишиларга сунянган ҳолда қайта текшириб чиқишига ҳаракат қиласади.

Григорий Сироежкиннинг Шимолий Якутия кенгликларида йўлларида дуч келган ана шундай кишилардан бири РСФСР савдо системасидаги Узоқ Шарқ савдосининг бошлиғи Борис Александрович Леванов эди. Бу кишининг вазифаси аҳолини озиқ-овқат, ов қуроллари билан таъминлаш ва ундан мўйна, денгиз ҳайвонлари териси, морж тишларини сотиб олишдан иборат эди.

Борис Леванов фақатгина савдо вакили эмасди. Табнатига қарагандэ у қийинчиликлардан қўрқмайдиган тадқиқотчи эди. Бундан ташқари уста дипломат бўлиб маҳаллий аҳоли билан тил топиша оларди.

Сироежкин Левановнинг ташаббускор, қимматли ва серғайрат ёрдамчи эканлигини сезди. Бу ёввойи ўлкани ҳар томонлама кезган киши барча йўллар, кўп кишиларни билар ва уларга хатосиз баҳо бериши мумкин эди.

Ҳар йили Шимолий Муз океани қирғоқларига озиқ-овқат ва бошқа моллар юклаган ҳукумат кемалари келарди. Ҳукумат қашшоқ аҳоли ва кўчманчиларга мөддий ёрдам бериш ишини кенг кўламда олиб борарди.

Лекин етказилган озиқ-овқат ва моллар Якутторг ва «Холбос» кооперативи орқали яна ўша қулоқлар қўлига тегарди. Гап шундаки, энг чекка Шимолда узоқ вақт айирбошлаш савдоси ҳукм суріб келарди. Якутторг ва «Холбос» аҳоли билан пул орқали ҳисоб-китоб қилишни жорий этишга уринмасдилар. Жумладан, нон билан бўлган аҳвол шундай эди. Чунки кўчманчи халқ тандир бўлмаганлиги туфайли нон ёпмасди. Мабодо озроқ ун тошишса товада пиширишарди. У овқатланиш маҳсулоти эмас, балки ширинлик хизматини ўтарди. (Кўчманчи баҳоси иккى ёки иккى сўм эллик тийин турадиган бир пуд жавдар унинг етти-саккиста тулки териси тўларди). Транспорт воситалари (буғу ва итлар) тайга ҳамда тундра хўжайинлари қулоқлар ва савдогар қўлида эди. Якутторг юкларни Лена ва Янанинг этакларига етказиш учун ўзининг раҳбарлари орқали транспорт воситаларининг эгаларин — бойлар билан шартнома тузар ва хизматига озиқ-овқат — уц, тамаки, чой тўларди. Якутторгдан бу нарсаларни олган қулоқлар уни аввало ўз омборларига олиб боришар, сўнгра эса, худди ўзининг шахсий нарса-сидеқ этакларда ва кўчманчилар турар жойларида истаган баҳоларида айирбошлаб сотишарди.

Қулоқлар йиғиб олингани мўйнани давлатга топширишга шошилмай ўзларида сақлашарди. Шундай қилиб, Якутияning жуда катта экспорт имкониятлари пасайиб кетарди. Ҳукумат кўп пул ҳаражат қилишига қарамай, қарзга ботган қашшоқ аҳоли ва кўчманчиларининг аҳволии енгиллашмасди. Қулоқлар тобора боїшарди. Бу вазият, натижада, оқ баандитларга ҳаракат қилиш фаолиятини ешгилластиради. Улар фақатгина қулоқлар эмас, балки камбағаллар ҳам иссан кўтаришига эришишарди. «Қандай қилиб аҳолини ўзгартирса бўлади?» — деб ҳаяжон билан ўйларди Сироежкин. У бойлар қўлидан транспорт воситаларини тортиб олиш ва шу йўл билан одатда қашшоқ ва кўчманчи аҳолини озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш тартибини ўзгар-

тириш кераклигини түшүптарди. Бироқ уни қандай қилиб амалга ошириш керак?

Сироежкин ўзини қийнаган жумбоқقا жавоб топиш маңсадыда яна ўша Борис Леванов ёрдамида ўлка тарихини ўрганиши давом эттириди.

Колима ва Иидигарка орқали Шимолий Якутияниң эң чекка районларында озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни етказиш ечилимаган асосий масалалардан бири бўлиб қолганди.

Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Анна Иоанновна подшолиги ва бошқа подшолар даврида Ломоносов ташаббусига кўра Иидигаркага денгиз томондан киришга уршиб кўриш ҳаракатлари бўлган, лекин, бу уринишларниң ҳаммаси — қишилар ва кемалар саёзликдан чиқиши положини тошиша олмаганилари натижасида ҳалокатга учраб фожиали тугарди. Ваҳоланки, дарёниң денизга қўйилишидан узоқ бўлмаган жойда, Русское Устье қишлоғида Иидигарка дарёсининг чуқурлиги ўп метрча келар, ундан кейин эса у майдада ирмоқларга бўлинниб, тармоқ ва дельталар барпо қиласарди.

Якутияга кетиши олдидан Григорий узоқ вақт кутубхона ва архивларда ковланиб юрган, қанчалаб қалин дафтарларни тўлдириган ва билармон одамлар билан сұхбатлашган эди.

Омади келиб у якут архивларини титкилаб юрган Левановни учратиб қолди. У маҳаллий шаронт ва тарихий воқеаларни мукаммал ўрганиб, кемалар фақат тумшуқли қилиб қурилганлиги туфайли денизга чиқиши ва ундан Йидигаркага кириш борасида қилинаётган уринишлар мудавифақиятсиз тугамоқда легаи хуносага келди. Афтидан, руслар Колумб Американи очгунинга қадар Аляскагача етиб олишган, Сан-Францискогача боришган! Анаadir ва Аляскагача улар қандай кемаларда етиб боришган? Тумшуқли кемаларда эмас, албатта. Чукотка қирғоқларида яшовчи эскимослар ўзларининг байдарларини қандоқ қилиб қуришаркин?

Борис Леванов Сироежкинга Шимолга саёзликларда сузишга мослашган таги ясси осма моторли кемалар юбориш ва булардан фойдаланиб океан томонидан Ко-лимса, Индигарка дарёларига кириш, йўлма-йўл кўчман-чилар манзили яқинида факторийлар очишни тавсия қилди. Шунингдек, у моллар қулоқлар қўлига тушиб қолмаслиги учун уни кўтарасига сотмаслик кераклигини айтади. Ҳамма молларга, масофадан қатъи назар, бир хил транспорт нархи қўйиш; натурал алмашишини тақиқлаш ва пул ҳисобини жорий қилиш; аҳолидан сотиб оли-наётган хом ашёга бир хил баҳо ўрнатиш ва ниҳоят ов-чишларга ов воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун кредит бериш керак.

Бу планиш амалга ошириш учун имконияти бўлган барча чоралар кўрилган — Аляскадан Нижнеколимскка кичик кема, катер ва осма моторли қайиқ келтирилганди. Кичик кемада Америка байроги ўринида совет байрого ҳилдирилди. Битта шатакка оловчи катер Колима бўй-лаб Средноколимскдан юқорида чуқурликни улчаш ва кемалар борса бўладиган энг жанубий нуқтани аниқлаш учун юборилган эди. Ҳозирги Магадан конларигача юк-ларни шундай қилиб етказиш мўлжалланганди. Бу тран-спортга инсбатан ўн баробар арzon тушиши керак эди. Саёз жойлар ўлчанганди, фарватерларга байроқ қадаб қўйилганди.

Бироқ, Сироежкин ва Левановга белгиланган экспе-дицияни амалга ошириш иложи бўлмади. Чунки мах-сус таги ялпоқ баржа қурилиб унга юклар ортирилган ва жўнашига икки соат қолганда шатакка оловчи катерда тўсатдан ёнғин пайдо бўлди. Натижада, катер ишдан чиқди. Левановга ўз ходимлари билан биргаликда бар-жани Қўйи Колимскка бўлган 500 километрлик масо-фада судраш тўғри келди.

Маълумки, қулоқларнинг иқтисодий имкониятларини тугатишга қаратилган ҳар бир қадам бойлар ва конт-революционерлар ғазабини оширилар ҳамда уларнинг қар-

шилигига дуч келарди. Тиниб-тинчимас Сироежкин ва Левановни ҳеч нарса, ҳатто ўлим хавфи ҳам белгиланган планларидан воз кечишга мажбур қилолмади.

Чекистлар группаси бир неча бор мушкул ахволда қолган, энг зарур озиқ-овқат ва кийимларга муҳтож бўлса-да, Сироежкин ҳеч қачон ўз мансабидан фойдаланмаган ҳамда маҳаллий аҳоли учун юборилган озиқ-овқат ва молларга Леванов кишиларининг ҳаққи йўқ деб ҳисоблаб унинг ёрдамидан воз кечгаш.

Чекистлар ана шундай шароитда ўзларининг оғир бурчини ўташар ва, аввало, бандитлар гуруҳларини бошлиқсиз қолдиришга ҳаракат қилиб, муваффақият билан уларни бирин-кетин тутгатишарди.

Энг чекка Шимолининг бориши қийин бўлган жойларида ачагача Индигирский фамилияси остида яшириниб юрган атаманинг хавфли тўдаси санқиб юрарди. Унинг йўли — Совет ҳокимиятига хайриҳоҳлик билдириган барча кишиларни қонли ваҳшийлик, пухта ўйлашган қийноқ ве ўлдиришлардан иборат эди. Бу гуруҳ теварагидаги доира тобора тораяр ва у борган сари Шимолий Муз океани қирғоқлари томон суриларди.

Сироежкин Индигирский гуруҳининг Леванов Аляскада сотиб олиб, совет қирғоқларига келтирилган ва мўйна юклапга елканлик-моторли кемачани босиб олиб, унда Америка ёки Японияга қочиш нияти борлиги ҳақида маълумотлар олди. Имкони бўлган барча чоралар кўрилган — кўчманчи тунгуслар яшаётган жойлардаги ишончли кишиларга гуруҳнинг қирғоққа томон юришини кузатиш ва ҳар қандай йўл билан уни кемача тўхтаган жойга ўтиб олишига тўсқинлик қилиш тўғрисида огоҳлантирилган эдилар.

Леванов моторчигадвигателдан магнетони олиб, унга келтиришни буюрди. Кемача елкап ёрдамида кетиши мумкин бўлганлиги учун бу чоралар кифоя қилмасди. Тўда қирғоққа ўтадиган барча йўлларни маҳкам тўсиш учун мадад сўрашга тўғри келди.

Чекистлар Якутскдан Оймакон, Моме ва Абийга жүншади. Эң чекка шимолга группалардан бири билан Сироежкининг ўзи ҳам жүнади. Йўлдаги манзилларда улар ҳар хил гуруҳлар тор-мор қилингандан сўнг бекиниб борган пепеляевчилар, бандит қулоқларни тутишарди. Бу операцияларни Григорий «бобо» лақабли жуда ғайратли ва жасур чекист Курашев (у ўттиздан ҳам ошмаганди) ёрдамида талафотсиз ўтказди.

Сироежкин бандитларбари бир кемачага етиб олишади деб хавотир оларди. Бу ўй унга тинчлик бермади ва яна бир марта гуруҳга суқулиб киришга мажбур килди. У ўз-ўзига бу узоқ ва ёввойи жойларда бир неча бор синовдан ўтган суқулиб кириш усули катта ҳавф-хатар билан боғлиқ эканлигига тўлиқ ҳисобот берарди.

Григорий йўлларни хаёлан пайпаслаб кўрди. «Холбос» хизматчиси сифатида у келган Охотскда, Совет элининг бу йирик ўлкасида ўша пайтда ҳар хил сабаблар билан чет элга қочиш иложини қилолмаган ёки улгура олмаган кўп қора кимсалар ўрнашиб қолганди. Сироежкин худди шу ерининг «ўз одами» бўлишга қарор қилди.

У Охотскнинг чеккасидаги гира-шира пастак трактирда пайдо бўлди. У ерда келиб қолган руслар, улар орасида тайгада фақат уларга маълум бўлган дарёчалар ва ирмоқларда олтин ювиб юрганлар, бу узоқ ўлкаларга қочиб келишган оқ гвардиячилар ва бандитлар маҳаллий тайгалик овчилар — якутлар ва эвенклар бор эди.

Трактирда улкан, қор босган ўлкада нима воқеалар бўлганилиги ҳақида кўп нарсалар эшитиш мумкин эди. Сироежкин бу ерда Индигирский айғоқчилари борлигини ҳам биларди. Улар олтин сотиб олишарди. Чунки Америка ёки Японияга қочишни ният қилган ҳар бир киши учун олтин кераклиги маълум нарсадир. Григорий олтинлик қум солинган, буғу терисидан тикилган замша ҳалтacha сақлаб қўйганди. Уни сотиб олишмоқчи бўлишганда, у ўзи ҳам мамлакатдан қочмоқчи ва бу имконият учун олтинлик қум ва соғ ҳолда топилган олтин тўла-

моқчи эканлигини аинглатиб қўйди. Ичишини билган ва маст бўлмайдиган киши трактирда истиқомат қилувчи-ларнинг ишончини қозонар ва ўз одамидек қабул қилинади. Шу сабабли улар уни Индигирский билан учратиб қўйишга рози бўлишди. Гуруҳ тайгадаги йирик қишлоғ жойида дам оларди. Григорий унга бурунги колчакчи офицер сифатида қабул қилинганди.

Йўғон, қўпол рандаланган таҳталардан ясалган стол атрофида ўнтача босқинчи ўз атамани билан ўтиради. Қолғанилари эса бу пакана иморатнинг мойли қора чироқ ёритиб турған деворларига суюниб ўтиришарди. Григорий қаршиисида қулоқлардан бўлган Колчак армиясида илашиб юрган амур казаги ўтиради. У, кутимаганида, Григорийнинг гуруҳга кириб олишида муҳим роль ўйнади. Бундай ўйлаб кўрилса, казак уни ким биландир алмаштириб, атаманга Сироежкинни билиши ва уни колчакчилар сафиди кўрганлигини тасдиқлаганди. Шундан бошлаб у ўзини Григорийга яқинроқ тутди. Кичик, тор кўзларида қандайдир ҳайвоний ваҳшийлик излари билиниб туради. Бу ифода айниқса у овқатланаётганда аниқ билинарди. У очкўзлик қилиб доимо кўп еярди. Иссиқ ва самогон таъсирида терлаган юзининг мўй ўсмаган жойлари ғиштдек қорамтири тусга эга эди. У ҳеч қачон қуролдан ажралмасди. Қавалерча карабини ва мис сопли казакча қилич дўконда унинг ёнида ётар, тўппонча дастаси эса бешбел камзул ортидан кўкрак бараварлигида кўриниб туради. Белидаги камарларда эса иккита граната осилиб туради.

Григорий баҳайбат тилагочлардан қурилган уй столи атрофида ўтиаркан, ярим юмиқ қовоги остидан диққат билан ҳар хил кимсалар — дароз ва бақувват казаклар, кичкина, ориқдан келган якутлар ва тайга овчилари кетидан кузатарди.

Шиshalар бўшаган сари овозлар баландроқ ва уришқоқ тус оларди. Гуруҳ Леванов факториясига ҳужум қилиш, у ердан озиқ-овқат ва бошқа молларни олиб, сўнг-

ра мүйна юқланған қемачаларни құлға киритиш ва унда чет әлга кетишни мұлжалларди. Маст босқинчилар аввалданоқ ютуқ билан мақтанишарди. Бошлиқ ғең қиндан маузерни суғуриб ва уни силкилаб «советчилар» ва коммунистлар шаңынга бақириб қабиҳ, дүк-пүписали сұзлар айтарди. Кайф остида у шифтга қараб ўқ узды. Бу қилиқ ҳавасни келтирадиган бўлганлиги учун унинг кетидан бошқалар ҳам ота бошлади.

Григорий ва бошлиқ ўртасида атаманинг энг яқин ёрдамчиси ўтиради. Боши устида түппонча ўйнатиб у ҳам отарди. Бир неча жинчироқ ёритиб турган настқам би-нода чекиши ва отиш натижасида туман ҳосил бўлганди. Григорий ўзини бутунлай йўқотган киши қиёфасида де-ворга суюниб, юзини чап қўли билан тўсиб ўтиради. У кичик денгиз наганини (у бундан сира ажралмасди) ушлаб турган қўлини ўзи билан атаман ўртасида ўтирган киши елкасига томон чўзди. Қўшниси яна отгач, Григо-рий тепкини босди. Бошидан ўқ еган бошлиқ столга чўзилди.

Бир неча лаҳза даҳшатли сукунат чўқди, бирданига ҳамманинг кайфи тарқади ва қон қуйилган кўзлар билан бир-бирига қараашди. Сўнгра бақиришди, ифодалаб бўлмайдиган тўполон қўтарилиди. Наганини тезгина чўнтағига яшириб, Григорий қўллари билан бошини ўраб олди ва қандайдир фалати овоз чиқарди. Сироежкиннинг «ошнаси» казак унга савол назари билан қаради. Унинг боқишини кўрмасданоқ сезган Григорий у билан ёнма-ён ўтирган атаман ёрдамчиси томон гўёки бенхтиёр қалқиди. Казак буни ўзича тушунди.

— Ҳа, абллаҳ! Атаман бўлишни истаб қолдингми? — леб бақириди казак ва шу ондаёқ гангиг бирон нарса айтишга улгурмаган кишининг юзига тақаб отди.

Атаман ўлимни туфайли тўда бошлиқсиз қолдирилганди. Унда бу жиноий галани бўйсундиролиши қобилиятига эга бўлган киши топилмади. Энди ҳар ким ўзи ҳақида ўйлар, бошқа киши обрўйини тан олиш ва унга бўйсу-

нишни истамасди. Бу кишиларни бирлаштириб турган асосий звено қулади. Лекин ҳаммаси бир нарса — қирғоққа боришга, кемачани ишғол қилиб Япония ёки Америкага-ча етиб олишга келишишди. Бу йўлда тўдани чекистлар пистирмаси кутар, уларни Григорий бошлаб келганди.

1971 йилда энди кекса чол бўлиб қолган Борис Леванов менга шундай деб ёзганди:

«Уша пайтда Якут Автоном республикасида иқтисодий ва сиёсий об-ҳавони белгиловчи воқеалар ва кишиларга тўғри баҳо бера оладиган ақли расо ўртоқ Сироежкиннинг пайдо бўлиши унга мамлакат ва чет элнинг хилма-хил фирибгарлари қўл чўзишган ватанимизнинг йироқ, улкан, бой ўлкасини энг чекка шимоли-шарқда ҳукм сурган фитна ва бебошлик муҳитини тозалашга ёрдам берди».

Индигирский гуруҳини тугатиш билан Григорий Сироежкиннинг шимол қаҳрамонномаси тугади ва у икки йиллик жиддий кураш, қийинчиликлар ҳамда ўлим хавфидан сўнг Якутияни тарк этиш имконига эга бўлди. Якутияда бандитлар тугатилганди. Боши оқсан томонга қочиб келиб қолган якка-дукка бандитларни маҳаллий чекистлар тутиб олишди.

Григорийни яна қандай ишлар кутарди? У бу ҳақда уни Сибирдан олиб кетаётган поездда ўйлади. Магистраль бўйлаб чўзилган йўл худди охири йўқдек кўринарди. Ҳамма нарса чалкашиб кетди, кундузи ухлар, кечаси эса сергак бўлар ва соатлаб вагон коридорида, ортида тунги манзаралар ўтаётган ойна олдида турарди. Тезроқ, тезроқ...

## ЯНА БИР ОЗ ХОТИРАЛАР

Григорий Сироежкин Якутияга боргунига қадар, Ленинградда ишлаётганида уларни мустаҳкам дўстлик или боғлаган, кейинчалик разведкачи бўлиб қолган истеъдодли контрразведкачи — чекист Лев Озолин билан учраш-

ди. Григорий ҳали уйланмаганлиги туфайли, дўстининг оиласи унинг учун қадрдан оила бўлиб қолди. Озолин-ларнинг меҳмондўст уйида қанчалар унутилмас тунги сұхбатлар бўлганини билсангиз эди.

Лев Озолин чегарачилардан чиққан — бир пайтлар чегара қўриқлашда бошлиқ бўлган, 20- йиллардан бошлаб Ленинград ЧКсида ишлаган. Григорий билан у 1921 йилда танишганди. Улар иккаласи ҳам ички контрреволюция ва чет эл жосусларига қарши курашишарди.

Лев Озолиннинг энг кўзга кўринадиган иши 1933—1936 йилларда Ленинград ҳарбий округида ва саноат районида герман разведкаси фаолиятига чек қўйиш бўлди. Германиянинг Ленинграддаги бош консул хонасида Гитлер Германиясининг анчагина разведкачилари бор эди. Округ териториясида ҳам немис разведкасининг бир неча мустақил уялари жой олганди. Жосуслик билан дипломатик паспорт ниқобида яшириниб юрган бош консулхона ходимларидан ташқари совет саноат корхоналарида ишлайтган немис мутахассислари ҳам шуғулланишарди. Дипломатик жанжаллар олдини олиш учун эҳтиётлик билан иш тутишга тўғри келарди. Лекин ана шундай шароитда Лев Озолин бир неча герман резидентлари — инженерлар Шиц Демеш ва бошқаларнинг жосуслик фаолиятини фош қилишга эришди.

Унга системали, тугал маълумот олиш имкони насиб қилмади. Лекин тинмай мустақил мутолаа қилиш натижасида кўп нарсага эришди. Чет элга кетиш пайтида у фақат ҳар томонлама ривожланган киши бўлиб қолмай, балки немис тилини бемалол, инглиз тилини эса бир оз систроқ биларди.

Озолиннинг Испаниядаги номи Крафт эди. Биз у ерда бир пайтда бўлсак-да, мен икки йилнинг кўпини Марказий фронтда ва Мадридда, у Барселонада ўтказганди. Унинг ўз топшириқлари бор эди, бизда эса зарурати бўлмагандага бошқалар иши билан қизиқиш одати бўлмаган.

Лева — ўрта бўйли, босиқ, малла соч, дўнг бурун ранг-пар юэли, зийрак, синовчан нигоҳли йигит эди. У уруғ-ав-лоди ленинградлик ишчи бўлган киши қизига уйланганди. Ўша йиллари митти кул ранг кўзли Женя Озолина бу ки-чик дўстона колективнинг учинчи доимий аъзоси эди.

Лева Женяни ҳар қанча севишга қарамасдан, унга ҳамма нарсани ҳам айтавермасди. Леванинг сир сақла-шига битта нарса, яъни буларсиз ҳам хотинининг таш-виши етарли бўлганлиги туфайли унинг ортиқча ҳая-жонлапишига йўл қўйгиси келмасди. Лекин улар уйида — стол атрофидаги тунги бедорликлар пайтида ўртоқларидан биронтаси лақиллаб қўйса, Лева Женяга таъна қилиб қарап ва: «Бориб ухласанг-чи, эрталаб ту-ришинг керак», — дерди.

Ленинградниг оқ тунларида Григорий ва Лева Го-роховойга чиқишиб Озолинлар уйига боришаради. Баъ-зида улар ўzlари билан битта ёки иккита ўртоқларини олиб келишарди. Лева оҳиста эшикни очар ва иложи бо-рича секин бир-бирига «жим» деб уй ичига кириб кети-шарди. Ошхонада тартиб билан ўтириб олишгач, мез-бон бирон ейдиган нарса қидира бошларди.

Жимликни сақлаб бўлмасди. Гоҳо қошиқни тушириб юборишар, гоҳо кимдир ихтиёrsиз дўрилларди. Женя уйғониб кетарди. У халатини ёпиниб сочини тарап ва албатта бурнига упа суртарди. Лева буни «жин пайдо бўлиши» деб атарди. Бундай дақиқаларда унинг кўриниши қайгули бўларди. Ў дўстларига ғамгин қарапди.

Гриша ўрнидан турагарди. Уялиб ва эркаланиб Женя-дан ачиғланмасликни сўрар, фақат бир стакандан чой ичишиб, тезда кетмоқчи эканликларига ишонтиришга уринаради. Ҳар сафар воқеа шундай тамом бўларди. Же-ня уйдаги бор ейдиган нарсани ўртага чиқариб ўзи ҳам ҳамма қаторида стол атрофидан жой оларди. Гриша се-вииниб кетар: «Мен сенинг ажойиблигингни, баджаҳл эмаслигингни, яхшилигингни биламан, ахир. Лева сен-дан бекорга қўрқади, тағин номи арслон эмиш!» дерди

Эрта тонггача ўтиришарди. Эртаси яна ўзларининг уқубатли ишларига қайтишарди. Бу ҳолат ўша вақтларда ҳеч ўзгармасди.

1936 йилнинг ўрталарида Озолиннинг уйида бўлган тунги суҳбатларда борган сари Испания тез-тез тилга олина бошлаганди. Айтгандай, ўшанда бу мамлакатда бошланган воқеалар ҳақида ҳамма гапиради. Женя бу нарсалар даҳли, ҳаммадан кўра, Лева билан Гришага камроқ деб ҳисобларди. Бироқ улар иккаласи ҳам билдириласдан сафарга жўнашга тайёрланишарди. Улар бошланган курашдан четда қолишлари мумкин эмасди. Испания далаларида совет кишилари биринчи бор фашизм билан тўқнашишди. Дастрлабки кўнгиллилар қаторида ЧК қуролини аскар милтиғига алмаштирган иккӣ жанговар дўст — Сироежкин ва Озолин ҳам бор эди.

Ҳамма расмиятчилик ортда қолгач, Лева унинг олдинда Женяга ўзининг Испанияга кетиши ҳақида айтиши учун Григорийни бошлаб келди. Уларни шу нарса ажаблантирдики, у бу хабарни хотиржамгина тинглаб: «Мени ҳам бирданига расмийлаштириш керак эди. Мен бари бир у ерда бўламан!» — деди.

Улар Испанияга кетишдан олдин Москвада бир ой бирга бўлишди. Газеталар ҳар куни Пиреней ярим оролидан ташвишли хабарлар олиб келарди. Лекин Гриша ва Лева хавф-хатар, таваккалчилик ҳамда уларни йироқ мамлакатда кутиши мумкин бўлган барча нарсалар ҳақида гапиришмасди.

Видолашиб кечаси ҳам етиб келди.

Белоруссия вокзали. Перрон деярли бўм-бўш. Женя ўзини тутар, йиғламас, жилмайишга ҳаракат қиласди. Иккаласини ҳам қучди. У ҳали Испанияга бориш имкони бўлиш-бўлмаслигини билмасди.

Лекин орадан бир ой ўтгача, Женя улар кетидан жўнади ва яна учаласи Испанияда бирга бўлишди. Қеъинчалик ленинградлик бу аёл эрининг қийини пштарида мардонавор ёрдам берди, ҳеч қачон шикоят қилмади ва

сабот билан уруш азобларини енгди. У Испан халқининг миллий-революцион урушида қатнашганлиги учун Қизил Юлдуз жанговар ордени ва медаль билан тақдирланди.

\* \* \*

Баъзида кучли құмса什 бизларга олис Ватандаги ке-чинмаларимизни эсга туширади. Бизнинг ўтмишимиз янада гүзәл, янада қадрдон туулар ва биз вақтнинча Испанияни унугиб хаёлан үнга күміллардик. Биз ўз хотириларимизга ёшлигимиз, комсомол йилларимиз ва граждандар урушининг оловли даври билан bogliq bўlgan комсомол ашуалаларини омухталаштириб юборардик.

Хозир эса ушбу китоб саҳифаларида ёзилган хотира-ларга чўмиб кетиб мен, афтидан, «Кондор» билан бўлган учрашув ҳақидаги ҳикоя муқаддимасидан анча узоқлашиб кетдим ва унга кечикиб қайтмоқдаман.

Зими斯顿 Альбаррасин чегарасидаги Заорехастга келганимизнинг учинчи куни эди. Оппоқ қиши тонги сөхин ёришарди. Эски деҳқон уйининг хира ойнасидан ҳамма нарса оқариб кўринар, печь мўрисидан шамол увилларди. Вақти-вақти билан у тутунни ичкарига ҳайдаганда хонани ўткир ис тутиб кетарди.

Григорий ўзининг Якутия ҳақидаги қисқа ҳикоясини тутатди. У уюшган оёқларини чўзиб, қўлларини кериб, сўнаётган ўчоққа тараша ташлаш учун ўрнидан турди. Эски қуруқ ёғоч бирдан ловиллаб ёнар ва жуда кам тутун чиқаради. Соат эрталаб саккиз бўлганди. Группа қайтиши керак бўлса-да, ундан дарак йўқ эди. Дуд босган кулбада имиллаб соатлар кетидан соатлар ўта бошлади. Ташқарида эса шамол қутуар, қор тўзонларини кўтариб учарди.

Нихоят Таба группаси қайтиб келди.

1938 йил 1 январдан 2 январга ўтар кечаси Таба уни муваффақият билан Заорехастга олиб келди. Улар республика қўшинлари қийинчиллик билан тутиб турган Теруэлга душман қисмлари силжиётгани ҳақида муҳим хабарлар келтиришди.

«Кондор» билан бизнинг алоҳида ҳисоб-китобимиз бор эди. Гитлер ҳам Муссолини каби минглаб танкчилар, тўпчилик, ҳарбий маслаҳатчилар ва учувчиларни исёнчиларга кўмаклашиш учун юборди. Бизнинг кўнгилли совет учувчиларимиз гитлерништ мөҳир учувчилари билан жанг қилишарди. Бу тенгсиз кураш эди. Чунки немислар ҳаддан ташқари кўп эди. Лекин бизникилар жасурлик ва қаҳрамонлик борасида улардан устунлик қилишарди. Таба группаси олдига Григорий юклаган вазифалардан бири — Қаломочедаги немис аэродромига қарши қўпорувчилик қилишдан иборат эди. Вазифа осон эмасди. Чунки йўл узоқ ва мавзудатли, буништ устига Испанияга хос бўлмаган совуқ ҳукм сурарди.

Янги йил арафасида Таба группаси Қаломоче аэродромига бориш йўлидаги кўприкка мина қўйди. Бензин ташувчи катта юқ машинаси бизнинг минамиизда портлаб, тор тоғ йўлида ловиллаб ёнарди. У билан деярли изма-из немис учувчилари тушган бир неча енгил машиналар борарди. Ловиллаб ёнаётгани машина олдидағи муюлишдан катта тезликда чиқиб келган биринчи автомобиль шофёри машинасини озгина четга бурдиди-ю, қияликка ағдарилди. Унинг кетидаги бошқа машиналарнинг қисмати ҳам шундай бўлди. Тирик қолган бир неча немисни асир олиш учун бу жуда қулай фурсат эди. Лекин фалокат юз берган жойга шу ондаёқ испан миршаблари тушган катта автобус етиб келди.

Таба ҳикоясини тинглаётган пайтимда мен ўттиз йилдан сўнг бу ҳақда Испанияда «Кондор» легиони эскадрилияларидан бирига командирлик қилган, ўша янги йил кечасида ҳалокатга учраган таниқли гитлер учувчиси Адольф Галлан китобида ўқийман деб ўйлашим мумкиниди? Галлан ўзининг 1953 йили ФРГда чиққан «Биринчилар ва охиргилар» китобида шундай деб ёзади: «...Янги йилни кутаётган ўша кечки овқатланиш пайти конъяк дарёдек оқарди. Кечани биз энг хавфли тоғ йўларида автомобилларда сайр қилиш билан якунладик.

Табиийки, ўшанда можаролар ҳам юз берган... Менинг ямоқланган бош суюгим яна ярадор бўлганди. Хирург уни нари-бери қилиб аранг тиккан эди».

Ушанда фирт маст бўғган Галлан фақат менинг китобимдан (агар у унинг қўлига тушса) ўша совуқ янги йил кечасида ким туфайли бошида яна бир жароҳат ортирганини билган бўларди.

Шундай қилиб, бизнинг группамиз ҳаракати «Кондор» легионининг бир неча учувчини сафдан чиқарганди. Буни ҳавода қилган галаба билан тенглаштиrsa бўларди. Бироқ, биз улардан бирини ўз томонимизга олиб келиш иложи бўлмаганлигидан афсусланардик.

## КАТАЛОНИЯГА ЁРИБ ЎТИШ

1938 йилнинг марта, фашистлар Арагон фронтини тор-мор қилгандан сўнг Испан республикасининг яна бир йилча давом этган талвасаси бошланди. Республика ҳукумати аллақачонлар Валенсиядан Барселонага кўчиб ўтиганди. Энди ҳал қилувчи зарбаларга тайёрланаётган франкочилар ва герман-итальян босқинчилари бутун во-ситалар билан республикачилар лагерида тартибсизликни кучайтириш, халқнинг қаршилик кўрсатиш руҳини сўндириш ва саросимага солишга ҳаракат қиласарди.

Ҳамма нарса ишга солинганди. «Бешинчи колонна» активлашганди. Йўллар ва шаҳарларга бомба ташлаш кучайганди. Барселона эса энг асосий нишон бўлиб қолганди.

Мартнинг ўрталарида герман-итальян авиацияси Барселонага мисли кўрилмаган зарба ёғлирди. Босқинчилар авиациясининг ҳужуми икки кун, уч кеча ёки олтмиш соат давом этди. Икки минг киши ўлдирилган, мингларча киши ярадор бўлган, бутун-бутун даҳалар ер юзи-дан супуриб ташланганди. Денгиздан десант келишини кутишарди. Ҳукумат муассасалари ҳужжатларни ёқи-шарди. Бизнинг ўртоқларимиз ҳамма нарсага тайёр туришарди. Вазият гоҳо чораси йўқдек, кўришарди.

Бир неча йилдаң сүнг Женя Озолина менга йүллаган хатида шундай деб ёзганди: «Барча француз газеталари, Барселона мисли, күрilmаган даражада яссоқ қилингани ҳақида ёзишди. Ташқи олам билан алоқа узилганди. Ұша күнларда ҳам бу дўзахдан қутула олишимизга ишонардим...»

Апрелда исёңчилар ва босқинчилар қўшинлари Урта Ер дengизининг Валенсия ва Барселона ўртасидаги қирғонига ёриб ўтишиб Республика территориясини иккига бўлиб қўйишиди.

Бундан бир неча кун олдин Григорий Сироежкин менга Мадрид отряди жангчиларни группаси билан Валенсияга келиб у ерда навбатдаги кўрсатмаларни кутишни буюрди. Мен гап бу сафар Леванта фронтига қилинадиган галдаги сафар ҳақида кетишига амин эдим. Бу мен учун янги, ҳали номаълуб йўналиш эди. Мен танлаб олган жангчилар орасида садоқатли Таба, кичик Карлос Пинтадо, андалузалик баджаҳл Хосе Гарсия ва яна битта бурунги еқ муҳожир, дengиз офицери «Виктор» бор эди. У ҳақда кейинроқ тўхталамиз. Леванта ва Арагоннинг жанубий қисмида фронт қулаётганди. Игальян авиацияси Кatalонияни Марказ — Жануб зonasи билан боғловчи дengиз бўйидаги ягона йўлга тинмай бомбалар ташларди. Бу зонага эса энди душман томонидан кесиб қўйилган Мадрид, Эстрамадур, Андалуз ва Леванта фронтлари киради. Вазият кескинлашар ва деярли соат сайин ўзгарарди. Кўп ўтмай мен Барселонадан, бу сафар радио орқали очиқдан-очиқ, ўзим билан бирга баъзи испан ўртоқларнинг оиласларини олиб, зудлик билан у ерга етиб бориш ҳақида иккинчи буйруқни олдим.

Буйруқ олгандан сүнг икки ярим соат ўтгач, биз етти автомашинада Валенсиядан жўнадик. Балеар ороллари даги базасидан учиб келаётган итальян самолётлари тез-тез йўл устида пайдо бўлар ва кўприкларни бомбардимон қиларди. Душманнинг олддаги қисмлари жуда яқин-

ла бўлиб, улар ана-мана дегунча Барселонага етадиган ягона йўлни кесиб, денгизга чиқишлиари мумкин эди. Чироқларни ўчириб секин юришга тўғри келди. Тортосидаги кўпприк авиация бомбаси тушиши натижасида ишдан чиққанди. Унинг юриладиган қисмида у ёқдан-бу ёққа ўтган катта тешик оғзи очилиб турарди. Хайрият, биз уни айлашиб ўтолдик. Лекин кўпприк ортида, эллик метрча нарида ғовдек кўндаланг бўлиб, ловия юкланган қоплар ортилган юқ машинаси ағдарилиб ётарди. Бу қасддан қилинган фалокат эканлиги билиниб турарди. Дарҳақиқат бизнинг машиналаримиз тўсатдан пайдо бўлган тўсиқ олдига келиб тўхташганида қўшни қоронги уйдан ўқ овозлари гумбурларди. Уларнинг олов излари қоронгиликда яққол кўриниб турарди. Қулай пайтими пойлаб ётган маҳаллий фашистлар группаси— «бешинчи колонна» ўзидан дарак берарди. Ўйлаб қараганда, улар уччалик кўп бўлмаганлиги учун кучли қаршиликка дуч келишдан чўчиб узоқдан отишарди. Жангчиларимиздан учтаси қоронгиликка ташланганидан сўнг тезликда улар турган уй ойналарига ирғитган гранаталарнинг ёрилиши эшитилди. Кейин жимлик чўқди.

Йўл очишнинг ягона имкони—юқ машинасини портлатиш эди. Икки килограмм портлатгич модда ўз ишини қилди. Портлаш натижасида қопдаги ловиялар машиналаримиз ғилдираклари остида чирсиллаб, йўлга жала-дек тўкилди. Биз йўлимизда давом этдик ва эрталаб Барселонага етиб бордик. Франкочилар ва уларнинг иттифоқдошлари — итальянлар ўша кун эрталабоқ, Урта Ер денгизи қирғоғига чиқиб олишди. Шу кундан бошлаб Каталония Испаниянинг марказий областларидан ажралиб қолди.

Григорий мени учратиб шундай деди:

— Барселонада қол. Бусиз ҳам сен қамал қилинган Мадридда бир ярим йил ўтириб, барча рекордлардан ўзиб кетдинг. Сенга шу ерда ҳам иш топилади.

— Отряд-чи!

— Ҳозирча у ерда Рабцевич бўлади, кейинроқ, яна бирон киши юбораман... Умуман кўрамиз-да.

Испан ҳукумати бизга Барселонанинг Тибидабо кў-  
часидаги ажойиб уй, тўғрироғи, Каталониянинг исён-  
чилар томонига қочиб кетган тўқимачилик магнатига  
қарашли бойниг ҳовлисини ажратиб берди. Ярим қорон-  
ги даҳлиздаги қизғиш рангга бўялган деворларда ўрта  
аср рицарларининг қурол-аслаҳалари осилиб турарди.  
Дубулгаларнинг тушириб қўйилган ниқоблари ортида  
шакки дасталик улкан қиличга суяниб турган рицарлар-  
нинг юзлари худди яшириниб тургандек туюларди. Шип-  
да тоблаб ясалган катта қора қандил осилиб турарди.  
Икки эшик ўртасидаги деворларда эса нақшдор чарм  
билан ўралган баланд суяничиқли бежирим стуллар. Қим-  
матбаҳо уй жиҳози, кўплаб чиройли ва нафис гулдонлар,  
нозик кумуш идиш-оёқлар.

Биз бу нарсаларга авайлаб қарапдик. Барселонани  
Франко қўшинлари олганидан сўнг у ерга қайтган уй эга-  
си ўз уйи ва мол-мулки қандай бўлса шундайлигича тур-  
ганини кўриб қанчалик ҳайрон бўлганингини тасаввур  
қилиш мумкин. Маълумки, Гитлер ва Муссалини юбор-  
ган немис ва итальянлар Испаниядан қимматбаҳо «эс-  
даликлар» олиб кетишдан тортинмаган. Мадридда ҳо-  
кимият коммунистлар қўлига ўтган биринчи ойларда  
уларга тақсимот бўйича герцог Альбанинг бебаҳо ба-  
диий бойликлар: Веласкес, Гойя, Тициан, Мурильо  
расмлари, қадимий қўллэзмалар сақланган нодир кутуб-  
хона, ҳайкаллар ва бошқа нарсалари бўлган саройини  
олишганда унга зиён-заҳмат етказишмаган ва бутун  
уруш давомида қўриқлашган.

Биз қўтонларда, вайрон қилинган уйларда ёки зайд-  
тунзорларда, кези келганда Барселонадагига ўхшашиб  
қадимий бой ҳовлиларда ухлардик. Биз Испаниянинг  
қарама-қаршиликлардан иборат ҳаёт шароитига ҳайрат-  
да қоладиган даражада тез мослашдик. Булар бизни таъ-  
сирантирмас ва ажаблантирмас ҳам эдп.

## БАЛЕАР ОРОЛЛАРИГА ҚИЛИНГАН ЮРИШ

1938 йилнинг Эбро дарёсида қаттиқ жанглар бўлаётган ёз ва куз ойлари давомида бизнинг группамиз бу фронтнинг Ўэски районидан Пиреней тоф этакларигача чўзилган ўнг қанотида разведкачилик ишлари олиб боради. Биз Григорий билан тез-тез фронтга бориб, деярли бу сўнгги катта жангда қатнашаётган барча дивизия ва корпуслар штабларида бўлди.

Кеч кузак бошланганди: Эбро фронтидаги аҳвол ўзгарди. Республика армияси ўзининг барча резервлари ва қурол-яроғ запасларини сарфлаб бўлди. Душманнинг ҳар томонлама устун бўлган кучлари сиқиги остида у аста-секин чекинарди. Каталониядан маҳрум бўлиш муқаррар эканлиги тобора ойдинлашарди. Қуршов ўтиб бўлмайдиган ҳалқа билан жипслашганди.

Ана шундай ташвишли күнлардан бирида мен Тибидабодаги уйимизга бордим. Қираверишда Григорийнинг «паккарди» туарар, унда вазмин Пако ўтиради. Бошлиғим бирон жойга кетишга ҳозирланаётган бўлса керак деб ўйлаб, мен уйга киришга шошилдим ва зинапояда Григорийни учратдим.

— Тоғдаги боққа борайлик, у ерда бемалол гаплашиб оламиз, — деди у менинг қўлимни қисаркан.

Тибидабо тоғидаги боғда биз жарлик ёқасидаги курсига ўтирдик. Биздан пастликда Барселонанинг денгизга қиялаб тушган гузарларининг кварталлари ястаниб ётарди.

— Республика аҳволи фожиали,— деб бошлади Григорий,— у қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам қуршаб олинди. Тўлиқ тузилган бригадалар қурол-яроғ кутмоқда. Қурол-яроғлар эса Совет кемаларидан француз портларида туширилган. Лекин Леон Блюм ҳукумати у қурол-яроғни Испанияга ўтказмаяпти. Тағин социалист эмиш. Балеар оролларидан франкочилар десанти ташланишга ҳозирлик кўрилаётганлиги ҳақида гаплар юрибди.

Кейинчалик миълум бўлишича, бу гапларни саросимага солиш ва республика қўмондонлигини қўшинларнинг бир қисмини фронтдан олиб, қирғоқни ҳимоя қилиш учун ташлашга мажбур қилиш мақсадида душманлар тарқатган экан. Бироқ у пайтда ҳеч ким ҳеч нарса билмаган. Республика разведкаси аввалгидек бўш, унинг гўп кишилари ишончсиз эди.

Григорийнинг овозида алам сезиларди. Биз Ўрта Ер денгизининг уфқида чўзилган йироқ-йироқларига боқардик.

— У ерда, — деди у қўлини денгиз томонга силтаб, — фақат Майорка оролида десант тайёрлаш мумкин. — У пешанасини артиб тўхтади ва менга тикилиб қараб сўради: — Сен у ерга борармидинг? Бу миш-мишларни текшириш жуда муҳим. Биз испанларга катта хизмат кўрсатган бўлардик... Агар десант ҳақидаги миш-мишлар ёлғон бўлса, қўшинлар фронтдан олинмасди. Чунки гап бир неча бригадалар ҳақида кетаяпти. Бу ишда хато қилиш мумкинмас. Шундай иш учун таваккал қиласа арзиди-да! Сен қандай ўйлайсан?

Кўнглимни жирканч ваҳима қоплади. Бизнинг биронта кишимиз бўлмаган Майоркага бориш керакми? Лекин мен бир неча бор бундан ҳам хавфлироқ ишларга дов берган Григорийга ўзимнинг чўчишларимни кўрса-тишга журъат ҳам қилолмасдим.

— Сен мени оролга боришими истайсанми?

Гриша бошини иргади ва сўнг қўшиб қўйди:

— У ерда суянадиган киши йўқ. Фақат ўзиннга ишонишинг керак. Шундай воқеа юз бериши мумкинки, Барселонага эмас, балки қирқиб қўйилган марказий зона — Валенсия ёки Картахенга, эҳтимол, Африкага қайтишга тўғри келар... Ҳеч кутилмаган, энг ёмон ишлар бўлиши мумкин. Хавф катталигини яширмайман. — У яна бир оз тўхтаб менга қараганда унинг доимо сал ғамгин кўзла-рида ўт чақнагандек туюлди. — Буни қара-я, сен билан биз қаерларга келиб қолдик, ўзи Совет кўнгиллилари

сув ости кемасида Үрта Ер денгизидаги оролга, душман уясиға жүнамоқда. Сув ости кемасида! Худди саргузашт фильмдагидек...

— Майли, Гриша, сен мени қўндиридинг. Мен розиман,— деб жавоб бердим мен кулиб.

— Сени қўндириш ҳақида ўйлаганим ҳам йўқ. Лекин сен касбимизниң гаройиботлари ҳақида тез-тез гапирасан. Мана у — сенга! Ёшлигимиздан бутун ҳаётимни шу ишга багишладим. Худо ҳаққи, агар ҳаммасини яна қайтадан бошлаш тўғри келса, тағини шу йўлдан кетардим

Мен Григорийни тинглар ва унинг сўзларига оҳанг-дош бўлиб ўйлардим: «Албатта, хавф катта, лекин биз бу ерда ҳар сафар, ҳар куни хавф-хатарга қолмаганимидик? Бу ерда биз яқин кишиларимиздан жудо бўлмайдикми, ахир?!»

Испаниядаги уруш бизлар ҳаммамиз учун жанговар руҳин чиниқтиришнинг яхши мактаби бўлганди. Биз ўща пайтда кўп мамлакат коммунистларининг интернационализмга содиқлик руҳи, фашизмни тор-мор қилишга қаратилган улкан интилишда, агар иложи бўлса, Испанияда социалистик республика туғилишига кўмаклашишда, яъни энг ёрқин ифодаланган гўзал революцион қаҳрамонномада қатнашишга мусассар бўлдик.

Гришанинг сўзлари айни нуқтага бориб тегарди. Менинг қўрқув ва иккиланишларим йўқолди. Энди бу топшириқни чин юракдан бажаришни истардим.

— Қачон жўнаш керак?

— Бугун кечаси!

— Бугун?

— Ҳа, бугун. Фурсатни бой бериб бўлмайди. Мен ҳамма нарса ҳақида денгиз штаби бошлиғи Прадо билан келишиб қўйганман. Сен уни биласанми? Бу ишончли ўртоқ ва коммунист. Штабда ундан ташқари ҳеч ким бугун Маонга жўнайдиган «С—4» сув ости кемасида яна қандайдир кишилар кетишини билмайди. Кемани кўнгилли совет денгизчиси бошқаради. Сафар планини кеч-

қурун муҳокама қиласи, ҳозир эса ўзинг билан ким кетиши ҳақида ўйлаб кўр. Менинг ўйлашимча, икки кишидан ошиқ одам олмаслик керак. Лекин, улар сен тўла ишонадиган кишилар бўлиши керак...

Биз бирга овқатландик. Бизлар Тибидабо кўчасидаги уйда яшовчи ўнтача киши эдик. Стол атрофида ҳеч ким бўлажак сафар ҳақида лом-мим демади. Айтмоқчи, Гриша одатига кўра ўз планлари билан баъзида менга қараб-қараб қўяётган Лев Озолиндан ташқари ҳеч кимни таништирасди ҳам.

Овқатдан сўнг биз Гриша хонасида бекиниб, планни ҳар томонлама муҳокама қилишга киришдик. У столга Балеар оролларининг катта харитасини ёйиб қўйди. Гриша Маон порти жойлашган тор кўрфазли Минорка оролини кўрсатиб, орол республиканинг Ўрта Ер дengизидаги ишончли қалъаси бўлиб қолганлигини эслатди. Исёнчилар уни қўлга кирита олмадилар. Орол яхши мустаҳкамланган, унда кучли қирғоқ ва зенит артиллериiasi бўлиб, унинг 18 дан 50 ёшгача бўлган барча эркак аҳолиси дengиздан бўладиган ҳужумни қайтаришга ўргатилган. Ҳозир эса бу қалъага қўмондонлик қилиш, агар хоин дейиш ножоиз бўлса, мағлубиятга учрагач адмирал Луис Убиет қўлига топширилган. Охириги пайтгача у республика флотига қўмондонлик қилган ва аслида унинг фаолиятини тўхтатиб қўйган. Бу эса исёнчиларни анча кучсиз флотига дengизда хўжайнлик қилиш имконини берган.

— Маонга боргандарингда бу адмирал билан таниш, гаплашиб кўр, у ерда нима ҳиди келаётганини билиб қайтгин. Ҳужжатларга кўра, сен ҳарбий-дengиз маслаҳатчисисан, — давом этдириди Гриша. — Бу ҳужжатларни дастлабки танишишдаёқ кўрсат. Қолганини ўзинг ўйлаб кўрасан. Агар Маондан қаерга борасизлар деб сўраса, Барселонага қайтаяпмиз деб айтгин...

Сўнгра биз 1936 йилда, урушнинг бошидаёқ исёнчилар босиб олган Балеар ороллари группасидаги энг йирик

орол — Майорканинг харитасини ўрганишга киришдик. Менинг группамни биз Форментор бурнида туширишга қарор қилдик. Чунки десант, агар у ҳақиқатан тайёрланадётган бўлса, кемаларга фақат у ерда туширилиш мумкин эди. Сал нарида итальян гидроавиациясининг базаси жойлашганди. Бу жой бошқаларига қараганда Каталон қирғоқларига яқин бўлганлиги учун десантни республика авиацияси назаридан осонгина яшириш мумкин эди. Исёнчиларнинг десант кемалари эса бутун йўлни бир неча соатда босиб, Барселонага билдирамай яқинлашиши мумкин эди.

Менга энди Гришага топшириқни бажаришга белги-лаган кишиларим ҳақида гапириш навбати келди. Улар афт-ангари, характеристери ва таржими ҳоли ҳар хил бўлган иккни киши эди.

Улардан бири бурунги чор флоти офицери, сўнгра Деникин ва Врангель флотида хизмат қилган рус, оқ-муҳоджир Виктор эди. 1920 йилда, Врангель армияси тор-мор қилингандан Виктор хизмат қилган миноносец Ҷора денигиз флотининг оқлар олиб кетган бошқа кемалари қаторида Африканинг Бизерта портига келиб қолди. Оқлар ҳаракатининг сотқин ва ишончсиз бўлганини тушунган Виктор у билан алоқасини узид Испанияга кетди. У у ерда хусусий кемачига штурман бўлиб ёлланди. Бир неча йил Ўрта Ер денгизи ва Атлантикада балиқчилик кемаларида сузди, Валенсия портида хизмат қилди ва Ўрта Ер денгизи қирғоқларида санқиб юрди. 1936 йилда Испанияда гражданлар уруши бошланганда у республика территориясида қолди ва совет ҳарбий маслаҳатчиларининг келиши билан уларга хизмат қилмоқчи эканлигини билдиради. Шу йўл билан у бизнинг бош ҳарбий денгиз маслаҳатчимизга таржимон бўлиб олди. Бир оздан сўнг эса менинг Мадрид отрядимга келиб қолди. У оғир синовдан ўтди: бир неча бор исёнчилар ортига юборилганда топшириқларни мардларча бажарди.

Викторда сингиб кетган офицерча чапанилик ўти ёнар-

ди. У хавф-хатар билан ўйнашиш, ўлим билан ҳазиллашишни севарди. Менинг бу ҳақдаги огоҳлантиришларимга у одатда «Менинг довим ҳали урилгани йўқ, карта дастасидан менга ҳозирча фақат зўри келмоқда...» деб жавоб берарди. Унда бир томондан флот офицеридаги оқ суюкли кишилар билан муомала қилишда таъкидлесвчи нағислик ва нуқсонсиз мулойимлик, иккинчи томондан — қалбаки парвосизлик, муҳожирликда дайдиб юрган пайтларда ўзлаштирилган ҳозиржавоблилкка ёт бўлмаган киноҳусусиятлари қўшилиб кетарди.

Шундай бўлишидан қатни назар Виктор дангал, тартибли ва ҳеч қачон берилган сўзга хоинлик қилмасди. У ўзининг Совет Иттифоқига бўлган муносабати ҳақида шундай дерди:

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Россияга қайтишни истайман, кейин осишса ҳам майли! Оддий рус ҳалқига хизмат қилиш — менинг учун катта шараф. Албатта, мен буни кейинроқ тушундим, ҳар қалай менимча Россияда ҳозиргacha: ҳеч бўлмаганидан кўра кечроқ бўлгани ҳам афзал дейишади.

Унинг сиёсий дунёқараси, афтидан, шу билан чегараланарди. Ӯша вазиятда у бизни қаноатлантиради. Испан республикаси тарафида жанг қилган оқ муҳожирлар Ватанга қайтиш ҳуқуқини олишни истардилар. Оролда бир неча бор бўлган ботир, билимдон денгизчи бизнинг кичик группамиз учун жуда зарур эди. Чунки мен ҳам, Таба ҳам ҳеч қачон Балеар оролларида бўлмагандик.

Лекин республика армиясида шунақа, ўз хатоси, янгилишларини тан олган оқ муҳожирлар жуда кам эди. Биз исёңчилар армиясида испан ҳалқига қарши бизнинг азалий душманларимиз рус оқ гвардиячилари жанг қилишаётганини ҳам билардик.

Оқ муҳожирлар матбуоти генераллар исёни ва Испаниядаги герман-итальян тажовузини мақтар ва рус муҳожирларини фронтчилар сафнiga қўшилишга даъват

этарди. Франконинг чет эл легионига оқ армиянинг бурунги офицерлари қўшилишганди. Улар ҳақида ҳатто В. Шульгин ўзининг «1920 йил» деб атаган китобида оқлар ҳаракати foявий ҳалокатга учраган муҳитда уларнинг кўпчилиги инсон қиёфасини йўқотиб, ўғри ва муттаҳамларга айлангани ҳақида ёзганди.

Интербригадани 14-партизан корпусининг разведкачи-кўпорувчи отрядларига кўнгилли оқ муҳожирларни олишарди. Сироежкин кўнгиллilar ичидан тайёргарлиги пухта ва текширилган кишиларни танлаб оларди. Кунлардан бирида Испанияда генерал Клебер номи билан маълум бўлган 11-интербригада командири, австралийлик коммунист Штерн отрядимизга Виктор исмли бир немисни таклиф қилди. У рус тилини билар ва Клебер ўлашибча, бизга фойдаси тегиши мумкин эди. Виктор исми остида Испанияда болтиқбўйилик немис — Гарри Домела деган кимса жанг қиларди. У 20-йиллардаёт Германияда яшаб шу нарса билан ном чиқаргандики, ўзи варъете<sup>1</sup> артисти бўлишига қарамай, герман кронпринци<sup>2</sup> сифатида қабул қилинган ва шу унвонда вилоят шаҳарларини кезиб юрган. Сирифош бўлиш хавфи туғилганида у ўз ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Францияга қочди.

Мен бу эпчил лейтенант — Кронпринцини отрядимизга олиш тарафдори бўлгандим. Бироқ, унинг тарихини тинглаган Григорий менинг фикримга қўшилмади. У бу одами антифашистлар лагерига чуқур foявий тилаклар келтириши мумкин эмас деб ҳисоблар ва шунинг учун унга ишонмасди.

Энди бизнинг Балеар оролларига қилган юришимизга қайтайлик.

Иккинчи ҳамроҳ сифатида мен ўзга ижтимоий муҳит ва тақдир одами болгар Табани танладим. У деҳқон ўғли бўлиб, ўн саккиз ёшлигида инглиз юқ кемаси трюмидан болгар порти Варнадан қочганди. Сўнграбахти ҳаёт

<sup>1</sup> Варъете — театр сашатининг енгил жанри.

<sup>2</sup> Кронпринц — таҳт вориси.

қидириб, дунё бўйлаб сарсон-саргардоён бўлиб юрди. Қаерларда бўлмади у, қайси мамлакатлар ерини ўз тери билан суформади! Ироқда ишчи араблар артелида ишлаб, саҳрода нефть қувури ётқизди; араблар билан биргаликда инглиз эксплуататорларига қарши иш ташлади ва исён кўтарди; юқ кемасида матрос бўлиб сузди; Чикагонинг машхур күшхоналарида ишлади; Канада ўрмонларида дарахт кесди. Охири Францияга келиб стадионда боксёрларни массаж қилувчи бўлиб ишлади. Сўнг коммунистлар сафига кириб, интернационал бригадаларда жанг қилиш учун Испанияга кетди.

Кучли, кенг кўкракли ва узун чайир қўлли, калта оёқли бақувват Таба хушсурат эмасди. Ўнинг офтобдан қорайган юзи, қийғир бурни, сариқ соқоли йиртқич қушни эслатарди.

Ҳарбий кийим Табанинг гавдаси бесёнақайлигини кўрсатиб туради. Тор кўйлак баҳодирона кўксини маҳкам қисиб турар, мовут иштон эса унинг калта ва сал маймоқ оёқларига ҳаддан ташқари узун ва кенглик қиласиди. Бунинг устига у Мадрид ёнида бўлган дастлабки жангларда қўлга туширилган ҳарбий ўлжа — марокашча сийрак оқ йўллик, жигар ранг, қалин жунлик бурнус кийиб юарди.

Юзаки сохталик хусусияти бўлмаган ботир аскар, онгли жангчи коммунист Таба жанговар колективда бебаҳо одам эди. Ундей одам ҳеч қачон мусибатда қолдирмайди... У билан бир неча минут сухбатлашган ҳар бир киши унинг хунуклигини унутиб, дўстона муносабатда бўлар, унинг чуқур донишмандлиги ва революцион идрокига қойил қолиб, обрўйини тан оларди.

Таба юксак ахлоқли одам эди. Ҳаёт сабогини олган бу одам кишилар қандай бўлса шундайлигича қабул қиласиди. Уларнинг бўшанглиги ва камчиликларига мурувват билан қаرارди. Албатта, ҳар кимга эмас, фақат маслакдошларига нисбатан. Жангда эса у ўзгариб кетарди. Хавф-хатардан кескип ҳаяжонланиш уни бошқалар каби

паришонхотир, эътиборсиз ва довдир қилиб қўймасди. Аксинча, унинг сезгилари ўткирлашарди. У фақат олдинда бўлаётган нарсаларнигина кўриб қолмай, балки борлиқни яққол сезар, содир бўладиган нарсаларни олдинлан пайқаб оларди.

Гриша Сироежкин Табани яхши билганлиги учун менинг номини айтганимда маъқуллаб бош иргаб қўйди.

— Бугун кечаси жўнанглар, — деди охири Гриша. — Соат йигирма учда портда бўлиш топширилган. Сузиш даврида юз берган нарсаларни маълумотда батафсил баён қиласан...

— Агар қайтсан... — дедим мен ихтиёrsиз.

— Қайтасан!.. Қайтишга мажбурсан, — деди Григорий энди буйруқ оҳангида.

\* \* \*

Италян бомбардимончилари кечки пайтда қилган икки ҳужум орасидаги танаффус пайтида биз портга етиб келдик. Моррот пирсида шошилинч равишда тўлқинни сўндиришга мўлжалланган улкан тош-метин кублардан бомбадан сақланадиган жой қурилганди. Тор йўлакларда биз ўз юкини шаҳар ва портга ташлаган бомбардимончиларнинг иккинчи ҳужумини кутиб турдик. Порт теварагидаги юқ ташувчилар, балиқчилар ва денгизчилар жойлашган Барселонеттани аланга қоплаганди. Барселонанинг ўзида ҳам нимадир ёнарди. Монтжуик тоғидаги қадимий қалъа ёнғин шуъласида ажралиб турарди. Тибидабо тоғи зенит қуролларининг ўт очиши туфайли дам-бадам ярақларди.

Ҳаво ҳужуми бўлаётганда «С—4» сув сости кемаси портдан унча узоқ бўлмаган ерда ётарди. У қора соядек овозисиз шўнғиб, кемалар бойланадиган жойда тўсатдан пайдо бўлди. Ҳужкра кўприкчасида иккита қора шарпа кўриниб турарди. Командирнинг «тезроқ чиқинглар!» деган овози эшитилди.

— Мас рапидо<sup>1</sup> — деб таржимон буйруқни испанча тақрорлади.

Палубага қоллар ва бир неча қути улоқтирилди. Матрослар уни чаққонлик билан тутиб олиб, кема ичкарисига туширишди. Биз кема бурнидаги очиқ люк ёни — түп олдидаги кичкинагина майдончага сакраб ўтдик. Тагимиздә хира ёритилган торпедо аппаратлари ҳужраси турарди.

Мен охирги марта ҳали ҳам ўчирилмаган ёнғинлар шамдек аланталаниб турган зимистон Барселонага қарадим. Енгил майин шабада портга тутун, қурум ва чучмал протила ҳидини ҳайдарди. Совуқ пўлат қутига кириш бирар этингни жунжъиктирадики!

Бурундаги ҳужрада ҳар иккитаси бир қатор қилиб қўйилган тўртта торпедо аппарати турарди. Хира ёнаётган электр чироқлар ёргулигига уларнинг қопқоғи нурсиз товланиб турарди. Йиғичка занжирларда матросларнинг тор каравотлари осилиб қўйилганди. Мой ва металл иси орасидан шу ҳужрада сақланаётган янги сабзавот ва меваларнинг хушбўй ҳиди келиб турарди. Ернинг ҳаётбахш руҳи узоқ вақт, бутун сузиш давомида сақланиб турди. Кислород етишмаслиги натижасида сув остида узоқ бўлиш оғир бўлганда мен бу ҳидлардан баҳра олиш учун ториедо ҳужрасига борардим.

Ҳаммадан кейин палубадан тушган матрос люкни ёлиб қўйди. Мен ҳамроҳларимга қарадим. Таба картошкалик қопда ўтирап ва чўнтакларини текширади. Виктор оёқларини матросчасига қўйиб тик турарди. Унинг юзида яна ҳарбий кемага тушганидан роҳат қилаётгани кўриниб турарди.

Орқадаги ҳужрани бўлиб турган девор эшиги очиқ бўлиб, тор йўлак ортида равшан ёритилган бино кўриниб турарди. Тезда у ёқдан ҳоргин юзли, ялтироқ сочли ўш йигит — кема экипажидаги иккинчи рус, командир таржимони чиқиб келди. У бизга командирнинг кают-

<sup>1</sup> Мас рапидо — тезроқ (испанча).

кампанияга ўтиш ва сафар давомида у ерда бўлиш кераклиги ҳақидаги фармойишни айтди. Девори командинг кичиккина каютасини ажратиб турган уч метрли йўлак ортида кеманинг энг кенг биноси кают-кампания жойлашганди. Чап ёнга яқин жойда айни бир пайтла катта ёрдамчига каравот сифатида хизмат қиласетган чарм диван олдида, полга винт билан маҳкамлаб қўйилган чўзинчоқ стол турарди. Диван устидаги махсус илгакларда қўл пулемёти қўйилганди (тревога бўлганда уни юқорига олиб чиқишаради). Олдиндаги ажратиб қўйилган томонда штурман жойи — унча катта бўлмаган тўртбурчак стол; стол устида кема юргизиш асбоблари ва занжирдаги каравот. Тўртта думалоқ стул столнинг уч томонидан полга винт билан маҳкамлаб қўйилган. Ўнг ёнда марказий бошқариш жойига ўтиладиган жой. У ёқдан узуқ-юлуқ буйруқлар эшитилиб туради.

Дизеллар ишга тушгач, палуба аста титрай бошлади. Хўжраларда енгил шамол эсади. Дизеллар гоҳо жим бўлар, гоҳо янада қаттиқроқ тақирларди. Менинг назаримда кема узоқ вақт миналик майдонлар айланасида мураккаб йўл босди. Ниҳоят дизеллар тез-тез ва равон ишлай бошлагандан сўнг биз Миноркага қараб жўнадик. Таба стол атрофида ўтириб, унга чиниқкан қўлларини қўйди ва мудраш ниятида бошини эгди. Виктор очиқ эшик олдида туриб марказий жойда нималар бўлаётганини кузатарди.

— Виктор!

— Лаббай, — деб жавоб берди у.

— Сиз сув ости кемаларида сузганмисиз?

— Фақат икки марта, у ҳам бўлса Севастополь яқинида. Мен эсминцларда хизмат қиласетгандим... Бу тезюарар кораблларни севаман. Уларда ҳамма парса кўринниб туради, бу ерда эса худди зулматдагидек... Темир қути...

— Темир қути, — деб беихтиёр тақрорладим мен.

— Бу ерда... энтикиб ва бўғилиб ўлиш ваҳимали бўлса керак... Яхшиси, у ёқда — юқорида, қуёш остида бўлгани маъқул...

Виктор испан республикасининг ҳалокати муқаррар-лигини билса-да, мажбур қилишмаса ҳам бу сафарга чиқишига рози бўлди. Негаки, у бетараф бўлиб қолиши ёки франкочилар томонига ўтиб кетиши мумкин эди.

Бу ҳақда биз кейинроқ, сафардан Барселонага қайтганимизда очиқдан-очиқ гаплашиб олдик.

— Биз пирсдан чиққақ, очигини айтганда, қайтиб келишини умид қилмаса бўладиган сузишнинг биринчи соатида саёкликда ўтган ҳётимни эсладим,— дерди Виктор, ўзига конъяқ қуя туриб. — Сизлар мени, оқ гвардиячини ўзларингиз билан бирга Россияга олиб кетасизларми, йўқми, билмадим. Эҳтимол, олиб кетмассизлар... У ерда сизларга менинг нима керагим бор? Лекин Россияни қайта кўришга она ерда юришга чин юракдан ишонгим келади.

— Бекорга иккиланаяпсиз, Виктор. Биз, сизни албатта олиб кетамиз. Негаки сиз энди бизники, бутунлай ўзимизники сиз... фақат битта «агари» бор, — дедим мен суҳбатдошларимга тикилиб қараб.

— Қанақа?— деб сўради у ташвишланиб.

— Бу «агар» ҳаммамизга тааллуқли. Агар биз бу ердан тирик қайтишга эришсак, ҳаммамиз уйга қайтамиз...

— Ҳа, бу тўғри, албатта — деб минфиrlади Виктор бошини эгиб.

Таба ҳам розилик маъносида бошини ирғаб қўйди. Менинг бехосдан оғзимдан чиқиб кетган сўзларим ўша кеч бизни қамраган яхши кайфиятни бузди ва аччиқ ҳақиқатга қайтарди. Уруш ютирилганди. Тёба ўзига ширин ва ўткир ичимлик, арпабодиён арафидан қўйди.

— Биз охирида кетамиз, — деди Таба оддийгина, ёпишқоқ лабларини ялаб.

— Бу осон эмас, — деб қўшиб қўйди Виктор.

Бироқ мен бир оз шошилгандим. Уша пайтда сафаримиз энди бошланганди.

Қают-кампанияга яна таржимон келиб командир менга кўприкчага кўтарилишни таклиф қилаётганини

стказди. Мен унинг кетидан тик трап орқали юқорига кўтарилидим. Дизеллар тортаётган ҳаво очиқ люк орқали куч билан кириб, кема ҳужраларини шамоллатарди. Командир кўприкчада катта дурбиндан тунги денгизга қаради. Таржимон, навбатчи офицер ва сигналчилардан ҳар бири ўз секторларини кузатишарди. Истаган пайтда шўнишга шай кема сувга ботиб турарди.

— Люк яқинида жойлашиб олинг,— деди командир менга.— Тревога бўлиши биланоқ биринчи бўлиб пастига сакранг.

Бутунлай совуқ бўлмаган ўша куз тунида уфқ тинч денгиз билан туташиб кетганди. Милтиллаётган юлдузлар сув юзасида аксланар ва осмон қаерда тугаб, денгиз қаердан бошланишини ажратиб бўлмасди. Биз сер-ҳаракат Ўрта Ер денгизининг чеккасидан кетардик. Чапда корабллар чироғи ялтиради. Фақат денгизчининг тажрибали кўзи уларни уфқдаги юлдузлардан ажрата олиши мумкин эди. Африкадан илиқ, тифиз шамол эсарди. Туннинг ярмида яқинимииздан Марсель томон йўл олган улкан пассажир лайнери ўтиб кетди. У қаердан келмоқда? Африкаданми, Америкаданми? Мен дурбиндан равшан ёритилган палубаларда турган одамларни кўрдим. Менга худди денгизнинг равон шовиллаши аро музика садоси келаётгандек туюларди. Чунки у ерда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурарди. Денгиз юзасида ўтаётган корабллар чироқлари ва юлдузлар нури титрарди.

Узоқ тун ниҳоясига етмоқда. Шарқда уфқ чизиги кўринди. Чўкиш пайти келди. Дизеллар тўхтатилган ва сувнинг секин шилдираши остида кемамиз чуқурликка кетарди. Электр моторлар парракларни юрак уруши каби секин айлантиради ва кемани олға сурарди. Икки миллик тезликда бораардик. Бу эса сув остида узоқ туришни таъминларди.

Эҳтимол, уфқда Минорка кўринаётган бўлиши мумкин. Уни фақат командир билади. Вақти-вақти билан у перископни кўтарар ва денгизни кузатарди.

«С—4»— эски кема. Ҳужра ёнида ямоқ солинган бир неча тешик күзга ташланарди. Улар намланиб турар, қайси бир жойларда сочдек ингичка сув оқими отиларди. Эскирган аккумуляторлар иш ҳажми ошганда зарядни ёмон ушлар ва биз сузгич қанотларини аранг қимирлататеётган ялқов балиқ каби судралардик.

Эрталаб соат ўнларда Минорканинг шимолий четидаги Кавалерия бурнига етиб келдик. Сув юзасига сузиб чиқиб, баланд қирғоқ соясида кетардик. Кеманинг ҳужраларига урилган соф ҳаво маст қиласар, сал бошни айлантиради. Биз деярли мақсадга эришган яъни Маон порти яқинида эдик. Командир ҳарбий денгизчиларнинг қатъий одатига кўра кийиниб олиш ва орол коменданти олдига обрў билан бориш учун каютасига тушиб кетди.

Нонуштани кают-кампанияда қилдик. Қайнатилган картошка, португал сардинлари, нон ва бир пиёла бемаз кофе тамадди қилдик.

Юқорида тўсатдан «устимизда самолёт» деган овоз эшитилгач, дарҳол жанговар сигнал жаранглади. Ярим кийинган командир йўл-йўлакай оқ кўйлаги этагини шимига тиққан ҳолда каютадан отилиб чиқди.

— Пулемётлар юқори олиб чиқилсин, қуроллар жаигга тайёрласин!

Кают-кампанияга чолиб кирган матрос биз нонушта қилаётган столга сакраб чиқди-да, девордан пулемётни юлиб олиб чиқиб кетди. Унинг кетидан мен ҳам югурдим. Лекин, ҳужрадан воқеа тугагани ҳақидаги буйруқни эшийтдим. Ёнбошга эндиғина ярим қадам ташлаганимда пулемётчи қуороли билан тақир-туқур қилиб ёнимдан ичкарига ўтиб кетди. Кўприкчага чиқиб қарасам, четда деңгиз устида тўрт моторли улкан «учувчи қайиқ» ўтиб бораарди. У Алжирдан Марсельга томон учарди. Биз уни кузатиб қолдик. Олдинги палубада тўп расчёти снарядларни герметик люкка жойлар ва замбаракни сафар пайтида қандай керак бўлса шундай мустаҳкамларди.

Тушда Маон кўрфазига киришдаги маёқ кўринди.

Ўзаро шартли сингналлар билан алмашыб олгач, биз бурилиб секин күрфазнинг тор йўлагига кирдик. У ерда, киришдан бир неча километр нарида, ён бағрига тепалик чўзилиб кетган унчалик катта бўлмаган порт ва шаҳарча — Маон турарди. Портнинг шимолий қисмида, сув ости кемалари учун мўлжалланган пирсда тўхтадик. Қирғоқ электр станциясининг қора симлари қўйруқдаги люкка туширилди. Бу ерда биз кучсиз аккумуляторларимизни керагича зарядлаб олишимиз керак.

Командир почта келтирган пакетни олди. Биз орол коменданти ва губернатори ҳузурига ташриф буюриш учун шаҳарга жўнадик. Оёғим остида қаттиқ ерни сезганимдан ҳузур қиласдим. Қуёш эркаланиб порларди. Енгил шабада катта анжир ва анор дараҳтларини араш силкитарди. Губернатор уйига олиб борувчи йўлчада як-кә-дуқка йўловчилар вайсашарди. Улар деҳқончасига оддий кийинишган, бошларида қора берет, белларида кенг латта камар эди.

Губернаторнинг икки қаватли уйи маҳаллий қумтошлардан кесилган йирик тўғри бурчакли тошлардан терилган, кичик устунлар, гумбазсимон ойналар билан безатилганди. Афтидан, уч юз йиллар бурун қурилган бу бино маҳобатли ва улуғвор эди. Кенг тош зинапоя икки супа орқали киришдан иккинчи қаватга олиб чиқарди. Бу нарсаларни мен байроқчи офицер бизни губернатор хонасининг икки қаватли қалин, нақшдэр эшлигига олиб боргунча кўздан кечирдим.

Испан ҳарбий флотининг капитани Луис Убиета бизга пешвоз чиқди. У ўрта ёшли одам бўлиб, унинг ёқимсиз айёр юзларида биз билан бўлган учрашувдан унчалик табиий бўлмаган шодлик акс этарди. У тўғри келган нарса ҳақида гапиради-ю, лекин шу кунларда юз берган ташвишли вазият тўғрисида лом-мим демасди.

Унинг креслоси ортидаги деворда зангори фонда бир неча аср давомида оролга губернаторлик қилган кишиларнинг исми, фамилияси ёзилган, бўйи икки эни бир ярим метрли каттакон зарҳал ром осилиб турарди. Улар жуда кўп эди. Убиета бизга бу рўйхатни ёзилиш тарихини гапириб бериш, энг охирида турган ўз исмини кўрсатишдан бошқа бирон яхши нарса ўйлаб тополмади. У биз олиб келган пакетни очмади ҳам. Афтидан, бош штабдан юборилган хабар уни унчалик қизиқтирмасди.

Учрашувимиз қисқа бўлди. Бир неча минутдан сўнг биз аккумуляторларни заряд қилиш тамом бўлгач, Барселонага қайтишимизни айтиб, хайрлашдик.

Байроқчи офицер бизни такаллуф билан ташқаригача кузатиб қўйди. Мен ихтиёrsиз равишда эшиклари бир-бирига олиб кирадиган хоналардан ўта туриб, деворларда бир неча бор бой испан ўйлари, қўргонлари ва музейларида учратган суратлар, рицарлик қурол-аслаҳаларни осилиб турганлигини кўрдим. Луис Убиета бизни ўзининг чучмал ва хоинона жилмайши билан кузатди.

Орадан кўп ўтмай Убиета ўзининг қора ишини қилди. 1939 йилнинг 8 февралида у Маон кўрфазига ичидагранко эмиссари, қўшни Майорка ороли губернатори граф де Сан Луис бўлган «Девоншир» номли инглиз крейсери киришига ижозат берди ва юзларча кишини ўлимга маҳкум этиб, ҳеч эътироz билдиримай унга оролни гарнizonи билан топшириди.

Губернатор ўйидан чиққач биз шаҳарчани айландик, порт майхонасида ўтиришдик. Кун тугаб борарди. Аккумуляторларни заряд қилиш учун ажратилган тўрт соатли вақт битди. Биз пирсга қайтдик.

Ботаётган қуёш уфқقا етганда «С—4» пирсдан жилди. Биз секин юриб тор кўрфаздан ўтаётганда фортга салют бердик ва сув остига чўкиб, бирданига йўлимизни ўзгартирдик.

Уч соатдан сўнг қиши тунининг тим қоронғисидэ биз сув юзасига сузиб чиқдик. Осмон фарбида оғир булутлар

түдаланарди. Шамол озроқ кучайиб, денгизда түлкүнлар ўйнай бошлади. Мен командир билан ёнма-ён туриб, дурбиндан унча узоқ бўлмаган Майорка қирғонини ва ундан денгизлар тоғини кўришга ҳаракат қиласадим. Биз секинлик билан, чуқурликни ўлчаб, қирғоққа келдик. Қирғоқ оқ түлкүнлар узра қад кўтариб турарди. Ярим кеча эди. Турган жойимизни энди аниқ билса бўларди. Биз қўлтиқнинг ўртасида, Алькудиянинг жануби-шарқида турардик. Қирғоқ бўм-бўш бўлиб, денгиздан етти километрча нарида аҳоли яшайдиган энг яқин пунктгача далалар ва зайдунзорлар чўзилиб кетарди. Алькудия кетида қирғоққа чуқурликда Пальянса порти жойлашган унча катта бўлмаган кўрфаз ёриб кирганди. Агар десанг тайёрланса, бу ер уни кемага олиш учун энг қулай жой эди. Кема қирғоққа оҳиста яқинлади.

Матрослар тезгина кичик резина қайиқни тайёрлаб унга бизнинг анжомларимизни юклашди. Зийрак Виктор портладиган модда, ўқ, тўппонча граната ва намлиқдан сақлаш лозим бўлган бошқа нарсаларни иккита сут бидонига яшириб қўйди. Герметик равишда ёпиладиган эллик литрли бидонларни кўтариб бориш ноқулай бўлсада, уларга сув кирмасди. Қайиқ биз учаламизни юкларимиз билан кўтаришга кичиклик қилгани учун биз унга бидон, карабин ва консерваларни ортдик. «С—4» командаси бизни яхши тилаклар тилаб кузатиб қолди. Виктор эшқакларни қўлига олди. Мен ва Таба қайиқ ёнларига тикиб қўйилган арқон ҳалқалардан ушлаб, сузиб кетавердик. Тўлқинлар қирғоқ бўйидаги тошларга урилиб оқ кўпикка айланарди.

Хайрият, қирғоққа ҳам етдик. Таба белигача сувда туриб, қайиқни ушлаб турди. Биз Виктор билан юкни тушириб, қайиқни дамини чиқардик ва тош бостириб қирғоқ яқинида чўктириб юбордик. Бўш қобиқни энди фақат жарликдаги бутага боғлаб қўйилган узун арқон ушлаб турар эди. Қайтишимизда биз уни осонгина топишмиз мумкин эди.

Юкимизни тик қияликтан күтариб борардик. Құзла-  
римиз қоронғиликка мослашгач, яқындағи зайдунзори  
күра бошладик. Булатлар тез югурап ва уларнинг ёриқ-  
ларидан юлдузлар тез-тез күзга чалинарди. Құршапа-  
лаклар тепамизда овозсиз учар, баъзида уларнинг қора  
шарпаси осмон фонида күриниб қоларди. Ҳайдалган ер-  
дан юриш ноқулай бўлгаңлиги учун биз бесўнақай бидон-  
лардан қутулишга ва ичидаги нарсаларни орқага осиб  
юриладиган қопчиқларга солишга келишдик. Алькудия-  
дан олти километр берида йўлни кесиб ўтиб, кичиккина  
кўрфаз қирғоғига чиқдик. Буталар орасидаги чуқурликка  
жойлашиб олдик.

Тонг отиши билан бизга бутун кўрфаз, Алькудия пор-  
ти, шимолий томонда Польенса кўринди. Қўлтиқда ка-  
терлар у ёқ-бу ёққа қатнаб туарар, лангарда унча катта  
бўлмаган кема, унинг ёнида кичик танкер туарди. У,  
афтидан, итальян гидросамолётлари базасига ёқилги  
олиб келган бўлса керак.

Кундуз куни кўрфаз ва йўлларни кузатдик. Биз де-  
сант тайёрланадиганлигини тасдиқлайдиган бирорта  
жангчи ёки юклар колоннаси кўрмадик. Алькудияда ҳам.  
Польенсада ҳам қўшинлар тўдаси йўқ эди. Бундай ки-  
чик шаҳарларда қўшинлар дарров кўринган бўларди.  
Бироқ кўчаларда одам кам эди. Десантдан бирорта ҳам  
белги йўқ.

Кундузи олдимизда оролнинг узоқ томонлари ҳам  
кўринди. Яқинимиздан ўтадиган йўл ортида тераклар ва  
сойда бир неча тол ўсарди. Ундан кейин ҳар хил ўтлар  
ва гуллар гиламдек тўшалган далалар, ўтлоқлар, зайдунзорлар,  
яна ўтлоқлар ва экинзорлар яшил денгиз кабин  
истапиб ётарди. Бу кенглиқ устида булатлар учар, уларнинг  
сояси ерда кезарди. Черепицалик томлари қизар-  
иб, черков қўнгироқхоналари оқариб турган қишлоқлар  
кўринарди.

Виктор ўз участкасини кузатган ҳолда бизга ўзининг  
Петербург денгиз корпусида ўқигани ва Қора денгизда

миноносецда хизмат қылғани ҳақидағи қизиқарлы тарихини гапириб берарди. Диққатни жалб қиладиган бирон нарса күриб қолса танаффус қымасдан ва овозини ўзгартирмасдан менга ўз кузатишлари ҳақида хабар берарди. Менинг ёзиг бўлишимни кутар, сўнгра яна ҳикоясини давом эттиради. Таба ўз кузатишларини тўхтатмасдан Викторни жим тингларди.

Биз навбати билан оз-оздан ухладик. Бироқ бу уйқу эмас, шунчаки кўзни ярим юмиб мудраш эди.

Кеч кира бошлигандай итальян гидросамолётларидан бир группаси қўлтиқ сувида из қолдириб учди ва форментар бурнига ўтиб бомбардимон қилиш учун Барселона томон йўл олишиди.

Виктор испан тилини яхши биларди. У узоқ вақт денгизчилар, порт ишчилари ва балиқчиларга аралашиб юрганди. У жанубликларга ўхшарди. Унинг устига жуда қорайган, озроқ соқовланар, барча денгиз ёқасида яшовчи кишилар каби оддий кийинарди. Қисқа қилиб айтганда, Виктор жанубий, денгиз бўйи шаҳарлари ва оролларда ҳаёт кечирувчи испанлар оммасидан бирон-бир нарсаси билан ажралиб турмасди.

Икки кун десант тўплапиш эҳтимоли бўлган районни ўргандик. Йўлларда ва Пуэрто-де-Польенса, Польенса ва Алькудия каби аҳоли яшайдиган пунктларда бўлаётган ҳаракатни кузатдик. Бироқ, Польенсадан ўн етти километрча нарида, пакана бўй ўрмонли тоғ тизмасида Эскарка шаҳарчаси жойлашганди. Унинг тагида, шимоли-гарбий қияликда, орол қирғоғида унча йирик бўлмаган Сольер порти ва бир неча кичик кўрфазлар туради. У ердан Барселонагача 195 километр, холос. У ерда нималар бўлмоқда?

Бу фикр менга тинчлик бермасди. Биз бу кичкина районни ўрганиб кўрмагунча мен вазифамиз бажарилмаган деб ҳисоблардим. Лекин у ерга ҳаммамиз боришимиз хавфли эди. Мен харитани ўрганардим. Виктор нима ҳақида ўйлаётганимни пайқаб Эскорка ва шимолий қирғоғи кўрсатиб:

— У ерни ҳам күриш зарур, — деди.  
— У ёққа борасизми? — деб сўрадим мен.  
— Бораман, — деб жавоб берди у, савол ноўрин дегандек, норози оҳангда. — Сиз командирсиз, буюраверинг...

— Ҳужжатларингиз йўқ-ку. Агар талаб қилиб қолишса, нимани кўрсатасиз?

Деҳқонлар елкасига ташлаб кийиб юрадиган ёки эшак елкасига ташланадиган икки қаватли эгар хуржунга Виктор иккита қўл гранатаси ва ўзининг катта калибрли Стайерини эҳтиёт обоймаси билан солиб қўйди.

— Мана шуни кўрсатаверман, — деди у ўзининг одатдаги, ҳазил ё киноя эканлигини билиб бўлмайдиган оҳангиди. — Лекин иш бу даражагача бормаслигига ишонаман. Бу ердагилар ҳали ҳуркишмаган. Мен бозорларда тентираб юраман, эҳтиёт бўлиб майхонадаги одамлар билан лақиллашаман, вино қўйиб бераман, сўнгра шаҳарчани кезиб қияликтан тушаман ва Сольереда нима бўлаётганини кузатаман. Қун ботаётганда қайтиб келаман... Агар қайтмасам, мени кутманглар, — деб жиддий қўшиб қўйди у энди.

Виктор қўлларимни маҳкам сиқиб, шоссени ўраган бутазор ичига кириб кетди. Биз эса йўл олдидা, қалин шоҳ-шаббали кекса эман дараҳти остида қолдик.

Польенса томонга аскарлар тушган иккита ёпик итальян машинаси ўтиб кетганда ҳали қоронғи эди. Улар, афтидан, Эскоркадан сайр қилиб қайтишарди. Уларнинг маст ҳолда тартибсиз ашула айтиши бизгача етиб келди.

Кун чиқиши билан йўлда ҳаракат кучайишини эътиборга олиб, биз эман дараҳтларининг барглари остига яширинишига қарор қилдик. Қўп ўтмай, маккажўхори, ғалла ва ёғоч кўмири солинган қоплар ортилган деҳқон аравалари ўта бошлади. Деярли ҳар бир арава олдидা итлар югуришарди. Итлардан бири Таба ўтирган эманга чопиб келди. У зарурат туфайли оёгини кўтарди. Лекин

одам борлигини сезиб, қаттиқ хура бошлади. Уни арава ёнида кетаётган хўжайини чақирди. Лекин ит хуришда давом этар ва эман танасига сакрарди. У яна бир марта итни чақирди. Сўнгра дарахт томонга юриб, нима эканлигини билиш учун унинг тепасига қарай бошлади. Арава йўлда кетишини давом эттирас, аравакаш дөвдираброқ Табага, гоҳ ўз итига қаرارди. Охири у дарахт томонга қатъий қадам ташлаб, ит бўйнидан ушлади ва йўлга томон тортиб кетди. Лаънати ит! У бизни бирмунча кўнгилсиз дақиқаларни кечиришга мажбур қилди.

Йўл бўшашини кутиб бўлгач, ерга тушиб нарироқقا кетдик ва кичик ариқ бўйидаги тамилара деб аталувчи дарахтнинг қуюқ буталари тагида яшириндик.

Викторни зориқиб кутиш билан ўтган кунимиз жуда узоқ туюлди. Қоронғи тушиши билан биз учрашишга шартлашилган жойга — беш рақами ёзилган оқ рангдаги йўл устуни олдига бордик. Эскорка томонга қиялаб кўтариладиган йўлнинг тўғри участкаси шу ерда эди. Шоссе икки томондан ҳам яхши кўриниб турарди. Лекин оқшом кириши билан кенгликлар яна кўздан ғойиб бўларди. Денгиздан шамол эсар, эманлар шитирлар, тизма тоғдан оқиб тушаётган ариқлар шилдирарди. Тун сирли овозлар билан тўларди. Бизнинг диккайган қулоқларимиз шартли сигнални кутарди. Ниҳоят яқиндан уккининг босиқ товуши эшитилди. Биз қимир этмай кутдик. Тунги қушнинг чинқириғи яна икки марта такрорланди. Бу Викторнинг шартли сигнали эди. Таба жавоб қилди. Бир неча минутдан сўнг ойдин йўлга Виктор сояси тушди.

— Хайрли тун, дўстлар, — деди у ўзининг одатдаги овози билан.

— Вақтни ўтказмайлик, кетдик, — деб буюрдим мен. — Ҳаммасини йўлда айтиб берасиз.

— У ерда иккита-иккита бўлиб бозорда тентираб ва майхоналарда вино ичиб юрган миршаблағдан ўзга ҳеч ким йўқ. Мен одамлар билан гаплашиб сўраб кўрдим... Йўқ, бу ерда қўшинлар йўқ.

Майорка оролига келганимизга учинчи кеча кетарди. Ҳамма нарса аён эди. Тезроқ қайтиш керак. Сув ости кемаси уч кечадан бери орқамиздан келарди. Кеча кечаси у биринчи марта биз тушган баланд қирғоққа келган ва сигналга жавоб ололмай қайтиб кетган бўлиши керак. У бугун ҳам келади. Агар биз уч кеча давомида пайдо бўлмасак, у Барселонага қайтади. Үртоқларимиз эса бизларни ҳалок бўлган леб ҳисоблашади.

«С—4» билан учрашув жойигача тўппа-тўғридан кетиб ўн беш километрча йўл босишимиш лозим эди.

Ла-Пуэбла жануброғида биз Мунога борадиган йўлга чиқдик. Қоронғида зайдунзор ичидан ўтадиган кўчадан кетиш мумкин эди. Биз далалардан юриб ухлаётган Мунони айланиб ўтдик ва яна Санта-Маргаритага олиб борувчи йўлга чиқдик. Ярим йўлда чапга, қирғоққа бурилиш керак. Яна уч километр юргач, биз сув ости кемаси билан учрашадиган жойда бўламиш.

Ойдин кеча. Тепамизда юлдузлар қоплаган жануб осмони. Саратонларнинг чириллаши эшитилади. Ерда яшил нур сочиб, ялтироқ қуртлар юришмоқда.

Биз шивирлаб, агар оролда бекиниш иложи бўлгани одамларимиз бўлганда ишлар бошқача бўлиши мумкинлиги ҳақида гаплашардик.

— Appre, appre! — деган овоз эшитилди йўл муюлишида.

Биз ётдик. Секин ғичирлаган овоз эшитилди. Кетмат-кет қўшилган иккита баланд бўйли хачир муюлишдан иккита фидиракли оғир аравани тортиб чиқди. Ердан баландда, хачирлар устида, матодан қилинган айлана чодир остида аравакаш ўтирас ва ярим овозда ниманидир хиргойи қиласарди. Унинг юзи ҳар гал сигарет тортганида сал қизараарди. Биз келишиб ўтирмай йўл ўртасига чиқдик.

— Ойга ме, омбрे<sup>1</sup>, — деди аста Виктор аравага яқин

<sup>1</sup> Ойга ме, омбрे — Менга қара, йигит (испанча).

келиб. Таба унинг кетидан бориб, олдиндаги хачирнинг юганидан ушлади. Арава тўхтади.

— Ким бу? — деди аравакаш беихтиёр тизгинни тортиб. Арава остида, гилдираклар орасида югуриб юрган кучукча олдимиизга келиб бизни ҳидлади.

— Гугуртнинг борми? — деб сўради Виктор.

— Бор,—деб хотиржам жавоб берди деҳқон ва сакраб ерга тушди. У йигирма беш ёшлардаги йигит эди. Қалта камзулининг чўнтагидан гугурт чиқариб бизга узатди. Биз гап бошлишга шошилмай, унга чекишини таклиф қилдик.

«Агар бу одам билан келишолсак Виктор Барселонага жўнайдай, Таба билан биз эса маълум бир вақтгача оролда қоламиз», — деб ўйлардим мен.

— Алеманос?<sup>1</sup> — деб сўради аравакаш бизни яхшироқ кўришга ҳаракат қилиб.

— Йўқ...

— Итальянос?

— Йўқ...

— Қимсизлар ахир? — деб сўради испан ташвишланиб. Афтидан, талаффузимиз чет эллик эканлигимизни билдириб қўярди.

— Республиканос! — деди Виктор тартиб билан.

— Реп... — аравакаш бу сўзда тутилиб қолди. У сигарета тутган қўли ҳавода кўтарилганича биронта сўз айтмай аравага чиқди.

— Шошма, ошна. Биз сенга ҳеч ёмонлик қилмаймиз Сен бизга ёрдам беришинг керак. Биз озодлик учун, деҳқонларга ер бериш учун помешчикларга қарши курашяпмиз. Ҳали сен бу ҳақда эшитмадингми? — деб бошлидим мен.— Бизга ёрдам бер, тунашга жой топ, сизларда ким республика тарафдори эканини айтиб бергинг...

— Ўзимнинг уйим йўқ, мен алькальдникида<sup>2</sup> хизмат

<sup>1</sup> Алеманос — немислар (испанча).

<sup>2</sup> Алькальд — қишлоқ оқсоқоли (испанча).

қыламан. Сизларни қандай қилиб яшираман. Қишлоғимизда бир неча норози деҳқонларни отиб ташлашди. Менинг эса оилас, болаларим бор. Мен сизларга қандай ёрдам қилишим мумкин? Иўқ, мендан сўрамай қўя қолинглар. Мен сизларни кўрдим деб ҳеч кимга айтмайман. Менда озгина нон бор,— деди аравакаш бизларга кичкинина қотган нонни узатиб.

Биз жим бўлиб бир-биримизга қарадик.

— Майли кетаверсин,— деди Таба ва испанча мурожаат қилиб: — Сен ҳеч кимга бизни учратганинг ҳақида айтмайсанми?

— Муқаддас Мария номи билан онт ичаманки, агар мен бирон сўз айтсан, оллоҳ мени жазоласин. Худо сизларга ёр бўлсин, мен сизларни сотмайман.

Биз ғичирлаётган арава муюлишда ғойиб бўлмагунча йўлда тўхтаб турдик. Сўнгра қўриқ ердан яқингинада шовқин солаётган денгиз томон кетдик. Биз ҳали жарликка етмаёқ узоқда, Алькудиа томонда бўғиқ портлаш овози эштилди ва кучсиз шуъла бир дақиқа осмонни ёритди. Бизнинг йўллар кесишган жойдаги кўпприкка қўйган минамиз портлади. Портлаш бизни тезлатди ва тўлқинлар бизни табриклиётгандек шўр томчиларини сачратганда биз жарликдан сувга деярли қулаб тушгандик.

— Энди уларда тўполон кўтарилади! — деди севиниб Виктор. — Ҳовлиқиб қидира бошлашади, эҳтиёт бўла бошлашади. Бу ерда доимо тинч яшашарди. Тўсатдан...

— Бунинг фойдаси бор,— деди пуфлама қайиқ арқонини топган Таба.

Биргалашиб уни қирғоққа олиб чиқдик ва кичкина чарм ёрдамида тезгина пулладик. Таба сувга кириб, уни думалаб кетишдан сақлаб турарди. «С—4» пайдо бўлишини кутишдан бошқа иш қолмаганди.

Бу охириги ярим соатли кутиш оғир бўлди. Биз тошларда ўтириб кўзимиз тингунча қоронгиликка тикилардик ва тўлқиннинг дам-бадам гулдираш овозини тинг-

лардик. Баданимиздаги тимдаланган жойлар зирқираб оғирір ва кейинги күнларда асабимиз таранглашганлиги билиниб турарди.

— Ана! — деб қичқирди Таба кутилмаганда.

Қирғоқдан анча олисда икки марта күчсиз яшил шуъла ёруғ құртдек мильтиллади. Виктор шу ондаёқ электр фонарининг сигнали билан жавоб қылды ва компасда йұналишни белгилади. У бириңчи бўлиб қайиққа тушиб, эшкакларни қўлига олди. Мен унинг кетидан тушиб, қайиқдаги сувни сепиб ташладим.

— Қурол ва кийимларни жойланглар, қўйруқдан ушлаб олинглар, мен эса қайиқни илгари сурман. Шундай қилсан, тезроқ бўлади, — деб таклиф қылди Виктор.

Биз қайиқ ҳалқаларидан ушлаб оёқларимизни ишга солдик. Виктор эшкакларни эша бўшлади ва биз тўлқинларга урилиб бизга овоз берәётган лекин ҳали ўзи кўринмаган сув ости кемаси томон кетдик. Кўп ўтмай унинг қораси кўзга ташланди. Денгиэчилар бизни тезликда палубага тортиб чиқариб, ўзимизга келмасданоқ люкларга тушириб юборишиди.

Зайтунлар остида ўтган ўша уч кеча менда ўчмас хотира бўлиб қолди.

Сув ости кемаси овоз чиқармай, зимистонга шўнғиди ва дизелларини ишга солиб тўлқинлардаги ялтироқ излар ва юлдузлар аксини ортда қолдириб тўлиқ тезликда кета бошлади.

Командир бизнинг кают-кампанияга келиб, бир писла кофе ичиш пайтида биз энди Пальма-де-Майорка портига боришимиз, у ердан эса қирғоқни назорат қилиш учун Кастьельон-де-Плайа томонга кетишимиш ва Барселонага қайтажимизни айтди. У кетатуриб қирғоққа яқинлашаштганда форментар бурнининг қаеридадир кучли портлашини кўрганини айтди. Бу ўша мина эди!

Соат эрталаб ўнда биз Пальма-де-Майоркадаги қўлтиққа етиб келдик. Портда сув ости кемаларига қарши қўйилган тўрлар ортида исёнчилар ҳарбий корабллари

турарди. Утиб кетаётган кемалар паррагининг ўқтин-ўқтиш шовқинини тинглаб ва онда-сонда эҳтиётлик билан перископни чиқариб, қоронғи тушгунича яна ерда ётдик.

Қоронғида четроққа бурилиб юқорига сузиб чиқдик ва дизелларни ишлатган ҳолда қурғоқликка қараб кетдик. Эрталаб Оропеси яқинида командир исёнчиларнинг қирғоқда турган «Серверу» номли енгил крейсерини күриб қолди. Торпедо зарбаси учун айни муддао эди. Жанговар сигналга кўра ҳамма ўз жойини эгаллагач, биз ҳеч кимга халақит бермаслик учун кают-кампания диванига ўтириб олдик. Кема чаққонлик билан жанговар йўлга тушди. Бурундаги аппаратлардан иккита торпедо вишиллаб чиқди. Лекин унинг бири бирданига чўкиб кетди, иккинчиси эса юзага сузиб чиқиб, душманга сиримизни билдириб қўйди.

— Учинчиси, тўртингчиси отилсин!

Учинчи торпедо ҳам чўкиб кетди. Тўртингчиси эса айланла шаклида ҳаракат қилиб, кемамизга хавф туғдира бошлади. Ундан нарироққа ўтиш учун яххиси юзага сузиб чиқиб, катта тезликда кетиш керак эди. Бироқ душман крейсерининг кўзи олдида бундай қилиш жуда хавфли эди. Шунинг учун энг сўнгги чуқурликкача чўкиб, аккумуляторлар кучидан деярли тўлиқ фойдаланиб, валларни имкони борича айлантиришга тўғри келди.

Командир газаб билан сўқинар ва шундай торпедолар етказиб берувчи Картахен денгиз қўрхонасидағи Франко агентларининг заараркунандалиги ҳақида гапиради.

Бахтимизга унга ҳужум қилишга ботингланлигимиздан қўрқиб кетган душман крейсерининг командири кетимииздан қувишига ҳаракат ҳам қилмасди. Қувмаётганликларини пайқагач, қолган аккумулятор зарядининг қолдиқларини сақлаш учун қирғоқ яқинида ерга ўтирдик. Вақтни зориқиб ўтказардик. Куннинг охирида эски қайиқда нафас олиш оғирлашиб қолди. Ниҳоят қоронғилик тушди. Энди сузиб чиқиб, ҳужраларни шамоллатса бўларди.

Соат кечаси ўн иккода мина тўсиқлари орасидан уста-

лик билан ўтиб Барселонага етиб олдик. Шаҳар устила яна итальян авиацияси пайдо бўлди. Тибидабо тоғлари жўнаган кечамиздаги каби зенит қуролларининг портлаши натижасида ярақларди. Қоронғи осмонда снарядлар ёрилар, душман самолётларининг мотори гувилларди. Яна Барселонетта ва порт яқинидаги уйлар ёнарди. Шамол тутун ва тротила ҳидини бизгача олиб келарди.

Хужум тугагач, қайиқ ўзининг Моррот пирсидаги тўхтайдиган жойига келди. Бомбардимончиларнинг ҳужуми такрорланишидан хавфсираган командир бизларни «С—4»ни ташлаб кетишга шоширади. Биз команда билан илиқ ҳайрлашдик. Мард шофёrimiz матрос Пинент бизни Тибидабога олиб борди. Сафаримиз шундай тугади.

\* \* \*

Григорий ва Лев Озолин ярим ёритилган пастги холла кутишарди. Григорий мени қучди, сўні қўйиб юбориб юзимдан бирон нарсани уқишга уриниб, бир неча секунд жим қараб турди. Ёнимизда турган Озолин жилмаярди ва у келиб, гап-сўзсиз, қўлимни маҳкам қисди.

Биз иккинчи қаватга, Гришанинг каттакон совуқ хонасига кўтарилидик ва паст столча олдидаги дивандан жой олдик.

— Омон-эсон қайтиб келганларинг учун! — деди Григорий қиррали стаканчаларга конъяк қоя туриб. — Ҳатто ҳозир Эбродаги кураш тугаб, армия жанг қилиб, Барселонага чекинаётган пайтда ҳам десант булмаслиги ва фронтдан қўшинларни олиш кераги йўқлигини билиш жуда муҳим. Бу қаршилик кўрсатишни давом эттириш, вақтни ютиш имконини беради. Эҳгимол, ҳукумат Марказ — Жануб зонасидаги таслимчи генераллар қаршилигини енгисх ва уларни мавжуд катта кучлар билан ҳужум қилишга мажбур қилиш йўлини топар. У пайтда ҳамма нарса кўнгилдагидек бўлиши мумкин.

Гриша ўйланиб секин папиросини тутатди ва чуқур хўрсинди. Лев Озолин ҳам жим турарди.

Уларга боққач, мени ҳали пайқамаган ташвиш ҳаяжони қоплади.

— Сенга бугун кечасиёқ сафаринг ҳақида батафсил тафсилот ёзишга тўғри келади... Кейин дам оласан... — деди Гриша ниҳоят.

— Бугун кечаси...

— Ҳа, бугун кечаси... Эртага мен уйга кетаяпман! Мен буни эшишишни сира кутмагандим.

— Нега?

— Ҷақиришяпти. Бориш керак.

## ОХИРГИ КУН БИРГАЛИКДА

Кетишга тайёрланиш узоқ вақт талаб қилмади. Эртаси мен Гришани француз чегарасигача күзгистишига кетдим.

Испанияда биз ҳамма вақт бирга бўлгандик. Бошимиздан нималар ўтмади! Атрофини сирли ўғмон зимиштоси ёки қуёш куйдириб юборган тўзонли Альбаррасина тепаликлари қуршаган Сьерра-де-Гвадаррама тоғларинда баланд қарағайлар остидаги гулхан теварагида кечиргани тунларимиз Мадридда менинг «Гэйларддаги» хонамда бўлган тортишувлар ёки камтарин таом пайтида бамайлихотир суҳбатларимиз... Ҳаяжонга тўла кундуз-кечалар... Мен Гришанинг қўли синганлиги туфайли ҳаракат қилиши қийинлашганидан жингалак соchlарини авайлаб силаб, тартибга келтирган ҳолатларини ҳанузгача эслайман.

Мана ажралиш пайти ҳам келди. Аммо бу дақиқалар ҳеч қачон бўлмайдигандек ва қолган бутун ҳаётимиз Гриша Грандэ билан бирга ўтказиладигандай туюлар эди аввал.

Малъяратада, йўл денгиздан тоққа буриладиган жойда у машинани тўхтатишига буйруқ берди. Бу ерда, йўлнинг яқингинасида эгаси ташлаб кетган катта уй турарди.

Унда 14- партизан корпуси отрядларидан бирининг оралиқдаги базаси жойлашганди.

Биз бир неча серсоя хиёбонлардан ўтдик. Қалин чангалзорларда қушлар уяси бор эди. Бизлар яқинлашишимиз билан улар буталар орасидан чийиллаб учиб кетишиди.

— У ёғига кузатиб ўтирма... Шу ерда хайрлашамиз,— деди Гриша.

— Лекин мен...

— Кераги йўқ...

Биз қаттиқ қучоқлашдик. Сироежкин бир неча секунд менинг қўлимни қўйиб юбормади. Сўнгра кафти билан елкамга урди. Унинг бу ҳаракатида қанчадан-қанча билдирилмаган ҳаяжонлари яширганди.

Яқинимизда деңгиз шовқин солар, довул қўзгала бошлилаган эди. Кучли шамол тўлқиннинг қўпикли учларини юлқиларди. Гриша ўзининг «паккардига» ўтириди, содик Пако эса уни охирги марта испан тупроғидан олиб кетди. Мен машина узоқдаги муюлишга бурилгунча йўлда туриб қараб қолдим.

Мен Гриша Грандэнинг қалби абадий ўзи ихлос қўйган иш ва кишиларга берилгани ҳақида ўйлардим. У кетди. Мен ўшанда бу «белгиланган хайрлашиш» бундан кейин учрашиш ваъда қилолмаслигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Хайрлашувимизнинг ўша тонги кишини қийнайдиган даражада секин қизараарди. Бўзарган қуёш довул шамоли натижасида кўтарилиган деңгизнинг шўр намлик пардаси орасидан аранг кўриниб турарди. Мен ўзимни йўлдан қайтишга мажбур қиломас ва узлуксиз Гришани олиб кетган машина кўринмай қолган жойга термилардим.

Лекин вақт ўтар ва қайтиш керак эди. Менинг доимий йўлдошим Игнасио Пинент «Испано-сюиз» номли оғир машинамида ўтиради. Унинг сурункали уйқусизликдан оқарган зайдун тусидаги қора ингичка мўйловли юзи эҳтиорисиз ва хотиржам эди. Унинг ёнида Таба. Мен ўзим-

ни машинага қайтишга мажбур қилганда. Таба менга пешвөз чиқди. У шундай маънони ифодаларди: иложсизсан, ҳёт мунгли хайрлашувлар билан тўлиб-тошган ва ундан ҳеч жойга қочиб қутулиб бўлмайди...

Пинент, ҳамма вақтдагидек машинани тез ҳайдаб кетди. Барселонага етгунча биз миқ этмадик.

## ЗАНЖИРНИНГ УЗИЛГАН ҲАЛҚАЛАРИ

Агар Григорий Сироежкиннинг мураккаб ҳаётини во-кеалар занжири сифатида тасаввур қилсак, бу занжирнинг кўп ҳалқалари йўқолганлигини билиб афсусланади киши. Сироежкин деган бир оз эриш туолувчи фамилияли кишининг шунчалик ёрқин ва мураккаб ҳаёт занжирни ҳалқаларини топиш ва бир-бири билан боғлаш мушкул, иложсиз иш бўлиб чиқди. Баъзида у қатнашишга тўғри келган вазият ва ишлар талаб қилганда, унинг бошқача фамилиялари ҳам бўлган.

У фожиали ҳалокатга учраган кундан бери ўттиз йилдан ошиқ вақт ўтди. Унинг кўп сафдошлари ҳозиртириклар орасида йўқ. Унинг кураши ҳақидаги ҳужжатларни топиш қийин, кўп ҳужжатлар эса йўқ бўлган. Гувоҳлар ҳам тобора кам қолмоқда. Григорий Сироежкин сафдошларининг ҳаёти охирги чизиққа етиб қолган ёки ундан ошган.

Ҳар бир киши ўзининг болалик дунёсидан келади дейишшади. Бу умумий қоидадан Григорий холи эмасди. У Волга бўйининг ғаллакор далалари орасида туғилди. Унинг она қишлоғи Волкова атрофида Самаранинг олтин бошоқлари шовилларди. У ерда чидамли, бўйчан ва бақувват одамлар яшашарди. Бу уларнинг ери эди... Тақдир Сироежкинни қаерга улоқтирмасин, қайси бир мамлакатда бўлмасин далаларни кўрганда унинг кўзлари чарақлаб кетарди. Қўллари ерга интилиб ундан дэхқонларга хос ҳаракат билан бир сиқим олар, бармоқлари билан эзиб ҳидларди. У дала одами эди ва шунинг

учуп унга Испанияда учратган, помешчиклар далаларыда қүёш ҳолдан тойдирган аламзада андалуз батраклари яқин ҳамда тушунарли эди. Улар уни севиб қолищганди ва фақат унинг бўйи узунлиги учун Гриша Гранде деб аташмасди...

У доимо шундай — душманларга шафқатсиз, дўстларга, ўзи мансуб бўлган оддий кишиларга ўта оққўнгил ва раҳмдил эди.

Гражданлар урушидан сўнг, бизнинг юртимиз шахдам қадамлар билан олға кетганда, кишилар яхшироқ ва бойроқ яшай бошлагандаги Григорий Сироежкин бойлик тўпламади, кийим-кечак орттирамади. Бу унинг характеристики, қарашлари эътиқодидаги доимий хусусиятлар эди. Ўша йиллари у билан биргага ишлаган одамлар менга у доимо яхши тозаланган ва дазмол қилинган костюм (унда иккинчи костюм бўлиши даргумон), тоза кўйлак ва пухта яマルган ботинкада юрганилгигини айтиб беришиди. Оёқ кийимини у этикдўзлар ямоқ солишдан бош тортгунларича кийиб юраверарди. Ўшандагина янгисини сотиб олиб, эскисини магазинда қолдиради.

Пул унинг учун йўқ нарсадек туюларди. У маошини одатда столида турадиган қозоз ташланадиган сим саватга солиб қўярди. Ўртоқларидан кимдир қарз сўраб келса, Григорий саватни кўрсатиб шундай дерди:

— Керагича ол. Маош олганда ўрнига қайтариб қўясан.

У ўзининг душманлари билан бир неча бор ўлгунича олишган, уларга шафқатсиз бўлган, унинг қўли қаттиқ эди. Лекин руҳий жиҳатдан яқин кишилар зарурати ва уқубатларига иисбатан меҳрибонлик, эътибор, кўнгилни ийдирадиган гамхўрлик кўрсатгани.

20-йилларда шаҳарларимиз кўчаларида бошпанасиз қолган болалар ва гадойлар учраб туради. Улар кўриниши билан Григорийда доимо дилларни пора қиладиган таассурот қолдиради. У маъюсланар, ғамгин бўлиб қоларди. Кунлардан бирида у бутун маошини қўлида

бала ушлаб турган хотинга берганди. Бошқа бир пайтда ёмғирили совуқ күчада худди шундай, болалик хотинни учратиб, унга шу ердаёқ янги пальтосини ечиб берган.

Бу нарсаларни у шунчаки, сипогарчиликсиз қиларди. У ўртоқлари унинг ишлари ҳақида гапиришганды ёқтири-масди ва агар гувоҳлар бўлмаганда кўп нарсани ҳеч ким билмаган бўларди.

Мен Григорий Сироежкин ҳайратда қоладиган кўнгли очиқ одам эди, унақаларни ўзимнинг маълум даражадаги узоқ ҳаётим давомида ҳеч қачон учратмаганман, деб так-рорлашдан тоғмайман. Уни жасорат, уддабурролик, ихтирочилик эмас (унақа хусусиятли кишиларни тез-тез учратиш мумкин), айни очиқ кўнгиллилик ажратиб турарди. У ўзини шунчалик табиий тутардики, у билан тўқ-нашган жуда эҳтиёткор кишилар ҳам унга тўлиқ ишонч билан қарашарди. Ҳатто кишиларни одатда шубҳали ва ишончсиз бўлишга мажбур қиладиган энг оғир ва хавфли вазиятларда ҳам шундай бўларди. Мен айтганимдек, ўзига ишонч туғдириши уддалаш асло нафис ва муғам-бирона тузилган нутқ ёки ўзига керакли кишини қандайдир алоҳида ишонтирадиган сўзлар, инкор қилиб бўлмайдиган мантиқ, одатда узоқ ва пухта тайёргар-лик кўриладиган уринишлар белгиламайди. Григорийда бу нарсалардан нишона ҳам бўлмаган. Аммо ўзида бошқаларга ишонч туғдириш доимо жўн ва табиий бажариларди. Кўнгил очиқликда унинг эътиқоди зоҳир бўларди. Менимча, унинг қудрати, кишиларга сўёзиз таъсири қиладиган кучининг сири ҳам шунда эди.

Уч ажралмас дўстлар — Григорий Сироежкин, Лев ва Женя Озолиналардан ҳозир биронтаси ҳам ҳаёт **эмас**. Энг охири бўлиб 1967 йилнинг октяброда Женя ҳаётдан кўз юмди. Шундай бўлдики, мен уни 60-йилларда, Испаниядан қайтгандан сўнг йигирма йил ўтганда учратдим. Аввалгидек у Ленинградда, севиклиси Лев билан ўзи-нинг бахтлийилларини кечирган, унинг меҳмондўст столи

атрофида тунги -- чекист дүстлари йигиладиган, қамал-нинг даҳшатли 900 кунини танҳоликда ўтказган ўша хонада яшарди. Ҳар бир нарса унга ўша баҳтиёр ва оғир кунлар, ҳаётдан барвақт кўз юмган азиз кишилар ҳақида эслатарди. Ҳеч бир нарса уларни хотирадан ўчира олмасди ва у ғамгии жилмайиб: «Булар аллақачонлар бўлиб ўтган, йўқ, бари яқингинада юз берганди...»— дерди.

Мен яна Григорий Сироежкинга қайтмоқчиман. Афтидан, шундай бўлган ва доимо шундай бўлса керакки, аҳамияти жиҳатдан энг муҳим ишларда жуда оз сонли чекистлар қатнашишган. Бундай муҳим ишлар учун раҳбарлар ихтиёрида улкан шахсий жасоратга, ўткир ақл катта чидамга эга бўлган ва ҳар вақт ўзини дадил қур бон эта оладиган кишилар бўларди.

Ундай кишиларни бармоқ билан санаш мумкин эди. Бу албатта ботир, қатъий чекистлар етишмаслигидан эмасди. Ундайлар доимо кўп эди. Лекин ниҳоятда муҳим ва нозик ишлар учун алоҳида бошқа хусусиятга эга бўлган кишилар керак эди. Буни сўз билан тушунтириш осон эмас. Бундай кишиларни ходимларининг бир қисмига ўзларининг шахсий хусусиятларини сингдира олишган Дзержинский ва Менжинский ҳайрон қоладиган даражада тўғри топишарди. Уларга буюриб ўтиришининг зарурати бўлмасди. Уларни бир оғиз гапиданоқ тушунишарди ва улар ўзларини иш учун тавсия қилишарди. Бундай кишилар ВЧК—ОГПУ тарихига абадий кирганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

«Шу нарсани айтиш мумкинки, ВЧК — ОГПУ қийинлик билан ташкил қилинган ва ривожланган, унга ходимларнинг кўп меҳнати синган, — деб ёзганди Менжинский. — У янги, оғир иш бўлиб темир ирода, мустаҳкам асабдан ташқари, тиниқ фикр, соғ виждон, қулоқ эшигмаган мутлақ эпчиллик, партияга сўйсиз содиқлик ва қонунга итоат этишни талаб қиласарди».

Григорий Сироежкин бу хусусиятларга тўлиқ жавоб

берарди. Шунині учун ҳам у давлат хавфсизлик орган-ларининг тарихига кирди.

\* \* \*

Мана яна битта банд...

20-йиллар боши. Борис Савинков тұдалари Белорус-сияда бебошлик қилишмоқда. Үлар гоҳо чегара ортидан пайдо бўлишади, гоҳо кетиб қолишади. Панлар Польша-си ўз мақсадларида Совет давлатига қарши фойдаланиш учун уларни яширади, қурол-яроғ ва бошқа нарасалар билан таъминлайди. Уларнинг босиб ўтган йўли талон-тарожлик, қотиллик, ёнгинлар билан тўлиб-тошган. Кичкина шаҳарлар ҳужумга йўлиқади. Каллакесарлар билан курашиш жуда мушкул. Чунки уларни ўша пайтда чекка жойларда, чегара ёнидаги районларда советларга қарши ҳар хил элементлар, қулоқлар ва руҳонийлар яширишади ва кўмаклашади. ЧОН ва ОСНАЗ<sup>1</sup> отрядлари босқинчиларни таъқиб қилишса-да, йўқ қилиш иложини қилиша олишмасди. Босқинчилар бир жойда кўздан йўқолиши, иккинчи жойда пайдо бўлишарди.

Савинков сафдоши полковник Даниил Ивановнинг гуруҳи энг йирик ва актив тўда ҳисобланарди. У вақти-вақти билан Польшадан совет территориясига ўтиб турарди. Чегарани қўриқлаш иши ўша пайтда шаклланиш даражасида бўлганлиги учун кам сонли, етарли даражада қуролланмаган ва ҳаракатчан эмас эди.

ВЧК органлари Сироежкинга қадар ҳам Иванов гурухига ўз кишиларини юборарди-ю, лекин босқинчилар қандайдир сезилмайдиган йўллар билан уларни фош қилишга эришардилар. Сир ошкор бўлгандан сўнг ваҳшийларча қийнаш ва ўлдириш бошланарди. Босқинчилар фақат эркак чекистлар билан эмас, балки хотинларга нисбатан ҳам шундай усул қўллашарди.

1923 йилда Иванов Москвада «ковозали» иш қилмоқчи

<sup>1</sup> ОСНАЗ — алоҳида вазифаларни бажарадиган отряд.

Эканлиги ҳақида маълумотлар олинди. Гап фақат совет давлатининг раҳбарларидан бирига сунқасд қилиш ҳақида бориши мумкин эди. Революцияга қадар ҳам бундай ишларда катта тажрибага эга бўлган Савинковда доимо шундай гоялар яшарди. Олинган хабарлар сергак туришни талаб қиласиди. В. И. Ленинга қилинган сунқасд, Урицкий, Володарскийларнинг ўлдирилиши, Москвада ва бошқа шаҳарларда амалга оширилган йирик қўпорувчиликлар ҳали хотирадан кўтарилимаганди. Бундай ишларда таваккалчилик ярамасди. Шунинг учун душман нинг бу ниятларини бартарраф қилиш ва бузишга қаратилган барча чора-тадбирлар имконини кўриш керак эди. Бироқ бу иш ниҳоятда оғир ва мураккаб эди.

Ана шунда Григорий Сироежкин ВЧК раҳбарларидан душман мақсадларини аниқлаш ва бўлажак сунқасд олдини олиш учун унга Иванов гуруҳига қўшилишига ижозат беришларини илтинос қиласиди. Ф. Э. Дзержинский ундан бу хавфли режани қандай амалга оширмоқчи эканлигини батафсил сўрайди. Чунки, бу журъатга ҳаёт тикилган эди-да! У Григорийни тинглаб, охири ўз розилигини беради.

Мана «Занжир»нинг яна топилган ҳалқалари.

1923 йилнинг кузи. Чопон, ботқоқбоп этик ва қўзигача туширилган қулоқчин кийган Григорий Сироежкин учинчи кун Белоруссиянинг Оршан районининг зах ўрмонларида тентираб юради. Барча маълумотларга кўра Даниэл Иванов гуруҳи шу ернинг қаериладир бўлиши керак эса-да, учинчи кун ҳам натижа бермайди. Бироқ у кимнингдир оёғи остида шохча шитирлашини аранг сезиб қолади. Эҳтимол, улардир!..

Катта ирода билан у беихтиёр пайдо бўлган ҳаяжонини енгади. Энди у билинтирмасдан босилаётган қадам овозини аниқ эшитади. Музлаган қор устидан кимдир қўпол юриб келарди.

Хозир энг асосийси сабр-тоқат. Қўрқаётганлигингни уларга сездирмаслигинг керак.

Григорий кекса эман дарахти танаси олдида тўхтай-

ди. Шошмасдан кичкина гулхан ёқади ва унинг устида қўлини иситиб, елка халтасининг қаттиқ боғланган тугунни еча бошлайди. Бир бурда ёғ ва нон олиб катта пи-чиқни очади. Бурдаларни секин чайнаб, орқасига қарамасдан қулоғини динг қиласди.

Ноъмалум кишилар қадами борган сари аниқ эшитилиб, яқинлаша бошлади. Оёқлар, гавдани ташлашга шайланган, қўлда эса пи-чиқни маҳкам қисилган ҳолатда. У ҳамма нарсага тайёр. Мана энди ялангликка уч томондан қуролланган кишилар чиқишиади.

— Қўлингни кўтар!

Григорий уларга хотиржам қараб кавшашини давом эттиради ва шошмасдан қўлни елкасигача кўтаради. Худди шундай бир вазминлик билан нигоҳини бир кишидан иккинчисига тикади. Уч бандит уни нишонга олишганди.

— Қуролингни ташла!

У жилмайиб уларнинг оёғи остига фин пи-чиғи ва инглиз гранатасини улоқтиради.

— Ҳаммаси шуми?

— Ҳа...

— Қаерга бораяпсан?

— Иванов олдига.

— Нега?

— Мен буни унга айтаман... Бошланглар! — У энди бўйруқ бера бошлайди, халтасини боғлаб ва ердан туриб.

Босқинчилар ўзаро бир-бирларига тикилишади. Улардан бирни орқаворатдан келиб Григорийнинг қўлларини қайиради ва орқасига қаратиб маҳкам бояглайди. Сўнгра унинг кўзини боғлайди ва шу ҳолда ўрмоннинг қайси бир ичкарисига олиб кетишади.

У қадамларни ва муюлишларни санайди. Босмачилар қасддан изни чалғитишлиди. Хулоса қилиб қаралса, улар кўп йўл босишимаганди. Ярим соатдан сўнг Григорийнинг кўзидан рўмолини ечишади.

Үрмөн ичкарисидаги кичик яланглик. Ертүла ва бир неча чодир. Тутунли гулханлар. Намлик ўрмоң ичра тутун ер устида булутдек ёйилиб ва туман билан арапалашып, чўққининг қаеридалир туриб қоларди. Ертўладан погонли калта чарм камзулли, фуражкали киши чиқиб келди. Григорий Даниил Ивановни таниди. Талон-тарож қилинган шаҳарчанинг аҳолиси уни худди шундай тасвирлаганди. У этигининг қўнжига хивич билан уриб Сироежкинни бир оз жим кузатди.

— Кимсан ўзи?

Григорий қўллари боғланган ҳолда қимирлади.

— Айтишг, ечишсин... Ёки хавфланасизми?— деди у жирканиб.

Каллакесарларга, тажрибали қотилларга улар олдида ваҳимага тушмаган одамлар хулқи кўзни очадиган даражада таъсир қиласди.

Номаълум кишининг хотиржам гаплашиши Ивановни ўйлантириб қўйди.

— Ечилсин!

Бошлиқнинг буйруғи шу заҳотиёқ бажарилди.

— Кимсиз ўзи?— деб такрорлади у саволини негадир «сизлаш»га ўтиб.

— Ким, ким... Орша қамоқхонасидан қочиб, сизларга келаётгандим. Қабул қилинглар...

— Нима учун айблангандинг?

— Сизларга нима учун ўн йил беришади?— деб тўн-ғиллади Григорий вишишган қўлларини уқалаб, — Бу жуда узоқ гап. Нима, қабул қиласизларми ёки йўқми?

Иванов келгиндига қизиқиш билан қаради.

— Чекистмисан? Тезроқ бўйнингга ол!— деб Иванов қўлини тўппончасининг дастасига қўйди.

Григорий атаманга хотиржам боқиб жим турарди.

— Нега индамайсан?— яна сенга ўтиб ғазаб билан сўради Иванов. Бандитлар шовқин кўтара бошлашди.

— Қуролинг борми?

Григорий құларының құлтығында солиб, чап құли остидан «валтер» номлы түппончасини чиқарди.

— Олинглар...

— Нега сени ушлашганда бирдан топширмадинг?

— Ким бирдан топширади...

Бундай одамни Иванов биринчи марта учратғанди. У, албатта, әхтиёткорлик, ноаниқ шубҳалар туғдирар, текширишни талаб қыларди. Чунки, у ўзини жуда ғалати тутарди. Афтидан, Иванов ҳозир уни текшириб күрамиз деб қарор қылды ва буйруқ берди.

— Орқанға бурил! Олдинга қадам ташла!..

Григорий бурилиши биланоқ атаман деярли унинг қулоги устига түпкончадан ўқ узды.

Бироқ, у ҳатто тұхтамади, бурилмади ҳам ва шошмасдан юришда давом этди.

— Тұхта! Олдимга кел! Айт-чи, нега келдинг?

— Қаерга боришим мумкін?! Ын ийл қамоқда ўтириш кимга хуш келади.

— Қочдингми?

— Ъзлары құйиб юборишмайды-ку... Нимадан қүрқасизлар? Ахир мен құлларингдаман-ку. Қабул қилинглар, бўлмаса у томонга ўтиб кетаман.

— У ерда сени қабул қилишиб бўпти,— деди Иванов масхара қилиб ва бир оз юмшаб.

— Қабул қилишади,— ишонч билан жавоб берди Григорий.

— Хўш, буни ўзимизда қолдирамизми?— деб сўради Иванов уни қуршаган бандитлардан.

Келгиндининг хотиржам муомаласи, унинг вазминлиги ва кўнгли очиқлиги бандитларда таассурот қолдирди.

— Қолдирамиз!— деган овоз эшитилди тўдадан.

— Майли, қолавер,— деди ниҳоят Иванов тиржайиб ва Григорийга маънодор боқиб.— Ма, ол,— деб у унга «валтер»ни узатди.

— Мендан яна пичоқ ва граната олишганди. Қайта-

риб беришсін,— деб минғирләди Григорий норози бўлиб.

Иванов ўзини кулгидан тўхтатолмади. Бу одам унга тоза ёқа бошлаганди.

Иванов уни тўдада қолдиаркан, ўша куниёқ ўзининг кишиларидан иккитасига Григорийдан кўзларини узмасликни, унинг ҳар бир қадамини кузатишни ва бор гапдан уни хабардор қилиб туришини топширди.

Ўрмонда бир маҳфий базадан бошқасига кўчиш билан кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Григорий Иванов олдига қандайдир одамлар келиб турганини, у ўйлар билан четга чиқиб пималарнидир ёзганини сезди. Бу бандитларнинг агентлари бўлиб, разведка маълумотлари келтирас, уни эса Иванов поляк разведкасига етказарди.

Иванов янги келганин маслаҳат қилса арзийдиган одам, балки офицер деб ўйлади.

Григорий тўдага унинг район шаҳарларидан бирига қилинган ҳужумидан сўнг қабул қилинди. Энди уларга изни йўқотиш, тўдани қидириб юрган ЧОН отрядларини издан чалғитиш, унинг учун эса ўрмон чакалакзорларида бекиниш керак эди.

Григорий вақтни жадаллаштирмади. У кутди.

Эртами кечми Иванов у билан гаплашиши керак эди. Шундай пайт ҳам келди.

— Қалай, ўрмонда шисиз ўтириш жонинингга тегмадими?— тўсатдан сўраб қолди Иванов.

— Бирон нарса таклиф қиласпсанми, атаман?— жим туриб сўради Григорий.— Яна қандайдир шаҳарчага ҳужум қиласизми?

— Булар ҳаммаси бурга чақишидай гап. Мен эса ҳақиқий иш қилишни хоҳлайман!

— Қандай иш экан у ўзи?— деб сўради Сироежкни гулхандаги чўғларни косов билан қўзғашни давом эттириб.

— Бутун дунёга овозаси кетадиган ишни! Борис Викторович Савинков доим шу ҳақда гапиради...

Григорий ҳеч нарса демади ва худди Ивановнинг сўзларини эшишмагандай ўтираверди.

— Сен бунга қандай қарайсан?

— Нимага?

— Ахир биз, масалан, Москвада бир иш қилсак-чи?

Дзержинский ёки уларнинг раҳбарларидан биронтасини ўлдирсанк?

— Сени қара-я,— деб жилмайди Григорий ва Ивановга бир ров боқди.— Сен уларга қандай қилиб етасан?

— Етаман!— деди Иванов қатъий қилиб.— Мен билан шундай ишга борасанми?

Григорий индамасди. Дзержинский чекистларга улар душман уяснiga кирганда қандайдир советларга қарши ишлар, айниҳса қотиллик режаларини ташаббускори бўлмасликни айтганди. Улар советларга қарши бўлганларни бетараф қилишлари, уларнинг хавфли планларини йўққа чиқаришлари, агар унинг иложи бўлмаса, уларни қамоққа олиш ёки йўқ қилишнинг барча чораларини кўришлари керак. Иванов ғижоятда хавфли эди. Уни бетараф қилиш ҳақида ўйлаб кўришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ундай душманини кескин методлар билан зарарспизлантириш керак эди.

— Хўп қани? Борасанми ёки қўрқасанми?— Иванов жавоб бершига шоширарди.

— Сизга келган эканман қўрқиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!.. — Бу тўғри жавоб бўлмаса-да, Иванов уни розилик ўрнида қабул қилди. У ўзида туғилган режани айта бошлади.

— Аввало Москвада ўрганиб кўриш керак. Дзержинскийни нишон қилиб оламиз. Қачон у ЧК га келади, қачон кетади, унинг қоровули борми... У олдида қоровул бўлишини ёқтирумайди, дейишади. Москвада сенинг бирон-бир таянчинг йўқми?— фавқулодда сўради Иванов.

Бу заминида текиширишни яшириш лозим бўлган хавфли савол эди. Яна битта тажкириш. Григорий фикран ҳамма нарсани тез баҳолаб, тарозинга солиб кўрди.

Үнинг яшириниши мумкин бўлган ишончли кишилари борлигини айтиши энг катта эҳтиётсизлик бўларди.

— Менда таянч нима қилсин. Мен у ерда ҳеч кимни танимайман. Москвада ҳаммаси бўлиб икки марта йўл-йўлакай бўлиб, бир неча кунгина турганман, холос.

— Бу ёмон,— деб тўнғиллади Иванов қовоғини уйиб ва яна Григорийга қаради. Унга бу камгап одам ёқарди.

Иванов тўдасида бундайлар йўқ эди.

«Тап тортмайдиган йигитлар бор, албатта,— деб ўйларди атамац. Лекин улар фақат жиддий қаршиликка дуч келмайдиган ҳужумларга ярайди. Москвада эса ўта кетсан мугамбирлик, кўпчилик ичидаги билдирамасдан, ҳеч шубҳа тутдирмай бошпана тошиш ва, ниҳоят, из қолдирмай кетишини уddaлаш керак». Ўйлаб қараганда, бу ишга янги келган ярарди. Иванов «овозали иш»ни ният қилганда ана шундай одам ҳақида орзу этганди. У ҳатто ўзини ўринбосари Василийни бундай ишга кўнгилдаги-дай киши деб ҳисобламасди.

— Борасаними ёки йўқми?— яна бир марта сўради Иванов ва жим бўлди.

Григорий жавоб беришга шошилмасди. У худди ўйлаётгандай бўлди ва хийла узоқ танафусдан сўнг шундай деди:

— Бир ўзим бормайман...

Бундай жавоб Ивановни қаноатлантираади. У Григорийни битта ўзини юборишини ўйламаган ҳам эди. Ҳамма нарсани текшириш... Минг марта текшириш. Григорий бир ўзи эмас, балки атаман ишонадиган одам билан боради. Ёрдамчиси Василий кузатувчи ролига айни муддао-да!.. Ҳамма нарсани улдабурро ва ақлли одам билгани ва тайёрлагани маъқул. Ким бажаришини эса у ўзи ҳал қиласди.

— Нега якка? Василий билан бор ва яна учта ёки тўртта киши ол. У ерда ҳамма нарсани билиб, кузатиб кейин орқага қайтинглар. Бу ерда биз ҳаммасини биргаликда муҳокама қилгач, мен ҳам сизлар билан

бирга бораман. Бутун дунёга донгимиз кетади-да,— ширин хаёл билан деди тўда бошлиги ва қўшиб қўйди:— Энг асосийси Борис Викторович рози бўлади.

Бир неча кун ўтди. Василий — Сироежкин группаси бошқа-бошқа вагонларда кетарди. Москвада раҳбарлик қилиш ўз-ўзидан Григорийга ўтди. Бандитлар тортиңчоқлик қилишмасди, лекин улар катта шаҳарга ўрганишмаганди. Ҳамма ёқда одам кўп, ҳар биттаси худди чекистдек туюларди.

Вокзалдан битта-битта кетишиди. Фақат эртаси эрталаб улар шаҳар чеккасидаги Григорий тайинлаган маълум бир жойда, кичиккина ташландиқ боғда тўплашилари керак эди. Григорийнинг бу кўрсатмалари Василийга маъқул бўлди: «Эҳтиёткор, шайтои. Кўпни кўргани»,— деб ўйлади у энди Григорий гапиравстган ҳамма нарсани эътироэсиз қабул қилиб.

Фош бўлиш хавфини камайтириш учун биринчи кун кечаси ҳар ким ўзига-ўзи паноҳ топиши керак эди. Фақат Григорий ва Василий биргаликда ҳаракат қилишарди. Кечга яқин улар тинимсиз юришдан чарчаб бир оз дам олиш ва тамадди қилиш учун Рига вокзалидаги киракаш аравакашлар билан лиқ тўлган ошхонага киришиди. Григорий фурсатни пойлаб, Василий зарурат учун чиққанда унинг чой солинган стаканига ухлатадиган дори сепиб қўйди. Босқинчи уни ичгач, бошини столга қўйиб уйқуга кетди.

Григорий эҳтиёт бўлиб ва шовқин қилмай ўрнидан турди. Югуриб ўтаётган хизматчини қўлидан тутиб, сўради:

— Сизларда телефон борми?

— Идора орқасида.

Василий қаттиқ ухлаётганига ишонч ҳосил қилгач, у телефонга томон йўналди. Марказий станция узоқ вақт жавоб бермади. Ниҳоят трубкада телефончи қизнинг овози эшитилгач, Григорий номерни айтди ва унинг кетидан

«улаяпман» дейи. Ганниш эшитди. Үз жойида ўтирган Пузицкий дархол жавоб берди.

— Бу мен, Григорий. Юк билан келдим.  
— Сен эркин гаплаша оласанми?  
— Иложи бўлса кераги йўқ.  
— Яхши. Унда фақат «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб беравер. Сизлар учтадан ошиқми?

— Ҳа.  
— Тўрттами?  
— Йўқ.  
— Бештами?  
— Ҳа.  
— Қаерда турибисизлар?  
— Рига вокзалидаги ошхонада.  
— Тушунарли. У ерда ҳеч бўлмаса бир соат ушланиб тутра оласанми?  
— Ҳаракат қиласман.  
— Сизларни бошлаб боришади. Эртага эрталаб соат тўққизларда ҳаммасини Пушечнаяга олиб кел. У ерда қўлга ола қоламиз... Ҳаммасини бирдан. Тушундингми?  
— Бутунлай.

Шу кечқурундан бошлаб Григорий ёлғиз эмасди. Уни жанговар чекист группаси ҳимоя қиласди.

Григорий бандитларга эрта эрталаб соат еттида Москванинг қадимий райони Зарядъенинг қоп-қороонги жин кўчаларидан биридаги ифлос, хароба уйда жойлашган пивохонада тўпланишни буюрди. Ҳамма йиғилиб бўлгач, у соат тўққизда Пушечная кўчасида, «Савой» меҳмонхонаси қаршисидаги бошқа пивохонага ўтишни буюрди. У баён қилган ва Василий рози бўлган планга кўра, улар Дзержинский, Менжинский келадиган ва кетадиган вақтни аниқлаш учун ВЧКнинг Лубянкадаги асосий эшигини кузатишлари керак эди.

Соат тўққизда улар ҳаммаси тўпланиб Пушечнаядаги пивохонанинг турли бурчакларида ўтиришарди. Григо-

рий билан Василий ювиш хонасига ўтадиган столни эгаллашди. Ҳамма йиғилганига ишонч ҳосил қилгач, Григорий худди ихтиёrsиз бўлганидек тирсаги билан кепкасини полга тушириб юборди. Қўшни столда ўтирган ширакайф киши ўрнидан туриб ликопчага ғижимланган пулни ташлади ва гандираклаб чиқиш томонга қараб кетди. Бир неча минутдан сўнг қора чарм камзуллик қуролланган чекистлар группаси кўчадан пивохонага киришиди.

— Ҳеч ким жойидан қимиirlamasin. Ҳужжатлар текширилади! — деди кирганлардан бири тўппончасини ги-лофидан чиқариб.

Григорий Василийнинг қўлидан ушлаб, уни ўзининг кетидан ювиш хонасига томон олиб кетди.

— Яширин эшик орқали чиқиб кетамиз,— деб шивирлади унга Григорий.

У ерда, тор йўлакда уларни кутишарди ва тезликда иккаласининг ҳам қўлини боғлашди. Уларни ҳовлига олиб чиқишгапда пивохонада тез тамом бўлган отишмалар ва қичқириқлар эшитилди.

Ишлаб чиқилган планга кўра Сироежкин хўжа кўрсин учун Василий билан бирга қамалган ва у билан биргаликда ВЧКнинг ички қамоқхонасида бир бўлмада ўтиради. У ерда у юз берган воқеалар туфайли руҳи тушиб кетган ва отилиши муқаррар эканлигига ишонган Даниил Ивановининг ёрдамчисига ўз таъсирини ўтказишга муваффақ бўлди. Григорий Василийни ҳаётни сақлаб қолишининг ягона йўли каллакесарликдан воз кечиш ва Иванов тўдасини тугатишда совет органларига ёрдам беришдан иборат эканлигига инсонтириди. Фақат шундай қилинса, Василийга тинч меҳнат ҳаётига, оиласа йўл очиларди. Василий ана шу таклифга ёпишиб олди.

Ўрмонга улар иккалasi биргаликда қайтиб келишди. Бу ҳаддан ташқари ҳавфли қадамни босишда Григорий иккиланмаган ва чўчимаган бўлиши амри-маҳол. Василийдек кишиига у охпиргача ишонмасди. Бироқ, у уста

психолог ва уни алдаш оғир эди. Афтидан, улар ўрмонга қайтишаётганды унинг бошида сотқинлик фикри бўлган. Лекин у бир нарсага амин эдик Сироежкин ҳар нарсага тайёр, агар сал хавф туғиладиган бўлса, биринчи ўқни унга қаратиб узади. Демак, ягона йўл Сироежкинни эмас, Ивановни йўқ қилиш керак.

Григорий Ивановга Москвада улар қилган тайёргарлик ишларининг икир-чикиригача ва у ерда қолдирилган уч шерик гўёки ишончли яширинадиган жойларга эга эканлиги, ВЧК ва унинг раҳбарларини тинимсиз кузатётганилклариий айтади.

Бирмуича вақт ўтгандан сўнг Ивановнинг ўзи Москвага жўнади. Бу тўдашииг қаҳрамонномаси шу билан тамом бўлди.

Бир неча йил ўтгандан сўнг Испанияда мен Григорийдан нега у иккинчи марта тўдага қайтишдек хавфли қадам ташлашга журъат қилганини сўраганимда, у манманлик қилмай оддийгина шундай деди: «Улар яна қанча кишиларни ўлдиришлари мумкин эди. Кишиларни қутқариш зарур эди. Чунки улар Урицкий ва Володарскийларни ўлдирганликлари каби Феликс Эдмундовични ҳам ҳалок қилишлари мумкин эди».

### **30-ЙИЛЛАР БОШИДА**

Совет ҳокимияти мустаҳкамланар, унинг душманлари аҳволи тобора оғирлашар, Ватанимизда контреволюция қолдиқларига қарши курашиш методлари ўзгаради.

Григорий Сироежкин билан шарафли ва машаққатли чекистлик йўли босқичларидан биронтасини биргаликда босиб ўтишига тўғри келган кишилар қалбida унинг хотираси, унга бўлган илиқ ҳаяжон ва миннатдорчиллик абадий сақланиб қолди.

Унинг ҳаёт занжиридаги ҳалқалардан яна бири то-пилди. «Молодой коммунист» журнали 1970 йилда ўша пайтда ҳали нашрдан чиқмаган бу қиссани икки бобини босди. Бу эса китобхонлар диққатини жалб қилишга

сабаб бўлди. Красноярскдан Сироежкининг сафдоши — Иван Механиковнинг хати келди. Унда Григорийнинг Сибирдаги фаолияти даврларидан бири — контрреволюцион исёнчилар қолдиқларига қарши кураши баён қилинганди.

Механиков ҳикояси бир куни Сироежкининг ўзи менга сўзлаб берганларини батафсил тўлдирди.

Ярим кечада мен отряддан келиб, ўзимнинг хонамга кўтарилим. Қоронғида очиқ ойна олдида тургим, Мадрид тунининг сас-садоларини эшитгим келди. Сьерра-де-Гвадаррама чўққисидан шамол эсади. Яқингинада, Ретиро боғида дараҳтлар шовилларди. Чанг, куйик ҳиди келарди. Қўшни кварталда снаряд портлади. Портлашнинг гумбурлаган овози айланма кўчаларда акс-садо бўлиб янгради. Том устида шуъла порлаб, яна гоҳо пулемётдан қисқа-қисқа отишлар, гоҳо замбаракларнинг бўғиқ овози бузиб турган жимлик чўқди. Мадрид учун бу одатдаги тун эди. Алькала кўчасидан машина чинқириб ўтди. Лекин унинг чинқириги бирдан узилиб, чўккан жимлик ичиди йўқ бўлиб кетди...

Ўйқум келмаганлиги учун инглиз разведкачиси Лоуренснинг саргузаштлари ҳақидаги яқинда сотиб олинган китобни олдим ва ётиб ўқишга киришдим.

Григорий йўқ эди.

У шу бугун эрталаб Андалуз фронтидан келиб, ўзининг эски дўсти, 13-интернационал бригада командири кекса пољак коммунисти Карол Сверчевский олдига кетган ва шу вақтгача қайтиб келмаганди. У кечаси соат бирларга яқин кириб келиб, кўн наътосини ечди ва индамай қўшни каравотга ётиб ўз ўйларига чўмди. Ярим соатча шундай ўтди.

— Нима ўқияпсан? — деб тўсатдан сўради у туриб, тўшакка ўтиракан.

— Лоуренс Аравийскийнинг саргузаштларини.

— Хўш, у ҳақида нима деб ёзишибди?

— У араб шайхи сифатида қандай қилиб қабила до-

Хийлари ишончини қозонгани ва уларни инглизларга ҳамкорлик қилишга оғдириб, туркларга қарши қўзғолонга кўтаргани тасвирланган.

— У буни жуда қойил-мақом қилибдими?

— Ҳа. Ҳар ҳолда бу китобда шундай деб ёзилган. У ўзини арабларга ўхшатиш учун грим қилган, миллий кийим кийган ва ҳатто ўзини мусулмон деб танитган.

Григорий мендан китобни олиб, уни варақлади ва қайтариб берди.

— Грим қилган, кийимини алмаштирган дейсанми? Бу ҳаммаси вайсаш. Агар лозим бўлса биз душман уясига боришга мажбурмиз. Лекин фитна уюштириш, қўзғолон кўтариш учун эмас, балки уларни даф қилиш учун. Буни қон тўкмасдан қилишга интилиш керак. Бундай иш олижаноброқ, мураккаброқ ва жуда нозик. Сен нима деб ўйлайсан?

Менинг жавобимни кутмаёқ у пиманидир эслаб ўйланиб қолди. Сўнгра тўшакдан туриб хонада юра бошлади. У ўтмишни эслаганлиги шундайгина кўриниб турарди.

— Ҳа, бизнинг биродарларимиз кўп нарсани бажаришга мажбур. Лекин фақат сенинг Лоуренсинг қилган нарсаларни эмас. Мен сенга бир воқеани айтиб берраман. У унчаям илгари эмас, бундан тўрт йилча олдин бўлган...

Григорий яна тўшакка ўтириб, қўли билан қайсар сочларини силади ва ўзининг равон, бўғиқ овози билан гапира бошлади.

— Уттизинчи йиллар бошида Фарбий Сибирда, тайгада ҳали ҳам йирик қўзғолончилар гуруҳи яшириниб юрарди. Мен бу тўдани қон тўкишсиз йўқ қилиш ҳақида буйруқ олдим. Тўдада фақат уйига қайтишни орзу қилиб юрган кўп алданган кишилар бор эди. Унга бурунги колчакчи офицер-эсер Боровских раҳбарлик қиласарди. Унинг виждонида қанчадаи-қанча бегуноҳ тўкилган қонлар ётарди. У ўзининг одамларини оғир жазо бериш

билин қүркитиб, уларга нисбатан қаттиққүллик қиласы...

Мен нафасимни чиқармай Григорийни тинглардим. Мени «қон тұкишсиз» деган ибора лол қолдирди. Чунки мен калласарлар билан қоролсиз курашишни тасаввур қила олмасдым.

— Мен бу ҳақда күп үйлаб, Боровских билан очиқ-оидин гаплашиш учун тайгага, унинг ҳузурига боришга қарор қилдым. Үнинг тұдасига ҳамдард сифатида кириб олиш учун әмас, балки чекист, у шунчалик узоқ қарши курашган совет ҳокимияттінің вакили сифатида боришга ақд қилдым. Бу йигирманчи йиллар әмасди. Кишилар оғыда күп нараса үзгарған, ҳокимияттімиз мустаҳкамланған ва халқ сүзсіз унга әргашарди. Шундоқ қилиб, мен Боровскихни қидириб тайгага кетдім.

— Нега? — деб сүрадым мен Григорийнің қарорини тұлығына бақолаш учун.

— Нега дейсанми? Уни ўз айбига иқрор қилиб ташкилотини тарқатыб юборишга қүндириш учун.

Бундай жавоб менга шу даражада кутилмаган бүлганилиги учун мен Григорийга ишончсиз қараганимни яширмайман.

— Нега термиласан? Раҳбарлар ҳам бу фикримдан чүчишган ва рози бўлишмаганди. Лекин мен уларга ҳар ҳолда исботладим. Мен тайгада узоқ вақт сарсон-саргардон бўлиб юрдим. Юриб-юриб охири Боровскихлар турған жойга дуч келдим. Албатта, мени тутиб олишди ва боғлаб, унинг олдига келтиришди. Мен унга түғридан-түғри ЧК вакили эканligimни айтдим. Қон тұкиш ва бутун ташкилотни йўқ қилишни олдини олиш учун айбига иқрор бўлиб, Новосибирскка борнини таклиф қилдим. Афтідан, у ҳайрон қолганди. Бу эса менинг таклифимни атрофлича үйлаб кўрашга халақит берарди. Нафрат ва алам устунлик қилиб, у мени отиб ташлашга буйруқ берди.

...Уч киши мени отишга олиб кетди. Йигирма қадам-

лар нарига кетганимизда Боровскихнинг қичқирганини эшидим: «Уни ертўлага ўтқазинглар ва қараб туринглар. Тағин қочиб кетмасин. Эрталаб отиб ташлаймиз!..» Унинг буйруғини эшитиб эрталаб яна бир гап бўлар, деб ўйладим.

Тун тугаб, тоңг отди. Эрталаб мени ҳеч ким отишга олиб кетмаяпти. Олиб кетмасалар керак, деб ўйладим. Бир кеча-кундуз ўтгандан сўнг мени яна Боровских олдига олиб кетишиди. У қўлларимни ечишини буюриб шундай деди: «Майли, биз маслаҳатлашиб кўрдик, мен Новосибирскка, Совет ҳуқумати вакиллари олдига боришга розиман». Атрофимиизда у туфайли алдаиган кишилар турishарди. Мен уларнинг юзидан тайгада санғиб юриш, тайганинг қулаган дарахтлари панасида бекиниб юриш жонига текканини сездим. Улар туфайли ментирик қолгандим...

Ўзимни тута олмай мени унинг ганини бўлдим:

— Гриша, ахир сен аниқ ўлимга кетаётгандинг-ку!

— Қўявер. Биз ҳаммамиз, биринчи павбатда сиёсий факторларни ҳисобга олишимиз керак. Мен ҳаммадан ҳам кўра, ҳар қалай, деҳқонларимизни яхши билардим. Ўзим ҳам деҳқон оиласиданмай. Ўзинг ўйлаб кўр, у пайтда совет ҳокимияти тўлиқ ғалаба қилганди. Бу эса тўдадаги энг ашаддий одамлар ҳам уларнинг ўйини ютқизилганлигини тушунишганини билдиради. Иккинчидан, исёнчи қисмлардаги кўпчилик деҳқонлар ухлаганларида тушларида ҳам уларни алдаб туширган бу даҳшатли тузоқдан қандай қилиб қутулиб кетишни кўришарди. Учинчидан, руҳий фактор. Битта чекистни ўлдириш қандай натижа берарди? Боровских эса аҳмоқ эмасди. У бусиз ҳам кўп қон тўкилганини биларди. Бу нарсаларни ҳисобга олиб, мен у ва унинг одамлари билан гаплашишинни уддасидан чиқишига умид қиласдим.

— Ундан кейин-чи? — дедим мен қизиқишдан тоқатим тоқ бўлиб.

Григорий менга жилмайиб қаради.

— Айт-чи,— дейди менга Боровских.— Бу ёққа кела-  
ётганингда сен нимага ишонгандинг? Агар мен сизларга  
таслим бўлсан мени аяшмайди-ку! Мен қандай қилиб  
бунга йўл қўяман?!

«Алдахи истамайман,— деб жавоб бердим.—Бу биз-  
нинг қоидаларимизга тўғри келмайди. Сизларни, албат-  
та, суд қилишади. Бироқ ўз хоҳишларингиз билан таслим  
бўлиб, сен ўз отрядингни тайгадан олиб чиқсанг суд бу  
айбни камайтирадиган томонни эътиборга олади. Бу  
аниқ».

«Ким кафиллик қиласди?»

«Бизнинг сўзимиз ва совет қонуни!»

«Мен ўйлаб кўраман!—деди ва одамларига мурожаат  
қилди.— Асирни олиб кетинглар».

Мен унга қараб: «Мен асир эмас, элчиман»,— дедим.

«Ким билади сизларни — элчими ёки разведкачими»,  
— деб жавоб берди у.

Мен кулиб разведкачилар бундай юрмаслигини айт-  
дим: «Мен очиқдан-очиқ келдим-ку. Ўзларинг ўйлаб кў-  
ринглар, ахир: мен сизларнинг олдиларингизга қуролсиз  
келдим, нега қочишим керак энди?»

«Далилларинг тўғри,— деб жавоб қилди Боровских  
ва бир зум ўйга толиб, сўнг менга овқат беришларини  
буюрди.— Майли, ҳаммасини эрталаб ҳал қиласмиш»,—  
деб тутгатди у.

Ўша кечаке у ҳам, мен ҳам ухламадик. Мен улар кечаси  
барибир мени ўлдириб, тўда изини йўқотиш учун тайгага  
чиқиб кетади деб хавфсиардим. Боровских ўйлаб кўра-  
диган нарсалар ҳам бор эди.

«У қандай қарорга келдийкин?» деб яна мен ўзим-  
ни савол беришдан тўхтатолмадим.

Рози бўлди. Эрталаб биз иккаламиш чанада тайга-  
дан чиқиб, кечқурун эса Иркутск поездига тушдик. Бир  
нечакоат юрдик. Мен мизғиганда эса атаман туёғини  
шиқиллатиб қопти.

— Нега энди?

— Қочиб кетибди. Қўрқиб фикрини ўзгартирибди, ифлос!

— Сен нима қилдинг?

— Яна тайгага қайтиб бордим. Бир кеча-кундуздан сўнг етиб олдим. Яна тўдан топдим. Қарасам, азаматлар митинг қилишаяпти. Мен атамани олдига келиб: «Нега сен менин бўнчай алдайсан? Ўз сўзингда турмадинг-ку! Менга сенинг кетингда югуриб юришдан бошқа иш қуриганими?»— дедим. Хуллас, мен уни ишонтиролдим. Яна қайтиб кетдик...

— Кейин нима бўлди?

— Кейин?— ихтиёrsиз такрорлади Григорий. Афтидан, ушинг хаёли хотиралардан бошқа нарсаларга кетганди.— Сўнgra тўда таслим бўлди... Бутун состави билан...

— Лекин ҳаётинг хавф остида қолганини бўйинингга оларсан...

— Эҳтимол... Эҳтимол... Сен нимани афзал кўрапдинг?— У тўсатдан ўрнидан сапчиб туриб, хонада юра бошлади.— Сен балки бизга айборларни ҳам, хато қилганларни ҳам, совет ҳокимиyатига ҳеч ёмонлик қилмаган, йўлидан адашган одамларни ҳам пулемёт ўқи остида қолдиришни маслаҳат берармидинг. Агар биз тўдани огоҳлантирмай қуршаб олганимизда, албатта жанг бўларди. Жангда эса саралаб ўтиришга вақт бўлмайди. Қанча кишини бекорга ўлдириб юборардик... Бу ҳақда ўйламасликка кишининг ҳаққи йўқ...

У бир оз жим турди ва сўнgra муғамбирона жилмайиб қараб, қўшиб қўйди:

— Ахир менинг кўзим юмуқ эмасди. Аввало мен кооператор сифатида босқинчилар тўдасидагиларнинг оилалари яшаётган қишлоқларни кезиб чиқдим. Уларниш хотинлари, оналари ва оталари атаманга нисбатан қарши кайфиятда эдилар. Улар ўзларининг яқин кишилари ҳаётидан ташвишланмай таҳликасиз ва бехавотир яшашни исташарди. Ҳаммани ер қизиқтиради.

Дон экиб, тинч яшашни исташарди. Ахир, 1934 йил эди. Барча иккиланишлар ва қийинчиликлар орқада қолганди. Мен дэхқонларнинг қоронги тунларда тўдадан қочиб онда-сонда уйларига келиб-кетгандарини, хотинлари улардан аразлаганини, уришишганини билардим... Иш ана шундай бўлганди-да...— Григорий кулиб тиззаларига шаппатилиди ва ечина туриб:— Энди ухлайлик!— деди

Шахсий ҳужжатларнинг хасис ёзувларидан биз яна Григорий Сироежкин 1924-25 йилларда Чечнада контрреволюцион исённи бостиришда қатнашганини, 1929 йилда Монголия ва Ойротияда босқинчиларга қарши курашган отрядга командирлик қилганини, 1936 йилда эса Ленинградда герман разведкаси тузған террорлик ва жосуслик ташкилотини тугатишда иштирок этганини биламиз. У Германия, Польша, Манчжурия, Корея ва бошқа мамлакатларда бўлган, кўпгина жанговар мукофотлар билан тақдирланганди. Лекин булар ҳаммаси унинг қаҳрамонона ҳаёт занжиридаги йўқолган, аниқланмаган ҳалқалардир.

## ИСПАН ТУПРОГИДАГИ ОХИРГИ КУНЛАР

Балеар оролларидан қайтиб келганимиздан сўнг бир ой ўтди. Исёнчилар важоҳат билан ҳужум қилишни давом этирдилар. Барселона бой берилди. Ўн мингларча киши Франция чегарасига қочарди. Турна қатор машиналар, аравалар ва қоюқлар оламонининг охири кўринмасди. Вақти-вақти билан душман авиацияси пайдо бўлар ва тап тортмай қочувчиларни қира бошларди. Республика армиясининг отрядлари бу қочишини тўсиб, ярадор ва қоюқларни фашистларнинг мудҳиш қасосидан қутқазишарди.

Биз испан тупроғидаги охирги кечани Пиреней ён бағридаги тоғ ўрмонларида ўтказдик. Хотирамга асрий эманларнинг нам, қора таналари, дараҳтлар орасидаги қалин туман, тутунли гулханларнинг сузуви доғи ўрнашиб қолди. Бизни худди саҳро ўраб олгандек, одамлар

яшаётган олам қаерлардадир жуда йироқда, минг километрлар нарида қолгандек туюларди. Қалбларимизни аламли согинч, мунг ва қайғу қамраб олган эди.

Тонгда Каталонияга келиб қолган Мадрид отряди жангчиларидан иборат саккиз кишилик группа йўлдан Лъяносга, қачонлардир мен биринчи бор қадам қўйган испан тупроғи, охирги чегара шаҳарчаси Портбуға кетарди. Ўнгача ўттиз олти километр қолганди.

Виктор ва Таба кейинда келишарди. Улар кўприкларга мина қўйишарди. Виктор зарядни жойлаштираётганда Таба қўл пулемётидан изма-из келаётган марокашликларни отарди. Виктор тутаётган сигара билан бикфорд шнурини ёқарди. «Масала ҳал!»— дерди у. Шунда улар велосипедга минишиб, наебатдаги кўприкка елишарди.

Ёқимсиз, совуқ ёмғир ҳамон ёғарди. Пиренейда кучли шамол эсарди. Қеч кирмоқда. Виктор кекса зайдуннини букри танасига суюниб тургяди. У шамоллаган эди. Ўзлуксиз йўтал уни деярли икки букилишга мажбур қиласарди. Йўтал тингач у кўзларини юмиб, оғир нафас оларди. Унинг ҳурпайиб кетган ҳўл соchlари тутами яланг бошидан оқарган серажин пешанасига тушарди. Нафасини ростлаб у Табага қўшилар ва йўлда кўринган отлиқларга қаратиб кетма-кет ўқ узарди. Табага ҳеч нарса — чарчоқ ҳам, ёмғир ҳам, уйқусиз тунлар ҳам таъсири қилмагандек кўришарди. Охири у ўзининг ёмғирда бўқиб оғирлашиб қолгани марокашча бурнусини очиб ташлади.

Чегарадаги тизма тоққа тобора яқинлашардик. Унга етиб олинса, бас. Тунни биз дengiz бўйи шаҳарчаси Родасдан унча узоқ бўлмаган кичкинагина водийда, зайдунзордаги ариқ бўйида ўтказдик. Бу испан тупроғида, зайдунзордаги охирги тун эди.

Тонгда биз Франция билан чегарадош жойдан ўтдик. Дароз негрлар, мустамлака полкшинг сенегаллик ўқчи аскарлари азоб чеккан мадорсиз кишилар кетидан эҳти-рассиз қараб қолишарди.

Мен бу нарсаларни Гриша Грандэ кўрмагани қандай

яхши бўлди деб ўйлаб қўярдим. Гарчи мен у кўнгли бўш одамлардан эмаслигини билсам-да, бироқ бу нарсаларни ҳар қандай одамнинг бошдан кечириши чиндан ҳам оғир эди.

## ТУНЛАРДА КЕЛАДИГАН САДО

Фақат ҳаёт йўлининг охирида вақт қанчалик тез ўтаётганилигини тушуна бошлайсан. Урушлар ва қўзголонлар ер юзини титратарди. Биз уларни сиртдан кузатувчи эмас ҳар ким тушунтириб беролмайди. «Чакка ёки юрак ёнидан ўтган ўқлар салгина чапдан ёки ўнгдан ўтса кифоя эди...»— дерди менинг ўртоқларимдан бири.

Почта менга Женя Озолина хатларини келтириб турарди. Улар бамисоли олис, аллақачонлар сўнган юлдузлар шуъласидек туюларди.

Менинг олдимда столда ҳар хил майдада-чуйдалар солинадиган кичик чарм қути турибди. Бу менда кўп йиллар давомида оламии кезишдан сўнг Гриша Сироежкиндан қолган ягона эсадалик.

Мадрид фронтида бир оз тинчроқ кунларнинг бирида биз шаҳарда кам учрайдиган магазинларни айланиб юардик. Мен дўкон пештахтасидан ёки витринадан нима бўлишидан қатъи назар бирон-бир нарсани—кўйлак, пичноқ ё бошқа майдада-чуйданни кўриш учун олишимданоқ Григорий шу заҳоти уни сотиб олиб, қўлимга тутқазарди.

— Нима менинг ўзимда пул йўқми! Гриша, нима кераги бор!— деб қаршилик кўрсатардим мен.

— Ол, ол эсадалик учун,— деб минғирларди у ва совғани менинг чўнтағимга ёки тужуркамнинг ёқасидаи тиқарди.

Барселонада биз Маркель номли таниқли немиснинг механик ўйинчоқлар фирмаси магазинига киргандик. Анархистлар босиб олган бу магазин буф ва электр машиналар, кемалар, автомобиллар, самолётлар моделини

сотарди. Гриша ҳам ўйинчоқларни яхши күрар ва уларни дүстлариға, айниңса, Женя Озолинаға совға қилиш учун сотиб оларди. Бир куни у анча катта, мушукдай келади-ган ўзи юрар йўлбарс сотиб олди. Йўл-йўл жун билан ўралган бу мўйловли, оқ қозиқ тишли «йиртқич» ўки-рар ва сакрарди. Уни уйга олиб келиб, Гриша Женя хонасини очди ва ичкарига «йўлбарс»ни қўйиб юборди. Ўйқу аралаш Женя қўрқиб кетди, кейин Гриша эса уни тинчита бошлади. Бешафқат жаангчи ҳаётини кечира-ётган, ўлим кўзига бир неча бор тик қараган бу одам дўстлари орасида болалардек шўхликлар ҳам қила оларди.

Булар майда-чуйдалар, албатта. Лекин шунаقا май-да-чуйдалар ҳам хаёлга ўтириб қолади. Булар жуда арзимас нарсаларми ўзи? Бирорвга яхшилик қилиш туй-ғусисиз, қалб сахийлигисиз Григорий Сироежкинни та-саввур қилиш мумкинми, ахир?!

Мен Григорийдан уч ёш кичик эдим. Революция шароитида бу катта фарқ эди. 1917 йилда мен эндиғина ўн тўрт ёшга, у эса ўн ети ёшга кирганди. У революциянинг тақдирига жавоб бериш бирданига елкасига тушган дастлабки йиллар авлодига мансуб эди. У мен учун қандайдир даражада ҳаёт йўлинингда учраган кишиларни беихтиёр таққослайдиган ўлчов бўлиб қолганди.

Айтидан, ҳар бир касбда шу касбнинг энг яхши томонларини тўлиқ мужассам этган одамлар бўлади. Менга таниш совет разведкачиларидан Григорий Сергеевич Сироежкин кўп жиҳатдан шундай одам эди. У революциянинг улуғ иши учун фидокорона хизмат қилишда намуна бўлган ниҳоятда соф, юксак foяли коммунист Феликс Эдмундович Дзержинскийнинг дастлабки чекистлари, аскарларининг мустаҳкам сафига киради.

Разведкада ишлаш туфайли учрашган ўртоқларим орасида қобилиятли ва ҳақиқатан талантли кишилар кўп эди. Уларни партияга содиқлик, унга фидокорона хизмат қилиш, агар керак бўлса, қимматли ҳаётини ҳам аямас-

лик хислатлари бирлаштириб турарди. Ўз манфаатидан кечиш Григорий Сироежкинда яққол кўзга ташланиб турарди. У мен учун революциянинг қилич ва қалқони — «чекист» тушунчасининг асили маъносини ифодаловчи шахс эди.

\* \* \*

Вақт шафқатсиз. Газеталарда таниш кишилар ҳақида таъзиялар тез-тез учраб турарди. Бироқ, тириклар ўлганлар хотирасини унутмайдилар.

Қани энди улар — пўлат интернационал бригадалар жангчилари? Улар бутун дунёга тарқалиб кетишган ва уларни фашизм билан дастлабки олишувда туғилган бузилмас қардошлик боғлаб турарди. Уларнинг кўпчилигига таниш белги — қўлида занжирли учбурчакли юлдуз бўларди (у бу китобнинг муқаддимасида тасвирланган бўлиб, ҳалқлар ҳамкорлигини ифодалайди).

Испанияда бизларни кўп мамлакатлардан, олами барча бурчакларидан келган кишилар дунёси ўраб турарди. Гриша Грандэ бу одамлар ҳақида тез-тез гапирав, улар унинг эътиборини жалб қиласар, уларга нисбатан қардошлик муносабатда бўларди. Менинча, бу ерда улардан баъзи бирларининг тақдири, биринчи навбатда ушбу қиссада исмлари зикр қилинганлар тақдири ҳақида ҳикоя қилиш ўринлидир.

Аввало, 1938 йил кузининг охирида Григорий Сироежкиннинг буйруғига асосан мен билан биргаликда «С—4» кемасида Балеар оролларига борган қадрдонларим ҳақида.

Француз Қаршилик кўрсатиши отрядларидан бирида жанг қилган жасур, севимли ва доно Таба 1944 йил Париж кўчасида август қўзғолони даврида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У жонажон Болгариясига озодлик олиб келган ғалаба кунига озгина вақт қолганда оламдан кўз юмди.

Менинг иккинчи йўлдошим довюрак Виктор ҳам ўз

Ватанига қайтолмади. 1939 йилда испан республикаси енгилгандан сүнг, унда испан граждани паспорти бўлганлиги туфайли Франциядан Мексикага кетишга муваффақ бўлди. У ерда Мехико-Ситида у мингларча испан муҳожирлари каби кун кечирди. 1944 йилда у ўзининг олис Россияси ҳақида ўйлаб жон берди.

Мадрид отрядимизда Гриша Грандэ ботирлиги ва революцияга содиқлигини қадрлаб унга катта ҳурмат ва самимилик кўрсатган яна бир киши бор эди. Бу қизиқ тақдир эгаси, Эскориале колледжининг педагоги, таржи-мон хотин эди.

Биз Мадридга келганимизда испан ўртоқлар рус тилини биладиган икки испан қизини тавсия этишди. Улар опа-сингил Родригес-Данилевскаялар, XIX аср таникли рус ёзувчиси Г. П. Данилевский набиралари Юлия ва Елена эди. Ўша пайтда «Правда» газетасининг Испаниядаги мухбири Михаил Ефимович Кольцов ўзининг «Испан кундаликлари» китобида бу оила ҳақида шундай деб ёзганди:

«Григорий Данилевскийнинг китобини менга унинг қизи Александра Григорьевна Родригес берди. «Князь қизи Тараканова», «Мирович» авторининг авлоди романтизм руҳи билан суфорилган. Александра Данилевская Европа бўйлаб сафарга чиқиб Пиренейда тўхтаб қолди. Бу ерда унга — харьковлик гўзалга испан офицери хуштор бўлиб қолди ва у испан офицерига турмушга чиқиб, умр бўйи ёт, бегона юртда қолиб кетди. Лекин болаларини ҳеч бўлмаганда ярим рус қилиб тарбиялашга аҳд қилди. Катта сабот ва муҳаббат билан иккала қизини ўқишига, ёзишига, сўнгра адабиётни севишига ўргатди. Уйида рус кутубхонаси ташкил қилиб, қизлари билан биргаликда рус шеърларини овоз чиқариб мутолаа қилди ва бу билан оқ кўнгил Родригесни ҳайратда қолдириб, хурсанд қилди. Айтишларича, Родригес сўл эътиқодли одам бўлиб, оиласини foятда севган ва бундан бир неча йил бурун узоқ касалликдан сўнг вафот қилган. Бир куни

чиройли оқ соч хотин Родригес хоним «Палас»га келган. Бутунлай испан қиёфасидаги қызылари Юлия ва Елена бор кучи ва билимини уларнинг янги Ватанини Совет Иттилоғи билан дўстлашиши йўлига сафарбар қилишга аҳд қилди. Вазият қалтис, душман Мадридга яқинлашарди.

Опа-сингиллардан кичиги Елена бизнинг отрядимизга тушиб қолди. Унинг эри, у ҳам педагог бўлиб, испан дивизияларидан бирида жанг қиласарди.

Европанинг улкан шаҳрини роҳат-фароғатига ўрганган ёш хотин сафардаги барча хавф-хатарларни биз билан баҳам кўриб, отрядимиздаги оғир ҳаётга зорланмай чидади. У бизнинг камтар, эътиборли, вазмин, чидамли ва бекиёс меҳнатсевар ўртоғимиз эди.

Елена 1939 йилда Совет Иттилоғига келди. Ҳозир ҳам Москвада яшамоқда. Бу ерда, бир неча йил бурун, у ўзининг мунис онасидан жудо бўлди. У испан тилидан дарс беради, дарсликлар ёзади, таржима билан шугулланади. Унинг уйи китоблар билан лиқ тўлган. Унинг иш столи устида бир қанча тарихий романларнинг автори, бобосининг бронза ҳайкалчаси туради.

Мен яна бир киши ҳақида индамаслигим мумкин эмас. Бу ҳақиқий денгизчи, кечаю-кундуз мени ва Гриша Грандэни Мадрид фронтининг хавфли йўлларидан олиб юрган Игнасио Пинентдир. Гриша уни севар ва ҳеч қачон назаридан четда қолдирмасди. Игнасио Москвада яшаётганига ўттиз йилдан ошди. У русга уйланган ва ажойиб фарзандлари бор.

\* \* \*

1936 йилнинг августида фашистлар томонидан ўлдирилган улуғ испан шоири Гарсия Лорка бизга шундай мунгли сатрларни қолдирди.

Фойиб бўлар юксак тераклар —  
Бироқ ёди қолар кўлларда.  
Фойиб бўлар юксак тераклар —  
Розин айтиб сарин елларга.

Аммо еллар сўнар ярим туи,  
Кийиб қора баҳмалдан ридо.  
Дил изҳори сўнмайли бутун,  
Дарёларга кўчар бу нило.

Мен Испанияни эслайман. Йиллар ҳалок бўлган дўстлар овозини ўчиrolмади ва уларнииг хотираси юракда таскин топгани йўқ. Испания абадий менинг қалбимда қолди.

Китоблар саҳифаларида, кинотеатрлар экранида таниш исмлар ва образлар тобора тез-тез пайдо бўлмоқда. Уларда қачонлардир мен билан ёнма-ён юрганларниг хусусиятларини топишга уринаман. Айтиш керакки, ҳаётда улар оддий — ҳам одамий, ҳам юксак бўлишган. Уларнинг ҳар бири — бутун бир олам эди ва ҳеч қачон на сўз, на бўёқ Испанияда Гриша Грандэ деб ном олган «ватандош йигитнииг» қувноқ жилмайиши, гам чекиши, ташвишланиши ҳамда довюраклиги ўринини босолмаса керак.

## ҲЕЧ КИМ ОЛДИНДАН КЎРА ОЛМАГАН ХОТИМА

Ўттиз тўрт йил учиб ўтиб кетди. Кўчада 1971 йил апрель нафаси, саҳий баҳор пурвиқор кезарди. Мен ушбу китоб қўллёзмаси устида ўтирадим. Узоқ-узоқлардан аранг эшитиладиган акс-садодек таниш овозлар келарди. Мен худди яна ўзимни Барселонанинг кенг хиёбонларида, Мадрид майдонларида ва Пиреней тоф ён бағирларида бораётгандек ҳис этардим.

Гўёки булар худди кеча содир бўлгандек. Вазиятга мос келадиган сўз қидириб, ўлапиб турганимда даҳлизда қўнғироқ чалинди. Бу дамда ҳеч кимни кутмаганлигим учун мен почтальон келган бўлса керак, деб ўйладим. Эшикни очгач, юрагим ўйнаб кетганлигини сездим: менинг олдимда доимо столимда турадиган, 1925 йил суратида қандай акс эттирилган бўлса шундайлигича Григорий Сироежкин турарди. Меҳмон юзимдаги эсанкирашни дарҳол пайқади. У эшикдан кириб:

- Олег Сироежкин,— деб атади ўзини.
- Үғли бўласизми?
- Үғли...

Ўша кўзлар, ўша юз, ўша жингалак соч ва бақувват эркак кишининг чайир гавдаси. У Григорий Испанияда бўлганида туғилган эди. У билан турмуш ўрготи ҳам келибди. Хушрой, малла ранг, кўк кўзли бу жувон ушбу учрашуви мизда мендан кам ҳаяжонланмади.

Испаниядан қайтгач, ўз ҳаётини бирга боғламоқчи бўлган хотиндан ўғил кўриш Григорийнинг қалб сири эди. Ўшанда мен кўз қири билан унинг чамадонида ҳали туғилмаган ўғлига ўйинчоқлар сотиб олинганини кўргандим.

Мен Олегга, у, ҳеч қачон кўрмаган отаси ҳақида узоқ вақт гапириб бердим. Назаримда, у тартибсиз ҳикоя бўлган. Ҳаяжонланиш тугамас, балки иккаламиизда ҳам баттар кучаярди. Ўғлига Испанияда туширилган суратларни кўрсатдим. Отаси ҳақидаги ҳикояни нимадан бошлаб, нима билан тамом қилишни билмасдим.

Кечки овқатдан сўнг биз учаламиз узоқ вақт Москва-нинг тунги кўчаларида юрдик.

Олег менинг ўғлимга тенг келарди. Бироқ, менда мураккаб ҳислар туғён кўтарар ва мен олдимда Григорий турибди деган фикрдан қутулолмасдим. Бунинг сабаби ота-боланинг бир-бирига жуда ўхшаганлигидан эди.

Кечаси биз уйимиздан чиқиш жойда ажралишдик. Олег эрталаб хотини билан доимий яшайдиган жойи — Ленинградга учиб кетмоқчи эди. У менинг қўлимни маҳкам қисиб такрорлади: «Узоқ умр кўринг! Кўп яшанг!» Мен бу пайт худди Грише Грандэ билан ажралишаётгандек тўлқинланиб кетдим.

## МУНДАРИЖА

Кириш сүзи ўрнида . . . . .	3
Ҳамма нарса авиациядан бошланди . . . . .	5
Валенсиядаги учрашув . . . . .	7
Мадрид — Испания юраги . . . . .	16
Сьерра-ле-Гвадаррама төгларида . . . . .	21
Биз Мадрид фронтида курашмоқдамиз . . . . .	32
Мадриднинг кундуз ва кечалари . . . . .	42
Курашдош ўртоқларимиз . . . . .	50
Үзоқ ўтмишга қайтиш . . . . .	53
«Бешинчи колонна» билан учрашув . . . . .	64
Мөхмонахонадаги сұхбат . . . . .	70
Анархистлар фронт очишмоқда . . . . .	75
«Кондор» легиони билан янги йил учрашувн . . . . .	118
«Шимол қиссаси» . . . . .	125
Яна бир оз хотиралар . . . . .	145
Каталонияга ёриб ўтиш . . . . .	151
Балеар оролларига қилинган юриш . . . . .	155
Охириги күн бирғалыкда . . . . .	182
Занжирининг узилган ҳалқалари . . . . .	184
30-йиллар бошида . . . . .	199
Испан тупропидаги охириги күнлар . . . . .	206
Тунларды келдиган садо . . . . .	208
Хеч ким олдиндан кўра олмаган хотима . . . . .	213

На узбекском языке

ЛЕВ ВАСИЛЕВСКИЙ

ИСПАНСКАЯ ХРОНИКА ГРИГОРИЯ ГРАНДЕ

повесть-воспоминание

Перевод с издания «Молодая гвардия» 1974

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1976

Редактор М. Мирзаев

Рассом В. Xожаинов

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Т. Гулак

Корректорлар: М. Юнусова, Ш. Шоумарова

Теришга берилди 17/II-1976 й. Босишига руҳсат этилди 11/VI-1976 й.  
Қоғоз № 1. Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босма листи 6,75. Шартли босма  
листи 9,45. Нашр листи 9,79. Тиражи 45000. Шартнома № 16—75. Ба-  
хоси 41 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тош-  
кент, 700129. Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва  
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 2-босмахонасида  
босилди. Янгийўл, Самарқанд кӯчаси, 44. 1976 й. Заказ № 96.